

УЛУҒБЕК МАМАТОВ



ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИДА
ТАРИХИЙ ЖАНРДАГИ
ТАСВИРИЙ САНЪАТ АСАРЛАРИ
(XX аср иккинчи ярми –
XXI аср бошлари)

**ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
КАМОЛИДДИН БЕХЗОД НОМИДАГИ
МИЛЛИЙ РАССОМЛИК ВА ДИЗАЙН ИНСТИТУТИ**

Улуғбек Маматов

**ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИДА
ТАРИХИЙ ЖАНРДАГИ ТАСВИРИЙ
САНЪАТ АСАРЛАРИ
(XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари)**

**Тошкент
«MUMTOZ SO‘Z»
2018**

УЎК: 7.044(575.1)

КБК 85.1 (5У)

М-22

Улуғбек Маматов

**Ўзбекистон маданиятида тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарлари
(XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари). – Т.: 2018. – 230 б.**

Монографияда Ўзбекистон маданиятида тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарлари (XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари) тадқиқ этилди. Бу асарлар маданиятшунослик, тарих, фалсафа ва санъатшунослик нуқтаи назаридан фанлараро таҳлилга тортилди. Китоб тасвирий санъат билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

The monograph explores the works of the historical genre of fine arts in the culture of the Republic of Uzbekistan (2nd half of the 20th - 21st centuries). The works are given an interdisciplinary study from the point of view of cultural studies, history, philosophy and art history. The book is designed for a wide range of readers interested in art.

Масъул муҳаррирлар:

К. Иноят – тарих фанлари доктори, профессор;
Ҳ. Болтабоев – филология фанлари доктори, профессор.

Таржимон ва матн муҳаррири:

Х. Исмоилов – филология фанлари номзоди, доцент.

I-II боблар тақризчилари:

С. Абдуллаев – Ўзбекистон Бадий академияси академиги, профессор;
А. Маврулов – тарих фанлари доктори, профессор;
Н. Шермухамедова – фалсафа фанлари доктори, профессор;
С. Булатов – педагогика фанлари доктори, профессор;
А. Эгамбердиев – санъатшунослик фанлари доктори.

III-IV боблар тақризчилари:

Н. Жўраев – сиёсий фанлар доктори, профессор;
А. Мирзаев – Ўзбекистон ва Россия Бадий академиялари академиги, Ўзбекистон халқ рассоми,
Давлат мукофоти совриндори, профессор;
Н. Каримов – ЎЗР ФА академиги,
филология фанлари доктори, профессор.
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори,
Қатағон қурбонлари хотира музейи етакчи мутахассиси.

Муковада “Шоҳ Заҳириддин Муҳаммад Мирзо Бобур” портрети.
Муаллиф Азиза Маматова

ISBN 978-9943-4718-7-0

© У.Маматов, 2018
© MUMTOZ SO‘Z, 2018

МУНДАРИЖА

Кириш	4
I боб. XX аср иккинчи ярмида яратилган тарихий жанрдаги Ўзбекистон тасвирий санъати асарлари	
1.1. Тарихий жанрдаги Ўзбекистон тасвирий санъати ривожининг.....	10
1.2. Дастгоҳли рангтасвир тарихий асарлари тадқиқи.....	17
1.3. Маҳобатли-безак рангтасвири ва ҳайкалтарошлик асарлари.....	33
II боб. XX аср иккинчи ярмида Ўзбекистонда таниқли рассомлар яратган тарихий шахслар портретлари	
2.1. Буюк шоир Алишер Навоӣ ва шоира Моҳларойим Нодирабегим портретлари.....	60
2.2. Тасвирий санъат усталари томонидан яратилган киноарбоблар портретлари.....	75
2.3. Тасвирий санъат усталари томонидан яратилган тарихий шахслар портретлари.....	84
III боб. XX аср охири – XXI аср бошларида Ўзбекистон маданиятида Амир Темур ва темурийлар образи	
3.1. Амир Темур ва темурийлар портретлари тарихий-бадиий тадқиқи.....	115
3.2. Тасвирий санъатнинг тарихий жанридаги асарларда акс эттирилган Амир Темур ва темурийлар даври.....	134
3.3. Тасвирий санъатда Амир Темур ва темурийлар давридаги буюк шахслар образлари.....	151
VI боб. Ўзбекистон тарихининг унутилган саҳифаларидан буюк шахслар образлари	
4.1. Мустақиллик даврида яратилган олимлар ва ҳарбий кўмондонлар образлари.....	165
4.2. Жадидлар образлари таҳлили.....	176
4.3. Тасвирий санъатнинг тарихий жанридаги асарларнинг ёшлар маънавий тарбиясига таъсири.....	198
Хулоса	211
Фойдаланилган адабиётлар	216
Иловалар	224

КИРИШ

“Ўзбекистон маданиятида тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарлари (XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари)” монографиясида маданиятимизда ноёб ҳодиса бўлиб қолган машҳур асарлар тадқиқ қилинади. Булар тарихий мазмунга эга бўлган ва Ўзбекистон тасвирий санъати усталари яратган асарлардир. Уларнинг чуқур ғоявий мазмуни ва бадиий эстетик хусусиятлари томошабинлар томонидан ижобий идрок этиляпти.

Маданият оммавий ва йиғноқ хусусиятга эга бўлади. Унинг тасвирий санъат соҳасидаги ифодавий шакли жамоатчилик томонидан санъат асарини идрок этилишининг вақт жиҳатдан давомийлиги билан белгиланади. Тасвирий санъатнинг тарихий жанридаги асарлардан иборат маданият объектларини идрок этилиши унга бўлган томошабиннинг нигоҳ ташлаши билангина эмас, балки уларни қиёсий англашига асосланади. Айнан шу йўл билан маданиятнинг турли кўринишлари жамланганда уларни ифодалашнинг олий шакли ҳисобланган санъат асари ажралиб туради. Бундай ҳолатдан тасвирий санъатнинг тарихий жанрларидаги асарлар ҳам истисно эмас.

Энг яхши асарлар ҳақида гап кетганда, уларда, кўпинча, муаллифнинг шахсий қарашлари акс этганлигини ёдда тутишимиз зарур. Аммо маданият воқелиги айнан шундан иборат. У доим одамларнинг хусусий қарашлари ва ҳаётга бўлган муносабатига боғлиқ бўлади. Фан меъёрлари ва қоидалари муаллифларга уларнинг фикрига кўра муҳим бўлган объектларни назарий тадқиқ қилиш эркинлигини беради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шуни таъкидлаш лозимки, “Илмий ишда қайсидир ҳолатларини тушириб қолдириш, ижод хусусиятларига асосий эътиборни қаратиш, ҳаётий вазиятларни эса уларга илова сифатида боғлаб қўйиш мумкин, аммо буларнинг барчаси муаллифнинг иши ва ҳуқуқи ҳисобланади. Эҳтимол рассом ҳақидаги барча маълумотлар қизиқарли бўлган бундай ишлар ва муаллифлар унинг муҳим сақловчилари ва етказувчилари ҳисобланиши ҳам мумкин”¹.

Юқорида айтилган фикрларга қўшимча сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, “Рассомларни оламдаги тиниқ, соф сувда яшайдиган балиқларнинг ноёб турига ўхшатиш мумкин. Улар ҳаётдаги якхилликка қарши чиқадилар ва шу билан ўзларини ижодкор эканлигини намоён қиладилар. Тасвирий санъат усталарининг баъзиларини моддий манфаатдорлик, баъзиларини шуҳрат, учинчиларини эса онгнинг ва ҳаётнинг ўрганилмаган томонлари қизиқтиради, мана шунинг учун рассомларнинг учинчи тоифаси биз учун қадрли ҳисобланади.

Негаки айнан изланишдан баъзан атроф борлиқдан кескин фарқ қилувчи ўз оламини яратиш, ижод қилишга, изланишга рағбат уйғонади. Ҳиссиётлардан яратилган, рассом яратган ажойиб оламдан санъат асари вужудга келади. Энг аввало у рассомнинг эркин идрокдан, ўзини бетакрор шахс эканлигини англашидан вужудга келади”².

¹ Маматов У. История одной жизни. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://gisap.eu/ru/node/41195>

² Эгамбердыев А. Мир творчества. Как зарождается искусство живописи. // Вечерний Ташкент. 2017.

Маълум тарихий даврларга хос бўлган тарихий жанрдаги воқеликка айланган баъзи тасвирий санъат асарларини муқобиллари билан солиштирган ҳолда янада ажойиб дурдоналарини кўрсатиш мумкин. Булардан тасвирий санъат усталари Неъмат Қўзибоев 1980 йили ишлаган Абу Али ибн Сино ва Фурқат портретларини; Абдулҳақ Абдуллаев 1981 йили ишлаган Алишер Навоий портретини; Жавлон Умарбеков шу йили ишлаган “Онгли инсон” асарини; 1983 йили Баҳодир Жалолов яратган “Рақсинг туғилиши” деворий суратидан Муқаррама Турғунбоева портретини кўрсатиш мумкин. “Маданиятда ноёб ҳодиса бўлиб қолган тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарлари уларда акс эттирилган воқелик тўлалигича ҳам тарихий, ҳам ахлоқий-маданий бўлгани учун худди эгизак асарлари каби тасаввур беради”³.

XX асрда тасвирий санъат асарлари яратишнинг янги тамойиллари шаклланди. Улар кўп ҳолларда академик анъаналарида ишланган аввалги тасвирий санъат асарларидан ажралиб туради. Энг аввало, асрлар давомида тасвирий санъат асарлари яратишнинг ўрнашиб қолган бадиий усулари сақланиб қолди.

Бадиий амалиётда риоя қилиниши лозим бўлган қонунлар мавжуд бўлди. XIX - XX асрлар ўртасида кескин бурилиш рўй берди. Илмий техник тараққиёт ва ижтимоий шароитларни ўзгариши ўрта асрлар классикасини, шунингдек XIX тасвирий санъатнинг стилистик йўналишларини ўз ичига олган, илгариги тарихда ишлаб чиқилган эстетик меъёрлар ва бадиий тамойилларни бузиб ташлади. Ўзгараётган ҳаёт воқелигини ҳисобга олиб яратилган тасвирий амалиётнинг назарий ва амалий базасининг мавжудлиги муҳим шарт ҳисобланади.

III асрда Ўзбекистоннинг жанубидаги Бактрия давлатида тасвирий санъат етакчи ўрин эгаллаган бадиий маданият мавжуд бўлган эди. Бу даврда рангтасвир ва ҳайкалтарошлик жадал ривожланди. Афросиёб, Далварзинтепа, Холчаён ва бошқа тарихий жойларда олиб борилган қазилма ишлар пайтидаги топилмалар бу санъат ҳақида тасаввур беради. Ўзбекистоннинг жанубини ўз ичига олган Кушон империясида шоҳлар, маликалар, шахзодалар, элчилар ва бошқалар акс эттирилган тасвирий санъат асарлари топилган.

“Кушон даври маҳобатли ҳайкалтарошлиги чексиз ҳокимиятга эга бўлган ҳукмдор образини яратишга қаратилган. Маҳаллий бадиий маданият генезиси хусусиятларини акс эттирувчи авлодлар санъатини (моҳиятан сарой санъати) пайдо бўлиши бу давр маданияти ва давлатнинг ўзаро алоқалари хусусиятларидан бири бўлиб қолди”⁴. Юқоридаги фикр шуни тасдиқлайдики, Ўзбекистон тасвирий санъати тарихий жанри ибтидоси эрамининг биринчи асрларидан бошланган узоқ тарихга эга.

XIX аср охиридан тасвирий санъатга мактабларнинг академик анъаналаридан, уларнинг картина яратишдаги санамчилик мавзуларига мурожаатидан фарқланиб туради. XIX аср иккинчи ярми Европа ва Россия рассомлари пленер рангтасвирини эгаллай бошладилар. Сезан, Моне, Ренуар, Ван Гог, Гоген каби рассомлар жаҳон маданияти дурдонаси бўлиб қолган санъат асарлари яратдилар. Россияда И.Репин, В.Серов, К.Коровин, М.Врубель каби рассомлар рангтасвирда юксак чўққиларга эришдилар.

³ Морган Т. Factor of personal harmonious development within the structure of the global society progress. 5 с. 2014 г. [Эл.ресурс]. Режим доступа: <http://files.gisap.eu/sites/files/digest/77.indd%20Internet.pdf>

⁴ Хақимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность // Институт искусствознания, АН РУз. – Т.: «San'at». 2010. с. 17.

Улардан кўпчилиги ўз асарларида халқ ҳаёти ва унинг тарихидан сахналар акс эттирдилар. Классик санъатининг ўзи эса музейларда тасвирий санъат шаклида ва академик бадиий шаклида, шунингдек ўз асарларини реалистик йўналишда яратган муаллифлар яшашда давом этди. Тарихий жанрдаги асарларда композиция тузишнинг академик усулларни қўллашнинг умумий тамойиллари Ўзбекистоннинг машҳур тасвирий санъати усталарининг ижодида етакчи йўналиш бўлиб қолаверди. Улар оммавий алоқалар тизимида, бадиий режалар эстетикасига киритилган. Россия империясининг Ўрта Осиёни босиб олиш билан боғлиқ босқинчилик юришида рус армияси билан бирга Верешчагин, Дудин, Буре, Козаков сингари рассомлар ҳам иштирок этган эди, улар ҳарбий-сиёсий ва илмий-этнографик экспедицияларда қатнашдилар. Баъзи рассомлар ўз асарларида Туркистон халқи ҳаётидан сахналар акс эттирдилар.

“Ўрта Осиёнинг XIX аср охири ва XX аср бошлари давомидаги тасвирий санъатининг генезиси ва янги шакллари ривожини ноёб тарихий-маданий феномен бўлиб қолди. Муқим, асрий, эстетик анъанага эга бўлган ўлкада глобал маданий ўзгаришлар рўй берди. XIX аср охири ва XX аср бошларида Туркистонни босиб олиш жараёнида ўлкадаги етакчи шаҳарларга янги тасвирий санъат кириб кела бошлади ва эстетиканинг европача шакллари тарғиб қилувчи кичикроқ маҳаллий марказларини ташкил қилди”⁵.

Туркистонни Россия империяси томонидан босиб олинган XIX аср охири ва XX аср бошларида янгича шакл-шамойилдаги санъат турлари шаклланди, у воқеликни европача классик мактаблар, хусусан рус бадиий академик мактаби талқини тамойилига асосланган эди. XX аср иккинчи ярми тасвирий санъати Ўзбекистон тасвирий санъатлари босқичидан бири ҳисобланган даврда вужудга келди ва ривожланди. У аввалги асрлар тасвирий санъатидан тубдан фарқ қилди. Европага хос бўлган рангтасвир, графика ва ҳайкалтарошлик сингари тасвирий санъат шакллари пайдо бўлди. Рассомлар уюшмаси таркибида тасвирий санъатнинг турли йўналишлари бўйича ўн тача секция фаолият кўрсатди.

Режа асосида кўرғазмалар ташкил этилди. Уларда рангтасвир, ҳайкалтарошлик, китоб графикаси, кулолчилик, плакат жанридаги асарлари намойиш этилди. Миллий мактабларнинг миниатюра яратиш анъанавий усуларини эгалаш тенденцияси Ч.Ахмаров, Б.Жалолов, О.Хабибулин сингари тасвирий санъат усталарининг маҳобатли деворий суратларида ўз аксини топди. Музейлар ва галереяларда М.Набиев, Қ.Носиров, В.Жмакин, В.Вико сингари рассомлар ишлаган тасвирий санъатнинг тарихий жанридаги асарлар намойиш этилди.

Таъкидлаш жоизки, баъзи асарлар қизил армиянинг босмачилар устидан қозонган ғалабасига бағишланган эди. Ярим аср ўтганидан сўнг илмий-тарихий тадқиқотлар натижасида ўзбек халқининг босмачи деб аталган қисми ўтган асрнинг 1918-1921-йилларида ўз Ватани озодлиги учун курашганлар сифатида тан олинди. XX асрнинг иккинчи ярмида тасвирий санъатдаги социалистик реализм сиёсати ва ақидаларига нисбатан салбий муносабатга қарамасдан, “нафақат миллий, балки бутунжаҳон тарихидан ўрин олган ҳаққоний равишда машҳур бўлган архитекторлар, рассомлар, актёрлар, режиссёрлар ва композиторларимизнинг ижодий даҳолиги ёрқин намоён бўлди”⁶.

⁵ Хакимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность. // Институт искусствознания, АН РУз. – Т.: «San’at». 2010. с. 278-79.

⁶ Хакимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность. // Институт искусствознания, АН РУз. – Т.: «San’at». 2010. с. 22.

Мустақиллик йиллари “Тарихнинг унутилган саҳифаларидан” Ўзбекистон халқининг кўпгина буюк вакиллари табаррук номлари юзага чиқди. Амир Темур ва темурийлар, ўтган асрда яшаб ижод қилган фан ва маданият арбоблари ва маърифатпарвар жадидлар ҳақидаги ҳақиқат юзага чиқди. Узоқ йиллар улар унутилган эди. Бугунги кунда уларнинг шахсияти ва ишлари мамлакатимиз халқи томонидан ҳаққоний баҳоланди.

“Менимча, барча кашфиёт ва илмий ютуқлар ҳақли равишда жамоатчилик мулки бўлиб қолиши керак – бу олимлар фаолиятининг энг муҳим томонидир, у нафақат илмий, балки катта сиёсий аҳамиятга ҳам эгадир. Мамлакат фуқаролари, айниқса ёшлар жуда муҳим воқеаларга бой бўлган ўз тарихини билиши лозим. Шунингдек, бу қадимий замин қайтариб берган буюк олимлар ва мутафаккирлар бебаҳо илмий меросини сақлаб қолиш ва ривожлантириш, уларнинг жаҳон тараққиётига қўшган ҳиссалари билан ғурурланиш, илм ва тафаккур соҳасида улар эришган ютуқлардан ўз мамлакати келажагини қуришда фойдаланиш зарур бўлади”⁷.

Монографияда Ўзбекистон маданиятидаги тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарларини маданиятшунослик, тарих, фалсафа ва санъатшунослик нуқтаи назаридан фанлараро ўрганилди. Мазкур иш оммабоп, замондошларимизга тушунарли тилда ёзилди.

Қадимги Эллада Афина мактабининг олимлари ўз асарларини шундай тилда ёзганлиги туфайли жаҳондаги кўпгина мамлакатлар халқларининг маданиятини ва фанини ривожланишига туртки берган эди. Лао-цзи ва Конфуций асарларида баён қилган илмий тушунчалар барчага тушунарли бўлгани учун уларни Хитой, Япония ва Корея ёшлари мактабдаёқ ўқиб ўрганганлар. Ҳозирги кунларда бу мамлакатлар ниҳоятда ривожланиб кетган.

Ўрта асрларда Ўрта Осиё мутафаккирлари Имом ал Бухорий “Ҳадис”ларини, Амир Темур “Тузуқлари”ни, Алишер Навоий “Ҳамса”сини ана шундай замондошлари учун тушунарли тил билан талқин этдилар. Айнан шунинг учун ҳам бу асарлар кўп асрлар давомида халқимиз маънавий ҳаётидан катта ўрин эгаллаб келяпти. Халқимиз бу интеллектуал-ахлоқий маданият ёдгорликларни яратган шахслар номини ҳамиша ёдида сақлайди ва қадрлайди.

Ҳозирги даврда ҳам Ўзбекистоннинг В.Зоҳидов, Ҳ.Сулаймонов, Р.Тоқтош, С.Шермухамедов, Г.Пугаченкова, шу кунларда Э.Ртвеладзе, А.Саидов, Н.Каримов, А.Ҳақимов, Д.Алимова, Э. ва Н.Аҳмедовалар сингари олимлар илмий тадқиқотлари натижаларини тушунарли тилда талқин этмоқдалар.

Тарих ва маданият сабоқлари алоҳида эътибор бериш лозим бўлган миллий онг ва ватанпарварлик туйғулари билан боғлиқ. Бу сабоқлар орқали томошабин ўзини миллат вакили сифатида англайди, ўз маданияти, ўз халқининг ахлоқий ва маънавий-эстетик қадриятларини ва бошқа мамлакат маданиятини ҳурмат қила бошлайди.

Тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарларини яратиш муаммоси тарихий шахслар ва воқеаларни сифатли акс эттиришдан иборат бўлади. Тасвирий санъат усталарининг бадиий маданияти, касбий маҳорати, сезгиси асарларнинг ғоявий тематик мазмуни сифатли акс эттирилишида кўринади. Тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарларининг бадиий тили катта кучга эга бўлади, томошабин онги ва қалбига чуқур таъсир қилади.

⁷ Ртвеладзе Э.В. О наследниках великих цивилизаций. Узбекистан на Великом Шёлковом Пути. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.silkway.uz/newsmore/5643>

Улар комил инсонни эстетик ва маънавий тарбиялашнинг муҳим воситаларидан бири ҳисобланади. Хужжатлилик, аниқлик ва маълумотларнинг ҳаққонийлиги Ўзбекистон маданиятидаги тарихий жанрлардаги тасвирий санъат асарларининг ўзига хос хусусиятларидан биридир.

XX аср охири ва XXI аср бошларида ўзбек тасвирий санъат усталари томонидан бу жанрда яратилган асарлар чуқур психологизми ва гўзаллиги билан ажралиб туради. Уларнинг юксак иқтидорлари туфайли тасвирий санъатда юқори бадииятли асарлар яратилди. “Ҳаққоний тарих инсоний идеалларнинг одатларини эмоционал мойиллик, ахлоқий қоидаларни ишлаб чиқади, улар бир миллатга мансуб одамларни бир-бирига, табиатга ва ташқи оламга бўлган муносабатини белгилайди. Бу анъана авлоддан-авлодга ривожланиб боради, халқнинг барча маънавий ва моддий маданияти ёдгорликларида акс этади”⁸.

1991 йилдан ҳозирги кунимизгача йирик Республика кўргазмаларида кузатишга қаратилган Ўзбекистон маданиятидаги миллий мактаб тасвирий санъатининг фарқи раҳбарларнинг тарихий маданий ҳодиса сифатидаги миллий этик анъаналарга бўлган эътиборида кўринади. 1991 йилдан бошлаб қисқа вақт ичида Ўрта Осиёда дастлабки уйғониш давридаги илмий ва маданий ноёб ҳодиса вакиллари бўлган Муҳаммад ал Хоразмий, Аҳмад ал Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний сингари Ўрта Осиё олим мутафаккирларнинг образини акс эттирувчи асарлар яратилди. Фан ва маданият вакиллари бўлган бу алломалар маданият ва тараққиётларнинг ўзаро уйғунлашуви ва таъсирига улкан ҳисса қўшдилар.

Шунингдек Амир Темур ва темурийлар даври вакиллариининг образлари яратилди. Булар саркардалар, ҳукмдорлар, олимлар, ёзувчилар ва шоирларнинг портретлари эди. Худди шу даврда тасвирий санъат усталари маърифат соҳасига катта ҳисса қўшган маърифатпарвар жадидлар портретларини ишладилар, бу билан ўзбек халқининг маънавий ва интеллектуал такомиллашувида туртки бердилар.

XX аср охири ва XXI аср бошларида халқимизнинг маданий ва маънавий қадриятларига, шунингдек юртимиз маданиятида ноёб ҳодиса ҳисобланган тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарларига бўлган муносабат ўзгарди. Мамлакатда улар билан чуқур таништириш асносида ҳаётга маънавий-ахлоқий муносабатни тарбиялашга катта эътибор берилмоқда. Ёзувчи Лев Толстой ўзининг “Санъат ҳақидаги рисола” асарида шундай ёзади: “Тараққиёти ва маълумотидан қатъи назар санъат одамларга таъсир қилади, картиналар, образлар, товушларнинг гўзаллиги ҳар қандай одамни мафтун қилади”.

Ўрта асрларда яшаган француз олими Марен Марсен “Италиянинг буюк ўғлони” деб атаган файласуф Томмазо Кампанелла ўзининг “Қуёш шаҳри” деб атаган асарида шундай ёзади: “Деворларда Италия тарихидан ёш авлод учун кўргазмали намуна вазифасини ўтайдиган буюк воқеаларни акс эттирувчи деворий суратлар чизилган эди, улар ёшларда фуқаролик ҳиссини уйғотарди, инсоний маданиятнинг маънавий ва эстетик қадриятларини уларнинг онгига сингдирарди”. Ўзбекистон маданиятидаги тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарлари билан ёш авлодни мактабда ўқиб юрган пайтларидаёқ таништириш керак. Шу маънода XVIII аср француз маърифатпарвари Жан Жак Руссо кўплаб қимматли маслаҳатлар берган эди.

⁸ Морозов А. Некоторые тенденции развития станковой живописи. – М.: Советский художник, 1973. с.11.

“Эмилия” деб номланган биринчи икки китобида у ёшларнинг маънавий тараққиётига сездирмай таъсир қилишни маслаҳат беради, уларнинг эркинлигини камситмай ва уларни мажбур қилмай ҳамда шу билан бирга оғишмай ва талабчанлик билан тарихий асарлар билан танишишларига раҳбарлик қилишни уқтиради. Фақат тараққий этган, маълумотли, маданиятли халқ эркинликка, ўз юртини ривожлантиришга бўлган ҳуқуқини ҳимоя қила олади. Бадий-эстетик воситалар орқали баркамол инсонни тарбиялаш тарихий жанрдаги тасвир санъат асарларининг бош вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримовнинг таъбири билан айтганда, “Агар биз Ўзбекистонимизни дунёга тараннум этмоқчи, унинг қадимий тарихи ва ёруғ келажagini улуғламоқчи, уни авлодлар хотирасида боқий сақламоқчи бўлсак, авваламбор буюк ёзувчиларни, буюк шоирларни, буюк ижодкорларни тарбиялашимиз керак”⁹.



⁹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. - Т.: “Маънавият”. 2008. 140 б.

I боб
XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДА ЯРАТИЛГАН
ТАРИХИЙ ЖАНРДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
ТАСВИРИЙ САНЪАТИ АСАРЛАРИ

1.1. Тарихий жанрдаги Ўзбекистон тасвирий санъати ривож

Ўрта асрлар миниатюраси миллий мактабларининг мавжуд хусусиятларини тасвирий санъат усталари томонидан чуқурроқ ўрганишга интилиш XX аср иккинчи ярмидаги тарихий жанрдаги Ўзбекистон тасвирий санъати тараққиётининг муҳим тамойилларидан бири бўлиб қолди. Ушбу жанрдаги йўналиш халқ бадиий анъаналарига бўлган қизиқиш, унинг ифодаси мазмуни ва, айниқса, шаклини аҳолининг тасвирий мероси билан бойитишга бўлган интилиш туфайли вужудга келди.

XX асрнинг иккинчи ярмигача бўлган даврдаги тасвирий санъатнинг барча турларидаги тамойилларнинг ўхшашлиги тараққиёт бирлигини акс эттирди, у ёш иқтидорларни очишга ҳам, ўзига хос мактаб сифатидаги тасвирий санъат умумий ўзбек мактабини шаклланишига ҳам ёрдам берди. Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейидаги коллекциялардан тарихий жанрдаги кўплаб асарларда ана шу тамойиллардан бири намоён бўлди.

Ўзбекистондаги миллий мактаб доирасида тасвирий санъатнинг бошқа турлари каби тарихий жанр ҳам XX асрнинг иккинчи ярмида жадал ривожланди. Миллий мактабнинг ўзига хослигини қандайдир умумий хусусиятларга тақаб бўлмайди. У бу хусусиятларнинг бетакрорлигида намоён бўлади, уларнинг ҳар бири алоҳида олинган ҳолатда ҳам умуминсоний мулк ҳисобланади. Ўзбекистонда бу даврларда яратилган тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарлари томошабин кўз олдида фикрлар, ҳиссиётлар ва шакл-шамойил, усулларнинг кўпқиррали рангинлигини намоён қилади. Зеро, бунда уларнинг ўзига хослиги ташқи кўринишларидагина эмас, балки рассом онгининг чуқур қатламларида ва унинг халқининг маданий тажрибасида вужудга келади.

XX аср иккинчи ярмидаги миллий тасвирий санъат мактабининг муҳим фарқларидан бири Ўзбекистондаги йирик республика кўрғазмаларида кузатилди, рассомнинг тарихий воқелик сифатидаги миллий эстетик анъаналарга эътиборида кўринди. Ҳаққоний тарих урф-одатларни, жўшқин майлни, инсоний тимсолларнинг ахлоқий қонунларини белгилаб беради, улар бир миллатга мансуб инсонларнинг бир-бирига, табиатига ва ташқи оламга бўлган муносабатини кўрсатади. Бу анъана авлоддан-авлодга ўсиб бораверади, халқнинг маънавий ва моддий маданиятининг барча ёдгорликларида ўз аксини топади.

Рассом шахс сифатида шаклланиб боргани сайин ўз халқи анъаналари, ҳаёт тарзини ўзида сингдириб бораверади. Ҳар бир катта тасвирий санъат асарлари учун долзарб бўлган миллий этик ўз-ўзини англаш муаммосининг мураккаблиги шунда. Ўтган асрнинг бошлари ва иккинчи ярмида Ўрта Осиёга, хусусан Ўзбекистонга олиб келинган европача классик тасвирий мактаб тили ўзбек тасвирий санъат мактаблари, хусусан ўрта асрлар миниатюралари миллий бадиий анъаналари билан уйғунлашиб кетди. Оламни бадиий акс эттириш тилининг бу уйғунлашуви ижодий изланишлар ва тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарини яратиш жараёнида тарихий мавзулардаги деворий суратлар ва рангтасвир асарларида ўз аксини топди.

Таниқли санъат усталари Малик Набиев, Чингиз Ахмаров, Раҳим Аҳмедов, Абдулҳақ Абдуллаев, Неъмат Қўзибоев, Рўзи Чориев, Саъдулла Абдуллаев, Жавлон Умарбеков, Баходир Жалолов кабилар ўз асарларини шундай яратдилар ва яратмоқдалар.

Улар яратган асарлар Ўзбекистон ва хориждаги кўплаб музейлар, галереялар, давлат муассасаларида намойиш этилмоқда. 1939 йили Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейини ташкил этилиши бу давр тасвирий санъати ривождаги асосий омиллардан бири бўлди. Музей буюк шоир таваллудига 500 йил тўлиши муносабати билан ташкил этилди.



**Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги байрами.
Тошкент, Навоий кўчаси. 1968 йил.**

“1958 йили музей Ўзбекистон Республикаси фанлар академияси Тил ва адабиёт Институти қошида ташкил этилди. 1967 йили 18 ноябрда ЎзССР Министрлар совети Қарори билан музей Ўзбекистон фанлар академияси илмий-оқартув муассасаси мақомига эга бўлди. 1976 йили Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи қошида қўлғамалар Институти ташкил этилди. 1989 йил 13 сентябрда музей илмий-маданий муассаса бўлиб қолди”¹⁰.

Ўзбекистон маданиятида маънавий-моддий воқеа бўлиб қолган адабиёт музейи ва қўлғамалар Институтини ташкил этилиши энг аввало йирик олим, адабиётшунос Ҳамид Сулаймонов (1911-1979) номи билан боғлиқ. Ўтган асрнинг 1930 йилларида у ёзувчи Саид Аҳмад ва бошқа Ўзбекистон зиёлилари қаторида қатағон қилинди. 1940 йиллар охири ва 1950 йиллар бошларида Ҳамид Сулаймонов озодликка чиққач, бутун хаётини буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоийнинг ижодий меросини ўрганишга бағишлади.

¹⁰ Государственный музей литературы имени Алишера Навои. [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://ru.wikipedia.org/wiki/Государственный_музей_литературы_имени_Алишера_Навои

Таъкидлаш жоизки, ўзбек зиёлилари ва нафақат ўзбек, балки бошқа касбдаги кўплаб машхур шахсларнинг ўлимига сабаб бўлган қатағоннинг фожевий оқибатларига қарамасдан, “Санъат халқниқидир” шиори совет ҳокимиятининг маданиятдаги бош шиори ҳисобланар эди.

Тошкент вилояти ижроия комитетининг кўркам биноси урушдан кейин Алишер Навоий номидаги музейга берилган эди. Унга Ҳамид Сулаймонов директор этиб тайинланди. Музейга ноёб қўлёзмалар, Алишер Навоий ҳаёти ҳақидаги китоблар, тарихий ва XX аср иккинчи ярми халқ ҳаётига бағишланган тасвирий санъат асарлари оқиб келди, ярим аср ўтгач уларнинг барчаси ҳам тарихий асарларга айланди.



**Филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймонов турмуш ўртоғи Фозила Сулаймонова билан.
Фото З.Ашрабова архивдан.**

Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи 1968 йили расман очилди, унга халқ оқиб келди. Очилишида кўплаб хорижий, бошқа Республикалардан, Ўзбекистон Республикасининг барча вилоятларидан келган кўплаб меҳмонлар иштирок этди. Музейни очилиши буюк шоир таваллудига 525 йил тўлишига бағишланди. Музейнинг очилиши олимлар, адабиётчилар ва рассомларни буюк шоир ҳаёти саҳифалари ҳақида янгидан-янги асарлар яратишга илҳомлантирди.

Умуман жамиятда ва узоқ хорижда ҳам буюк шоир Алишер Навоий ҳақида эшитмаган одам кам топилади. Музей расман очилганидан кейин унинг директори кўп мартаба хорижга хизмат сафарига бориб келди. Хизмат сафаридан у Камолиддин Бехзод ва унинг шогирдлари миниатюра асарларидан, қўлёзмалардан, литографиялардан нусхалар, Алишер Навоий даврига тегишли бўлган тасвирий ва амалий санъат асарларидан фотонусхалар олиб келди.



**Институт ходимларидан иборат илмий экспедиция Ленинградда.
Фото З.Ашрабова архивдан.**

Кўп йиллар давомида музейда бадиий эксперт комиссияси ишлади. Шунинг таъкидлаш лозимки, Алишер Навоий номидаги музейда сақланаётган XX асрнинг иккинчи ярмида яратилган тарихий жанрдаги кўпгина тасвирий санъат асарлари юксак бадиий савияга эга. Бу асарлар савияси Ҳамид Сулаймонов, Раҳим Аҳмедов, Чингиз Аҳмаров, Неъмат Кўзибоев сингари машҳур олимлар ва rassomлар аъзо бўлган мартабали эксперт комиссияси томонидан кўп бора муҳокама қилинган эди, негаки музей директори ўша даврдаги энг етук Навоийшунослар, шунингдек, тасвирий санъатнинг барча турлари усталаридан иборат энг яхши мутахассисларни йиғган эди.

Ярим асрдан кейин уларнинг сотиб олинган экспонатларнинг сифати ҳақидаги фикрлари ўз тасдиғини топди. Музейда тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарларининг кўплаб турлари йиғилган эди. Булар рангтасвир, графика, деворий суратлар, ҳайкалтарошлик, гобелен кабилардан иборат бўлган эди. Улардан кўпчилиги сотиб олинган бўлиб, Чингиз Аҳмаровнинг деворий суратлари эса Ҳамид Сулаймонов ҳаётлиги чоғида ишланган эди. Музейда 17 мингдан ортиқ санъат асари ва 65 минг литографик китоблар сақланади. Улар музейнинг тўрт қаватида намойишга қўйилган ва XV-XX асрлар маданияти ва санъатини акс эттиради.

Иккинчи қаватда Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Мирзо Бобур даврлари ҳақида ҳикоя қилувчи заллар бор. Ўзбек классик адабиёти, рус ва Европа адабиёти, жадид маърифатпарварлар образларини акс эттирувчи тасвирий санъат асарлари, литографиялар учинчи қаватдаги залларда жойлашган. Музейда мингдан ортиқ қўлёзмалар асраб-авайлаб сақланаётган фонд бор.

Шунингдек музейнинг иккинчи қаватида Алишер Навоий даврини акс эттирувчи тарихий жанрдаги асарлар намоишга қўйилган. Улар Алишер Навоийнинг ижодига, адабий меросига, қўлёзма нусхаларига, ҳайкаллари ва рангасвир портретлари, шоирнинг ҳаётдан ҳикоя қилувчи тасвирий санъат асарларига бағишланган. Тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларидан иборат бой коллекция зиёлилар ва талабалар эътиборини тортади.



ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи экспонатлари.

Ўша йиллари тарбия ва таълим тизимида заковат ва ижоднинг роли ошган эди. “Ижод фақат маълум ижтимоий муҳитда бўлиши мумкин. Фақат маълум муҳитдагина кашфиётларга, улардан жамоатчилик ҳаётида фойдаланишга қизиқиш бўлиши мумкин, ижтимоий муҳитнинг ўзи эса маданиятнинг ноёб ҳодисаларидан бири ҳисобланади”¹¹. Айнан шу қулай муҳит туфайли бу йилларда Алишер Навоийнинг ижод намуналарини янги нашрлари ва унга бағишланган ижодий ва бадиий асарлар кўплаб яратилди.

Музейлар, кўргазма заллари ва маърифий ташкилотлар ўнлаб йиллар давомида кенг томошабинлар оммасини эстетик тарбиялаш тажрибасини орттирдилар. Санъат ва томошабинлар ўртасида ҳақиқий мулоқотни чуқурлаштириш ва кенгайтиришга ёрдам берувчи иш шакллари зарур бўлди. Масалан XX аср иккинчи ярмида Давлат санъат музейини рассом Сомиқ Абдуллаев ва етакчи санъатшунос мутахасислар томонидан маҳорат билан бошқарилганлиги туфайли музейга томошабинлар жалб этиш учун кўп ишлар қилинди. Бу маскан Республиканинг турли бурчакларидан келган халқ оммаси кўп ташриф буюрадиган музей бўлиб қолди, бу ерга кўплаб хорижий меҳмонлар келиб, тарихий мавзудаги кўплаб рангасвир асарлари бўлган музей экспонатлари билан танишяптилар.

¹¹ Ахмедова Э.Р., Габидулин Р. Культурология мировая культура. – Т., 2001. с. 46.

Тасвирий санъатнинг тарихий жанри XX асрнинг иккинчи ярмида тасвирий санъат тизимига замон мафкурасининг тазйиқига қарамай, санъат усталари томонидан яратилган асарлар туфайли катта ўрин тутди.



Ўзбекистон Давлат санъат музейи.

Музей ривожининг ҳар бир босқичи мазмуний теранлик ва ифодавий воситалар бойлигини янгилаш ва изланишлар омили бўлиб хизмат қилди, ўз даврининг етакчи йўли ва шакл-шамойили тамойилларини ифодалади. Ўша даврларда яратилган тарихий жанрдаги асарлар эзгулик ғоялари билан йўғрилган ҳаёт туфайли вужудга келди. Бу ғояларга хурмат Ўзбекистонда давлатчилик қурилишида кўп хизмат қилган ва маданиятимизнинг маънавий ва моддий бойлигини яратган олимлар, ёзувчилар ва бошқа барча касб эгаларига эҳтиром саналади.

“Ҳар қандай давлат бу бутун жамиятни яратиш натижасидир. Яратувчанликни эса ижодий тафаккур ва меҳнатсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Одамлар турлича бўлганлиги туфайли ўз шахсиятига хос ва хилма-хил фикрлайди ва ҳаракат қилади. Шу сабабли тараққий этган, илғор давлатни шакллантириш узоқ давом этадиган, ижодий жараён ҳисобланади. У кўплаб одамларнинг яратувчанлик фаолиятини қамраб олади. Улар умумий мақсад учун ўз ҳаловатидан кечганлар”¹².

Буларнинг барчасида Ўзбекистон тасвирий санъати тарихий жанрдаги асарларига хос бўлган маълум халқона тарбиявий йўналиш жамланган. У ўз навбатида табиатига, халқни маънавий тарбиялашдек ўз ижтимоий вазифасини бажаришга интилади. Бу жараён тасвирий санъат танқиди ва уни оммалаштириш билан шуғулланаётган гуманитар соҳалар мутахассислари олдида янги вазифалар қўйди.

¹² Морган Т. Cultural and historical development of the society as the dynamic expression of the self-learning human existence. 5с. 2016 г. [Эл.Рес.] Режим доступа: http://files.gisap.eu/sites/files/digest/119.indd_site.pdf

Тасвирий санъат тарихий жанри тараққиёти манфаати юзасидан тасвирий санъат усталарининг барча ижодий изланишларини маданиятшунослик ва санъатшунослик нуқтаи назаридан акс эттирувчи ва англовчи жорий бадиий амалиётни муфассал таҳлил қилиш талаб этилади. Бевосита томошабинлар оmmasига қаратилган тарғибот ишлари ниҳоятда муҳимдир.

Бунда музейларда, бадиий галереялар ва кўргазма залларида ишлаётган мутахассислар тажрибасига эҳтиёж ортаверади. Янги ғоялар, мавзулар, ҳаёт талаблари асосида ифодавий усуллар кабилар билан бойиб, янгиланиб бораётган тасвирий санъат тарихий жанрларидаги асарлар томошабинларда кўплаб саволларни уйғотмоқда. Омма ва тасвирий санъат тарихий жанрлари ўртасидаги мулоқот самарали бўлиши керак. Аммо, шуни унутмаслик керакки, тасвирий санъатдаги ижодий тафаккурнинг жонли ҳаракати нафақат ижодкорлар, балки ижод намуналари томошабинлари орасида ҳам ўз устида маънавий ишлар олиб боришни талаб қилади.



1.2. Дастгоҳли рангтасвир тарихий асарлари тадқиқи

Ушбу бобнинг иккинчи фаслида XX асрнинг иккинчи ярмида тасвирий санъат усталари томонидан яратилган машҳур тарихий асарларини вужудга келиш жараёнлари тадқиқ этилади. Фанлараро тадқиқот маданият ва санъат назарияларининг аналитик услуби методлари синтезида олиб борилади. Тарихий асарларнинг маънавий асослари (ғояси, сюжети, мавзуси), уларни англашнинг мафкураси ва фалсафаси, шунингдек тарихий асарларни безакдор юза ва хажмий-маконий услублар билан яратилиши ўрганилади.



Р.Аҳмедов. “Шоира Саида Зуннунова ва ёзувчи Саид Аҳмад”. 1978 йил.

Раҳим Аҳмедов. Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланган ва мойбўёқда 1978 йили ишланган, шоира Саида Зуннунова ва ёзувчи Саид Аҳмад суҳбати тасвирланган сурат Ўзбекистон халқ рассоми Раҳим Аҳмедовнинг ажойиб асарларидан бири ҳисобланади. Бу икки иқтидорли инсонларнинг муҳаббати ва дўстлиги ҳақидаги асардир. Асар тасвирланган қаҳрамонларнинг қалбан ва ҳаққоний муносабатлари акс эттирилганлиги билан томошабин эътиборини тортади.

Ям-яшил дарахтларда ҳам, худди табиат каби уйғонаётган эрта тонгнинг соф ҳавоси сезилиб туради. Эрталабки шабодада дераза ўртасига букламлаб йиғиб қўйилган оқ парда хилпираб турибди. Ёзувчи ўзининг турмуш ўртоғи ва сафдошига янги ҳикоя сюжети бўлса керак, қандайдир қизиқарли воқеа ҳақида берилиб гапириб берапти. Шоира бошини қўлларига қўйиб, ўз дўстининг ҳикоясини диққат билан тинглапти. Асар шоирона ёрқин ва гўзал ишланган.

Асар воқеаси инсонлар тез орада ёрқин келажак бўлишига чин дилдан ишониб юрган XX асрнинг саксонинчи йилларида Ўзбекистон Ёзувчилар ижод уйида бўлиб ўтапти. Бу уларнинг кўнгилларига ишонч солиб ҳаётини ёрқинлаштирган эди. Бор-йўғи икки ўн йилликдан сўнг, бу ишонч тошга урилган шишадек чил-чил синади, эрталабки тумандек тарқаб кетади.

Тез орада шоира бу дунёни тарқ этади, Саид Аҳмад эса яна узок йиллар бу жойда яққа ўзи яшайди, баъзангина у ёқ бу ёққа чиқиб келади. Ажойиб иқтидорли ва нигоҳи ўткир рассом Раҳим Аҳмедов ана шу икки адибнинг бахтли лаҳзаларидан бирини ўзининг бетакрор асарида акс эттира олди. Ижодкорнинг қуйидаги фикрлари буни исботлаб туради: “Менинг учун рангасвир - бу поэзиядир, манзара - бу мусиқа, поэзия ва рангасвирни уйғунлаштиради. Мен шеърятни жуда яхши кўраман. Ёшлигимда ҳатто шеърлар ҳам ёзганман”¹³.

Саъдулло Абдуллаев. “Рассом яхши касбий тайёргарликни ўтади. У П.П.Беньков номидаги рассомлик билим юртида ўқиди, у ерда Б.И.Токминдан таҳсил олди, сўнгра И.Е.Репин номидаги рангасвир, ҳайкалтарошлик ва архитектура Институтида олий маълумот олди. С.Абдуллаев Ленинградда театр безаги рангасвири устози А.И.Сегалдан маҳорат сирларини ўрганди. Кейинчалик гарчи у театрда ишламаган бўлса-да, ўз устозидан кўп нарсани ўрганди, шу билан бирга, у маконий тафаккурлаш ва композицион тўхтамларни мизансаҳналаштириш кўникмаларини ҳосил қилди”¹⁴.

Рассом ёшлигида Алишер Навоийнинг лирикасини ўрганди. П.П.Беньков номидаги рассомлик билим юртидаги диплом ишини шоирнинг “Лайли ва Мажнун” достони мавзуси асосида ҳимоя қилди.

С.Абдуллаев ўз ижодий фаолиятини Ленинграддаги И.Е.Репин номидаги рангасвир, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтини тамомлабоқ бошлаган эди. Тошкентга келгач, у ўз замондошлари ҳақида асарлар ярата бошлади. Унинг эътиборини ёш архитекторлар, актёрлар, Алишер Навоий театри ёнида ўз болалари билан сайр қилиб юрган ёш оналар тортди.

Шу йиллари С.Абдуллаев фан ва санъат соҳалари вакиллари ҳақида ҳам асарлар яратди. Кейинчалик бу мавзу унинг эътиборини тортмай қўйди. Бу маънавий қадриятларга қайта баҳо берилаётган ўтган асрнинг 80-90-йилларида рўй берди. Бу йиллар барча ижодкорлар учун катта ўзгаришлар йили бўлди.

70-90-йилларида С.Абдуллаевнинг ижодида шоирона талқин этилган замонавий шаҳар мавзуси асосий ўрин эгаллайди. 1976 йили ишланган “Ёш архитекторлар” асарида бўлажак архитектура иншооти лойиҳасини муҳокама қилаётган ёшлар акс эттирилган, улар очиқ дераза ёнида турганликлари учун унинг ортида пойтахтнинг ҳиёбонлари, кўчалари, кўп қаватли уйлари, кўкаламзорлари кўзга ташланади. Ёшлар ўша давр модасида кийинган.

¹³ Памяти мастера. // art San'at. Выпуск №1, 01.01.2012. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://sanat.orexca.com/2012-rus/2012-1-2/master-2/>

¹⁴ Лаковская Л.В. Династия Художников. [Эл.ресурс]. Режим доступа: <http://art-blog.uz/archives/19439>

Стол устида турган бинонинг кичикроқ модели ҳозирги XXI асда қурилаётган биноларни ёдга солади. Бунда рассомнинг келажакни кўра олиш хусусиятини сезиш мумкин. Композицияда тус доғлари ва шаклларининг умумий муносабати кузатилади. Асардаги ранглар нозик дид билан танланган. Сурат услуби лўнда, архитекторлар кийимларида маҳаллий ранглардан фойдаланилган. Суратдаги барча жиҳатлар уйғунлашган ва 70-80-йиллар руҳини беради. Бу сурат 1977 йили Москвадаги ёшлар кўргазмасида намоиш этилди ва томошабинлар эътиборини тортди.



С.Абдуллаев. “Ёш архитекторлар”. 1976 йил.

1974 йили яратилган “Тошкент оқшомы” асарида жазирама кундан сўнг оқшомги салқинда шаҳар бўйлаб сайрга чиқиб, анҳор бўйидаги ўриндикларда ўтирган қизлар тасвирланган. Композициядаги қоматлар ва анҳор бўйламасига жойлаштирилган, асар илиқ ранглар билан бирга совуқ рангларда ишланган, ўнг томонда четда турган қиз кийими илиқ рангда тасвирланган. Қиз кийимидаги ранг, сурат ранглари мутаносиблаштирилган ва ёз оқшомининг илиқлик ҳиссини беради. Қизнинг бутун қиёфаси ва ҳаракатлари шакл-шамойили XX аср иккинчи ярми руҳига мос келади.



С.Абдуллаев. “Тошкент оқшоми”. 1974 йил.

“Шуни қониқиш билан таъкидлаш лозимки, рассомнинг асарлари маданиятимиз тарихига кириб борди, санъатда уларнинг ўз ўрни бор. Унинг ўзи ҳам ўз ишини юксак маҳорат билан бажармоқда. Бу мода ортидан қувмайдиган шахс. У ниҳоятда иқтидорли ва теран инсондир. Унинг асарлари майин шакл-шамойили, ранг ва ёруғлик уйғунлиги билан ажралиб туради. Рассомнинг барча қаҳрамонлари нафақат оламни кузатади, балки бир-бири билан уйғунлашиб кетади.


Юқоридагиларнинг барчасини унинг картиналарида очик ойдин кўриш мумкин. Рассомнинг барча асарларини биргаликда қаралса, рассомнинг қалби аниқ кўринади. Барча асарларида пойтахтимиз Тошкентга бўлган муҳаббати уфуриб туради. Унинг асарлари нафақат ниҳоятда уйғун, балки теран миллий ҳамдир.

С.Абдуллаевнинг қаҳрамонлари айнан мамлакатимиз фуқароларидир. Бу нафақат қишлоқ, балки шаҳар одамлари тасвирланган асарларга ҳам тегишли. Унинг қадри шунда, рассомнинг асарлари бошқа ҳеч кимникига ўхшамайди. Сурат пастадаги ёзувни ўқимасданок асар С.Абдуллаевга тегишли эканлиги дарҳол билинади, негаки ижодкор ўзининг шакл-шамойил лисонига ва рангтасвирда ўз услубига эга”¹⁵.

Рассом С.Абдуллаев асарлари композицияси содда ва тушунарли, уларда давр ва одамларни аниқ кўриш мумкин. Асар қаҳрамонлари кайфияти ҳам, ранглар ҳам, шакл-шамойил ҳолатлар орқали берилади. Унинг асарлари катта образли поэтик мазмунга эга ва бу рассом ижодини “рангтасвир артистизми мактаби” сифатида талқин этиш мумкин, бу эса ижтимоий, эстетик маънодаги муҳим воқелик ҳисобланади.

¹⁵ Борис Б. Академик Сагдулла Абдуллаев подготовил к своему юбилею персональную выставку. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.kultura.uz/view_3_r_5391.html

Бу рассом ижодида гўзаллик ҳақидаги тасаввур шаклланган. У рассомнинг онгида мустаҳкам эстетик қатламни ташкил этади. Рассом дунёқараш ва шахсий қарашлари шаклланган ёрқин инсон ҳисобланади. Унинг асарлари ҳақида гап кетганда теран тафаккур, қарашлар маданияти ва юксак маҳорати таъкидланади.



Ж.Умарбеков. “Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ёшлиги”. 1968 йил.

Жавлон Умарбеков. Рассом 1968 йили “Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ёшлиги” асарини ишлади, у ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейида сақланади. Рассом ўзигагина хос бўлган ижод услубига, шаклланган дунёқарашга ва санъат вазифаларига шахсий қарашига эга. “1968 йили Москва ВГИК талабаси эканлигидаёқ у “Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ёшлиги” асарини кўргазмага қўйган эди. Бу асар муаллифининг маҳорати, ўзига хос услуби кўпчиликнинг ёдида қолди”¹⁶, - деб ёзган эди санъатшунос академик Нигора Аҳмедова.

“XX аср 60-йиллар охири 70-йиллар бошларида Ж.Умарбеков шарқ миниатюралари жанрини ўрганди ва ўзининг онгига жойлаб олди ва “Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоийнинг ёшлиги” сингари асарларида ундан кенг фойдаланиб ёрқин образлар ва рангин кўринишлар яратди.

¹⁶ Аҳмедова Н.Р. Исполнилось 70 лет одному из ведущих художников страны, академику Академии художеств Узбекистана Джавлону Умарбекову. [Эл.р]. Реж.доступа: http://kultura.uz/view_8_r_7288.html

Муаллиф ўзи ёқтирган ранглар ва туслардан ниҳоятда усталик билан фойдаланди. Рассомлик мактабининг моҳирлик маҳорати ва унинг ранг-тус танлаш малакаси бениҳоя уйғунлашиб кетди. Унинг асарлари ранг-тусларга ниҳоятда бой, қалб эркинлигининг хилма-хиллиги рамзи бўлиб қолди¹⁷. Асарда суҳбат қуриб ўтирган икки ўсмир қиёфаси акс эттирилган. Ёш Алишер чап қўлида китоб ушлаб турибди ва ўз шеърларини Ҳиротнинг бўлажак ҳукмдори Ҳусайн Бойқарога ўқиб берапти. Ҳусайн безакдор шахзода кийимида, у ҳурмат юзасидан чап қўлини кўкрагига қўйиб Алишерни диққат билан тинглаяпти.

Алишер тилларанг тўн кийган, бошида қизил қалпоқ. Деразининг у ёғида иккита от кўриниб турибди. Асар безакдор юза усулида ишланган. Асарда муаллифнинг Ҳирот миниатюра мактаби анъаналарига мурожаати кўриниб турибди, шунга қарамасдан у қиёфаларни анатомик жиҳатдан аниқ ифодалаган, бу унинг академик, реалистик таълим олганлигидан дарак беради. Улкан соф, маҳаллий ранглар асарга байрамонлик бахшида этади, томошабинларга эса эзгулик улашади. Маълумки, бу икки иқтидорли тарихий шахсларнинг дўстлиги бутун умр давом этди ва улар учун самарали бўлди.




Н.Кўзибоев. “Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро”. 1968 йил.

Бу асарнинг давоми сифатида шу 1968 йили рассом **Неъмат Кўзибоев** ишлаган “Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро” асарини келтириш мумкин. Ж.Умарбековнинг “Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ёшлиги” асаридан фарқли, Н.Кўзибоевнинг қахрамонлари етук ижодкор сифатида тасвирланган. Асар учун нозик, маънодор ранглар танланган. Сурат анъанавий классик мактаб усулида чизилган, бу образларнинг миллийлигини ифодалашга ҳалақит бермаган, суратдаги ички муҳит ва Ўрта Осиё табиатини рангинлиги ишончли берилган.

1977 йили Ж.Умарбеков “Қатта сув” номли дастлабки эътиборга молик асарини ишлади, бу ўзбек халқи меҳнатига мадҳия бўлиб қолди. “Қуёш худди ерга олов пуркаётгандек.

¹⁷ Эгамбердиев А. Созидательная сила таланта. // Вечерний Ташкент. 2017.

Ҳамма ёқда одам. Қурилиш шовқинига карнай овозлари уйғунлашиб кетган, гўё меҳнаткашлар ҳаракатига оҳанг бериб тургандек. Олдинги планда офтобда тобланган йигитлар кетмон ва метин билан ер қазияптилар. Одамлар ҳаракати бир-бирига мос. Уларнинг юзлари меҳнат кўтаринкилиги билан бўғриққан. Яқин атрофда самоварлар қайнапти, чарчаган одамларни бир пиёла чой билан дам олишга чорляпти. “Мен бундай асар яратишни бурчим деб ҳисобладим, - дейди Ж.Умарбеков, - гарчи бу мавзуда кўплаб таниқли рассомлар асар яратган бўлса ҳам, мен ҳам ўз ҳиссамни қўшмоқчи бўлдим. Сув учун кураш Ўрта Осиё халқларининг азалий муаммоси ҳисобланади. Янги ўзлаштирилган ерларга сув керак, агар сув берилса беҳисоб буғдой, пахта ва бошқа мева-чевалар олиш мумкин”¹⁸.



Ж.Умарбеков. “Катта сув”. 1977 йил.

Ўзбекистон халқи қисқа вақт ичида машҳур катта Фарғона каналини қуриб, кўп жойларни оби-ҳаёт билан таъминлади. Сураат қайноқ кунлар рамзи бўлиб қолган олов рангларда ишланди, одамлар бу ерда хормай-толмай ишлар эди. Бу фидойий, қаҳрамонлик меҳнати эди. Бу меҳнат симфонияси асарда ёрқин кўрилади, метин ва кетмон билан қуролланган кишиларнинг жадал ҳаракатлари тасвирланди. Ўзбек халқининг ўзининг қаҳрамонона меҳнати билан Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очди. XX асрнинг 30-40-йилларида ҳали қудратли техникалар бўлган эмас, фақат кишиларнинг катта ташаббускорлик хоҳиши билан катта сув келадиган канал қурилди.

¹⁸ Джалалова Д. Умарбеков Джавлон. [Эл.ресурс]. Режим доступа: <http://babanata.ru/?p=18008.html>

Зарурат халқни қўл меҳнати билан ушбу канал барпо қилишга ундади. Бу асарни мексикалик рассом Диего Рибейранинг асарлари билан қиёсласа бўлади, у ўзининг кўплаб деворий суратлари ва картиналарида кампесинос-деҳқонларнинг оғир жисмоний меҳнатини куйлаган. Сурат чизиш услуби ёруғлик доғларининг бутунлиги, асар қаҳрамонлари қоматларининг бурчаксимон эгилганлиги ва уларнинг жадал ҳаракатларида ҳам ўхшашликни сезиш мумкин. Жавлон Умарбеков ҳар бир шахсни ўзига хос тасвирлаш устаси ҳисобланади. Унинг ҳар бир асарида муаллифнинг ўзига хос бўлган қайноқ хислат ва маҳорати, ғоявий-ижодий интилишлари ўз аксини топди.

“Онгли инсон”¹⁹. 1980 йили ишланган Ж.Умарбековнинг “Онгли инсон” сурати ана шу даврлардаги асарларидан бири ҳисобланади. Асар Ўзбекистон Давлат санъат музейида сақланади. Бу суратда ўтмишда яшаб ўтган фан ва маданият буюк арбоблари тасвирланган. Бу ерда шоир Алишер Навоий ва қадимги юнон файласуфи Арасту, ҳамда XX аср олими Альберт Эйнштейн ёнма-ён тасвирланган. Абу Али ибн Сино ва Абу Райҳон Берунийнинг ёнида рус химиги Дмитрий Менделеев тасвирга олинган.

Рассом Азиза Маматова шундай хотирлайди: “И.Е.Репин номидаги Ленинград рассомлик институтининг 3-4-курсларида ўқиб юрганда мен, Саъдулла Абдуллаев, Баҳодир Жалолов уччовимиз Жавлоннинг таклифига кўра у таҳсил олаётган институтининг ётоқхонасига, Москвага бордик. Москвадаги В.И.Суриков номли рассомлик институтида таҳсил олаётган ҳамюртларимиз Алишер Мирзаев, Шуҳрат Абдурашидов ва Отахон Ҳамдамов (иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган иқтидорли рассом Ҳамдамийнинг жияни) ҳам келган экан. Отахон Ҳамдамов билан Тошкентда рассомлик билим юртида бирга ўқиган эдик. Биз Жавлон ўқиётган Бутуниттифоқ Давлат Кинематография институти (БДКИ) ётоқхонасида учрашдик. Ўша пайтда у “Онгли инсон” асарининг дастлабки эскизларини бизга кўрсатган эди.

2012 йил 5 октябрдаги интервьюда рассом шундай деган эди: “Онгли инсон” асари буюк олим Абу Али ибн Сино юбилейига бағишлаб чизилган. Дастлабки пайтда Алишер Навоий, Ҳусайн Бойқаро, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Бобур сингари Моварауннахрнинг машҳур кишилари ҳақида маҳобатли асар яратиш ғояси пайдо бўлган.

Биринчи бўлиб Абу Али ибн Сино суратини ишлашни ният қилдим. Дастлаб нимадан бошлашни билмадим. Портретини яратсаммикан ёки ҳаёт фаолиятини акс эттирувчи сурат чизсаммикан, деб ўйладим. Негаки у жаҳондаги қомусий олимлардан бири бўлган эди-да. Уни қиёслаш мумкин бўлган машҳур олимлар рўйхатини тузишга тўғри келди. Катта рўйхат пайдо бўлди. Уларнинг қиёфасини бир асарга сиғдириб бўлмас эди. Шунинг учун рўйхатдагилардан Абу Али ибн Сино билан суратда ёнма-ён туриши мумкин бўлган буюкларни танлаб олишга қарор қилдим. Ўзига хос тасвирий санъат асари яратишга қарор қилдим. Абу Али ибн Сино бутун ҳаёти давомида саёҳат қилди, ўзининг эътиқодига мос келадиган одамни узоқ қидирди ва ниҳоят, Хоразмдаги Маъмун академиясига келиб Абу Райҳон Беруний билан танишди. Сўнгра сурат композицияси топилди, буюк олим томонидан ҳақиқатни изланиши сюжет асосини ташкил этди. Асар моҳиятини тасвирий тил орқали очишдек қийинчилик олдинда турар эди. Бекорга халқда ҳақиқат очикда бўлади, деган гап юрмайди.

¹⁹ Маматов У. Размышление о картине художника Джавлона Умарбекова «Человек Разумный». с. 161. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://gisap.eu/sites/default/files/xvii_konferenciya_www.pdf

Бунга Италия Уйғониш даври рассоми Сандро Ботичеллининг “Венеранинг туғилиши” асаридаги Венера образи шундай ҳақиқат рамзи бўлиб қолди. Образли қилиб айтадиган бўлсам, мен “Венерани ўз асаримга таклиф қилдим”. Кўпчилик бу рамзни тушунмади ва мендан нима учун Ботичелли Венерасини асаримга олиб кирганлигимни сўрашди. Мен уни ҳақиқат рамзи сифатида ўз асаримга киритганлигимни айтдим”.



Ж.Умарбеков. “Онгли инсон”. 1980 йил. Лавҳа.

Шу билан асарда композиция маркази пайдо бўлди ва рассом буюк шахслар образини бу ҳақиқат атрофида жойлаштирди. Кейинги суҳбатда Ж. Умарбеков ўз асари ҳақидаги суҳбатда шундай деган эди: “Чапдан ўннга, биринчи қаторда мен ҳам рассом, ҳам шоир бўлган ва жуда мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган Камолиддин Бехзодни тасвирладим. Ёнида антик давр мутафаккирларидан бири Арастуни тасвирладим, у Искандар Зулкарнайннинг устози бўлиб, унга Шарққа йўл кўрсатган эди.

Арастуниг ёнида “Хамса”дек улкан асарни яратган буюк ўзбек шоири Алишер Навоий тасвирланган, унинг ёнида унга тенг келадиган “Илоҳий комедия” асарини ёзган Данте Алигъери турибди. Леонардо да Винчи образи унинг автопортретидан ишланган, у ҳақиқат-Венера ёнида турибди.

Шу ерда ўша пайтда номаълум бўлган, Ғарбда, океан ортида жойлашган Америка қитъаси борлигини маълум қилган Абу Райҳон Беруний тасвири турибди. Жаҳонга нисбийлик формуласини берган, фундаментал фанларга катта ҳисса қўшган олим Альберт Эйнштейн ҳам шу ерда”. Олимлар гуруҳидан нарироқда ушбу суратни чизишга ғоя берган Абу Али ибн Сино ўйга чўмган ҳолда ўтирибди.

Унинг қомати Италия Уйғониш даврининг буюк рассоми, тасвирий санъат устаси Микеланжело Буонаротти яратган, чуқур ўйга толиб ўтирган пайғамбар Иеремия образини такрорланганлиги Жавлон Умарбеков асари кадрига путур етказмайди. У қўлида инсон калла суяги чаноғини ушлаб ўтирибди ва ўз-ўзига биз киммиз, қаердан келганмиз, қаерга борамиз деган савол беряпти. Унинг қулоғига ёлғон рамзи бўлган образ шивирляяпти. Ўнг томондаги четда ҳаётнинг ўткинчилигини эслатса-да, унинг қувончларини рубойларида куйлаб ўтган Умар Ҳайём тасвирланган. Умар Ҳайёмнинг орқасида математик ва астроном, ойга учишни орзу қилган ва коинотни забт этишга улкан ҳисса қўшган улуғ рус олими Константин Эдуардович Циолковский кўриниб турибди.


Асар композициясини излаш давомида кўплаб эскизлар чизилди, сўнгра улар ёрдамида сурат ҳозирги кўринишини олди. Унга рассом доира чизиклар киритди, юқоридаги марказга ой тақвими ишланди, тасвир доира бўйлаб атом формуласи, инсон эмбриони ва ўсимликларнинг генетик коди билан бойитилди. Улар ердаги ҳаётнинг рамзи ҳисобланади ва физика, генетика, биология каби фанлар билан боғлиқ. Шунингдек рассом инсон тафаккури ривожи рамзи бўлиб қолган, унинг коинотга қўйган қадамини ифодаловчи одамни тасвирлаган. Шу билан бирга суратда у Абу Райҳон Беруний Ҳиндистонда кашф қилган ўнлик каср формуласини ёзиб қўйди. Асарнинг олтин кесишув марказида инсон қўли билан яратилган нарсаларгина сақланиб қолди, ҳаёт эса вақтлар мобайнида кумдек оқиб кетади, деган маънода кум соат тасвирланган. Кум соат Венеранинг ўнг оёғи ёнида турибди. Шу аснода асарнинг барча қисмлари ягона бир маънога бўйсундирилди ва у тугал ҳолатга келтирилди.

Томошабинни тафаккурлашга ундаш ва асар моҳияти ҳақида ўз тахминларини илгари суришга имкон бериш муаллифнинг асосий мақсади бўлди. Айнан шу рассомнинг бош вазифаси бўлди. Сурат тилларанг-жигаранг бўёқлар билан чизилди ва фақат Абу Али ибн Синонинг либосига инглизча қизил бўёқ ишлатилди. Шу билан рассом томошабин эътиборини олим образига тортади. Асарда тус ва ранг уйғунлигига эришилган. Асар левкада ишланган, унинг асоси ўзаро мустаҳкам бириктирилган ва мато тортилган иккита бир хилдаги шитдан иборат.

1980-йиллар бошида олим А.Каменский ўзининг “Хужжатли романтизм” номли мақоласида шундай ёзган эди: “Жаҳон маданиятининг умумдаври аста-секин тикланаётгандек гўё, у ҳозир ҳеч қандай чегарани тан олмаётгандек ва қачонлардир яратилган воқелик бугун ҳаққонийлик ҳисобланаётгандек. Шу маънода Ж.Умарбеков яратган “Онгли инсон” асари ғояси теран ва таъсирчан ҳисобланади”²⁰.

²⁰ Каменский А.А. Документальный романтизм. // Творчество. №10, 1982. с. 21.

Ҳақиқатни, эзгу мақсадни излаш, кундалик тинимсиз ижодий меҳнат Ўзбекистон тасвирий санъати устаси рассом Ж.Умарбековнинг ҳаёти мазмунига айланиб қолди. Асардаги “вақт ўлчови” борган сайин композиция стилистикасидан, образларнинг ички ва ташқи хронологиясидан чиқиб, даврнинг кенг ижтимоий ва маънавий муаммосига яқинлашиб бораверди. Шу муносабат билан вужудга келган мавзу тўхтамларининг аниқ вариантлари кўп ва хилма-хилдир... Худди шу нуқтаи назарга бағишланган асарлар кўплаб яратилди.



Ж.Умарбеков. “Онгли инсон”. 1980 йил. Лавҳа.

Образлар тор шахсий ҳиссиётлар доирасида яратилган 70-йиллар бошларидаги суратлардан фарқли “Онгли инсон” кенг қамровли муаммони - тарихий тараққиётдаги онгли изланишлар ва кашфиётларни қамраб олган. Рассом асарининг даврий таркиби ҳам ана шунга қурилган. Унда замонавий ҳаёт ҳақида ҳеч қандай белги йўқ. Аммо турли даврлардан олинган персонажлар тарихга бугунги нуқтаи назардан бирлаштирилган. Уларни бирлаштириб турган худуднинг ўзи бизнинг давримиз, бизнинг дунёқарашимиздир”²¹.

²¹ Каменский А.А. Умарбеков Джавлон. [Эл.ресурс]. Режим доступа: <http://babanata.ru/?p=18008.html>

“Онгли инсон” асарининг гуманистик ғояси Шарқ ва Ғарбнинг асрлар қаърига сингиб кетган алоқасини таъкидлайди. Абу Али ибн Синонинг замондоши файласуф Ал Киндий шундай ёзган эди: “Биз ўзимиздан анча йироқ бўлган қабилалар ва халқлардан, бизга чегарадош бўлмаган мамлакатлардан, умуман қаёқдан бўлса ҳам етиб келган ҳақиқатни маъқуллашдан ва қабул қилишдан уялмаслигимиз керак... Ҳақиқат ҳар кимни алқалайди”²².

Азиза Маматова²³. “Мен 1974 йили “Механизатор қизлар” асаримни чиза бошладим. Асар Ўзбекистон халқ шоири Тўроб Тўланинг шеъри таассуроти остида вужудга келди. Замирахон, Анорхон ва Маърифатхонларнинг жасорати ва қаҳрамонлиги, ички ва ташқи гўзаллиги шоирга ўхшаб мени ҳам мафтун этди. Асарда ўз ҳаёти ва меҳнатини пахта етиштириш ва уни “Зангори кемаларда” териб олишга бағишлаган уч қиз образи тасвирланди. Улар ўз шарафли меҳнатлари билан Ўзбекистон тарихига ўз номларини ёзиб қўйдилар. Янги 1968 йил съездида СССР раҳбарияти коммунизм куришининг етти йиллик режасини ишлаб чиқди, шундан кейин халқ ёрқин келажакда яшай бошлайди, дея ваъда берилди.

Бутун мамлакат бўйлаб тарғибот компанияси бошлаб юборилди, халқни ўзининг коммунистик меҳнати билан бу ёрқин келажакни яқинлаштиришга даъват этилди. Ўзбекистон қишлоқларидаги қизларни пахтани қўлда тераётган ҳамқишлоқларининг оғир меҳнатини енгиллаштириш учун пахта териш машиналарини бошқаришга даъват этилди. Кўп жойларда механизаторлар курслари очилди. Курсларни тугатгандан сўнг қизларга комбензон ва кирза этиклар берилди ва улар пахта териш машиналарини бошқардилар.

Шоир Тўроб Тўла ёзган “Попнинг попук қизлари” кўшиғи бутун Ўзбекистонда машҳур бўлиб кетди, уни радио ва телевидениеда таниқли кўшиқчилар ижро этдилар. Ўз меҳнатига “Меҳнат қаҳрамони” деган унвонга сазовор бўлган Турсуной Охунова механизаторлар ҳаётининг ёрқин қиёфаси бўлиб қолди. Мавсум давомида у 400 тонна пахта терди. Натижада 40 ёшга кирган чоғидаёқ онкологик дардга чалинди. А.Маматова: “Мана шу реклама компанияси туфайли мен 1973 йил кузида Наманган вилояти Поп туманига бориб машҳур кўшиқ қаҳрамонлари билан танишиш ва улар ҳақида асар яратишга қарор қилдим. Кўз олдимда чексиз пахта майдонлари намоён бўлди, бу майдонлардаги гўзаларга машинада пахта теришни осонлаштириш учун уларнинг баргини тўкиш мақсадида кичикроқ самолётларда захарли дорилар (дефолиантлар) сепилган эди. Шу далаларда ёш қизлар (19-20 ёшда) машинани бошқариб пахта тераётган эди. Идорага келиб, бу ердаги навбатчига мен Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов томонидан совхоз раҳбари номига ёзилган хатни бердим.

Бу хатни менга совхозга кетишимдан аввал у ердаги раҳбариятга такдим этиш учун берган эди. Суратда марказда тасвирланган Анорхон исмли қиз совхоз директорининг ёрдамчиларидан бири эди. Уни идорага чақиришиб менга ҳамроҳликни топширишди. Хатнинг мазмунини Анорхон менга гапириб берди, унинг айтишича мен Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси ва рассомлар уюшмаси томонидан механизатор қизлар ҳақида асар чизиш учун материал тўплашга юборишгани ва энг муҳими мени Тошкентга ўз вақтида эсон-омон қайтариб юборишлари тўғрисида ёзилган эди. Мен бу пайтда асарим қаҳрамонларидан бироз каттароқ 25 ёшда эдим.

²² Роузенталь Ф. Торжество знания. - М.: «Наука», 1978. с. 342.

²³ Маматов У. История одной жизни. // GISAP: Culturology, Sports and Art History. №5, 2014. [Электронный ресурс]. Режим доступа: www.culture.gisap.eu/sites/default/files/CS_5_8-15.pdf

Пахта териш мавсуми пайтида далаларда ишлаш жадвали катъий белгилаб кўйилар эди. Эрталаб соат 5 да қизлар машиналарга ўтирарди ва ишни кечки соат 6-7 да тамомларди. Эрта тонгдан тун қоронғусигача ишлашар эди. Уларнинг кўтаринки кайфияти, ўзининг оғир меҳнати билан мамлакатнинг ёрқин келажагини яқинлаштираётганлигига ишончи мени хайратга соларди ва буларнинг барчаси уларни асарда асрларга муҳрлаб қўйишга арзирди. Улар ўзгача гўзал эди!



А.Маматова. “Механизатор қизлар”. 1974 йил.

Туроб Тўлага ўхшаб мени ҳам уларнинг ташқи ва ички гўзаллиги, шонли меҳнати ва ўз меҳнати ва Ватанига содиқлиги билан асир этган эди. Мен улар билан дўст бўлиб қолдим. Куз давомидаги пахта мавсумида мен уларни диққат билан кузатдим. Уларнинг ҳар бирининг ўзига хос характери бор эди, уларнинг шахсий ва кундалик ҳаёти, ўзларини тутишига эътибор бердим.

Анорхон билан хайрлашиш қийин бўлди. У ўзининг шалдироқ мотоциклида қизлар меҳнат қилаётган район чегарасигача олиб чиқиб қўйди, “У ёғига ўзингиз кетаверасиз, Қўқон-Тошкент автобусига ўтирасиз ва у билан пойтахтга етиб оласиз, биз эса район чегарасидан чиқишимиз мумкин эмас”, - деди. Биз қучоқлашиб хайрлашдик, Анорхон мотациклга ўтирибоқ тезликни оширди ва қишлоқ йўлини чангини кўтариб тез ҳайдаб кетди.

Декабрда мен Ленинград шахрига кетдим, у ерда олий ўқув юртлари педагоглари малакасини ошириш курсларида ўқишни давом эттирдим. “Механизатор қизлар” асарига ишланган тасвирий материални ўзим билан олиб кетган эдим. У ерда профессорлар Михаил Михайлович Девятов ва Борис Михайлович Лавренко раҳбарлигидаги рассомлик устахонасида бу асарни чиздим.



А.Маматова. “Саховат”. 1986 йил.

Асар хажми 160x140 бўлди, у мойбўёқ билан ишланди. Асар композицияси мураккаб эмас. Комбензон кийган уч қиз пахта териш машинаси ёнида томошабинга қараб турибди. Лекин уларнинг ҳар бирида қанчалик хиссиёт ва илиқлик сезилади. Чапда турган Замирахон нозик озғин гавдали, қарашлари жиддий ва ўйчан. Анорхоннинг юзида ёрқин табассум, узоқларга тикилиб турибди. Унинг чап қўли пишиқ қоматли Маърифатхоннинг елкасига қўйилган. Маърифатхоннинг юзида ҳам ёқимли табассум. Мен уларни шундай эслаб қолдим ва тасвирладим.

Деярли ярим асрдан кейин буюк шоир Алишер Навоий таваллудига 575 йил тўлиши муносабати билан ўтказилаётган илмий анжуман танаффуси пайтида ўрта ёшлардаги одам ёнимга келди ва олимман деб ўзини таништирди. У шундай деди: “Азиза опа, мен “Механизатор қизлар” асарингизга тасвирий материал йиғган жойдан келганман. У билан бўлган суҳбатдан маълум бўлдики, суратда тасвирланган қизлар кейинчалик узоқ касал бўлганлар. Бу мамлакатимизда “ривожланган социализм” пайти эди. “Механизатор қизлар” Ўзбекистоннинг 70-90-йиллар тарихий даври ёшларининг ёрқин вакиллари бўлган эди. Кейинги йилларда рассом қишлоқ аёллари ҳақида туркум асар яратишда давом этди. 1986 йили, ҳозир Давлат санъат музейида сақланаётган “Саховат” асари яратилди.

Бу асар, аёллар ҳақидаги ҳаётий тасаввурлар, кузатишлар ва фикрларнинг натижаси бўлиб қолди. Рассом қахрамонлари портретлари Қўқон шаҳри яқинидаги Ёв қишлоғи қизларидан олинган. Уларнинг образлари ўзларининг меҳнатсеварлиги билан яратилган она ер туҳфаси, тўкин ҳосилни ўз елкаларида кўтариб олган қишлоқ аёлларининг ички руҳини намоён қилади. Қизил анор дарахти фонида марказда бола кўтариб олган она тасвирланган. Бу асарда, бу оламдаги меҳнат ва оналик - ҳаётнинг боши ва давоми куйланади. Асар устида ишлаётиб рассом жаҳон маданияти тасвирий санъат тарихидаги гўзал аёллар образини ёдга олди.

Рассом ўз асарлари билан имкон қадар кўпроқ одам танишиши учун кўرғазмани ихтисослашган бадиий заллар ва галереялардан тортиб, ўқув-ишлаб чиқариш муассасаларигача бўлган ташкилотларда тез-тез ўтказиб турди. Бу рассом учун анчайин ахлоқий қўллаш, кейинги ишлари учун ижобий туртки вазифасини ўтади.



А.Маматова. “Суҳбат”. 1980 йил.

“1977 йили, Тошкентдаги “Илҳом” ижодий ёшлар экспериментал театри клубини тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди ва у ўша пайтдаёқ асарларим эътироф этилди. Бу ерда рассомлар, артистлар, мусиқачилар йиғилишиб санъат ривожини йўллари ҳақида суҳбатлашишар, янги спектаклни муҳокама қилишар, ёш композитор асарини тинглашар, ёш рассом асарлари ёнида тортишишар эди. Бундай учрашув ва суҳбатлар ёшларни маънавий бойитар, уларнинг дунёқарашини кенгайтирар, дидини тарбиялар, янги асарлар устида ишлашга илҳомлантирар эди.

1977 йили 5 февралда “Илҳом” клуби залларида rassom Азиза Маматованинг ижодий ишлари биринчи кўргазмаси ўтказилди. Ёш замондошимиз унинг асарлари мавзуси бўлиб қолди. Rassom уни иш ва қисқа дам олиш пайтида, фикрлаш ва суҳбат лаҳзаларида тасвирлаган. Ижодкор портрети чизилаётган замондошларининг хос хусусиятларини талқин этишга интилди, шунинг учун образлар анчайин салмоқдор ва ифодали чиқди”²⁴.

А.Маматова: “1977 йили Ўзбекистоннинг ёш олимлари ҳақида асарлар чиза бошладим, улар ҳам заковатли, ҳам чиройли эдилар. Олимлар ҳам физика, ҳам лирика билан машғул эдилар, шунинг учун бу мавзуни долзарб эканлигини ҳис қилдим. Бу 1980-90-йилларда тафаккурлар қайнаётган, ҳаётда кўп нарсалар ҳақида ўйлаш керак булган вақтлар эди.”

1980 йили ишланган “Суҳбат” асарида биофизик Бек Тошмуҳаммедов, радиобиолог Азим Турдиев ва биохимиклар мактаби раҳбари Жаҳонгир Ҳамидовлар тасвирланди. Асарда томошабин қизиқарли илмий лойиҳа ҳақида бош қотираётган ва муҳокама қилаётган ёш олимларни кўради. Бек Тошмуҳаммедов Ўзбекистон биофизиклари мактаби асосчиси ва раҳбари эди.


У ва мактаб аъзолари, ўтган асрнинг 70-80-йилларида Тошкент шаҳрида бир неча маротаба симпозиумлар ўтказдилар. Бу тадбирларга Ленинград ва Москва шаҳарларидан олимлар таклиф этилган эди. Машҳур биолог А.Спирин ўз шогирдлари билан келган эди. Одатда симпозиумлар табиат қўйнида, Тошкент яқинидаги чиройли гўшалардан бирида ўтказилар эди. Мана шу учрашувлар тасвирий асар яратишга туртки берди.



²⁴ На полотнах – Современник. // Комсомольская правда. 1977.

1.3. Маҳобатли-безак рангтасвири ва ҳайкалтарошлик асарлари

XX асрнинг иккинчи ярми тасвирий санъат усталарининг ҳайкалтарошлик ва маҳобатли-безак рангтасвири асарларини яратиш соҳасидаги фаолияти ниҳоятда самарали бўлди. Чингиз Ахмаров, Анвар Аҳмедов, Озод Хабибуллин, Абдуқодир Салахудинов, Илҳом Жабборов, Арнолд ва Виктор Ган, Анвар Раҳматуллаев, Баҳодир Жалолов каби тасвирий санъат усталари тасвирий санъатнинг тарихий жанрида кўплаб асарлар яратдилар.




Ч.Ахмаров. “Хукмдор Мирзо Улуғбекнинг хорижий меҳмонлар шарафига уюштирилган қабули”. 1970 йил.

Чингиз Ахмаров. “Чингиз Ахмаров 1912 йили Уралдаги кичикроқ Троицк шаҳарчасида кўп болали Ахмаровлар оиласида дунёга келди. 1927 йили у Пермьдаги рассомлик билим юртига ўқишга кирди... Кейинчалик рассом талабалик йилларини шундай эслайди: рассомлик билим юрти менга санъат асосларини ўргатди, ҳаётга йўллади. Аммо Самарқандда мен рассом сифатида ҳаққоний равишда шаклландим!”²⁵.

Самарқанд шаҳрида Ч.Ахмаров ижод соҳасига дастлабки мустақил қадамларини қўйди. Бу ерда рассом маҳобатли рангтасвир устаси В.Савин раҳбарлигида маҳобатли рангтасвир билан шуғулланди. ВХУТЕМАС (Олий бадиий техник устахоналар) битирувчиси В.Савин республика шаҳар ва қишлоқлари бўйлаб кезиб юрган иқтидорли ёш рассомларни ўз атрофига тўплади. Айнан шу пайтда у ўзини маҳобатли рангтасвирга бағишлашга қарор қилди.

Рассомни бу соҳанинг кенг қамровлиги, гўзаллиги ва глобаллиги мафтун этди, негаки унда ўзининг ҳаёт фалсафаси ҳақидаги теран тушунчасини, инсоннинг гўзаллиги ва қалбини улкан маконда тасвир орқали ифодалашнинг имкони бўлади. “1935 йили у Москвага боради, у ерда машҳур графикачи рассом В.Фаворский билан учрашади ва ўз ишларини унга кўрсатади. В.Фаворский материалларни диққат ва қизиқиш билан ўрганди, сўнгра шундай деди: “Ўртоқ, сиз рассомлик институтининг иккинчи курсидан бошлаб ўқисангиз бўлаверар экан”.

²⁵ Исхакова М. Рыцарь восточной дамы. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://map.top.uz/publish/doc/text79001_chingiz_ahmarov_rycar_vostochnoy_damy.html



Ч.Ахмаров. “Хукмдор Мирзо Улуғбекнинг хорижий меҳмонлар шарафига уюштирган қабули”. 1970 йил. Лавҳа.

Ч.Ахмаров хорижий санъат тарихи билимдони И.Грабарь раҳбарлигидаги ва таниқли рангасвир усталари В.Фаворский, Ф.Шемякин кабилар талабаларга сабоқ бераётган маҳобатли рангасвир факультетига ўқишга кирди. И.Грабарь ўз дарсларида талабаларга Уйғониш даврининг Рафаэль, Микеланжело, Веронезе каби таниқли рассомлари хақида хайрат ва ҳаяжон билан хикоя қилиб берар эди. Иқтидорли маҳобатли рангасвир устаси Н.Чернишов қадимги Руснинг таниқли рассомлари Феофан Грек ва Андрей Рублёвларнинг санамчилик санъати сирлари билан таништирди. Рассом Л.Бруни уларга замонавий маҳобатли рангасвир усталарининг “сирларини” очиб берди”²⁶.

²⁶ Исакова М. Рыцарь восточной дамы. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://map.top.uz/publish/doc/text79001_chingiz_ahmarov_rycar_vostochnoy_damy.html

“Хукмдор Мирзо Улуғбекнинг хорижий меҳмонлар шарафига уюштирилган қабули” номли деворий сурат 1970-90-йиллар даври тарихий маҳобатли рангтасвир асарларига мисол бўла олади. 1970 йили тасвирий санъат устаси Ч.Ахмаров бу деворий суратни Самарқанд шаҳридаги “Юлдуз” кафесига ишлаб берди. Санъаткор ўрта асрлар миниатюра мактаби анъаналарига, мавзуй ва композицион муаммоларга таяниб ажойиб асар ярата олди.

Асар рангларидаги уйғунлик, табиат гўзаллиги ва асар композицияси тўқимасига сингдириб юборилган сопол плиткаларни катта ютуқ сифатида баҳолаш мумкин. Амир Темур ва темурийлар даври тарихий мавзуларидаги кўпгина суратлар учун Ислом оламида IX асрда вужудга келган архитектура фон вазифасини ўтади.



Ч.Ахмаров. “Хукмрон Мирзо Улуғбекнинг хорижий меҳмонлар шарафига уюштирилган қабули”. 1970 йил. Лавҳа.

Бу Самарқанд, Шаҳрисабз, Ҳирот шаҳарларидаги масжид ва мадрасалар, саройлар ва уларнинг интерьерлари, карвонсаройлар ва гавжум бозорлардаги расталар, пештоқли бинолар, уларнинг сопол плиткалардан иборат безаклари ва майоликалар ҳамда бино пештоқларига ёзилган Қуръондан суралардир. Бу шаҳарларда бўлган одамлар доим уларда ўрта асрлар руҳини сезиб туради. Бинолар асосан пишиқ ғиштдан қурилган, бу уларни кўп асрлар давомида сақланиб қолишини таъминлади. Уларнинг томлари зумрад ва феруза рангидаги гумбазлар билан ёпилган. Ўз асарларида такомилнинг энг чўққиларига эришган машҳур миниатюрочи рассомлар Камолиддин Бехзод, Маҳмуд Музаҳҳиб ва уларнинг шогирдлари яратган миниатюралар ўрта асрлар бадиий маданиятининг энг муҳим бойлиги бўлиб қолди. Бундай асарлар томошабинни ҳам эстетик, ҳам маънавий тарбиялайди, уни маърифатли қилади. Тасвирий санъат устаси Ч.Ахмаровнинг барча асарлари ўзбек халқининг этикаси ва маданияти билан йўғрилган.

Бу санъаткорнинг барча асарларида Ўзбекистон маданиятининг алоҳида ахлоқий муҳити, менталитети, қадимги ва ҳамиша навқирон бўлган маданияти ҳис қилинади. У шундай деган эди: “Мен ҳеч қачон ўз асарларимни миниатюрага ўхшатиб ишлашни мақсад қилган эмасман. Лекин ажойиб бадиий мактаб яратган буюк миниатюрачи рассомларнинг асарларини яхши кўраман ва доим ўрганаман. Миниатюра санъатида тасвирланаётган воқеалар, одамлар, табиат гўзаллиги, ранглар уйғунлиги, рассом ҳисларининг ҳаққонийлиги билан мени ҳайратга солади. У мен учун чексиз бойлик ҳисобланади, менинг илҳомим ва мактабимдир. У мен учун италян рассомлари Жотто ва Мозаччо санъати билан баробардир”²⁷.

Самарқанд шаҳридаги “Юлдуз” кафесидаги Ч.Ахмаровнинг деворий сурати томошабинни турли мамлакатлардан келган меҳмонлар образларининг хилма-хиллиги, турли либослари ва бош кийимлари билан ҳайратга солиши мумкин. Рассом кузатган сахналарни бугунги ҳаётда ҳам кўриш мумкин. Ёш қизлар ва аёллар кўзалари билан булоқ суви ёнида тўпланишган, ёши катта аёл уларни кузатапти.

Ҳукмдор Мирзо Улуғбек тахтининг ўнг ва чап томонида ўтирган эркаклар ёш раққосанинг ҳаракатларини жонли муҳокама қилапти. Бу турли ҳаётий сахналар тасвири эътиборни узоқ жалб қилиши мумкин. Фондаги биноларнинг меъморий ансамбли бу сахналарни бирлаштирган. Нурли ва баҳорги оқшом ҳолатини ажойиб тарзда ифодалаб қўйган яхлит кумушранг муҳит девордаги тасвирнинг яхлитлигини таъминлаган.

Тошкент шаҳридаги метронинг кўпгина бекатларида кўплаб тарихий тасвирий санъат асарлари ишланган. “XX аср Ўзбекистон архитектураси хазинасига анчагина ажойиб ва қизиқарли ёдгорликларни олиб кирди. Дунёга энг чиройли иншоот сифатида донғи кетган, юртимизнинг ҳаққоний фахри ҳисобланиб қолган Тошкент метрополитенини ўтган асрнинг муҳим ижод маҳсулидан бири дейиш мумкин. Метро ишга тушгандан буён биз унга ўрганиб қолдик, аммо у одадий транспорт иншооти бўлиб қолганлигига қарамай, ўзининг аввалги сеҳрли санъат асари мақомини йўқотган эмас. Тошкент метрополитени бекатларини лойиҳалаштиришда машҳур архитекторлар, маҳобатчи рассомлар, ҳайкалтарошлар иштирок этдилар, улар ҳар бир бекатнинг бетакрор архитектура-бадиий образини яратишга ҳаракат қилдилар”²⁸.

1984 йилда очилган Алишер Навоий метро бекати энг мукамал безатилган иншоот ҳисобланади. У “Хамса” асари дostonлари мавзуси асосида ишланган, етти гўзал образлари акс эттирилган сопол паннолари билан катта таассурот уйғотади. Бу метро бекатида инсон ўрта асрлар Шарқининг ажойиб саройларидан бирида бўлаётгандек байрамона кайфиятга эга бўлади.


Буюк шоир дostonларининг қаҳрамонлари бўлган қизлар ва йигитларнинг гўзал киёфалари ҳар томондан ўраб туради, бу кўпроқ панно ва девоий сурат асосини ташкил этувчи эскиз ишлаган тасвирий санъат усталари Ч.Ахмаров, И.Қаюмов ва А.Шаймуродовларнинг хизмати дейиши мумкин. Уларнинг иқтидори билан бу бекатга келувчилар ҳис қилаётган байрам муҳити яратилган. Бекатнинг барча безакларида мулойим оч феруза ранглар ишлатилган.

²⁷ Умаров А.Р. Чингиз Ахмаров. – Т.: «Литературы и искусства», 1979. с. 21.

²⁸ Хикматуллаева К. Художественное оформление Ташкентского метрополитена.

// Звезда Востока. №1, 2014. с. 114.

Девордаги суратлар ва панноларда тасвирланган образлар худди тўлқинсимон, оқувчан ва нур сочаётган чизиқлардан иборатдек тасаввур беради ва улардан мусиқа оқиб чиқаётгандек туюлади. Бу бекатнинг безатилиши ўша даврлар Ўзбекистон тасвирий санъати ва архитектурасидаги улкан ютуқлардан бири дейиш мумкин.



**“Алишер Навоий” номидаги метро бекати. 1984 йил.
Сопол паннодан лавҳа.**

“Метрополитен бекатини безашда миллий архитектура беаги хусусиятларини ҳисобга олиб, ўзига хос бадий тўхтамлар излашга алоҳида эътибор берилди, шунинг учун бу станция ўз дизайни билан эътиборни тортади ва эстетик завқ бағишлайди. Ҳар бир бекат ўзигагина хос бўлган образли-ифодавий хусусияти билан ажралиб туради. Бирорта бекат беаги бир-бирини такрорламайди. Архитектура, маҳобатли санъат, дизайн ва эстетикаларнинг ҳақиқий синтези “Алишер Навоий”, “Космонавтлар”, “Пушкин”, “Мустақиллик майдони” каби бекатлар беагида бадийликнинг юксак даражасига эришишга имкон берди. Бу бекатлар ажойиб гўзаллиги, бетакрор образлари, миллий колорити, архитектура композицияларининг гўзаллиги билан ажралиб туради”²⁹.

Комил Еникеевнинг муаллифлик фото лойиҳаси ватанпарварлик туйғусини уйғотади. У 2016 йили Тошкент метросини суратга олиб чикди. Лойиҳанинг ўзи ҳам “Тошкент метроси” деб номланди. Бадий фото устаси шундай деган эди: “Мен шундай лойиҳани амалга ошириш имкониятини кидирдим, лекин буни мен кўп пул ёки шуҳрат келтириши учун қилмадим, мен Тошкентимни севаман, мен унинг бетакрор гўзаллиги, жозибаси, ўз услубини севаман.

²⁹ Хикматуллаева К. Художественное оформление Ташкентского метрополитена. // Звезда Востока. №1, 2014. с. 115.

Бу билан мен кўрган гўзалликларни одамлар ҳам кўрсин дейман, бунинг учун узоқларга боришга ҳам тайёрман, бу меники. Табиийки, метро шаҳарнинг ажралмас қисмларидан бири ҳисобланади.



К.Еникеев фотоси. “Алишер Навоий” номидаги метро бекати. 1984 йил.

Тошкент метроси – бу одамларни “А” нуқтадан “Б” нуқтага олиб бориб қўйувчи ер ости йўлигина эмас, бу яна ўз гўзаллиги билан хайратга солувчи бекатлардир, уларнинг ҳар бирининг ўз қалби бор... Энди инсонларнинг ҳар бирида қандайдир яқинлик ва қадрдонлик пайдо бўлди, сизга яқин бўлган бекатнинг сурати бор, у ерда кимнидир кутган бўлишингиз мумкин, у ердан ҳар куни вагонга ўтириб ўқишга боргандирсиз ёки шунчаки ёқиб қолган бекат бўлади, энди ҳар биримиз нигоҳ ташлаб “Бу – бизнинг Метромиз” дейишимиз мумкин”³⁰.

Арнолд Павлович Ган (1928-2000) ва Виктор Павлович Ган (1947) “Космонавтлар” метро бекатидаги медальонлар муаллифлари ҳисобланади.

Арнолд Павлович Ган – маҳобатчи-рассом, рангтасвирчи, сураткаш. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби. 1943-1948 йиллари А.Волков ва В.Уфимцев қўлида П.П.Беньков номидаги РРБЮда (Республика бадий рассомлик юрти), сўнгра В.Мухин номидаги ЛВХПУ (Ленинград олий бадий саноат билим юрти)да 1948-1954 йиллари ўқиди. Е.Балашова, Дейнека, В.Мухина, В.Фаворскийлар унинг ўқитувчилари бўлган эди. 1955-1962 йиллари РРБЮда дарс берди. Тошкент шаҳрининг биринчи бош рассоми бўлган.

Виктор Павлович Ган – маҳобатчи-рассом, рангтасвирчи, витражчи, Б.И.Токмин раҳбарлигида 1966 йили П.П.Бенков номидаги РРБЮни тамомлаган. Сўнгра 1974 йили В.Мухина номидаги ЛВХПУни тамомлади. “Ака-укалар ҳамкорликда Ўзбекистондаги кўплаб маҳобатли объектларнинг мозаикаси, фреска-

³⁰ Красота Ташкентского метро. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.fresher.ru/2016/02/15/krasota-tashkentskogo-metro/>

лари, деворий суратлари, бўртма тасвирлари, “Космонавтлар” метро бекатида безакдор плафонлар, Алишер Навоий номидаги санъат саройи фойесини безатишда, “Самарқанд Дарвоза” чойхонасининг бўртма тасвирларини, Урганчдаги Драма театрининг 400 кв/м фойеси деворий безагини ишлаган”³¹.



К.Еникеев фотоси. “Космонавтлар” метро бекати. 1984 йил.

1970-1990 йиллари Тошкентдаги метро қурилиши жараёнида метрополитеннинг кўпгина бекатларида деворий сурат, хайкалтарошлик, горельеф, тарихий мавзулардаги маҳобатли-безак санъати турлари бўйича асарлар яратилди.

“Космонавтлар” метро бекати услуги бутунлай бошқача. Бекат кўп устунли зал ва ер ости йўли билан бириктирилган иккита вестибюлдан иборат. Коинот мавзусида архитектуравий-бадий безаги берилган. Зал интерьерлари буюк астроном Мирзо Улуғбек, афсонавий Икар, биринчи космонавт Ю.Гагарин ва бошқалар тасвири туширилган бадий сопол билан безатилган. Шифт куйма шиша юлдузлар билан безатилган.

Вестибюллар интерьерлари металл билан қопланган, кўзгулар гранит ва мрамор билан безатилган, материаллар космонавтика мавзусига мос келади, бекат безакчилари космик кема муҳитини ярата олганлар, у ўзгачалиги ва бетакрорлиги билан ажралиб туради”³². Масалан, “Космонавтлар” метро бекатида “Онг, Олам, Инсоният” мавзусида совуқ рангда “Энкаустика” усулида деворий сурат композицияси чизилган. У сопол устаси И.Кедрин ишлаган хаворанг доира сопол плиткалар ичига олинган.

³¹ История семьи Ган. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://sebez.h.borda.ru/?1-2-0-00000090-000-0-0-1302331802>

³² Хикматуллаева К. Художественное оформление Ташкентского метрополитена. // Звезда Востока. №1, 2014. с. 116.

Биринчи медальонда Ернинг биринчи космонавти Юрий Гагарин тасвирланган. У 1934 йили мартда Гжатск (ҳозирги Гагарин) районида туғилган. Халқ уни ниҳоятда яхши кўрар эди. Космонавт камтар ва мафтункор, СССР ва хорижда ниҳоятда машхур одам бўлган эди. Қайси мамлакатга бормасин уни ҳаяжон ва ҳурмат билан кутиб олишарди.



К.Еникеев фотоси. А. ва Б.Ганларнинг “Юрий Гагарин” медальони. 1984 йил.

Рассомлар Арнольд ва Виктор Ган космонавтни парвоз пайтидаги ҳолатини кўрсата олган. Юрий Гагарин қўлини кўтариб бутун ер шари аҳолисига салом йўллапти. Композицияда планета юзасидаги кратерлар ва бурамалари билан тасвирланган. Портрет ниҳоятда маҳорат билан жонли ишланган.

Валентина Терешкованинг портрети бекатнинг навбатдаги портрети ҳисобланади. У 1937 йили 6 мартда РСФСР даги вилоят марказида Катта Масленниково қишлоғида туғилган. Биринчи аёл-космонавт космик кема ичида тасвирланган, қўлларида оқ ромашка гулларида даста ушлаб турибди, бу портретнинг лириклигини таъминлаган. Валетина Терешкова катта қўлқоп ва скафандрдан иборат космонавтларнинг кўпол кийимида бўлса ҳам, портретда назокатли кўрилади.

Сергей Королёв портрети ишонарли чиққан. У 1906 йили Житомирда туғилган. Балоғатга етгач, у ракета техникаси конструктори-олим бўлди. С.Королёв амалий космонавтика ташкилотчиси ва раҳбари, асосчиси бўлган эди.

XX асрда космик ракетасозлиги ва кемасозлиги бўйича йирик олим бўлган эди. Медальонда у бир қўлида чизмалар ўрами ва бошқасида циркуль билан тасвирланган. У коинотдаги космонавтларни кўрсатаётган экран мониторида диққат билан қараб турибди. Бу асар ярим асрдан кейин тарихий шахсларга айланган ва анчайин вақт Ердан узоқда бўлишга мажбур бўлган космонавтларнинг оғир меҳнатига мадҳия бўлиб қолди.

Медаллардан бирида учдан бир қисм хажмда Амир Темурнинг набираси, улуғ астроном, олим Мирзо Улуғбек тасвирланган (1394-1449). Унинг кўзлари жиддий, чуқур ўйга толган. Бир қўлида у астрономик ускуна ушлаб турибди, бошқасида юлдуз кузатувлари ёзилган китобни варақляпти. Умуман олганда унинг образида донолик ва коинот ҳақидаги билимлар намоён бўлади, уларни олим илмий мерос сифатида инсониятга қолдирди.

Озод Хабибуллин. Маҳобатли рангасвир санъати соҳасида ижод қилаётган тасвирий санъат усталаридан бири ҳисобланади. “У Ўрта Осиё анъаналарида фантастик реализм рангасвири йўналишларида ижод қилади. Мозаика, деворий сурат, шамотдан бўртма, бадий металл, ҳайкалтарошлик соҳаларида асарлар яратди. Тошкентдаги маҳобатли ишлар муаллифи ҳисобланади.

Ўзбекистонда у Тошкент метро бекатларини безатди, Тошкентдаги фанлар академияси биноси интерьериди “Шарқнинг буюк олимлари” деворий суратини ишлади, Ўзбекистон матбуот маркази учун “Жонли Сайёра” асарини яратди, Консерватория биноси заллари учун “Санъат турлари” деворий суратини ишлаб берди. У 1949 йили Бухоро вилояти Ғиждувон шаҳрида туғилди. 1973 йили А.Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институти, Чингиз Ахмаров устахонасида ўқиди”³³.

О.Хабибуллин Ойбек номидаги метро бекатига 1984 йили буюк ўзбек классиги, ёзувчи ва шоир Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек қиёфаси акс эттирилган горельеф ишлаб берди. У платформага тушадиган зинанинг ён томонига ўрнатилди, у Ойбек асарлари мавзусидаги китоб саҳифалари кўринишида безатилди. Улардан бирида ёзувчининг ўзи тасвирланди.

Горельеф юксак маҳорат билан ишланган, тасвирий санъат устаси О.Хабибуллин ёзувчи образини чуқур англаб акс эттирганлиги кўриниб туради. Ёзувчи қомати китоб саҳифасини акс эттирувчи композиция марказига жойлаштирилган, чап ва ўнгда кексалар ўтирган чойхона, чархпалакли эски шаҳар ва янги шаҳар образи жойлаштирилган. Олдинги планда 90-йилларгача ҳар йили пахта плани ошириб борилган ғўза тўплари, орқа планда эса замонавий шаҳарнинг баланд қаватли бинолари тасвирланган.

Ёзувчининг қомати тасвирий санъатда “винт” деб аталадиган жадал ҳаракатда тасвирланган. Унинг елкалари, гавдаси ва оёқ тиззалари ўнга бурилган ва уларга елкалар, тирсаклар, тиззалар букламлари ишланган, шарфи ҳилпирайди, енгил плаши четларидаги гирдобларда ҳам шиддатли шамол ҳаракати ифодаланган. Мағрур кўтарилган боши чапга қараган.

Жасурлик акс этган юзининг жиддий қиёфаси ўз қаҳрамонларининг ҳаётини кузатаяпти. Лаблари қимтилган, қош-қовоқлари бироз уюлган қиёфаси мардонаворлик тасаввурини уйғотади. У барқарор феъл-атворли, соф ахлоқли ва кучли продали инсон бўлган эди.

³³ Мой дом. Озад Хабибуллин. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://rinfom.ru/kartiny/104-zhivopis/791-ozad-khabibullin>

Горельеф сюжети буюк ёзувчи қомати ёрдамида ўтмиш ва келажакнинг узвий алоқасини акс эттирган.



О.Хабидуллин. “Ёзувчи Ойбек”. 1984 йил.

Ойбек ўз ижоди давомида “Қутлуғ қон” ва “Алишер Навоий” романларида ўтмиш даври акс эттирди, шунингдек унинг кўпгина асарлари янги даврга бағишланди, хусусан “Чимён дафтари” асаридаги лирик шеърларида замондошларимиз образлари яратилган.



О.Хабидуллин. “Қутлуғ қон”. 1984 йил.

Зинадан тушиш жойидаги бўйлама деворга горельеф ишланган бўлса, метро бекатининг қарама-қарши томонида rassom O.Хабидуллин томонидан ёзувчининг “Қутлуғ қон” асаридан сахна юксак маҳорат билан ишланган. У 1905-1907 йиллари Жиззахда бошланиб бутун мамлакатни қамраб олган халқ кўзғолонларига бағишланади. Босқинчи ҳокимият ва маҳаллий ёзувчи бойлар зулмига қарши бош кўтарган халқ Йўлчи образида акс эттирилди, у олд планда қўллари қишанланган, тиз чўктирилган, лекин бўйин эгмаган қиёфада намоён бўлади. Елкасида кетмон тутган деҳқон халқни кўзғалишга ундаяпти. Деҳқоннинг орқасида эрлари мардикорликка олиб кетилган аёллар маънос турибди.

Уларнинг эрлари Россиядан Туркистонга олиб борувчи темир йўл курган эди. Йўлчининг ёнида озодлик учун курашаётган кўзғолончи халқ ортидан боришга қарор қилган ёш аёл паранжисини оловга ташляпти. Тасвир жўшқинлик ва ҳаққоний яратилган. Композиция марказидаги кўзғолончи халқ саҳнасининг икки ёнида горельефнинг олтин кесишуви бўйлаб шаҳар кўринишлари тасвирланган. Чапда гумбазли мадраса, масжид кабилардан иборат қадимги бинолар билан эски шаҳар тасвирланган. Чапда барчага таниш бўлган Тошкент куранти биноти, завод ва фабрикалар тасвирланган янги шаҳар. Парчанинг янги шаҳар қисми олд планида пахталари очилган ғўза тупи кўринади.

Ойбек метроси бекати зинадан пастга тушаётган йўловчилар бир лаҳзага тўхтаб бу горельефлар билан танишуви мумкин. Улар Ўзбекистон тарихининг фожиали саҳифалари ҳақида ҳикоя қилган ёзувчи асарлари бўйича ишланган. Санъаткор О.Хабибуллин Ойбек ижодини чуқур англади ва буюк ёзувчи акс эттирган даврни ўз асарида ҳаққоний тасвирлаб берди.

Баҳодир Жалолов³⁴. “1948 йили Тошкентда туғилди. 1968 йили у П.П.Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртини тамомлади. 1968-1974 йиллари И.Е.Репин номидаги Ленинград рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтида ўқиди. Ўқишни тугатгач, у педагогик фаолият билан шуғулланди, Ўзбекистон ва ундан ташқарида маҳобатли асарлар яратди, мамлакатимиз ва хорижда бўлиб ўтаётган бадиий кўрғазмаларда фаол иштирок этапти”³⁵.

Тасвирий санъат устаси Баҳодир Жалолов 1970-1991 йиллари самарали ишлади. Бу даврда у тарихий мавзуларда ишлаган деворий суратлар турли архитектура иншоотларининг интерьерини безатиб турибди. У архитектор С.Сутягин билан ҳамкорликда Ўзбекистон ва хориждаги бир қатор театрлар, киноконцерт заллари ва мактабларида деворий суратлар ишлади. Архитектор Сутягин шундай деган эди: “Давримизнинг энг иқтидорли рассомларидан бири Баҳодир Жалолов билан анчадан буён дўстмиз ва бирга ишляпмиз. Кўпгина ёш рассомлар каби уни ҳам менга Чингиз Ахмаров тавсия этган эди. “Баҳор” концерт залининг фойесини қайта қуришда мен Баҳодирни унинг интерьерида деворий сурат ишлаб беришга кўндирдим”³⁶.


1981 йили “Баҳор” киноконцерт залида тасвирий санъат устаси Баҳодир Жалолов машҳур халқ рақслари ижрочиси Мукаррама Турғунбоевага бағишлаб “Рақснинг туғилиши” номли деворий сурат ишлади. Асар номи концерт зали номига уйғунлашиб кетди. “Баҳор” рақс ансамбли ташкилотчиси Мукаррама Турғунбоева XX асрнинг иккинчи ярмида машҳурлик шохсупасига кўтарилди, у Фарғона водийсининг Кўқон шаҳрида туғилиб ўсди. У табиатан катта иқтидор, ақл эгаси ва меҳнатсевар бўлган. Унинг болалиги ва ёшлиги XX аср биринчи ярми совет ҳокимиятининг дастлабки йилларига тўғри келди. Ўша даврларда у ижодий ҳаётини бошлади. У тез орада катта Фарғона каналининг қурувчилари ва меҳнаткашларига дам олиш пайтларида берилган концертларда рақс номерлари билан чиқиш қилиб халқнинг эътибори ва муҳаббатига сазовор бўлди.

³⁴ Маматов У. О произведениях монументально-декоративной живописи, созданных мастером изобразительного искусства Баходиром Джалаловым. / Сборник научных статей: Ўзбекистон замонавий санъати: Бадиий санъат талқини, ривожланиш тамойиллари. МРДИ, 2017. с. 281.

³⁵ Юсупходжаева Ш. Народный художник Узбекистана Баходир Джалалов. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://artgalleryuz.blogspot.com/2016/04/blog-post_26.html

³⁶ Шулепина Н. Серго Сутягин: Люблю летать в облаках. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.zerkalo21.uz/art_plyus/sergo_sutyagin_lyublyu_letat_v_oblakax.mgr

Томошабинларга айниқса, унинг халқ севган қадимий “Тановар” кўшиғи асосидаги шу номдаги рақси жуда ёқар эди. У энг яхши ёзувчилар ва артистлар билан бирга Москвада ўтказилган маданият ва санъат фестивалларига бир неча мартаба борган эди. Бу билан ансамбл репертуарига кўплаб жаҳон рақслари киритилган эди.



Б.Жалолов. “Мукаррама Турғунбоева”. 1981 йил.

Ансамбл асосчиси ва хореография ансамбл аъзолари билан бирга кўплаб хорижий мамлакатларга борган эди, бу билан жамоа жуда машҳур бўлиб кетганди. Фақат катта иқтидорга, иродага ва кучга эга бўлган одамгина кўпсонли ва иқтидорли қизларни бир жамоа қилиб бирлаштириши ва ансамбл ташкил қилиши мумкин эди. XX аср иккинчи ярмида бу ансамбл Ўзбекистон маданиятида ноёб ходиса бўлиб қолди.

Мукаррама Турғунбоева деворий суратда Фарғона водийси учун хос бўлган беқасамдан тикилган халқ либосида тасвирланган. Кўкрагида “Зебигардон”, қулоқларида “Ойна зирак”. Шу либосда у “Тановар” халқ рақсини ижро этган эди. Раққоса қизларни рақсга чорлаётган илҳом париси сифатида тасвирланган. Ўнг қўли бошига кўтарилган, чап қўли панжалари кўринмас мусиқа тактларини танляпти. Унинг юзи улуғвор ва кўзлари ички нур билан порляпти.



Б.Жалолов. “Рақсининг туғилиши”. 1981 йил. Лавҳа.

Агар асарга диққат билан назар солинса, чизиклар кўринишида геометрик шаклларни англаш мумкин. Санъаткор раққосани доира марказида ифодалаган. Унинг ичида иккита квадратдан саккиз бурчакли юлдуз, октаграмма ҳосил қилинган. Қадимги санамшуносликда доира борлиқнинг бутун глобал соҳаларини ўраб олади.

Умуман олганда квадрат Ернинг, моддий дунёнинг, олам томонларининг рамзи ҳисобланади, доира эса осмоний ва рухий соҳани ўз ичига олади. Октаграмма олам ва уйғонишни англатувчи мувозанат, тартиб ва яратувчилик белгисидир. Саккиз нурда чексизлик рамзи яширинган. Шунга кўра юлдузлар олам қувватини тинимсиз айланиб туришига ишора қилади. Гуллар ва ўсимлик шаклларида тасвирланган гардиш қуёшнинг жадал ва ҳаётбахш қувватини англатади. “Рақсининг туғилиши” деворий суратида табиат киш уйқусидан уйғонаётган, ҳаво, қуёш нурлари, сувдаги акслардан чакнаётган ва дарахтлар гуллаётган баҳорнинг умумий ҳолати тасвирланган. Санъаткор “Устоз”нинг даъватини эшитиб унга томон интилаётган раққосаларнинг кўп қоматли гуруҳини акс эттирган.

Улар илҳом париси, баҳор элчиси сифатида тасвирланган. Уларнинг ҳаракатлари энгил, назокатли ва ёшлик, гўзаллик ва умид каби хисларни ифодалайди. Қизларнинг юзлари, қўлларининг ҳаракатлари, қоматлари ҳолати назокатли ва оҳангдор чизиқлар билан ифодаланган.

Бу тутиб бўлмайдиган, ҳар ерда ҳозир, жадал ва ҳамма жойда оқувчи мусиқа кабидир. Яхшилаб ўйланган композиция, чизиқлар ва шакллар маданияти тасвирдаги уйғунликни таъминлаган. Санъаткор бунда инсон ва табиат уйғунлашиб кетадиган лаҳзалик ҳиссиётлар ҳолатини ифодалагандир. Тўхтатиб бўлмайдиган вақт лаҳзаси ҳаётни ҳис қилишни сездирувчи аниқ қобилятга эга бўлади, у маънавий ва эстетик омил сифатида томошабинга таъсир қилади.



Б.Жалолов. “Мусиқали драматик театр фойесигаги деворий сурат”. 1987 йил.

Деворий суратнинг умумий кўриниши илиқ рангда ишланган. Унда инглиз қизили, тилларанг-пушти ва қаймоқранг, феруза яшил ранглардан фойдаланилган. Чизиш услуби швейцариялик рассом Ганс Эрнининг ижодий асарларини ёдга солади, бу рассом замонавий европалик санъаткорлар ижоди билан таниш эканлигидан дарак беради.

Марказда рақс тушаётган қизларнинг илҳом париси қомати Сандро Ботичеллининг “Венеранинг туғилиши” асаридаги Венерага ёпқич ташлаётган фаришталар қоматига ўхшайди. Бу рассомнинг Уйғониш даври санъаткорлари ижодига мурожаат қилганлигини кўрсатади. Ўша даврлар рассомларининг маҳобатли асарларидан фарқли ўлароқ бу асарда санъаткорнинг деворий сурати ҳавоийлиги ва лириклиги билан ажралиб туради. Баҳодир Жалолов ўзбек халқи ҳаётидаги хореографик санъатнинг бу саҳифасини она юрти маданияти тарихини чуқур билган ҳолда, юксак касб маҳорати ва чексиз муҳаббати билан тасвирлади.

Архитектор С.Сутягин шундай хотирлайди: “1986 йили мен уни Қўқон театрига “Ўзбек театрининг тараққиёт тарихи” деворий суратини, Адабиёт музейига композициялар яратишга таклиф этдим. ...биз – архитекторлар, муҳандислар, рассомлар, халқ усталари ўз ишимизни қилиб бўлдик. Унда нафақат Жалоловнинг деворий сурати ва Киселёвнинг ҳайкали, балки А.Кедриннинг сополи, И.Липеенанинг витражи, А.Домерецкасининг ажойиб қандиллари бор”³⁷.



Б.Жалолов. “Наврўз байрами”. 1987 йил. Деворий суратдан лавҳа.

1986 йили Қўқон шаҳри аҳолиси ҳаётида катта маданий ҳодиса рўй берди, яъни Муסיқали драматик театр биноси қурилди. Қўқон шаҳри фахрийларидан бири Рустам Усмоновнинг хотирасидан: “Шаҳримизга Муסיқали драматик театрга деворий сурат ишлаш учун машҳур рассом Баҳодир Жалолов келди.

³⁷ Шулепина Н. Серго Сутягин: Люблю летать в облаках. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.zerkalo21.uz/art_plyus/sergo_sutyagin_lyublyu_letat_v_oblakax.mgr

Шу куни шаҳар фахрийлари тўпландик ва санъаткорнинг оёғи остига кўй сўйдик. Куёш ўз нурини сочиб турган кун эди. Рассом билан учрашув халқ байрамига айланиб кетди. Рассом деворий сурат устида ишлаётганда театр биносига аҳоли тез-тез келиб турди. Улар баъзан бир ўзи, баъзан эса кўпчилик бўлиб келар эди. Рассом улардан қоралама нусха олиб қолар эди ва деворий суратга кўчираар эди. Бу суратда кўпгина шаҳарлик ҳамюртларимиз қиёфаси акс этиб қолди. 1987 йили деворий сурат тайёр бўлди”.

“Ўзбек театри тараққиёти тарихи”дан чап томондаги “Наврўз байрами” деворий сурати эътиборни тортади. У юза-безак услубида чизилди. Санъаткор Турон ва Эрон ҳудудидаги ўрта асрлар миниатюра мактаблари асарларини ўрганди, шунингдек Сандро Ботичелли, Рафаэл Санти ва Тьеполло сингари Италия Уйғониш даври рассомлари ижоди билан ҳам таниш эди. Деворий суратда, қоматлар ҳаракатида ва умумий рангда у олган билимлар яхши кўринади.



**Б.Жалолов. “Ўзбек театри тараққиёти тарихи”. 1987 йил.
Деворий сурат лавҳаси.**

Масалан, композиция марказидаги рақс тушаётган қизлар ҳаракати Сандро Ботичеллининг “Баҳор” деворий суратидаги уч қизлар ҳаракатини эслатади. Деворий суратда рассомга таниш қиёфалар, муаллифнинг замондошларини кўриш мумкин. Олд томонда ўтириб гуллаётган новдага тикилиб турган ён томондан чизилган эркак қиёфаси рассом Тохир Миржалиловдан олинган. Бу таниш қиёфалар деворий суратни жонлантиради ва томошабин ўз қадрдон халқи, дўстлари орасида юргандек муҳит яратилади.

Рақс тушаётган қизлардан иборат композиция ўнг ва чапида томошабинлар ва ўрта асрлар миллий мусиқа асбобларини чалиб ўтирган мусиқачилар тасвирланган. Қўлларида альбом тутиб ўтирган рассом мусиқачиларни тасвирляпти. Томошабинлар орасида кўғирчоқбоз ҳам кўринади. Қадимдан Парғонанинг (ҳозирги Фарғона водийси) барча майдонларида кўғирчоқбозлар халққа ўз томошаларини кўрсатарди. Эркаклар ва аёллар ўрта асрларга хос кийимлар ва бош кийимларини кийиб олган.

Айниқса бу панжара ортида от миниб турган қизларда яхши кўринади. Чизиш услубига кўра дарахтлар шакллари, учаётган ва мрамрдан ишланган ҳовузчада сузиб юрган ўрдаклар (улар Шарқда оила қуриш, бахт ва содиқлик рамзи ҳисобланади) Ҳирот (Шарқ) миниатюра мактаби тасвирларини ёдга солади.

Деворий сурат оч, ёркин бўёқларда чизилган ва байрамона кайфият уйғотади. Баҳорги табиат ҳолати, гуллаётган дарахтлар ва байрам саҳнаси фонига кумушранг тоғ чўққилари ана шу кайфиятга эриштиради. “Ислимий” ўсимлик безаклари орасида фаришталар образи туширилган майолика билан безатилган бино пештоқи ёнида турган одамлар гул безакли матолардан тикилган миллий кийимлар кийган. Санъаткор ўз деворий суратларини ва одам тасвирларини таҳлилий тўғри, анатомик саводли ишлаган, ўз қаҳрамонларининг психологик ҳолатини чуқур ва тўғри тасвирлайди.

“Рассом тарихий, маданий меросга алоҳида эътибор беради. Бир неча ўн йилликлар давомида бу мавзунини ривожлантиради. 1987 йили Қўқон шаҳри мусиқали драматик театри интерьерини новаторлик маҳорати билан ажралиб турадиган, ранглари билан мафтун этадиган асар яратди. Рассом уни “Ўзбек театри тараккиёти тарихи” деб номлади.

У узун деворда жойлашган ўймакор эшик сценографиясидан унумли фойдаланди. Деворий сурат драматургияси ўзгарувчан мизансаҳнага хос. Уларда воқеалар ва ҳаёлий, антиқа ва тантанали тарихий образлар тасвирланди. Улар характерларнинг психологик теранлиги ва назокатлилигини уйғунлаштиради. Бу асар рассомнинг ўтган асрнинг 90-йиллардаги яратилган жозибали ва нафис деворий композицияларидан биридир”³⁸.

1970-1990-йиллари юртимиз ва жаҳон маданияти тарихига улкан ҳисса қўшган шоирлар, олимларнинг образларини акс эттирувчи маҳобатли безакдор ҳайкалтарошлик тез ривожланди.


Булар Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Алишер Навоий, Ал Хоразмий сингари буюк мутафаккирларнинг образларидир. Ҳайкаллар нафақат пойтахт Тошкентда, балки Республикаимизнинг бошқа шаҳарларида ҳам ўрнатилди. Бу ҳайкалларда нафақат юртимиздаги, балки хориждаги ҳайкал ясаш санъати тажрибаларини ҳам кўриш мумкин.

Бу ҳолатдан шуни англаш мумкинки, 1970-йилларга келиб санъатнинг бу тури шаклланди ва жадал ривожлана бошлади. Рассомлар уюшмаси таркибида касб маҳорати юксак бўлган ҳайкалтарошлар ижодий жамоаси вужудга келди. Бу жамоа таркибига кирган А.Бойматов, А.Аҳмедов, А.Салоҳиддинов, Х.Хусниддинхўжаев, Д.Рўзиев, А.Раҳматуллаев, И.Жабборов сингари санъаткорлар фаол ва самарали иш олиб бордилар.

Тошкент шаҳрида ўрнатилган, бадиий-эстетик қимматга эга бўлган бундай асарларни шу даврлардаги тарихий мавзудаги асарлар дейиш мумкин. Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи олдида ўрнатилган шоирнинг ҳайкали, Ал Беруний метро бекати ёнидаги майдонга ўрнатилган олимнинг ҳайкали, кўкрак хирургияси клиникаси ёнига ўрнатилган Абу Али ибн Сино ҳайкали қабилар юртимизнинг тарихий аломалари ёдини асрларга муҳраб қўйди. Шунингдек ҳайкалтарошлар А.Раҳматуллаев, Р.Немировский ва Г.Рева ҳамкорликда 1983 йили яратган Ал Хоразмий ҳайкали Тошкентда ўрнатилган ўзига хос ёдгорликлардан ҳисобланади.

³⁸ Ҳакимов А.А. Баходыр Джалалов. Альбом каталог. – Т., 1999. с. 7.

Ал Хоразмий ҳайкалини Тошкентнинг 2000 йиллик тўйи нишонланётган кунлари ЮНЕСКО Бош директори Ахмаду-Махтар Боу очган эди. Бу ҳайкаллар Ўзбекистон маданиятининг маънавий-моддий қадрияти ва чуқур миллий ғояси ифодачиси ҳисобланади.



А.Раҳматуллаев, Р.Немировский, Г.Рева. “Ал Хоразмий”. 1983 йил.

Навоий кўчасидаги кичикроқ хиёбон ёнида жойлашган Давлат адабиёт музейини очилиши шарафига 1968 йили ўрнатилган Алишер Навоий ҳайкали санъаткорлар Д.Рябичев, К.Салоҳиддинов ва архитектор Ф.Турсуновлар томонидан яратилди. Бу буюк шоирга бағишланган ҳайкаллардан бири ҳисобланади. Унда шоир бир қўлида китоб, бошқаси билан енгагидан тутиб чуқур ўйга толган ҳолатда тасвирланган. Ҳайкал унчалик катта бўлмаса-да, қоматининг бир бутунлиги ва умумий кўринишининг муҳимлиги билан маҳобатли тасаввур уйғотади. Қоматнинг энг юқорисида шоирнинг муғилларга хос қиёфали боши кўринади.


Ҳайкалтарошлар олим антрополог М.М.Герасимов қайта тиклаган теурийлар даври тадқиқотлар ва ҳайкал бошларига муурожаат қилган бўлиши мумкин. Унда ҳали яна ХХІ асрнинг биринчи ўнйиллигига хос бўлган либослар буклами ва бутун қоматни тасвирлашда назокат ва гўзаллик етишмайди. Аммо, шунга қарамай, бу ҳайкал ишонарли чиққан ва яхлит ишланган шакли ва тагликда қоматни муустаҳкам ўрнатилганлиги билан яхши таассурот уйғотади.



Д.Рябичев, К.Салоҳиддинов. “Алишер Навоий”. 1968 йил.

1974 йили академик Михаил Константинович Аникушин бронзадан ишлаган шоир Александр Сергеевич Пушкин (1799-1837) ҳайкали ажойиб тарзда ишланган энг яхши ҳайкалтарошлик асарларидан бири ҳисобланади. У ҳам Тошкентни безаб турувчи ҳайкаллардан бири ҳисобланади. Ҳайкал буюк шоирнинг 175 йилигига бағишлаб очилди. Унда ҳайкалтарош ижодкор шоир образини ажойиб тарзда очиб берди. Унда маҳобатлилиқ билан А.С.Пушкин характерининг ўткир психологик хусусиятлари ҳам очиб берилди. Ҳайкалда шоир ижодий илҳом ҳолатида ва кучли хаяжонда ифодаланган. Бироз орқага ташланган боши, орқага ҳимарилган қўллари ва ҳилпираётган плаши парвоз тасаввурини уйғотади.

Шоир образининг ташқи, шакл-шамойил, композицион тўхтамининг анчайин соддалигига қарамай, унинг қомати мағрур ва нозик ишланган ва унинг қуйидаги сатрларига мос келади: *“Дўстим, эркинлик истармиз, қалбимиз шоншараф истар, қалб тўғёнларимизни Ватанга бахшида этурмиз!”*.




М.Аникушин. “А.С.Пушкин”. 1974 йил.

“А.С.Пушкиннинг енгил парвоз қилаётган ҳайкали ёнида атиргуллар ғунча очади, унинг ёрқин нигоҳлари Тошкент шаҳри кўчаларини ёритади, унинг маданияти абадий эканлигини исботлайди, ташқаридан осойишта ва эркин кўринган келишган қомат, бироз орқага ташланган бош билан шоир гўё бизга номалум бўлган нимагадир, узоқ келажак асрларга тикилаётгандек... Абадий ўз ортидан эргаштираётгандек...”³⁹. Файзли оқшомларда кўплаб одамлар сайр қилиб бу ҳайкалнинг олдига келади, гулдасталар келтиришади. Ўша давр руҳига мос ўриндиклар, чироқлар ва яшил атроф-муҳит шоир образини янада жонли бўлишига хизмат қилади.

³⁹ Шахназарова Л. Памятник А.С.Пушкину в Ташкенте. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://slovo.nx.uz/pamyatnik-pushkinu-v-tashkente>

Ўзбек тасвирий санъат усталарининг асарларида Камолитдин Бехзод образи⁴⁰

Ўз ижодида жаҳон тасвирий санъатининг илғор тамойилларига мурожаат қилиб, уларни ижодий ўзлаштириб, Ўзбекистон рассомлари ўз замондошларининг ўзбек тасвирий санъати ҳақидаги тасаввурини кенгайтирмоқдалар. Уларнинг тарихий шахслар образлари тасвирланган асарлари Ўзбекистон маданияти ривожига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Улардан кўпчилиги юксак касб маҳорати даражасида ишланганлиги учун музейлар ва суратлар галереяларидан жой олган ва томошабинда катта қизиқиш уйғотмоқда. Ўзбек рассомлари асарларида шарқ миниатюраси асосчиси Камолитдин Бехзод образи ёрқин ва ҳаётий очиб берилган. Маълумки, у ўз ижоди билан нафақат Шарқ, балки бутун жаҳон маданияти тарихига ўз ҳиссасини қўшди.



**Ж.Умарбеков. “Миниатюрочи рассом Камолитдин Бехзод
шогирдлари билан”. 1970 йил.**

⁴⁰ Маматов У. Образ Камоледина Бехзода в произведениях узбекских мастеров изобразительного искусства. // ГИТИС. Альманах. «Театр, Живопись, Кино, Музыка». №4, 2017. с. 125-130. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.gitis.net/images/books/Almanah/2017/Альманах_4_2017.pdf

У 1455 йили Ҳирот шаҳрида камбағал ҳунарманд оиласида туғилди. Ёшлигидаёқ етим қолди ва Ҳусайн Бойқаро саройи кутубхонаси бошлиғи бўлган машҳур рассом Мирак Наққош қўлида тарбия топди. Бу даврда ўсмир Бехзод ўз даври тасвирий санъатининг сирларини ўрганди. “Пир Сайид Аҳмад Табризий Мирак Наққошнинг устози бўлган эди, у эса ўз вақтида Бухоролик уста Жаҳонгирдан таълим олди”⁴¹.

Камолиддин Бехзод тез орада ўз замондошлари, рассомлар ва Абдурахмон Жомий, Лутфий ва Алишер Навоий каби шоирларнинг эътиборига тушди. Унинг шу пайтдаги ҳаётий лавҳаси рассом Жавлон Умарбековнинг “Миниатюрочи Камолиддин Бехзод шогирдлари билан” номли асарида ўз аксини топди. Баҳор уйғониш, гуллаш палласи.

Устоз шогирдларга қўлида ушлаб турган гул ҳақида сўзлаб беряпти, у табиатнинг ажралмас бир қисми ва софлик, назокат ва уйғунликни ифодалашини таъкидлаяпти. Гул ўзида гўзал ҳаётни акс эттиради. Ёш рассомлар устоз ҳикоясини диққат билан тинглаяпти.

Табиийки, бундай сабоқдан кейин бўлажак миниатюрочи рассомлар баҳорни ва у билан боғлиқ табиатдаги янгилашни жароғини ўзгача тушуна бошлайдилар, унда навқиронлик, гуллаб-яшнаш ва умидворлик даврини кўрадилар. Ёш рассомлар оламга ўз нигоҳи билан қараб, уни ўзларининг ажойиб асарларида акс эттирадилар. Ҳаётнинг ҳар бир лаҳзаси уларни табиат гўзаллигини кадрлашга ўргатади. Гуллар, новдалар нақшлари ёш рассомларнинг қалби билан уйғунлашиб кетган.

Асарнинг олд планида гуллар билан қопланган шох тасвирланган. Унга инсонни табиат билан алоқаси рамзи бўлган сайроқи қуш қўниб турибди. Суратнинг орқа фонида рассом фикрларининг ижодий парвози, олдинга жадал ҳаракат, инсонни руҳан ғалабага интилиши рамзи бўлган чопқир отлар тасвирланган. Буларнинг барчаси асарда ҳаққоний ифодаланган, образлар жонли чиққан. Асар илиқ, тилларанг тусларда яратилган.

Рассом асарда ранглар уйғунлигига эришган ва қаҳрамонлар шахсиятини аниқ очиб берган. Асар композицияси яхши ўйланган ва ранглар тўғри берилган, ўсимликлар танаси ва шох-барглари бир йўналишга бўйсундирилган. Рассом Шарқ миниатюраси ва Ғарбий Европа бадий мактаби анъаналарини ўзаро тасвирий уйғунлаштириб юборганлиги унинг юксак маҳоратидан дарак беради.

Рассом Азиза Маматова “Ўсмир Бехзод” номли асарида 12 ёшли Камолиддин Бехзод образини талқин этди. Асарда ўйчан ўсмир ақлли кўзлари билан томошабинга тикилиб турибди. Унинг либоси қизил доғлари бўлган зумрад рангли матодан тикилган. Ёш рассом нигоҳида унинг қалби акс эттирилган. Унинг қарашларида гўё чексиз осмон бутун оламни қоплаб олгандек, сув ва ҳаво бир лаҳзага тутшиб кетгандек туюлади.

Уни ўраб турган рамзлар гўё умуминсоний қадриятлар ҳақида гапирётгандек ботинидан нур сочиб турибди. Қақнус қуши - ҳаёт рамзи. Ҳар гал у ҳокдан қайта яралиб, табиатнинг айланувчанлигини ёдга солиб туради. Қанотли оқ от - ижод ва илҳом рамзи, кулранг – оқ гулмоҳи софлик, заковат теранлиги ва эзгу мақсадларни англатади. Ярим ой ёш рассом туғилиб ўсган мамлакат маданияти ҳақида сўзлайди, у бебаҳо асарлар яратиб оламга тақдим этган ижодкор шахс эканлигидан дарак беради. Феруза, кўк ва яшил ҳаво рангларни ўз ичига олган осмоний мовий ранг уйғунлиги тўғри топилган.

⁴¹ Кази Аҳмад. Трактат о каллиграфих и художниках. Введение, пер. и ком. Б.Н.Заходера. – М – Л., 1947.

Буюк рассом Монийнинг номи Оташпараслик давридан бизгача етиб келди. Камолиддин Бехзодни етук санъати учун иккинчи Моний деб атадилар, Европаликлар эса уни Шарқ Рафаэли деб улуғладилар. Шунингдек уни “Ноёбларнинг ноёби” ва “Рассомларнинг улуғи” деб ҳам номладилар. У Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида (1438-1506) рассом бўлиб шаклланди, бу пайтда буюк шоир ва маърифатпарвар Алишер Навоийнинг қўллаб-қувватлаши туфайли Ҳиротда илм-фан, маданият ва адабиёт мисли кўрилмаган даражада ривожланган эди. Алишер Навоий Камолиддин Бехзодни рассом сифатида шаклланишида етакчи рол ўйнади.



Т.Саъдуллаев. “Шоир Алишер Навоийнинг миниатюрачи Камолиддин Бехзод билан суҳбати”. 1975 йил.

Рассом Темур Саъдуллаевнинг “Шоир Алишер Навоийнинг миниатюрачи Камолиддин Бехзод билан суҳбати” асарида уларнинг учрашувларидан бири тасвирланган. Алишер Навоий образини рассом Камолиддин Бехзоднинг шогирди Маҳмуд Музаҳҳиб миниатюрасидан олган. Асар монохром рангларда чизилган. Асардаги тиниқ сариқ ранглар рассомнинг нозик дидидан дарак беради. Композициянинг соддалиги – бу ранг ва чизикларнинг уйғунлигидир. Рассом назаридан ҳеч нарса четда қолмаган. Асарнинг умумий ҳолати уйғунлигида кўринади. Қахрамонларнинг юз, кўз ва қўллари ифодасидан уларнинг чуқур ҳиссиётларини англаш мумкин.

Агар асарга эътибор билан назар солсак, бунда кўз олдимизда жонли инсонлар намоён бўлади. Алишер Навоийнинг узун енги панжаларини беркитиб турибди, бу шоир яшаб ўтган ҳаётни самарали рамзи ҳисобланади. Камолиддин Бехзод қўлидаги китоб билим ва донолик, баҳор гуллари билан қопланган дарахт эса шоир ва rassom руҳлари бирлигини англатади.




Ж.Миртожиев. “Камолиддин Бехзод”. 2011 йил.

Жалолиддин (Равшан) Миртожиевнинг 2011 йили бронзадан ишланган “Камолиддин Бехзод” ҳайкалтарошлик асарида буюк rassom образи акс эттирилган, у портретлар сериясига киради. Ҳайкал ўрта асрлар миниатюра устасига бағишланган ёдгорлик боғидаги музей ёнига қўйилган. Ҳайкалнинг бироз чўзилган қомати, мўйқалам ва қоғоз ушлаган қўлларининг назокатли ҳаракати бу ижодкор шахснинг моҳиятини ва унинг табиатининг моҳиятини англашиб қўяди.

Барча ёруғлик-соя оқмалари, чуқурлик ва бўртма жойларнинг қарама-қаршилиги, ритмик қисмларнинг барчаси жонли материянинг ҳаракатларига ўхшайди. Шу билан бирга санъаткор ўз асарида лаҳзаликни эмас, балки вақт жиҳатдан давомийликни, соф қомат қурилмасини, шунингдек Камолиддин Бехзод ҳақидаги ўрнашиб қолган тасаввурларни кенглигини беради. Бу асарда услубнинг софлиги ва қатъийлиги бетакрор ўзига хослик билан уйғунлашиб кетади.

2008 йили rassom Мирхамид Собиров Ўзбекистон бадиий академияси Камолиддин Бехзод номидаги ёдгорлик боғи музейида бу буюк миниатюрочи rassomга бағишланган деворий сурат яратди.



М.Собиров. “Камолитдин Бехзод”. 2008 йил.

Деворий сурат композицияси тик ва икки томондан унга асалари уяси каби безак берилди. Камолитдин Бехзод ва безакдор гиламда ўтирган илҳом парисидан ташқари барча асар ранги совуқ ранглар билан берилган, деворий сурат геометрик ва ўсимлик нақшлари билан бой безатилган. Асар фонидаги Авестонинг афсонавий қаҳрамонлари rassom Моний ва қадимги Кушон шоҳи Канишка образларини катта эҳтиром билан тасвирлайди. Нақшли ёркин қизил рангли чопон кийган Камолитдин Бехзод безак атрофига нақш ишлаётганлиги маданиятлар даври ва узвийлиги рамзи ҳисобланади. Рассомнинг орқа томонида рамзий боғ чизилган. Нақшли тилласимон либос кийган илҳом париси образидаги гўзал қиз кўтарилган қўлларидаги атиргул ғунчасига тикилиб турибди.

Асарнинг энг юқорисида хаёлот оламининг парвозини англатувчи афсонавий Семурғ куши учиб юрибди. “Семурғ инсонийлик жамияти (уруғлар, қабилалар) ва улардаги ҳар бир шахснинг ҳомийси ҳисобланади. Оташпарастлар матнида (XIV “Яшта”) айтилишича Семурғ Жаҳон Дарахти тагига қўниб туради, бу дарахтда ҳамма уруғлар етишади ва қанотларини силкитиб уруғларни учиради, уларни ёмғир ва шамол бутун дунёга тарқатади. У адолат ва бахт куши сифатида идрок этилади”⁴².

Бутун деворий сурат ранг жиҳатдан чиройли ва ижодий меҳнат қувончини англатиб туради. Муаллиф ўз асарини ниҳоятда катта илҳом билан ишлаганлиги сезилади. Бу деворий сурат замондошимиз яратган тарихий жанрдаги қизиқарли тасвирий санъат асарларидан бири ҳисобланади ва ўрта асрлар миниатюрачиси буюк рассом Камолиддин Беҳзодга бағишланган мадҳия сингари янграйди.

Рассомлар Ж.Умарбеков, А.Маматова, Т.Саъдуллаев, Ж.Миртожиев ва М.Собировлар ижодида аввалги рассомларнинг бадиий тажрибаси узвий равишда ўзлаштирилаётганлигини кўриш мумкин. Ўтмиш ва ҳозир ўртасидаги алоқаларнинг уйғунлиги сақланиб қолинди. Маҳорат билан ишланган асарларнинг кучи уларни томошабинга бевосита таъсири ва чуқур таассуротлилигида кўринади.

Ўзбек адабиёти классиги Абдулла Қодирийнинг қуйидаги сўзлари бежиз ёзилмаган: “*Афсуски мен рассом эмасман. Агар менда рассомлик иқтидори бўлганда эди, сўзларни ковлаб ва қийнаб ўтирмас эдим, қаҳрамонларим қиёфасини чизиб тасвирлаб қўяр эдим*”.



⁴² Симуриг. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://ru.wikipedia.org/wiki/Симуриг>

II БОБ

XX АСР ИККИНЧИ ЯРМИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТАНИҚЛИ РАССОМЛАР ЯРАТГАН ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ПОРТРЕТЛАРИ

Ўзбекистон мустақиллиги даврида 1991 йилдан ҳозирги кунларгача энг яхши тарихий мавзудаги асарларда композиция тузишга методологик ёндашувларнинг асосий тамойиллари таниқли тасвирий санъат усталари ижодида асос бўлиб қолаверди. Улар муҳим, касбий-техник роль ўйнади ва “композиция” тушунчаси анъанавий бўлиб қолди. Бу ҳолатда нафақат асарларнинг “вақти, воқеалари ва муҳити”ни маданиятшунослик ва санъатшунослик жихатдан тахлили, уларнинг шакл ва мазмун тавсифи, балки тасвирий санъат асарини яратишга сабабчи санъаткор шахсиятига тўлалигича боғлиқ бўлган бадиий асарни вужудга келиши устидан кузатиш жараёнига ҳам боғлиқдир.

Юксак касб маҳорати афзалликлари билан ажралиб турувчи бу асарларнинг сифати, шубҳасиз, тарихий маданиятшунослик ва психологик – маданиятшунослик тадқиқотлари ўтказишга имкон берди, улар манбашунослик хусусиятига ҳам эга. Ўз асарлари учун сюжет танлаб, ўз асарларини яратаётиб тасвирий санъат устаси қандай ғояларга, афсоналарга ва фалсафий нуқтаи назарларга таянган, деган ҳақли савол туғилади.

Машхур манзарачи рассом, тасвирий санъат устаси Урал Тансиқбоевнинг таъкидлашича, санъат назариётчилари кўпинча ижодий асарларни тадқиқ этаётиб ҳаётни ва бу ажойиб асарларнинг муаллифларини тадқиқ этиш имкониятини қўлдан чиқарадилар. Юқорида таъкидланганлардан келиб чиқиб, ушбу ишда имкон қадар бу асарлар яратилган давр ва муаллифларнинг ўзлари ҳақида ҳам сўз юритишга қарор қилинди.

Бу асарларни яратишга уларни нима мажбур қилди? Қандай сабаблар бунга туртки берди? Бу саволларга жавоб бериш ва ушбу масалаларни ҳал қилиш ҳамда шулар асносида тарихий асарларнинг шакл ва мазмунини таҳлил қилиш ушбу тадқиқотнинг мантиқий асосини ташкил қилди. Ушбу тадқиқотда XX аср иккинчи ярмида яратилган бир қатор машхур тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарларини назарий тадқиқ этиш билан боғлиқ долзарб вазифа ҳал қилинди.

Бу даврда тасвирий санъат усталарида келиб чиқиши турлича бўлган, турли касбдаги одамларга бўлган қизиқиш кучайди. Энг муҳими уларнинг яратувчанлик қудратига ишонч пайдо бўлди ва илгари йўқотиб қўйилган ҳамда Ўзбекистонда деярли йўқ бўлиб кетган портрет санъати юртимиз тасвирий санъатида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб қолди. Тарихий воқеаларнинг моҳияти ва мазмунини чуқур билиш тасвирий санъат усталарига ўз даври қаҳрамонлари образини ўз асарларида тўлақонли акс эттириш билан боғлиқ эзгу мақсад ва вазифалар қўйилди.

2.1. Буюк шоир Алишер Навои ва шоира Мохларойим Нодирабегим портретлари⁴³

Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейининг иккинчи қаватига кўтарилиб зал юқорисидаги дераза ёнида Владимир Кайдалов 1947 йили ишлаган ажойиб портретни кўриш мумкин. Алишер Навоий даври ҳақида гап кетганда энг аввало буюк шоирнинг шахсиятига батафсил тўхталиш зарур бўлади. Алишер Навоийнинг (1441-1501) улкан маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлган адабий мероси билан танишиш асносида, ҳар бир асрда нафақат унинг Ватани бўлган Ўрта Осиёда, балки бутун дунёда унга бўлган қизиқишни эътироф этган ҳолда унинг устозлари – мутафаккирлар ва шоирларни ёдга олиш зарур бўлади.

Уларни кенг теран фикрлайдиган, узоқ келажакни кўзлаб иш қиладиган шахс сифатида шаклланишида ҳал қилувчи таъсир ўтказдилар. Бу шоир Мир Қосим Анварийдир, уни халқ ниҳоятда яхши кўрар эди, лекин ҳуқумдорлар унинг ҳаққоний сўзи, ижодида ҳақиқатни гапирганлиги учун таъқиб қиларди. Ёш Алишер Навоий адабий ижодини, “Ҳикматлар” китобини ниҳоятда кадрлаган мутафаккир шоир Фаридиддин Атторни ёдга олиш мумкин.

Алишер Навоийнинг шогирди ва унинг шерияти ихлосманди Хондамир ўзининг буюк шоирга бағишланган “Макоримул ахлоқ” асарида шоирнинг ёшлик йилларида бўлиб ўтган бир воқеани келтириб ўтади. Туркий ва форсий тилда асарлар яратган, ўз даври қалами ҳуқумдори ҳисобланган тўқсон саккиз ёшли шоир Мавлоно Лутфий, ўн икки ёшли ўсмир Алишер Навоийдан:

*Оразинг ёпқоч кўзимдин сочилур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлур юлдуз, ниҳон бўлгоч қуёш...*

Мисраларини эшитиб, ўз хайратини яширмайди. Унда жаранглаган байтлар такомил ва уйғунлигига тан беради ва шундай дейди: “Мен ҳаётим давомида ёзган ўн икки минг байт шеъримни мана шу икки байтга алмашишга тайёрман”, деган сўзлари билан ёш шоирга оқ фотиҳа беради⁴⁴.

Икки ярим асрдан кейин Россияда, Санкт-Петербург яқинидаги Царское селода ўтказилган битириш имтихонида таниқли тўқсон ёшли рус шоири Гавриил Романович Державин бошқа буюк шоир Александр Сергеевич Пушкинга худди шундай оқ фотиҳа берганлигини юқоридаги фикрнинг такрори сифатида келтириш мумкин. Бу ҳақда А.С.Пушкиннинг ўзи (1799-1837) шеърини романи “Евгений Онегин”да шундай ёдлайди: “Кекса Державин бизга назар солди ва рихлат қилаётиб оқ фотиҳа берди”⁴⁵. Шу билан аввалги тарих бошқа шоир тақдирида такрорланди. Академик Воҳид Зоҳидов Алишер Навоий достонлари муқаддимасида шундай ёзган эди: “Шундай қилиб Алишер Навоий ҳаётига болаликдан ва абадийга шеърини кириб келди, улуғвор бадий асарлардан қадриятлар яратди, улар даврлардан ўтиб келиб, абадийликка дахлдор бўлиб қолди”⁴⁶.

⁴³ Маматов У. Исследование трёх портретов великого поэта средневековья Алишера Навои. / Сборник научных статей: Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари. Государственный Институт искусств и культуры Узбекистана. 2016. с. 324.

⁴⁴ Сулаймонов М. Оразин ёпқач. [Эл.рес].Ре.дос: <http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/navoiy/973-maqola.html>

⁴⁵ Словарь крылатых слов и выражений. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_wingwords/2610/Старик

⁴⁶ Алишер Навои – Поэмы. / Библиотека всемирной литературы. Серия первая. т.26. – М.: «Художественная литература», 1972. с. 5.

Турли даврларда Алишер Навоийнинг ижодий меросини ўрганган кўпгина тадқиқотчи олимлар у асосан дунёвий севгини куйлашга бағишланганлигини таъкидлаган. Йирик шарқшунос (туркшунос, эроншунос) олим Евгений Эдуардович Бертельс (1890-1957) олимларнинг танқидига қарамай ўз илмий ишларида Алишер Навоий шеъриятининг ҳаққонийлиги ва улуғворлигини исботлади. У Алишер Навоийни Худо ҳокимият, бойлик, иқтидор каби катта имкониятлар берган Юсуф Пайғамбар билан тенглаштирган Абдурахмон Жомийнинг сўзларини келтиради, шунинг учун ҳам у фақат севги-муҳаббат лирикаси билан шуғулланганлиги ҳақидаги фикр ўринли эмас.



Маҳмуд Музаҳҳиб. “Алишер Навоий”. XV аср.

Буюк шоир Алишер Навоийнинг эллик минг байти унинг теран фикри, ўз давридан кўпгина юз йилликлар илгарилаб кетган кенг дунё-қараши туфайли Худога бўлган суфийларча муҳаббатига бағишланган. Шоирнинг ижодий мероси барча инсонни маънавий, закий ва жисмоний хислатларини такомиллаштиришга чақирди ва айнан шу нарсалар шахс таълими ва тарбиясида асосий аҳамиятга эга бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Ўтган даврларда иқтидорли рассомлар томонидан Шарқда яратилган буюк одамларнинг ҳаётини портретлари жаҳон тасвирий санъатида ниҳоятда юқори баҳоланган.

Улар рассомнинг портрети ишланаётган шахслар ҳақидаги бевосита тасав-
вурлари билан бойитилган ва уларда нафақат инсон характери, балки у яшаган
муҳит ҳам ҳаққоний тасвирланди. Бу асарларда кўпинча саройлар архитек-
тураси, интерьерни амалий санъат ашёлари, тоғлар, водийлар, гуллар ва дарахтлар
етиштирилаётган боғлар кабилар тасвирланди. Ҳинд миниатюрачилари томони-
дан яратилган Бобуршоҳ миниатюра портрети ана шундай асарлардан ҳисоб-
ланади. Рассом Камолиддин Бехзод XV аср ўрталарида ишлаган Ҳирот
ҳуқумдори ва шоири Ҳусайн Бойқаро портрети, шунингдек унинг шогирди
Маҳмуд Музаҳҳиб ишлаган Алишер Навоий портрети кабилар ана шундай
асарлардандир.



В.Кайдалов. “Алишер Навоий”. 1947 йил.

Кейинчалик, XX аср ўрталарида буюк шоир тасвирланган Маҳмуд Музаҳҳиб
миниатюраси бир қатор ўзбек рассомлари ва ҳайкалтарошларини Алишер
Навоий образининг бутун бир галереясини яратишга илҳомлантирди. Улардан
баъзиларини тадқиқотимизда кўриб чиқамиз. Урушдан кейинги йилларда рассом
Владимир Кайдалов томонидан яратилган шоир портрети дастлабки
портретлардан бири ҳисобланади.

Бу мамлакат учун ўз яраларини даволаётган оғир йиллар эди, аммо халқ умуман иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалабадан кейин кўтаринки руҳда эди. Мана шу кўтаринки кайфиятда рассом бу портретни яратди. 1941 йили декабрида қамал қилинган Ленинград шаҳридаги Эрмитажда академик И.А.Орбели раислигида, йирик шарқшунос олимлар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этган буюк шоир Алишер Навоийнинг юбилейи бўлиб ўтди. Эрмитаж гумбазлари остида ҳозирги кунда ҳам севилиб ўқиладиган шеърлари ва достонлари янгиради. Уларда ҳаётга муҳаббат, дўстлик, инсоний онг ва унинг қора кучлар устидан ғалабаси куйланган эди.

*Олам ахли билингиз, иш эмас душманлиг,
Ёр ўлунг бир-бирингизга эрур ёрлиқ иш⁴⁷.*

Турли даврларда ва турли мамлакатларда инсониятнинг ёрқин келажагига ишонч билан яшаган, ижод қилган ва уқубатлар чеккан буюк одамлар умр кўрган эди. Шоир Алишер Навоий ана шулардан бири эди. В.Кайдалов портретида “Қоронғуликдан кейин, албатта нурли ёруғлик келур”, деб инсониятнинг уйғун ривожланиш имкониятларига тўла ишонган шоир образи акс эттирилди.

Портрет кўп қатламли классик услубда мойбўёқда ишланган. Унда тасвирланаётган одамга нисбатан улкан муҳаббат ҳислари туюлади. Алишер Навоий кўпқиррали нақшинкор стол ёнида ўтирибди, унинг устида китоблар ва ёзув ашёлари юмшоқ, илиқ рангларда чизилган.

Тиззалари ва тирсаклари йирик букламли тўқ қизил бахмал чопон асарнинг етакчи тасвири бўлиб қолган, унда ранглар ниҳоятда нозик берилган. Бу портретда шоирнинг юзи энг эътиборга молик жиҳат бўлиб қолган, унинг юзидан эзгулик ва нур ёғилиб тургандек. Портретда шоир қандайдир гўзаллик ва эътиборли нарсага қарагандек узокқа тикилиб турибди. Ўзбек олимлари ва рассомлари фикрига кўра бу портретда буюк шоирнинг шахсияти тўлароқ акс эттирилган, лекин таъкидлаш жоизки у миниатюрочи рассом Маҳмуд Музаҳҳибнинг шоирнинг ҳаётлиги пайтидаги портретидан фаркланади.

XX асрнинг 80-90-йиллари рассом Абдулҳақ Абдуллаев ишлаган Алишер Навоий портрети шоирнинг навбатдаги портрети ҳисобланади. Бу портрет ҳам ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейининг мулки ҳисобланади. Тасвирий санъат устаси ўз давридаги Ўзбекистоннинг етакчи портретчи рассомларидан бири бўлган. Рассом портретни кўп вариантларда ишлади, уларнинг барчаси бир хилдаги ахамиятга эга бўлмади, лекин амалга оширилган катта ижодий иш ўз мевасини берди, натижада портрет Ўзбекистон тасвирий санъатида воқеа бўлиб қолди.

Узунроқ тўртбурчак матода ҳассага қўлларини қўйиб олган шоир портрети яратилди. У шоҳона сарой чопонида тасвирланган. Жиддий қиёфада ишланган шоир юзи асардаги умумий ранг-тус уйғунлигига номос бўлиб қолди. Маълумки, шоир Ҳирот ҳуқумдори Ҳусайн Бойқаронинг дўсти ва маслаҳатчиси бўлганлиги сабабли мамлакатда вужудга келадиган тўқнашувлар ва халқ қўзғалонларини тинчителиш учун унинг топшириғи билан кўпинча саройдан кетар эди. Назаримизда куйидаги шеърлар Навоийнинг кутилмаганда саройга қайтганда гувоҳ бўлган ҳолат бўлса керак:

⁴⁷ Алишер Навои – Поэмы. / Библиотека всемирной литературы. Серия первая. т.26. – М.: «Художественная литература», 1972. с. 29.



А.Абдуллаев. “Шоир Алишер Навоий”. 1981 йил.

*Эрта ерни ёритган пайт,
Шоҳ гўшаси – ёмон тахлит;
Худди аскарлар ўлгандек жангда,
Маст-аласт ётар ҳар жойда...
Уйғонибоқ яна ташиланишар,
Камбагалнинг сўнгги нонига...
Хазинани тўлатиб, оқшом пайтида
Яна шовқин-сурон, зиёфат яна...⁴⁸.*

Бу шафқатсиз сатрлар “Ҳайрат ул аброр” достонидан олинган. У “Хамса”даги биринчи достон ҳисобланади, унда баённинг халқчиллиги ва ҳаққонийлиги биринчи шарт бўлиб қолди. Энг аввало бу шарт умуман адабиёт ва санъатни фойдали ва таъсирчан қилади.

⁴⁸ Алишер Навои – Поэмы. с. 16.

Агар адабиёт ва санъат ҳаёт ҳақиқатидан мосуво бўлса, улар инсоният маданияти ва маънавияти мулки бўла оладими, деган савол туғилади:

*Ғазалда агар маъно бўлмаса
Унинг қадри йўқдир бўлса ҳам жарангдор.
Агар сўз ҳақиқат бўлса,
Тош эриб сувга айланар⁴⁹.*

Бу сўзлар дастурий ҳужжат ҳисобланади ва Алишер Навоий шеърояти билан таниш бўлган ва у орқали тарбияланган, қандайдир янгилик ва гўзаллик яратаётган барча ижод аҳли учун зарурий қоида ҳисобланади. Шоир халқига ва Ватанига хизмат қилган ҳуқумдорни тан олади, ҳуқумдорлар яратганинг ердаги сояси деган фикрни рад этади:

*Ўзингинг қулингга ўхшайсан тамом –
Ботинингу зоҳиринг уникидек давом⁵⁰.*

XV асрда ҳуқумдорнинг яқин маслаҳатчиси бўлиб туриб бундай сўзларни айтиш учун улкан журъат керак эди.

Рассом Абдулҳақ Абдуллаев яратган Алишер Навоий портрети эстетик қиммати билан бирга буюк шоирнинг маънавий оламини очиб бериши билан ҳам қимматлидир. Даврлар ва таомиллар кам ўзгарди ва зиёли одамларнинг бу таомилларга бўлган муносабати ҳам ўзгармади. Рассомнинг ҳаётга қарашлари унинг буюк аждодлари қарашларига ўхшаб қолди.

1995 йили рассом Азиза Маматова Алишер Навоий образини яратди. Уни реалистик, яхши ва кенг маънода ишланган портрет деб бўлмайди. Буни кўпроқ XV аср охирида миниатюрочи рассом Маҳмуд Музаҳҳиб ишлаган буюк шоир ҳаётлик пайтида ишлаган портретига ўхшатиш мумкин. Эгик қомат ҳам, доно боқишлар ҳам ва ўйчан юз ифодаси ҳам – барчаси ана шунинг ўзи. Портретдаги либос ва фон ҳам ўшанинг ўзи.


Рассом шундай деган эди: “1991 йили Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи менга Алишер Навоийнинг рус тилига таржима қилинган “Хамса” асарини совға қилди, уни Л.Пеньковский, С.Липкин ва В.Державин таржима қилган эди. “Сиз энди жаҳон адабиётини жиддий ўрганинг” – деди. Китобнинг хажми жудда катта, саккиз юз саҳифа эди.

Китобни ўқий бошладим, бу ажойиб дostonлар менга ёқиб қолди. “Хамса”, “Ҳайрат ул аброр” дostonидан бошланган эди, уни В.Державин ажойиб тарзда таржима қилган эди. XV асрда яшаган ва дostonда мамлакатимиз халқининг XX аср охиридаги ҳаётига жуда ўхшашиб кетадиган Ҳирот шаҳри кенг турли жамоатчилигининг ҳаёти ва таомилларини акс эттирган шоирнинг ҳаққонийлиги мени ҳайратга солди.

Негаки катта санъатнинг кучи эҳтимол айнан даврларга мутъелигида эмасдир, негаки беш аср илгари мавжуд бўлган адолат ва жаҳолат ўртасидаги абадий кураш бизнинг давримиз учун ҳам хос бўлиб қолаверди. Мана шу фикрлар узоқни кўра оладиган ва ўз юқини ўзи кўтарган, ўз халқининг оғирини бироз бўлсада енгиллаштириш учун тинимсиз меҳнат қилган буюк шоир образини яратиш хоҳши пайдо бўлди”.

⁴⁹ Алишер Навои – Поэмы. с. 10.

⁵⁰ Алишер Навои – Поэмы. с. 10.



А.Маматова. “Маърифатпарвар шоир Мир Алишер Навоий”. 1995 йил.

*Эҳ, нега мен ошно бўлмадим сенга, бода?
Азоб ва уқубатлар эзмоқда мени ҳамиша...
Мен бу дунёга қанчалик ташламай назар,
Осмонни, табиатни истадим англашни –
Сирларни кўплиги ҳайратга солди мени.
Бу дунёга келганим ва кетаётганимни билиш,
Тушуниш менга насиб қилмай кетмиш⁵¹.*

Алишер Навоий образини яратишда рассом нафақат ранг доғларининг яхлитлигида кўринадиган қадимги Ўрта Осиёдаги Панжикент, Афросиёб, Варахша деворий суратларига, балки таникли рассом Андрей Рублёвнинг “Учлик” асарида ўз аксини топган рус санамчилигига ҳам мурожаат қилганлигини кўриш мумкин.

⁵¹ Алишер Навои – Поэмы. с. 12.

Бу ажойиб асарнинг асл нусхаси билан рассом 1968 йили Москвадаги Третьяков галереясида талабалик йилларида танишган эди. Ва албатта, у Маҳмуд Музаҳҳиб миниатюраси – Алишер Навоий портретини ўрганган эди. Бу асар беш аср илгари шоир тириклигида чизилган эди. У шоирнинг ягона жонли тасвиридир. Азиза Маматованинг асарида шоир кимсасиз овлоқда ўтирган ҳолда тасвирланган. Унинг оёқлари ёнида кулоқларини динг қилиб оху ётибди (Шарқда оху шоирона илҳом рамзи ҳисобланади). У худди сакраб туриб дарахтлар орасида ғойиб бўлишга тайёр тургандек.

Кечки очик осмонда янги ой нур сочяпти, оқ танали чинорлардан тилларанг сариқ-қизил япроқлар чирт узилиб аста ерга кўняпти. Асарда барча бўёқ доғлари уйғун, чизиклар майин ва оҳангдор, шоир қомати тўғри тасвирланган. У қўллари кафтини китобга қўйиб чуқур ўйга толган ҳолатда ўтирибди. Қўллари туширилган енглари остида кўринмайди. Шарқда туширилган енглар қандайдир катта асарни тугатганликни англатади.

Шоир худди ўзининг қийин мураккаб ҳаёти саҳифаларини варақлаётгандек ва унга якун ясаётгандек. Асарда чуқур жимлик ҳукумрон, бундай шароитда инсон осойишта фикрлаши, поёнига етаётган умрини онгли равишда сарҳисоб қилиши мумкин.

Алишер Навоийгача икки ярим минг йил илгари “Авесто” китобида афсонавий ва доно Зардушт шундай деган эди: *“Қанча кўп воқиф бўлсам, шунча кўп қайғу чекаяман”*. Назаримизда, воқифликнинг ҳам ўзига яраша ёрқин томонлари бор. Улар Зардушт, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий, Данте Алигьери, Вольфганг Гёте каби буюк шахсларга “Авесто”, “Тиббиёт қонунлари”, “Мистик рисоалар”, “Хамса”, “Илоҳий комедия”, “Фауст” сингари абадий ижод намуналарини яратишга имкон берди. Бу асарлар инсониятга ҳаётни англашга имкон беряпти.

Академик Воҳид Зоҳидов шундай ёзган эди: “Аммо Алишер Навоий тушкунликка тушмади... у руҳий тушкунлиги қанчалик кучли ва азобли бўлмасин, унга изланиши, топиши, иккиланиши, ижод қилиши ва юксак идеал учун курашишига ҳалақит бермади”⁵².

XX аср ўрталарида ижод қилган Лотин Америкалик таниқли ёзувчи Хосе Мартин шундай ёзган эди: *“Ўз тилини йўқотган халқ, ўз озодлигини ҳам йўқотади”*. Туркий тилда “Хамса”дек улкан асарни ёзиб, шоир Алишер Навоий она тилимизни сақлаб қолишга улкан ҳисса қўшди.

Совет олимлари илмга янги терминалогия киритиш мақсадида “Хамса” асарини Ўрта Осиё, турк, мусулмон тилида ёзилганлигини таъкидлади. Олим Е.Э.Бертельс Алишер Навоий тилини туркий ёки эски ўзбек тили деб аташни таклиф қилди, негаки шоир вафотидан кейин Моварауннахрни ўзбек хони Шайбонихон томонидан босиб олинган эди. Бу худуднинг ерли аҳолиси асосан туркий тилда гаплашарди. Е.Э.Бертельснинг Алишер Навоий шеърини тили ўзбек ва уйғур тилларида сақланиб қолди, деган фикри қизиқиш уйғотади.

“Ўзининг она, эски ўзбек тилисида шеър ёзган шоирлар форсий тилда гапирибгина қолмасдан, балки бу тилда жуда яхши шеърлар ҳам ёзганлар”⁵³. Шунинг учун ҳам, ўзбек тилини шаклланиши ва тараққиётида Алишер

⁵² Алишер Навои – Поэмы. с. 13.

⁵³ Гударзи-Наджафов А. Подарок к сорокалетию. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.proza.ru/2011/08/06/395>

Навоийнинг хизматлари ниҳоятда улкан. У ўз ижодида туркий тилни ёзма равишда ўзбек давлатининг расмий тили сифатида муҳрлаб қўйди.

Ҳар уччала портрет буюк Алишер Навоий ижодини яхши билган рангтасвирчи rassomлар томонидан XX асрнинг турли ўнйилликларида ишланди. Бу портретлар шоир характерининг турли қирраларини акс эттирди ва тасвир лисонига кўра ўзаро умуман ўхшамайди, лекин бу муаллифларни улкан адабий мерос қолдирган шоир шахсиятига бўлган чуқур эҳтиром бирлаштириб туради, у бутун инсониятнинг маънавий бойлигига айланиб қолди, зеро буюк шоир Алишер Навоийнинг мероси уни тушунадиганлар, севадиганлар ва эҳтиром кўрсатганлар мулки бўлиб қолади!



Шоира Моҳларойим Нодирабегим портретлари (1792-1842)⁵⁴

Бу саҳифалар машҳур ўзбек шоираси Моҳларойим Нодирабегимнинг мой-бўёқ рангасвирида ишланган уч портрети тадқиқига бағишланди. Шоира 1792 йили Андижон хони Раҳмонқулбек оиласида туғилди. Ёшлигида яхши таълим олди, ўз она тилидан ташқари форсий тилни ҳам мукамал ўрганди. Ёш қизни Қўқон хони Умархонга узатиб юборишди, у ҳам яхшигина шоир эди ва Амирий таҳаллуси билан шеърлар ёзди. У 30 ёшга кирганда эри вафот этди ва тахтга Нодирабегимнинг 14 ёшли ўғли ўтирди. Бу ажойиб аёл ва унинг Муҳаммадали ҳамда Султон Маҳмуд 1842 йили Бухоро амири Насрулло томонидан қатл қилинди, негаки у эрининг вафотидан кейин унга турмушга чиқишга ва Қўқон хонлиги тахтини беришга кўнмаган эди. Шеърларидан бирида Нодирабегим шундай ёзади:

*Ёвуз ёлғондан узоқ бўл,
Димоғдор, гердайганларга хизмат қилма...*

Ва яна: *Эркинларни занжирлай олмас,
Қопқон уларнинг тизгини эмас*⁵⁵.

Қўқон хонлиги Ўзбекистоннинг Фарғона “Олтин водий”сида жойланган эди. Феодализм даврида Фарғона водийсида ортадоксал Исломи дини ривожланган пайтда XVII асрдан XX асргача 18дан ортиқ Ўрта Осиёда машҳур бўлган шоирлар яшаб ижод этган. Нодирабегим Лутфий, Навоий, Хофиз, Фузулий ва бошқа машҳур шоирлар анъаналарини давом эттириб шеърининг кўпгина жанрларида ижод қилди. Шоира ва устози Увайсий халқ суйган ва эҳтиром қозонган шоирлар бўлганлар. Қадимда Парғона деб номланган Фарғона водийси турли соҳадаги иқтидорларга жуда бой. Ундан узоқда, Мисрда IX асрда буюк математик олим Ал Фарғоний яшаган ва ижод қилган эди (Фарбда уни Ал Фраганус деб атаганлар). Шох ва шоир, саркарда Мирзо Заҳриддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) Асхи шаҳрида туғилган. Ўзбек адабиётининг таниқли вакили, шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб (1657-1711) Наманган шаҳрида туғилган. Тошкент шаҳридаги мусиқали драматик театри Қўқон шаҳрида туғилган ва XIX охири XX аср бошларида ижод қилган адабиётшунос ва шоир Муқимий номи билан аталган. Демократ шоир ва маърифатпарвар Фурқат Қашқарда қувғинда ўзининг машҳур шеърларини ёзди.


Рассомлар Чингиз Ахмаров, Азиза Маматова ва Ориф Муиновлар яратган Нодирабегим портретлари ҳақида гап кетар экан, таъкидлаш жоизки, ҳар уччала портрет ҳам шоира шахсиятини ниҳоятда ҳурмат қиладиган ва унинг шеърини меъроси ошуфтаси бўлган рассомлар томонидан ишланган.

Чингиз Ахмаров портретида Нодирабегим образи тўлақонли акс эттирилган. Рассом 100x100 ҳажмдаги портретни ишлов берилган чипта мато устига темпер буюқлари билан 1976 йили ишлаган. Портрет муаллифнинг мулки ҳисобланади. Нодирабегимнинг кийимидаги ва портрет фонида юлдуз шаклидаги деворий майоликадаги пуркалган оч зумрад ва оч сариқ, нозик умумий, тўқ сафсар ранглар бу буюк шоиранинг фожиавий тақдиридан дарак бераётгандек.

⁵⁴ Маматов У. Портреты поэтессы Махлар-Айим Нодирабегим (1792–1842гг), созданные узбекскими художниками XX века Чингизом Ахмаровым, Азизой Маматовой и Арифом Муиновым. // GISAP: Culturology, Sports and Art History. №8, 2016. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://journals.gisap.eu/index.php/Culture/article/view/1384/1642>

⁵⁵ Перевод Сергея Иванова.

Бу портретга рассом қанчалик қайғули ўйларни юклатганлиги сезилиб турибди. Портрет ушбу рассомга хос бўлган безакдор юза тарзида чизилган. Нодирабегим портрети майда бўлақларга бўлингандек туюлади, бу томошабинга шоиранинг араб ёзуви билан ёзилган парча фонидоги бироз орқага ташлаган бошига, юз ифодаларига, ўйчан ва айна пайтда қатъий нигоҳларига эътибор қаратишга имкон беради.




Ч.Ахмаров. “Нодирабегим”. 1976 йил.

Бошидаги тилла қош ва кулоқларидаги уйғур балдоқ, эгнидаги беқасам чопон фақат Фарғона водийсигагина хос бўлган халқ усталари кўли билан яратилган санъат асарларини ва маҳаллий амалий санъат касбий мактаблари қадимий анъаналари ифодасини кўрсатиб туради. Портретда шоиранинг кўл ҳаракатлари ифодали, чап кўл кафти ўнг кўл кафтини ушлаб турибди, бу унинг фикрларини жамланганлиги, айна пайтда бу гўзал аёл қалбида кечаётган хаяжонни ифодалайди.

Тасвирий санъат устаси Чингиз Ахмаров Нодирабегим образи устида узок (1970 йилдан 1976 йилгача) изланди. 1970 йилдаёқ рассом Ўзбекистон давлат санъат музейида сақланаётган шоиранинг кўкракдан портретини яратди. Бунда 1976 йили яратилган портретга ўтказилган шоиранинг характерининг асосий жиҳатлари тасвирланган эди. Таъкидлаш жоизки, рассомнинг кўпгина ажойиб асарлари шу музейда сақланади. Шу аснода катта санъаткор Чингиз Ахмаров Моҳларойим Нодирабегимга ўз эътиромини билдирди.


Рассом Азиза Маматова шоира Нодирабегим портретини ҳақиқий рассом бўлиб шаклланганда ишлади. У портрет устида 2000 йилдан 2005 йилгача беш йил давомида ишлади. Унинг ўзи портретни яқунланмаган, деб ҳисоблайди. 1947 йили Қўқон шаҳрида зиёлилар муҳитида туғилган рассом Нодирабегим ҳақида кўп эшитган эди.



Ч.Ахмаров. “Нодирабегим”. 1970 йил.

Машхур хофизлар унинг шеърлари асосида кўшиқлар айтарди, Фарғона воқийси аҳолиси бу шоиранинг ижодига ва Нодирабегимнинг ўзининг шахсиятига унинг маънавий гўзаллиги, халқига садоқати ва Ватанпарварлиги туфайли алоҳида-ғурур эҳтиром туярди. Портрет бўёқ билан ишлов берилган зиғир толасидан тўқилган чипта мато устига мойбўёқ билан ишланган. У муаллифнинг мулки ҳисобланади. Портрет совуқ, кумуш ранг туслардан ишлангандек таассурот қолдиради. Унда сафсар ранглар аралаштирилган кўк-яшил ранглар асосий ўрин тутди.

Янги ой ним қоронғи осмонда сузаяпти, енгил шабода аёл сочи толаларини ўйнаяпти, тўқ яшил баргли настарин шохлари тебранади. Шоира узун, кумуш нақшлар туширилган тўқ мовий рангли либосда тасвирланган, либоси чиройли қомати ва оёқларига ёпишиб турибди. Шоира боғда ўтирибди ва унинг ёнида ёш дарахт шохига Шарқда суюкли бўлган тўқ кўк рангдаги товус кўниб турибди. Товус боши шоирага қайрилган, гўё у шеър тинглаётгандек.



А.Маматова. “Нодирабегим”. 2005 йил.


*Ғамингни қўй, соф нур сочгин,
Ғубор босган жойда, гул ҳам ўсмагай.
Мағрурлар нуқсони сени ер қилгай:
Қаердаки кибр-ҳаво, у ерда уқубат билгин⁵⁶.*

Нодирабегимнинг нигоҳлари томошабинга қаратилган, у худди фожиали ўлимини олдиндан сезаётгандек, кўзлари ғамгин, лекин қўрқувдан асар ҳам йўқ. Бу иқтидорли ва мағрур аёл душманнинг ҳақоратомуз таклифини қабул қилиши мумкин эмас эди ва ўлимни афзал кўрди. Мана икки юз йилдирки Фарғона водийсида унинг шеърларини ўқийдилар ва қўшиқ қилиб айтадилар. Ўзбек халқи Нодирабегим шеърятини ўз хотирасида асраб авайлаяпти.

2000 йили rassom Ориф Муинов Нодирабегим портретини яратди. Портрет ишлов берилган зиғир матога мойбўёқ билан ишланди. Портретда олтинсимон япроқли олма дарахти ёнида зардўзи бош кийимда ёш аёл тасвирланган, эгнида ёқалари ва енгларига тилларанг иплар билан нақш тикилган тўқ қизил рангдаги кийим.

⁵⁶ Перевод Сергея Иванова.

Рассом чизган бошқа аёллар портретлари каби бу портретга ҳам ранглар моҳирона танланган. У илиқ, тилларанг бўёқларда яратилган ва ёруғлик уйғунлиги тасаввурини беради. Шоира ўнг қўлида қалам ушлаб турибди, чап қўлида эса унинг шеърлари ёзилган кичикроқ дафтар.



О.Муинов. “Нодирабегим”. 2000 йил.

Назаримизда рассом шоирага илҳом келган лаҳзадаги ҳолатини тасвирлашни хоҳлаган. Нодирабегим портрети рассом О.Муинов аёллар психологиясини чуқур билганлигидан дарак беради. Бу портретда рассомнинг рангтасвири маълум яхлитликка эришди. “О.Муинов ижодида романтика ва этика, реалистик ва мажозийлик усуллари кўпинча бирлашиб уйғунлашиб кетади”⁵⁷.

Тасвирий санъат устаси О.Муинов ўзининг Нодирабегим портретида ўз қаҳрамонининг улуғворлигини бутун борича очиб берди. Чингиз Ахмаров, Азиза Маматова ва Ориф Муиновлар яратган шоира Нодирабегим портретини яхши ёки ёмон деб баҳолаб бўлмайди, негаки уччала рассом турли ижодий босқичларни босиб ўтган, уларнинг ҳаёт йўли турлича ва улар турли тасвирий мактаблар вакиллари ҳисобланади. Чингиз Ахмаров урушгача бўлган даврда Москвадаги Суриков институтини тамомлади, Азиза Маматова Ленинграддаги Репин номидаги рассомлик институтида 1966-1973 йиллари ўқиди, Ориф Муинов Тошкент тасвирий мактаби вакили ҳисобланади.

⁵⁷ Тимурова Г. Певец женских образов. // San’at. №2, 2001. с. 37.

Уларнинг дунёқарашлари, сурат ишлаш усуллари турлича. Уларнинг асарлари ҳар қандай панд-насихатдан ҳоли, улар яратган асарларида аниқ инсоний қиёфаларни ҳаққоний, тарихий тадқиқ этилиши эътиборни тортади. Шу билан бирга бу портретлар муаллифлари вазиятни кенг ҳис қилиш, умуман муҳитни идрок этиш имкониятига эга бўлдилар, шу муносабат билан портретлар ҳам хусусий кузатишлар натижасигина бўлиб қолмади. Даврни шундай ҳис қилиш бу рассомларнинг шахсий, миллий фарқланишига қарамай шакл-шамойил усуллари яқинлигидан дарак беради. Бу образларни рангтаъсир талқинининг мураккаблигида кўринади, у томошабинни жиддий руҳий муҳитга шўнғитади, уни воқеликнинг гўзаллиги ва таранг диалектикаси ҳақида ўйлашга мажбур қилади. Бу рассомларни шоира Нодирабегимга ва унинг ижодий меросига чуқур эҳтиром бирлаштиради.

Бу асарларни Леонардо да Винчи яратган “Мадонна Литта”, унинг кичик замондоши Рафаэл Санти яратган “Сикстин Мадоннаси” билан таққослаш мумкин эмас, чунки бу асарларни томоша қилиб томошабин иккала асардан ҳам эстетик ва этик баҳра олади. XX аср иккинчи ярим ва XXI аср бошлари ўзбек тасвирий санъати усталарининг асарларида инсонинг руҳий ҳаёти унинг атроф оламга муносабати кабилар умуминсоний ва нодаврий сатҳга кўчирилади.

Аниқ воқелик ва инсоннинг ҳис-туйғулари ва идроки Алишер Навоий шеърлятида, Микеланжело Буонарроти Сикстин капелласи деворий суратларида, Людвиг ван Бетховеннинг симфонияларида, умуман олганда турли даврларнинг жаҳон бадиий ҳаётининг кўплаб йирик воқеликларидаги рамзий образларда учрайди. Юқорида номлари келтирилган асарларнинг ёш авлод маънавий тарбияси ва ривожда ахамияти ва таъсири ниҳоятда катта. Тасвирий санъат усталарининг асарлари “беқарорлик, тасодифийлик ва тахминийлик” каби жонсиз натурализмга қарши туради. Ўзбекистонинг кўпгина тасвирий санъат усталари мусиқий ва нафосатли тафаккур билан шаклландилар. Улар ёрқин мутаносиб оламни ва юксак такомилни орзу қиладилар. Ўзбекистон рассомлари томонидан шоира Нодирабегим портретини яратилиши айнан шу орзу мақсадни кўзлайди.

Хотимада шоира Нодирабегимнинг сўзларини келтириш ўринли. У ўз давридан ёрқин келажак ҳақидаги орзусини қолдирди: *“Мен бахтимиз қуёши порлаши ва жаҳолат зимистонини йўқолишини орзу қиламан”*.



2.2. Тасвирий санъат усталари томонидан яратилган киноарбоблар портретлари⁵⁸

Ўзбекистоннинг йирик киноарбобларидан иборат тарихий шахсларнинг портретлари XX асрнинг иккинчи ярмида тасвирий санъат усталари томонидан яратилди. Бу турли касб эгаларига қизиқиш кучайган давр бўлди, уларнинг яратувчилик кучига ишонч пайдо бўлди ва шу туфайли портрет санъати Ўзбекистон тасвирий санъатида етакчи ўринлардан бирини эгаллади.

Халқ ҳақида қайғуриш, Ватанга садоқат ва муҳаббат абадий ҳақиқатларга ишониш, адолатли жамият ҳақида орзу ва энг яхши асарларида ўз орзуларга эргашиш сингари қадриятлар ўзбек ва европа бадиий, таълимий мактабларининг энг яхши анъаналари тарбияланувчилари бўлган Раҳим Аҳмедов, Баҳодир Жалолов, Алишер Мирзаев сингари 70-80-йилларда ижод қилган таниқли расомларнинг ижодий нуқтаи назарига айланди.

Расом **Баҳодир Жалолов** Петербург шаҳридаги И.Е.Репин номидаги расомлик институтини тамомлаб Тошкентга қайтиб келиб 1975 йили кинорежиссёр Комил Ёрматов (1903-1978) портретини яратди. Кинорежиссёр Комил Ёрматов 1903 йили 1 майда Фарғона водийсининг жанубидаги Конибодом шаҳрида туғилди. 1931 йили Давлат киноматография институтининг режиссёрлик факультетини тамомлади.

“Бақувват ва келишган инсон Комил Ёрматовнинг ҳаёти қизиқарли ва ёрқин бўлган. У яхши тақдир эгаси бўлган. Унинг ҳаёти муваффақиятли туюлади. Лекин унинг ҳар бир муваффақияти янги тўсиқларга дуч келган бўлса-да, Комил Ёрматов уларнинг барчасини енгиб ўтди... 19 ёшида кино билан танишди, унга бутунлай мафтун бўлиб қолди. Ёшлигидаёқ “Ўзбекдавкино”нинг биринчи фильмларида суратга тушди, Ўзбекистоннинг етакчи кинорежиссёри бўлиб қолди ва Ўрта Осиёда бадиий кинонинг асосчиларидан бири ҳисобланади”⁵⁹. Кинорежиссёр, сценарийчи, Ўзбекистон халқ артисти йигирмадан ортиқ фильм суратга олди, улардан кўпчилиги ўзбек кино санъатининг олтин фондига кирди. У “Дўстлар яна учрашдилар”, “Алишер Навоий”, “Ибн Сино”, шоира Нодирабегим ҳақида “Одамлар орасида бир ўзи” сингари фильмларини сурат олди. К.Ёрматовнинг “Икки дил достони” фильми 1968 йилдаги Пномпенда (Комбоджа) ўтказилган кинофестивалининг “Олтин Ансора” олий мукофотиغا сазовор бўлди”⁶⁰.


Комил Ёрматовнинг портретини яратилиши Тошкент шаҳри жамоатчилиги маданий ҳаётида катта воқеа бўлди. Нисбатан кичикроқ ҳажмдаги матоларга чизилган бошқа расомлар портретларига нисбатан катта ҳажмдаги матога чизилган кинорежиссёрнинг қомати маҳобатли, салобатли кўринади, лекин бу портрети чизилаётган шахс ҳаракатларининг нозиклигини инкор этмайди. Ўзбекистоннинг кекса кинорежиссёри портрети унинг ўзига бўлган ҳолатда ишланган. У оёқларини чалиштириб ўтирибди, чап қўли тиззасида, ўнг қўли билан тебранма креслонинг суянчиғига таяниб олган, панжаларига сигарет кистириб олган. Ёнида бўлажак фильмлар кадрларида актёрларни ёритадиган софит.

⁵⁸ Маматов У. Портреты кинодеятелей, созданные мастерами изобразительного искусства Узбекистана во второй половине XX века. // ТЕАТР. №03, - Т., 2017. с. 41–43.

⁵⁹ Исхакова М. Возвращение всадника. Камил Ярмагов. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://kh-davron.uz/kutubxona/memuarlar/mastura-isxakova-vozvrashhenie-vsadnika-kamil-yarmatov.html>

⁶⁰ Исхакова М. Возвращение всадника. Камил Ярмагов. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://kh-davron.uz/kutubxona/memuarlar/mastura-isxakova-vozvrashhenie-vsadnika-kamil-yarmatov.html>

Суратнинг ранги ёрқин, илиқ рангларда ишланган, фақат оқ костюми тагида кўриниб турган кўйлаги кўк рангда. Кинорежиссёрнинг бутун қиёфаси латофатли. Қисқа оқ сочлари орқага таралган. Қалин қошлари бироз уюлган. Кўзлари маъноли қараб турибди.



Б.Жалолов. “Кинорежиссёр Комил Ёрматов”. 1975 йил.

Комил Ёрматов кўрсатма, маслаҳатлар берган, умуман сахнани бошқарган, режиссёрлик қилган. Унинг обрўсига эътироз бўлмаган. Унинг кўрсатмалари суратга олиш гуруҳи томонидан сўзсиз бажарилган. Шунга қарамай, у ўз хотиралар китобида қўйидагиларни ёзади: “Бош китоб деган тушунча бор. Бош асарга етиб бўлмайди, у доим олдинда бўлади. Негаки, санъаткордан олдинда энг яхши асар яратиш умиди олиб ташланса, у яшай олмайди. Кейинги пайтларда вақти-вақти билан “Алишер Навоий” фильмини томоша қилаётиб унда мавжуд бўлган нуқсонлар ва хатоларни, баъзи сюжет чизиқларни номукамаллигини кўриб қоляпман. Лекин ҳар ҳолда... улар бир ижодкор ўзи бажарган ва одамларга берган ишларига соғлом нигоҳ билан қараш ҳолатида бўлади. “Алишер Навоий” фильмини ишонч билан ўзимнинг шоҳ асарим дея оламан. Кейинчалик асарларим билан у фильм даражасигача кўтарила олмадим”⁶¹.

⁶¹ Камил Ёрматов. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://video.ru/persons/person/12115>

“1976 йили Ёрматов Хоразмда “Узоқ яқин йиллар” асарини суратга олиб бўлган пайтга италян неореализмининг ёрқин вакиларидан бири, режиссёр Микеланжело Антониони келади. У ўзининг янги фильми учун маъқул бўладиган қиёфа қидириб юрган эди. Ёрматов ҳамкасбини Урганчдан эллик келометр узоқда бўлган Қаланжикқа фильмнинг эпизодларидан бирини суратга олишга таклиф этади. Антониони ярим хароб сарой деворларига ғайрат билан чиқиб тушарди, атрофни диққат билан кузатарди, техникага қизиқди, маҳаллий аҳоли билан танишди. Икки режиссёрнинг хайрлашиш вақти етиб келди. Ёрматов ва Антониони Урганч аэропортида самолёт рейсини кутиб ўтирарди. Италиялик меҳмон иссиқ бўлишига қарамай, ўзига совға қилинган чургурма телпагини кийиб ўтирарди. Хайралашаётди Ёрматов ўзининг янги дўстини маҳкам кучоклаб деди:

- Мен бахтлиман, негаки кексайганимда замонамизнинг буюк режиссёри билан шахсан танишдим. Антониони мағрурланиб жавоб берди:

- Мен бахтлиман, негаки мен шундай доно санъаткор билан танишдим, жаноб Комил”⁶².

“К.Ёрматов дарҳақиқат доно, буюк кинорежиссёрдир, бу хислатларини у суратга олган киноленталари кўрсатиб туради, улар яна кўп йиллар давомида бу иқтидорли инсон билан мулоқот қилиш бахтига муяссар қилади ва янги авлод унинг ижоди билан танишади”⁶³. Унинг йирик, обрўли кинорежиссёр сифатидаги мавқеига ўз ҳаётини бағишлаган ўзбек кинематографидаги бутун фаолияти билан эришди.

Ўн йил ўтгач, 1984-85-йиллари тасвирий санъат устаси Баҳодир Жалолов “Хужжатли кино устаси Малик Қаюмов (1912-2019)” портретини яратди. Портрет Ўзбекистон Республикаси Давлат санъат музейида сақланади. Малик Қаюмов ижоди рассом эътиборини тортди ва ижодий асар яратишга туртки берди. Рассом ўзининг “Хужжатли кино устаси Малик Қаюмов” портретида ўзининг машхур хужжатли кино документларида Ўзбекистоннинг тарихи, маданияти ва санъатининг кўплаб саҳифаларини акс эттирган бу буюк ижодкор характерини маҳорат билан очиб берди.


Хужжатли кино устаси Малик Қаюмов 1912 йили 22 апрелда Тошкент шаҳрида туғилди. Ўзбек хужжатли кино санъатининг буюк вакили ҳисобланади. 1930-1932-йиллари Малик Қаюмов ВГИКни тамомлади ва Тошкентдаги “Шарқ юлдузи” кино фабрикасида кинооператор ёрдамчиси бўлиб иш бошлади. У Ўзбекистонда яратилган биринчи хужжатли ва бадий фильмларни суратга олишда иштирок этди. “Иқтидорли кинооператор икки юздан ортиқ хужжатли ва илмий-оммабоп фильмлар суратга олди, бу билан ўзбек халқи тарихи, маданияти ва санъатини дунёга машхур қилди, ўзбек хужжатли киносига асос солди, ўзбек кино санъатини ноёб асарлар билан бойитди, бу йўналишда мактаб яратди.

Унинг хужжатли фильмларида мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги муҳим тарихий воқеалар, Ўзбекистоннинг бетакрор табиати, бой тарихи, миллий анъаналари ва юксак сифати акс эттирилди. У “Тўрт дарвозали шаҳар”, “Ўзбекистонимизга келинг”, “Самарқанд доим мен билан”, “Ўзбек атласи”, “Тинчлик ва дўстлик кинофестивали”, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат”, “Тошкент - тинчлик шаҳри”, “Тошкент, зилзила”, “Санъатга бахшида умр”, “Ўзбекистон

⁶² Исхакова М. Возвращение всадника. Камилъ Ярмагов. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://kh-davron.uz/kutubxona/memuarlar/mastura-ixakova-vozvrashhenie-vsadnika-kamil-yarmatov.html>

⁶³ Камилъ Ярмагов. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://video.ru/persons/person/12115>

санъати”, “Шарқда шундай саховатли инсонлар бор” сингари ҳужжатли фильмларни суратга олди, улар миллий кино санъати тараққиётига қўшилган улкан ҳисса бўлиб қолди”⁶⁴.



Б.Жалолов. “Ҳужжатли кино устаси Малик Қаюмов”. 1985 йил.

“Малик Қаюмов афсонага айланди, ҳатто маълум даражада ўша давр, ўша вақтнинг рамзи бўлиб қолди. Айни пайтда у ўша даврнинг ёрқин вакили эди. Унинг даври санъаткорнинг характери, одатларида из қолдирмаслиги мумкин эмас эди. Ташқаридан осойишта характерлик кўринса ҳам, ички дунёси қарама-қаршилиқлардан иборатдек туюлади... Малик Қаюмов табиатан доно одам бўлган. Айни пайтда юморга кучли мойил бўлган. Атрофдагиларга нисбатан дард-кашлик ҳиссини туйган. Халқимизнинг урф-одатлари ва анъаналарига жуда меҳр билан муносабатда бўлган.

Катталарга ҳурмат билан муносабатда бўлмасликни, болаларни иззат қилмасликни қаттиқ қоралаган... Ҳужжатли кино унинг касби бўлганлиги учун Малик Қаюмов жуда кўпчиликни яхши билган, кўпчилик ҳам уни таниган. Кўпгина пахтакорлар, оддий мироблар, аскиячилар, архитекторлар, янги Тошкентни қурувчилар, машҳур актёрлар, мусиқачилар қабиларни номма-ном билган. Ёш ва кекса рассомлар ҳам уни ёқтирарди. Ҳужжатли фильмлар янги киностудияси қурилгандан кейин, улар кўплаб ажойиб асарларни совға қилдилар”⁶⁵.

⁶⁴ Исхаков Дж. Воспоминания о мастере. Малик Каюмов. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://mytashkent.uz/2017/04/24/vospominaniya-o-mastere-malik-kayumov/>

⁶⁵ Исхаков Дж. Воспоминания о мастере. Малик Каюмов. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://mytashkent.uz/2017/04/24/vospominaniya-o-mastere-malik-kayumov/>

Ўзбек ҳужжатли кино санъати отаси бўлган санъаткорнинг портрети диванда бемалол суянган, оёқларини чалиштириб, ўз ўйларига чуқур ғарқ бўлиб ўтирган ҳолда тасвирланган. Портретдан енгил, ғамгинроқ табассум билан, тинимсиз меҳнат қилишга ўрганиб қолган доно инсон қараб турибди. Унинг яқинлари, ҳамкасблари, дўстлари ва шогирдлари қандай билса, худди шундай тасвирланган. Унинг характери аниқ берилган. Нигоҳларида ўйчанлик зоҳир бўлган. Унинг ташқи кўриниши бутун ҳаёти давомида яхши меҳнат қилган ва юксак касб маҳоратига эришган одамнинг кадриятини ифодалайди. Портретнинг барча жиҳатлари мутаносиб. У мовий рангдаги костюм кийган, бу илиқ олтин рангда ишланган юзига қарама қарши қўйилган. Кумушсимон оқ сочлари орқага таралган, бу билан унинг кенг пешонаси очиб қўйилган, очик сиёҳ ранг кўйлаги бўйинини беркитиб турибди. Костюм, кўйлак кулранг шими ва танасининг барча эгилган жойларида кийим букламлари аниқ ифодаланган, улар санъаткорнинг ҳаракат шакл-шамойилини очиб беради. Пастдаги чап бурчакда паранжида кетаётган аёллар ҳам бу ҳаракатни таъкидлайди. Малик Қаюмов макон фонидида ишланди, ёрқин чексиз осмон акварель бўёқ билан ишланган ерга туташиб кетади. Санъаткордан узокда суратга олаётган оператор кўриниб турибди. Бу билан рассом ўз қаҳрамонининг иш жараёнида тасвирламоқчи бўлган бўлиши мумкин. У шундай деган эди: “Ҳаётда нима қолади? Хотирамизни жумбушга келтирувчи ёрқин овозлар, бўёқлар, табассумлар, киёфалар қолади...”⁶⁶.

Иқтидорли санъат арбоби, камтарин инсон, меҳрибон устоз, ҳужжатли кино устаси Малик Қаюмов ҳақидаги ёрқин хотира халқимиз қалбида абадий сақланиб қолади. Рассом Баҳодир Жалолов Комил Ёрматов ва Абдумалик Қаюмов шахсини ниҳоятда катта касб маҳорати билан, чин дилдан тасвирлади. У ўз асарларидан Ўзбекистон кино санъати дарғаларини ўзгача бир иқтидор билан тасвирлай олди.

Тасвирий санъат устаси **Раҳим Аҳмедовни** ҳақли равишда Ўзбекистон замонавий рассомлик мактабининг асосчиси дейиш мумкин. Унинг мураббийлиги ва қўллаб-қувватлаши асносида кўпгина таниқли ўзбек рассомлари ижодкор шахс сифатида шаклландилар. У ижодкор шахс сифатида кўпгина шогирдларига намуна бўлди. 1986 йили рассом Ўзбекистон республикаси халқ артисти, кинорежиссёр, нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон кинематографиясининг буюк вакилларида Шухрат Аббасовнинг (1931-2018) портрет-картинасини яратди, у Бадиий кўргазмалар дирекциясида сақланади.


Жаҳон киноси даҳоларидан бири Александр Ромм у ҳақида шундай деган эди: “Мени ҳамиша Аббасовнинг қаҳрамонлиги, унинг кенг заковати ва бадиий маҳорати ҳайратга солади”⁶⁷. У нафақат миллий кинематографиянинг йирик вакили, балки ўз ижодида миллий ғояларни ифодалашдан тортиб, дунёни умуминсоний ғоялар асносида акс эттиришгача бўлган йўлни ишонч билан ва узвий босиб ўтган инсон сифатида ҳам танилди. Шухрат Аббасов бошқа халқлар маданиятининг энг яхши тажрибаларини ҳам ўз қалбига, хотирасига жамлади.

“Кинорежиссёр Шухрат Салихович Аббасов 1931 йили 16 январда Ўзбекистоннинг Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида туғилди... 1958 йили “Мосфильм”ида олий режиссёрлик курсини тамомлади. 1959 йилдан “Ўзбекфильм”

⁶⁶ Исхаков Дж. Воспоминания о мастере. Малик Каюмов. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://mytashkent.uz/2017/04/24/vospominaniya-o-mastere-malik-kayumov/>

⁶⁷ «Машина Времени» Шухрата Аббасова. Современник о классике. [Электронный ресурс]. Реж. доступа: <http://www.uz24.uz/society/mashina-vremeni-q-shuhrata-abbasova.-sovremennik-o-klassike>

киностудиясида ишлади”⁶⁸. Ҳозирда ҳам томошабинлар эътиборини тортаётган “Маҳаллада дув-дув гап” (1960), “Сен етим эмассан” (1962), “Тошкент-нон шаҳри” (1967), “Абу Райхон Беруний” (1974), “Шум бола” (А.Наумов билан ҳамкорликда. 1977), “Отамдан қолган далалар” (1997) сингари ўнлаб фильмларни режиссёр сифатида суратга олди.



Р.Аҳмедов. “Кинорежиссёр Шухрат Аббасов”. 1986 йил.

Ўз фильмларида янги давр киноматографик ютуқларидан дадил ва мохирона фойдаланди. Ўзбек кино устаси ижоди 70-80-йиллари бутун дунёга машҳур бўлиб кетди. Унинг санъати нафақат у яратган фильмларнинг бадиий қуввати ва ҳақонийлиги билан, балки миллий жарангининг бетакрор характери ва энг аввало уларда жамулжам бўлган қайноқ куёш энергиясидек оптимистик қараши кўп-лаб одамларнинг қалбини ўзига жалб этди ва мафтун қилиб қўйди. Кинорежиссёр Шухрат Аббасовнинг айнан шу санъати тасвирий санъат устаси Раҳим Аҳмедовнинг эътиборини тортди. Бу портретни яратилиши бежиз эмас. У яратилиши керак эди. Портрет тўрт бурчак рамкада бўйламасига чизилди. Қизил рангли кенг креслода эркин суяниб кинорежиссёр ўтирибди.

Портретда ёрқин фон илиқ, ним яшил рангда. Унда артистнинг қомати ва ёнидан ифодали чизилган боши кўзга кўринади. Санъаткорнинг кўзлари томошабинга кўринмайдиган суҳбатдошга ўйчан ва қатъий тикилиб турибди. Қўл панжаларидан шаҳодат бармоғи олдинга чўзилган. “Таъкидлаш жоизки, Шухрат Аббасовнинг танқиди доим тўғри аниқ ва ҳаққоний. Ва бунинг барчасида ундан камдан-кам ўзига нисбатан кесатик ва шаклига кўра мустаҳкам ва мазмунига кўра “ақлли” юмор бўлади!”⁶⁹. Букламларида нур ўйнаган баҳорги яшиллик бўё-

⁶⁸ Аббасов Шухрат Салихович. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.kino-teatr.ru/kino/director/post/5422/bio/>

⁶⁹ «Машина Времени» Шухрата Аббасова. Современник о классике. [Электронный ресурс]. Реж.доступа: <http://www.uz24.uz/society/mashina-vremeni-q-shuhrata-abbasova.-sovremennik-o-klassike>

ғида мураккаб ишланган атлас парда оқ енгли кўйлаги ва креслонинг қизил суянғичига қарама-қарши қўйилган. Санъаткорнинг нимчаси ва шими, уларнинг майин ранги олтинсимон оҳрага куйдирилган суяк кукуни билан ҳосил қилинган, улар кресло устида яхлит доғ каби кўринади ва артист қоматининг нозик ҳаракатини кўрсатади.

Портретда рассомнинг катта касбий мактаби, ранг танлаш иқтидори кўринади. Янгиликка дадил ва оғишмай интилган Раҳим Аҳмедов ўтган асрнинг 90-йилларида яшаган замондошларининг энг яхши хислатларини ўзида жамлаган инсон табиати гўзаллигини қуюқ ранглар билан ўз асарларида талқин эта олди.

Кинорежиссёр киноматографияда кўп ишлар қилди ва иқтидорли шахсларнинг бутун бир авлоди бўлмиш артистлар, режиссёрлар, сценаристларни тарбиялади ва улар шубҳасиз уни ортидан эргашиди. “Юқорида айтилганларга кўшимча равишда айтиш керакки, Шухрат Салиҳович ўзини ва ўз атрофида ишлаётганларни бекор қолишини хоҳламасди, доим ва ҳар дақиқада изланишда бўлар эди”⁷⁰.

Портрет нафақат Шухрат Аббасовнинг шахсиятини тўлақонли акс эттирди, балки бу асар муаллифи, таниқли рассом Раҳим Аҳмедовга Ўзбекистон тасвирий санъатида қўйилган ҳайкал бўлиб қолди. Жамоатчилик ишлари, ижодий ва педагогик меҳнат билан тўқис бўлган унинг бутун ҳаёти ўз юртига хизмат қилишга бахшида этилди. Унинг ижодини хотирага олар эканмиз, рассом асарларида акс этган халқимиз фарзандлари образи кўз олдимизда намоён бўлади.

Рассом **Алишер Мирзаев** Москвадаги В.И.Суриков номидаги рассомлик институтини тамомлагандан кейинги биринчи ўн йиликдаги фаолиятида 1982 йили ишланган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рассом, фильмлар сахналаштирувчиси Эмануэл Қалантаровнинг портрети 90-йиллардаги қизиқарли ижодий ишлардан бири ҳисобланади. Портрет Бадиий Кўргазмалар Дирекциясида сақланади. Кино сахналаштирувчи рассом Эмануэл Қалантаров (1932-1984) Самарқанд шаҳрида туғилди. БИКИ рассомлик факультетини кинорассоми мутахассислиги бўйича тамомлади (1959). Институтни тамомлаганидан кейин “Ўзбекфильм” киностудиясида сахналаштирувчи рассом бўлиб ишлади у “Улуғбек юлдузлари” (1964), “Тошкент - нон шаҳри” (1968), “Абу Райҳон Беруний” (1974), “Али Бобо ва қирқ қароқчи саргузаштлари” (1979), “Даҳонинг ёшлиги” (1982) сингари 25дан ортиқ бадиий фильмларни сахналаштирди”⁷¹.

Ўзбек тасвирий санъатида бу портрет-картина ўз хусусиятига кўра янгилик бўлган эди. Айни пайтда у дастгоҳли портретнинг асосий талабларига тўла мос келади. Портрет яратишнинг илгариги талабларига қиёслаганда кўп нарса ўзгарди. Лекин бу тасвирий санъат асарларини яратишнинг классик анъаналаридан узилиш эмас, балки унинг безакдор юза усулидаги давомидир.

“Алишер Мирзаевнинг қадимий маданий меросга бўлган қизиқиши, Тошкентнинг ниҳоятда рангдор эски шаҳар қисмида ўтган болалигидан қолган ёрқин таассуротлар унга ўзига хос картиналар яратишга туртки бўлди. Шарқ миниатюрасининг юза характери, халқ безак санъатининг бўёқлар олами ва маълум ритмик қонунчилик муаллифга катта маконни ўз ичига олган, ритмик

⁷⁰ «Машина Времени» Шухрата Аббасова. Современник о классике. [Электронный ресурс]. Реж.доступа: <http://www.uz24.uz/society/mashina-vremeni-q-shuhrata-abbasova.-sovremennik-o-klassike>

⁷¹ Калантаров Эммануэль (Эмонуэль). [Электронный ресурс].

Режим доступа: http://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_cinema/7891/Калантаров

нуктаи назаридан аниқ архитектуравий кўринишга эга бўлган мураккаб кўп сюжетли асар яратиш имконини берди...



А.Мирзаев. “Кинорассом Эмануэл Қалантаров”. 1982 йил.

Рассомнинг асарларида миллий бадий мерос, халқ амалий санъати ва классик миниатюралар таъсири сезилиб туради. Халқ санъати асарларида рангтаъсирчи ўзи учун руҳан яқин бўлган образли шаклларнинг уйғунлиги ва гўзаллиги ҳисобланган ранг, композиция, оҳанг уйғунлигининг бутунлай янги оламини очиб берди”, - деб ёзади санъатшунос Камола Акилова. Алишер Мирзаев жаҳон меросини ўрганиб ўзи учунгина хос бўлган миллий йўналишни жуда эрта очди, ўз ижодида миллийликни ифодалаш йўлини қидирди”⁷².

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, Эмануэл Қалантаров портретини ва таникли рус рассоми П.Кончаловскийнинг 1938 йили яратилган “Машҳур театр режиссёри В.Э.Мейерхольднинг портрети”ни қиёслаш мумкин.

Эмануэл Қалантаров портрети фонидида сўзана, полда шарқона безатилган гиллама – буларнинг барчаси асарга бой безак ва тугаллик бахш этган ва чуқур рам-

⁷² Касымова Ш. Орнаментальный мир Алишера Мирзаева. // art San’at. Выпуск №1, 11.10.2015. [Эл.рес.]. Режим доступа: <http://sanat.orexca.com/2014-rus/2014-1-2/ornamental-ny-j-mir-alishera-mirzaeva/>

зий маънога эга. Бу – Ватан, ҳаёт кечириш жойи, гўзаллик манбаи, абадий ёш ер, унинг ёшини ҳеч ким билмайди. Ўз ижоди билан мамлакатда машхур бўлиб кетган бу икки асар қаҳрамонлари характери аниқ ифодалаб берилган. Уларнинг ички, маънавий олами яхши очилган. Улар инсон бу қарама-қарши дунёда икки йўл ўртасида турган ёшда тасвирланган. Всеволод Мейхольд портретида чарчаган, оғир ҳаёт кечирган одам тасвирланган. Бир пайтнинг ўзида унинг ҳолатида палапартишлик ва таранглик, хаяжон ва хафақонлик сезилади.

“Эмануэл Қалантаров” портретида рассом кенг, юмшоқ диванда оёқларини чалиштириб қулай ўрнашиб олган. У портрет устидаги ижодий ишни қизиқиш билан кузатяпти. Асар ёрқин, безакдор рангларда чизилган ва байрамона кайфият уйғотади. Портрети чизилаётган кинорассомнинг безак нақшларининг чиройли уйғунлиги билан ўраб олинган. Бу бизнинг фикримизни кинорассомнинг тафаккури ва ижодий фантазияси ҳақидаги хотираларимизни йўналтиради.

Бу асар муаллифи – тасвирий санъат устаси Алишер Мирзаев ижодкор шахс ҳисобланади. У ўнлаб йиллар давомида ўз фаолиятида ўз санъатида шакл-шамойил тилини ва рангини давр руҳи билан чуқур ва аниқ мослигига эришишга ҳаракат қилди. Рассом ўз ижодининг барча даврларида ўз асарлари учун миллий ранг тасвир услубини топишга ҳаракат қилди, у ижодкорнинг ҳислари, фикрларини ва дунёқарашини ифодаловчи восита бўлиб қолди. У атроф дунёга кучли ва иродали яратувчи инсон сифатида қаради.


Юқоридаги фикрларга яқун сифатида шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатдаги тарихий воқеаларнинг моҳияти ва мазмунини чуқур билиш бу давр рассомларига ўз асарларида ўз замондошлари бўлган қаҳрамонлар образини тўлақонли яратиш билан боғлиқ эзгу мақсад ва вазифаларни қўйди. Бу асарларни яратишга уларга нима туртки берди? Қандай ғояларга улар амал қилди? Масалаларни ҳал қилиш ва юқоридаги саволларга бериладиган жавобларни бу асарларнинг мазмунидан шахслар портретларидан топиш мумкин.

Раҳим Аҳмедов, Баҳодир Жалолов ва Алишер Мирзаевлардан замоннинг тугал шакл-шамойил тасвирини бера олиш кўникмаси талаб қилинган эди. Улар ўз образлари орқали ўз даврининг мураккаб мазмунини акс эттирган эди. Ўзбекистон тасвирий санъат усталарининг ижтимоий нуқтаи назарлари ва улар билан боғлиқ ижод моҳияти концепцияси ва унинг эстетик ва ахлоқий идеали ҳамда гўзаллик, маънавий ўсиш ҳақидаги тасаввур ва бу асарларда услубий нуқтаи назарларни танлаш амалга оширилди.



2.3. Тасвирий санъат усталари томонидан яратилган тарихий шахслар портретлари

Абдулҳақ Абдуллаев. “Рангасвирчи рассом. СССР рассомлар уюшмаси аъзоси. Ўз ССР хизмат кўрсатган санъат арбоби (1950) Ўз ССР халқ рассоми (1968). А.Абдуллаев Ўзбекистон рангасвирчи рассомларнинг биринчи авлодининг ёрқин вакилларида бири ҳисобланади, у бутун ижодий фаолияти давомида реалистик рангасвир мактабининг анъаналарига содиқ қолди. Абдулҳақ Абдуллаев 1918 йили Туркистон шаҳрида туғилди. 1940-йилларда рассом қишлоқ меҳнаткашларининг бир қатор туркум портретларини ишлади.



А.Абдуллаев. “Аброр Ҳидоятлов Отелло ролида”. 1946 йил.

Беш йиллик тинимсиз меҳнат Абдуллаевга мураккаб портрет-образларни яратишга киришишга имкон берди. СССР халқ артисти Аброр Ҳидоятловнинг портрети (1946) рассомнинг дастлабки муваффақиятли асари бўлиб қолди. Рассомнинг таъкидлашича, уни иродали, ғайратли, жўшқин характерли одамлар ўзига жалб қилади. Рассом Аброр Ҳидоятловни у ўзининг энг яхши ролини ижро этаётганда кўриб қолиб, унинг портретини ишлаш хоҳиши пайдо бўлди”⁷³. “1941 йили совуқ декабрь оқшомида Тошкентда сабрсизлик билан кутилган спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди.

⁷³ Мемориал памяти. Абдуллаев Абдулхак Аксакалович (1918.30.XII – 2001). [Эл.ресурс]. Реж.доступа: <http://www.tashkentpamyat.ru/abdullaev-abdulkhak-aksakalovich-khudozhnik-zhivopisec-.html>

“Отелло” спектакли театр репертуаридан алоҳида ўрин эгалади. У драматик санъатнинг энг яхши анъаналарини ўзида жамлаган театр ижодий ишининг чўққиси бўлиб қолди. Беш йил давомида спектакль сахнадан тушмади. “Отелло” Ўзбекистонинг маданий ҳаётида воқеа бўлди. Унинг шуҳрати Лондонгача етиб борди. 1945 йили февралда Англия парламенти делегацияси “Отелло” спектаклига ташриф буюрди. Шекспир ҳамюртлари кўнглини олиш осон иш эмас эди. Инглизлар спектаклдан мамнун бўлдилар. Дастхатлар дафтарига улар шундай ёзув қолдирдилар: “Ҳеч қачон, ҳеч қаерда, ҳатто Лондонда ҳам биз бу пьесани шунчалик сахналаштирилганлигини кўрмаган эдик. Бизга айниқса Отелло, Яго ва Дездемона ролларини ижро этган артистлар ёқди. Биз уларнинг маҳоратидан ҳайратландик”⁷⁴.

“Отелло-Ҳидоятонинг портретини чизишни бошлаб, рассом актёрни қандай тасвирлашни аниқ тасаввур қила олмади. Ҳидоятонинг ўзи вазифани осонлаштирди, у сеансга грим ва либосда келган эди. “Менга Ҳидоятонинг либоси, грими, юз ифодаси ва ҳолати ёқди, - деб эслайди Абдуллаев, - шунинг учун дарҳол унинг қиёфасини чиза бошладим”. Аброр Ҳидоятон портрети томошабинлар томонидан маъқулланди”⁷⁵.

Абдулҳақ Абдуллаев 1972 йили ўтган юз йилликнинг етакчи ёзувчилар авлоди вакили бўлган Шуҳрат таҳаллуси билан асарлар ёзган машҳур ижодкор Шуҳрат – Ғулом Алимовнинг (1918-1993) портретини ишлади. Унинг ўзбек адабиёти олдигаги хизматлари китобхонлар ва давлат томонидан тан олинди.

“Ўтган асрнинг 60-70-йилларида Ўзбекистондаги деярли барча ўқувчиларда “Қалб дафтари” бўлган. Бошқалар қатори, улар қаторида синфдошлар ўсмирларни қизиқтирган куйидаги саволларга жавоб берганлар: “Бахт нима?”, “Сиз муҳаббатга ишонасизми?”, “Ким бўлмоқчисиз?”. Уларнинг ичида севган китоблари ва улардаги қаҳрамонлар ҳақида ҳам саволлар бўлган. Улардан кўпчилиги Абдулла Қодирийнинг классик асари “Ўтган кунлар”даги бош қаҳрамон Отабек ва Шуҳратнинг “Олтин Зангламас” романидаги Содикжон номларини тилга олганлар. Шуҳрат ўтган асрнинг 30-йиллари ёшлигидаёқ адабиёт оламига кириб келди. Бу пайтда Ойбек, Ғофур Ғулом, Усмон Носир, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Мақсуд Шайхзода каби сўз усталари кенг оммалашиб эътиборга тушган эди”⁷⁶. Кейинчалик 1941-1945 йиллари иккинчи жаҳон урушида иштирок этди.

Ватанига қайтиб, ўз адабий фаолиятини бошлади. Шуҳрат “Шинелли йиллар” романининг асосий қисмини ёзиб қўйган пайтда тенгдошлари ва устозлари Мирзакалон Исмоилий, Шайхзода, Саид Аҳмад, Ёнғин Мирзо, Шукурулло, Ҳамид Сулаймоновлар қаторида қатағон қилинди. 1955 йили ёзувчи тўла оқланди... Қамокхона ҳаёти ҳали ёдидан ўчмай туриб, ёзувчи “Олтин зангламас” романини ёза бошлади. “Романни “Шарқ юлдузи” журналида 1965 йили чоп этилиши шов-шувга сабаб бўлди. Унгача ҳали ҳеч ким қамокхона, қатағон мавзусида асар ёзмаган эди. Фақат “Новый мир”да бундай “ноқулай” мавзуда асарлар пайдо бўлмаган эди. Шуҳрат томонидан бу қалтис қадам эди”⁷⁷.


⁷⁴ Исхакова М. Аброр Ҳидоятон и Сара Ишантураева. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://mytashkent.uz/2017/03/29/abrar-hidoyatov-i-sara-ishanturaeva/>

⁷⁵ Мемориал памяти. Абдуллаев Абдулҳақ Аксакалович (1918.30.XII – 2001). [Эл.ресурс]. Режим дос.: <http://www.tashkentpamyat.ru/abdullaev-abdulkhak-aksakalovich-khudozhnik-zhivopisec-.html>

⁷⁶ Исламов Р. Литературное золото не ржавеет. // Правда Востока. 2008. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.pv.uz/today/19.04.08>

⁷⁷ Исламов Р. Литературное золото не ржавеет. // Правда Востока. 2008. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.pv.uz/today/19.04.08>

Портрет санъати устаси Абдулҳақ Абдуллаев яратган ёзувчи Шухрат портрети ўзбек тасвирий санъатидаги бу жанрнинг дурдонаси ҳисобланади. У зиғир толасидан тўқилган матога чизилган.



А.Абдуллаев. “Шухрат”. 1972 йил.

Бир миллиметр қалинликдаги зиғир толаси ипларидан мустаҳкам тўқилган мойбўёқ билан ишлов берилган фабрика матоси шундай номланар эди. Мойбўёқдан аввал матога балиқ мойидан елим ва майда бўр кукуни, мато шакл-шамойил бўлиши ва яхши сақланиши учун унга яна озроқ нашатир қўшилган турли қўшимчалар билан ишлов берилар эди.

Портрет ранги чиройли. У илиқ, кумушранг бўёқларда ишланган. Фонга оч сарик, енгил ранг берилган. Фонда оқ сочлари орқага таралган ёзувчининг боши қомати билан бирга яхши кўринади. Унинг боши бироз эгилган ва тўртдан бир миқдорда илиқ, қуюқроқ ранг берилган. Ёзувчининг юзи жонли ишланган. Унинг қора кўзлари маъноли боқиб турибди, уларда ёзувчи фикрининг теранлиги мужассамлашган.

У гўё ўз китоблари қахрамонларининг кечинмалари ва қилмишларини қайта ғалвирдан ўтказаетгандек бўлади. Бурни ва лаблари ҳам эътибор билан чизилган, уларда ёзувчининг ним табассуми зоҳир бўлган. Шухрат ёқаси очик оқ кўйлак кийган, елкасига чиройли рангдаги миллий, йўл-йўл чопон ташлаб олган. У оёқларини чалиштириб, чуқур ўйга толган ҳолда креслода ўтирибди. Қўлларини кўкрагига чалиштириб олган. Қоматининг ҳаракати осойишта ва ишончли.

Шухрат узок, оғир йиллар Сибирда қамоқхонада бўлганига қарамай, у қалб осойишталигини, фикр теранлигини, ҳаётга ишончини ва ўз ижодкорлик қувватини сақлаб қолганлиги портретда ўз аксини топган. Сталин вафотидан кейин илиқлик даврлари бошлангандан кейин ёзувчи ўз Ватани Ўзбекистонга қайтиб келди ва энг яхши асарларидан бири “Олтин Зангламас” романини ёзди!

Унинг бу асарини ёзувчи ўзининг ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб ёзди. Бу асар ҳозирги замонавий ёшлар ўртасида ҳам суйиб ўқилмоқда. Бунга кўпроқ катта иқтидор ва юрак эгаси бўлган рассом Абдулҳақ Абдуллаев ишлаган ёзувчи Шухратнинг портрети сабаб бўлди. 2003 йили Шухрат вафотидан кейин Республикамизнинг бош мукофотларидан бири “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди. Бутун ҳаёти ва ижоди намуна бўлган инсоннинг эзгуликка бўлган ишончи амалга ошди.



А.Абдуллаев. “Шукурулло”. 1974 йил.

1974 йили рассом Абдулҳақ Абдуллаев яратган Сибир қамоқхоналарида азоб чекиб келган ўзбек зиёлиларининг образи акс эттирилган портретлар қаторида Шукуруллонинг ифодали, психологик жиҳатдан ҳаққоний портретини таъкидлаш лозим. “Юсупов Шукурулло. У Тошкентдаги Олмазор маҳалласида 1921 йили 2 сентябрда туғилган. Ёзувчининг отаси Юсупхўжа Тошкентда анчайин таниқли табиб бўлган. Шукуруллонинг “Бахт қонуни” деб номланган биринчи шеърый тўплами 1949 йили чоп этирилди.

Шу йили Ўзбекистоннинг бир қатор таниқли ёзувчи ва шоирлари қатори у ҳам миллатчилик ва антисовет фаолиятда айбланиб қатағон қилинди. Озод қилингунча Сибирдаги меҳнат лагерида тутқунда бўлди. Шукуруллонинг “Кафансиз кўмилганлар” автобиографик қиссасида унинг хибсга олиниши, тергов ва лагердаги ҳаёти батафсил ёритиб берилган.

Қиссани фақат 1991 йили СССР парчаланиб кетгандан кейингина нашр этишининг имкони бўлди. Бугунги кунда Шукурулло қатағонни ўз кўзи билан кўрган тирик одамлардан бири ва жаҳонда ижод қилаётган энг кекса ёзувчилардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон халқ шоири (1981), Ўзбекистон Республикаси Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти совриндори (1994) орденлари билан мукофотланди⁷⁸. Портретда шоир сургунда ўтган ҳаётини эслаб чуқур ўйга толиб ўтирган ҳолда тасвирланган. Портрет монохром рангларда чизилган.

Шоирнинг қомати кумушсимон фонда тўқ рангда номаён бўлади. Кундузги ёруғлик юзининг ён томонини ёритган, ўнгга бурилган бошидаги қора сочлар патила-патила бўлиб осилиб турибди, бир тутам сочи эса чап ёнга тушган, у фонда яхши кўринади. Тирсак ва ёқаларида чуқур букилган қора костюми куйдирилган суякнинг ултрамарин ранг аралашмаси билан бир бутун ҳолатда ишланган. Ёндан ёритилган мушт қилиб тугилган қўли сиқик тасвирланган.

Артистона чизилган ўнг қўл панжаларида сигарет ушлаб ўтирибди. Айни пайтда ўнг оёғи устида турган чап оёғи тиззасини қўллари билан тутиб турибди. Тана ҳаракати шоир кайфиятини яхши ифодалаган. Шоир Шукурулло портретида қўлланган маҳаллий, оддий, қора ранглар билан рассом қатағон қилинган ўзбек зиёлиларининг ўша мураккаб даврлар эсланган пайтдаги кайфиятини ифодалашни хоҳлаганлигини кўрсатиб туради. Шоир Шукурулло образида ёрқин келажакка ишонган ва ўз ижодида буни ифодалаган Ўзбекистон халқининг зиёли қисми кўрсатилади. Рассом Абдулҳақ Абдуллаев илғор зиёлилар образини яратиб, ўзбек халқи маданиятининг маънавий-моддий мулкига бебаҳо ҳисса қўшди. Унинг ҳар бир асари катта касбий маданиятли ва кенг дунёқарашли санъаткор томонидан яратганлиги сезилиб турибди.

Чигиз Ахмаров. “Москвадаги архитектура институтида бўлиб ўтган шахсий кўрғазмасида пойтахтнинг бадий жамоатчилиги рассомнинг юксак ва нозик диди, бекиёс касбий маҳорати, артистизми ва асарларнинг назокатидан ҳайратга тушди. Унинг асарларидаги сюжетлар ва мавзуларнинг ўзига хослиги, образлари бўёғининг бетакрорлигида Шарқ ва Ғарб санъати анъаналари, концепцияси, эстетикаси ва юксак ғоялари уйғунлашиб кетди”⁷⁹.

XX аср иккинчи ярми таниқли рус балеринаси Мая Плисецкая портретини Чингиз Ахмаров 1976 йили 175x100 хажмдаги зиғир толали матода темпер бўёғи билан ишлади. Бу тўла қомат тасвирланган портрет.

Суратда балерина “Оққуш қўли” балетидаги оққуш образида малика Одилия партиясини ижро этаётган пайти тасвирланган. Унинг бутун танаси: узун чиройли оёқлари, ўзига хос ишорали ингичка қўллари, бироз орқага ташланган боши, Модест Чайковскининг сеҳрли куйи остида енгил ҳаракатланаётган қомати тасвирий санъат устаси Чингиз Ахмаров томонидан илҳом билан тасвирланган. Балерина, худди А.С.Пушкиннинг Анна Кернга бағишланган “*У соф гўзаллик рамзи сифатида пайдо бўлди*”⁸⁰ шеъридагидек, титроқли хаяжонли рақсда пайдо бўлди. “Рангтасвирчи рассом ўз қаҳрамонининг нафақат ташқи қиёфасининг ўзига хос бетакрорлигини, балки шахснинг ўзига хос руҳий оламини, ижодий интилишларининг бетакрорлигини асрларга муҳрлаб қўйишга интилди.

⁷⁸ Юсупов Шукурулло. [Эл.ресурс]. Режим доступа: https://ru.wikipedia.org/wiki/Шукурулло_Юсупов.

⁷⁹ Ахмаров Чингиз. [Альбом репродукций / Автор текста и составитель альбома А.Р.Умаров]. – Т.: «Литература и искусства», 1979. с. 15.

⁸⁰ Александр Пушкин. Стихи. [Эл.ресурс]. Режим доступа: <http://www.stihi-rus.ru/Pushkin/stihi/237.htm>

Рассом ушбу образни талқин қилиш учун имкони ва зарурати бўлган ҳолат ва ишораларни таъкидлайди, композиция, шакл-шамойил ва ранглар уйғунлиги, туслар жаранглиги безакдорликни таъминлайди. Балерина “Оққуш кўли” балетидан Одилия партиясида тасвирланган Мая Плисецкая портрети натурадан ишланди, бу рассом Чингиз Ахмаровнинг юксак санъатига яна бир мисол бўлиши мумкин. Сурат бир уринишда чизилган.



Ч.Ахмаров. “Мая Плисецкая”. 1976 йил.

Рассом ўз қаҳрамонини ёрқин нур қўйнида кўргандек тасвирлади. Томошабин фақат шаффоф ва ҳавойи оқ-пушти қомат, сал-пал фарқланадиган қўл панжалари, оёқ учида турган пайтидаги кафтдаги букламаларни кўради, илҳомни ўзида жамлаган раққосанинг юзи ёндан тасвирланган”⁸¹.

Бу сатрлар таниқли ўзбек олими Абдулхай Умаровнинг санъатшунослик таҳлилидан келтирилган ва тасвирий санъат устаси Чингиз Ахмаров юксак маҳорат билан ишлаган портрет характерини очиб беради. Бошқа таниқли аёллар портретлари билан бир қаторда балерина Мая Плисецкая образини акс эттирувчи асар ҳам ўзбек тасвирий санъат усталари яратган аёллар образлари галереясида ўз ўрнига эга бўлди.

⁸¹ Ахмаров Чингиз. [Альбом репродукций / Автор текста и составитель альбома А.Р.Умаров]. – Т.: «Литература и искусства», 1979. с. 15.

Шоира Зулфия портрети тасвирий санъат устаси Чингиз Ахмаров ижодини гуллаган пайти – 1965 йилда яратилди, лекин таъкидлаш жоизки, унинг бутун ҳаёти давомида ижодида тушкунлик даври бўлган эмас. “Зулфия” портретидаги образ мустақил нуқтаи назарга эга бўлган, иқтидорли ва мағрур ўзбек аёли образи рамзи бўлиб қолди. Яхши тасвирланган қора кўзларининг бироз маҳдуд қарашлари, қомати ва қўллар ҳаракатларининг барчаси унинг эрк севарлиги, бутунлиги ва мағрур характеридан дарак беради. Рассом ўз даврининг кўплаб машхур одамлари билан дўст бўлган эди. Зулфия унинг энг яхши дўстларидан бири бўлган. Шоира рассомга ажойиб шеърини бағишлаган:




Ч.Ахмаров. “Зулфия”. 1965 йил.

*Шеърда нотинч ҳислар курашини ифодалай олармиканман,
Бу бўёқлар қайноқ оловини такрорлаш учун сўзни қайдан
топарман. Тафаккур ва сеҳргарлик қоришуви!
Безалган деворлар ва пештоқлар – учрашув,
душманлик, севги, айрилиқ, тонгнинг беқиёс аксидир,
Ва ҳар бир бўёқ ҳайратли ҳайқириқ ва акс-садо⁸².*

⁸² Зулфия. Народная поэтесса Узбекистана. (Перевод с узбекского С.Липкина). Ахмаров Чингиз. [Альбом репродукций / Автор текста и составитель альбома А.Р.Умаров]. – Т.: «Литература и искусства», 1979. с. 124. – (Мастера искусств Узбекистана).

Портретда бори-йўғи уч-тўрт ранг ишлатилган. Шоиранинг қомати ёрқин фонда яхши кўринади. Рангларнинг ўта соддалигига қарамай, эҳтимол айнан шу туфайлидир портретга томошабин қаердан назар солмасин, у ҳар қандай жойдан маҳобатли ва гўзал кўринади. Ўзбек тасвирий санъатида яна бир портрет, яъни бир йилдан кейин – 1966 йили психологик портрет устаси **Раҳим Аҳмедов** чизган “Карима” портрети бор.




Р.Аҳмедов. “Карима”. 1966 йил.

Бу аёллар портрети ўртасида қандай фарқ бор, деган савол туғилади. Гарчи қомати ва қўллари ҳаракати бир хил бўлсада, уларнинг юз ифодалари турлича. Бундаги фарқ умумий рангда, ранглар жилосида ва қоматлар шакл-шамойилида кўринади. “Зулфия” портрети кумушсимон ранглар билан монохром чизилган, бу унинг образига мос келган. “Карима” портрети илиқ олтинсимон рангларда байрамона чизилган. Бу аёлнинг замондошларига унинг очиқ ва қувноқ характери билан маълум бўлган.

“Ярим аср илгари Раҳим Аҳмедов ўзининг энг яхши асарларидан бири “Она ўйлари” портретини яратди. Бу аёл образига рассом эрта вафот этган ўз онасига бўлган бутун муҳаббатини бахшида этди. Чуқур қайғуга тўла бу асар дарҳол халқ эътиборига тушди ва бугун ҳам одамларни хаяжонга соляпти”⁸³.

⁸³ Шагаев Р. Творение Рахима Ахмедова. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://nuz.uz/moi-uzbekistancy/15118-tvorenie-rahima-ahmedova.html>



Р.Аҳмедов. “Она ўйлари”. 1956 йил.

“Кекса аёл дарахт соясида ўтирибди, орқада шинамгина ҳовли ва оқланган лой сувоқ уй. Асар сюжети содда ва лўнда, аммо она кўзларида қанчалик андух, меҳнатдан ғадир-будур кўллари ва табиат бўёқлари маҳорат билан чизилган, шунинг учун портретдан кўз узиш қийин. “Она ўйлари” асари билан Раҳим Аҳмедов машҳур бўлиб кетди, кўплаб мукофот ва унвонлар олди, лекин қалбида ўғиллик меҳри билан Ватанни куйлаган rassom бўлиб қолди”⁸⁴.

Раҳим Аҳмедов ва Чингиз Аҳмаров каби машҳур маҳоратли rassomлар томонидан яратилган “Она ўйлари”, “Шоира Зулфия” ва “Муסיқашунос Карима” сингари уч аёл портретлари тасвирий санъатдан муносиб ўрин эгаллади ва Ўзбекистоннинг маънавий-моддий хазинасига кирди.


Малик Набиев. Ўзбекистон портрет санъатининг устаси Малик Набиев 1916 йили Тошкент шаҳрида туғилди. Ёшлигида у иккинчи жаҳон урушида (1941-1945) ҳалок бўлган биринчи иқтидорли ўзбек рантасвирчи rassomларидан бири бўлган Баҳром Ҳамдамийдан сабоқ олган. 1937 йили Малик Набиев rassomлик билим юртини тамомлайди ва бу ерда ўқитувчи бўлиб қолади, аynи пайтда ижод билан шуғулланади.

⁸⁴ Шагаев Р. Творение Рахима Ахмедова. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://nuz.uz/moi-uzbekistancy/15118-tvorenie-rahima-ahmedova.html>

Рассом Малик Набиев ҳақида Гулшан Остонова 2016 йили шундай ёзган эди: “Санъат шундай сеҳрли нарасаки, унда инсон ўзини доим ёш, гуллаётгандек ҳис қилади, меҳнатдан чарчамайди ва усиз ўз ҳаётини тасаввур қилаолмайди ва машҳур рассом Малик Набиев ана шундай ижодкорлардан ҳисобланади. Унинг портретларида инсон ички олами уйғунлиги берилган, ҳиссиётлар енгил тусларда акс эттирилади ва зарурий ранглар товланишлари зоҳир бўлади.

Рассом олимлар ва маданият арбоблари портретларини яратди, лекин у асосан тарихий жанрларда портретлар ишлади. Таниқли тарихий арбоблар ва меҳнаткаш замондошлар портретларини ишлаган рассом ижоди кенг жамоатчилик эътирофига созовор бўлди.

Уларнинг орасида рассомнинг “Спитамен кўзгалони”, “Беруний портрети”, “Тамарахоним”, “Чўпон”, “Врач Махмудованинг портрети”, “Курувчи” сингари асарлари алоҳида ажиралиб туради. М.Набиев шунингдек ўзбек халқининг буюк фарзандлари Бобур, Фитрат, Усмон Носир, Амир Темурнинг туркум портретларини яратди”⁸⁵.



М.Набиев. “Абу Райхон Ал Беруний”. 1973 йил.

⁸⁵ Остонова Г.Р. Портреты Амира Тимура и Захириддин Мухамеда Бабура в творчестве народного художника Узбекистана Малика Набиева. // Молодой ученый. №11, 2016. с. 1617-1619.

Рассом тарихий жанрлардаги асарларида миллий санъат анъаналарини европача реалистик мактаб ютуқлари билан уйғунлаштириб юборди. Унинг асарларида буюк олимлар, ҳуқумдорлар ва саркардалар образи Абу Райҳон Ал Беруний, Мирзо Бобур ва Ал Хоразмий каби буюк шахслар яшаб ижод этган сарой интерьерларида акс эттирилди.

1982 йили рассом Ал Хоразмий портретини ишлади, у Ўзбекистон бадиий академияси Бадиий кўргазмалар дирекцияси фондида сақланади. Аллома ганч беаги билан зийнатланган интерьерларда тасвирланган. М.Набиев 1973 йили яратган портретни алоҳида таъкидлаш лозим. Бу Хоразмдаги Маъмун академияси ташкилотчиси ва раҳбарларидан бири, Ўрта Осиёнинг буюк олими Абу Райҳон Берунийнинг портретидир. Уни Ғазна ҳуқумдори Маҳмуд Ғазнавий асирга олади ва сарой тарихчи олими сифатида Ғазнага олиб кетади.

Ал Беруний Маҳмуд Ғазнавийнинг Ҳиндистонга қилган юришларида иштирок этди ва у ерда математикадаги ўнлик рақамлар формуласи билан танишди, бу ер шарининг бошқа томонидаги Америка қитъасининг жойлаш ўрнини тахмин қилиш ва уни ҳисоблаб чиқиш имконини берди. У фундаментал билимга эга бўлган эди ва кўпгина илмий асарлари ҳозиргача етиб келган.

Портрет композицияси содда ва ифодали чикқан. Олим оёқлари ўйма нақшли, ўсимлик нақшлари билан безатилган кичикроқ хонтахта ёнида томошабинга қараб ўтирган ҳолда тасвирланган. Хонтахта устида олим чап қўли билан ушлаб турган кўлёмалар турибди. Унинг эгнида четлари ва енгига безакдор жияк тикилган шойи, саройбоп чопон. У мураккаб, ўзгарувчан напармон пушти рангда. Бир лаҳзага Ал Беруний кўлёмалардан бош кўтарган ва қарашларига қанчалик диққат ва таранглик жамланган. Бу инсоннинг фикри, ақли, ички қувватининг улкан ҳаракати ҳис қилинади ва рассом бу хислатларнинг барчасини ўз асарида бера олди.

Малик Набиев яратган Мирзо Бобур образида шоир ва ҳуқумдор характери ниҳоятда теран ифода эта олди. Рассом бу портретни улкан ҳаётий қувватга эга бўлган давр руҳи акс этган тарихий ҳужжатга айлантирди. Рассом бу портретни яратгунича анча иккиланди, аммо ўзининг ижодий қувватига ишонди. Ўзининг бутун руҳий қувватини жамлаб яна парвоз қила олди, ўз қалбини яна очди, яна қувониш ва ҳайратланиш қоблиятига эга бўлди. Иккиланишлар оловида ёнганлиги, мураккаб ҳаёт тажрибасига эга бўлганлиги туфайли ўз даврида эътиборга созовор бўлди ва Ўзбекистон тарихидаги буюк шахслар портретларини яратишда унга катта куч берди. Бу қаттиқ меҳнат ва уринишлар натижасида XX асрнинг иккинчи ярмида Ўзбекистон олимлари ва шоирларининг туркум тарихий портретлари яратилди. Бу туркум портретлар нафақат мамлакатимизда, балки бутун Ўрта Осиёда машҳур бўлиб кетди.

1970 йили илиқ, ёрқин рангда мой бўёқ билан 120x100 хажмдаги матога ишланган Мирзо Бобур портретини ана шу туркумдаги портретлар сирасига киришиш мумкин. Мирзо Бобур портретда ёнидан ишланган, унинг нигоҳи узоқларга қадалган, бу унинг диққатини бир нуқтага жамлаганлигини кўрсатади, ҳуқумдорнинг диққати муҳим муаммони ҳал қилишга қаратилганлиги сезилади. Асар илиқ ёрқин рангларда ишланган. Ҳуқумдор саройнинг хоналаридан бирида ўтирибди. Пештоқли безакдор деразалар ортида Дехли шаҳри ястанган. Бир қўлини иягига тираган, қалам ушлаган бошқаси пастдаги ёстикқа тиранган. Ҳуқумдорнинг шоҳона безакдор либосида турли ҳолатдаги охулар тасвирланган. У ўзининг бой безаклари билан тасаввур уйғотади.



М.Набиев. “Мирзо Бобур”. 1970 йил.

Санъаткор ўзига ишонган, ақли ва довиюрак ҳуқумдор образини яратган. Мирзо Бобурнинг бу тарихий портретида рассом катта муваффақиятга эришган. Бу портрет 1960 йил охири ва 1970 йил бошларида яратилди. Портрет катта муваффақият қозонди ва 1990 йили рассом бу портретнинг иккинчи вариантини ишлади, аммо рангтасвирнинг иккинчи варианты бошқачароқ яратилди, яъни пештоқли дераза ортида кундузи эмас, балки тўқ кўк тун эди, осмонда янги ой кезади, бу асарга лирик кайфият бағишлади. Бунда шоир ва саркарда ўзи ҳуқумрон бўлган мамлакатнинг ҳаёти ҳақидаги кузатишларини ёзаётган бўлиши мумкин.

Неъмат Қўзибоев⁸⁶. 1980 йили Давлат адабиёт музейи томонидан таниқли рассом, тасвирий санъат устаси Неъмат Қўзибоев томонидан буюк мутафаккирнинг 1000 йиллик юбилейига бағишлаб ишланган буюк олим, табиб Абу Али Ибн Синонинг портрети сотиб олинди. Табиб файласуф, мусикачи ва шоир буюк Абу Али Ибн Сино 980 йили Бухоро шаҳри яқинидаги Афшона қишлоғида туғилди. У ўз таржимаи ҳолида шундай ёзади: “Отам Балхдан бўлган ва Бухорога Самоний Нух Ибн Мансур ҳуқумдорлиги пайтида келган ва бу ерда девонда ишлаган.

⁸⁶ Маматов У. Исследование портретов Авиценны, кисти художников Нигмата Кузыбаева и Азизы Маматовой. / Сборник научных статей: Культурное наследие: сохраним прошлое во имя будущего в рамках Вторых Рериховских чтений памяти Ю.Н.Рериха. 2017. с. 70.



А.Маматова. “Абу Али ибн Сино”. 1993 йил.

У Бухоро атрофидаги туманлардан бирининг маркази Хармайсонни бошқарган. Унга яқин бўлган қишлоқлардан бири Афшонадан менинг онам Ситорага уйланган”⁸⁷. Айтишларига қараганда Абу Али ибн Синонинг онаси чиройли аёл бўлган ва яхши урф-одатларга қатъий амал қилган. Ибн Сино болалигиданоқ камбағал ва бемор одамларга дардкаш бўлиш, уларга ҳар соҳада ёрдам бериш одатларини ўзига сингдирган. Бу хислатлар унга онасидан ўтган бўлиши мумкин ва ўша пайтлардаёқ табиб бўлиб азоб чекаётганларнинг танасига ва қалбига малҳам бўлиш хоҳиши пайдо бўлган ва йиллар давомида табиблик касбини эгаллаган. “Ўша даврларда Ўрта Осиёда босқинчилик урушлари тинимсиз давом этарди. Айниқса Ғазна ҳукумдори Маҳмуд Ғазнавий жангарилиги билан ажиралиб турарди. Унинг келиб чиқиши кул бўлган, харб иқтидори бўлганлиги учун саркардалиқ даражасига эришган. Маҳмуд Ғазнавий қўшни мамлакатлар устидан ғалаба қилди. Айнан у Хоразмда ташкил этилган Маъмун Академияси аъзоларини қувиб юборди, кутубхонани талади ва Академияни йўқ қилди”⁸⁸.

Маъмун Академияси X асрда Ўрта Осиёдаги йирик илмий марказ бўлган. Абу Носир ибн Ироқ, Абу Саҳл ал Масихий, Абу ал Хайр ал Хаммар, Абу Али ибн Сино ва Абу Райхон Беруний каби буюк олимлар унинг аъзоси бўлганлар, Беруний бу академияга раҳбарлик қилган.

⁸⁷ Абу Али ибн Сина. Звезда Востока. [Эл.рес.]. Режим доступа: <http://tokadoka.com/stati/prim/ibnsina.html>

⁸⁸ Людмила Солдадзе. Абу Али ибн-Сина (Авиценна). Страницы великой жизни. – Т.: «Литературы и искусства им. Гафура Гуляма», 1983.

Абу Райхон Берунийни Махмуд Ғазнавий ўзи билан олиб кетади, Абу Али ибн Сино эса қочоқ оломон орасига яшириниб Каспий денгизи томонга, ғарбга яширинишга муваффақ бўлган. У Махмуд Ғазнавийнинг хуфияларидан беркиниб юрди, негаки у табибни топиб унинг олдига олиб келишларини буюрган эди. Ўзининг метафизик ва мистик рисолаларини яширинча ёзди, ўзини табиб эканлигини билдирмасликка ҳаракат қилди. Қочоқлар орасида чечак ва вабо касали тарқагач, халққа тўрт қаторли шеъри билан мурожаат қилди. Унда касалликдан қутулишнинг аниқ ва қисқа йўллари кўрсатилган эди.

1993 йили рассом Азиза Маматова Абу Али ибн Синонинг портретини яратди. Асарда унинг кувғинда юрган даври ҳақида ҳикоя қилинади. Асарда мутафаккир олим одамлардан четга чиқиб чуқур ўйга толиб қовжираган кузги ўтлар устида ўтирган ҳолатда тасвирланган. “Қизгин куз фонида чизилган Ибн Сино портретида буюк олим қалбининг тозалиги ва сахийлиги ифодалаган, тизгинсиз оқ от билан эса унинг чексиз тафаккури парвозига ишора қилинган”⁸⁹ – деб ёзган эди бу асар ҳақида санъатшунос Норсаид Ойдинов.

Асарда олим, йўлбоп либосда тасвирланган. Унинг нигоҳлари барча майда-чуйда икир-чикирлардан кечиб кетган одамнинг қарашларига ўхшайди, у фақат ўз қалбига қулоқ солаётгандек. Дарҳақиқат, агар у майда-чуйда икир-чикирлардан кечиб ўз тафаккурини улкан диққатни талаб қилувчи ишларга қаратмаганда эди бундай буюк асарлар ярата олмаган бўлар эди.

Олимнинг “Ал Қонун фит-тиб” асари тахминан 1020 йили ёзилган. “Лотин тилига таржима қилинган бу китоб Европада ниҳоятда машҳур бўлиб кетди, XII асрдан бошлаб ўн уч мартадан ортиқ нашр қилинган қўлланма бўлиб қолди. V аср давомида Европа университетларида медицина шу китоб бўйича ўқитилди. Босма дастгоҳ кашф қилинганидан кейин китоб биринчилар қаторида босиб чиқарилди ва нашр миқдорига кўра Инжил билан беллаша олди”⁹⁰. Осиё ва Европанинг кўпгина саводли медиклари беш юз йил давомида мана шу китобга таяндилар. Шарқда, Ўрта Осиёда медицина сўзи “Мадад Сино” сўзидан келиб чиққанлиги таъкидланган. Айни пайтда Европада медицина “Ars medicina” – “Даволаш санъати”дан келиб чиққанлиги таъкидланади. “Мен портретни яратаётиб айнан шуни ўйлаган эдим”, – деган эди рассом шогирдлари билан суҳбатлардан бирида. Муаллифларининг эътиқодига кўра жиддий асарлар яратиш учун чуқур, жиддий сабаблар бўлиши керак. Негаки инсон фақат қорин учун яшамайди”.

1980 йили мойбўёқда 200x120 хажмдаги матода рассом Неъмат Қўзибоев томонидан Абу Али ибн Сино портрети ишланган эди. Асар Ўзбекистон фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейининг мулки ҳисобланади. Рассом Неъмат Қўзибоев Ленинград шаҳридаги И.Е.Репин номидаги рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтида бадиий таълим олди. У 1947 йилдан 1953 йилгача таҳсил олди. Рассом бутун дунёга машҳур бўлган бу ўқув юртининг ўша даврлардаги ректори Ленинградлик таниқли рассом Виктор Михайлович Орешников устахонасида ўқиди.

Неъмат Қўзибоевнинг “Абу Али ибн Сино” асарининг ранг олами нозик кумушсимон бўёқларда чизилган, улар жуда чиройли жаранглайди. Бу асар тасвирий санъатни тушунмайдиган одамни ҳам мафтун этиб қўяди.

⁸⁹ В предисловие каталога «Время и Человек», которое был издан к 60 летнему юбилею Азизы Маматовой Академией Художеств Узбекистана Издательство «Шарк». 1997. с. 4.

⁹⁰ Абу Али ибн-Сина. Звезда Востока. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://tokadoka.com/stati/prim/ibnsina.html>



Н.Кўзибоев. “Абу Али ибн Сино”. 1980 йил.

Асарда олим Шайх ур Раис (Донолар, улуғлар бошлиғи, буюк мутафаккир) унвонига эга бўлган ақибир образида тасвирланган. Уни Ўрта Осиё ва Эронинг кўпгина ҳукумдорлари саройларида кўриб қолишганда шундай номлар эдилар. У ўзи учун ажратилган сарой хоналаридан бирида тинч осойишталикда доридармонларни тадқиқ қилар эди, тунда эса касалликларни даволаш бўйича ўзининг кўплаб кузатишлари ва амалий билимларини умумлаштириб ва аниқлаштириб “Тиб қонунлари” китобини ёзар эди.

Портретда Абу Али ибн Сино баланд ёғоч ўриндиқда орқага суяниб ўтирибди. Мумкатак кўринишида панжараланган дераза орқали куёш нурлари ёғилиб турибди. Олим чўзилган кўлидаги шиша идишдаги суюқликка диққат билан қараб турибди. Асарнинг чап бурчаги юқорисида қалин китоблар териб қўйилган осма китоб жавони тасвирланган. Суратнинг ўнг бурчаги пастида ёзув анжомлари қўйилган думалоқ ёғоч ўймакорлиги билан безатилган курси қўйилган.

Шу ернинг ўзида назаримизда узоқ Венециядан келтирилган шакли ва рангига кўра нозик флакон турибди. Унинг эғнида кенг кумушсимон атласдан либос. Бошига баланд шойи иплар билан кашта безаги туширилган қулоҳ. Сурат сафсар, мовий ва тилларанг-қизғиш рангларда ишланган, улар томошабин эътиборини жалб қилиб жилваланади ва мато юзасида ўйнайди. Асар бутун илм оламида кенг нишонланган буюк табиб Абу Али ибн Синонинг минг йиллик юбилейига бағишланган.

Неъмат Қўзибоев билан устахонада бирга шуғулланган рассом Тажат Оганесовнинг сўзларига қараганда уларнинг устози Виктор Михайлович Орешниковнинг ўзи ёруғлик ва ранг бўйича катта мутахассис бўлса ҳам, у Неъмат Қўзибоевга Ленинграддаги устахонада рангтасвир бўйича ассистент бўлиб қолишини илтимос қилган эди. Аммо Ватан соғинчи ёш рассомда келажаги бор бўлган таклифдан ҳам устун келди ва у Тошкент шаҳрига қайтиб келди. Бу ерда анчагина ҳаётий қийинчиликларни енгиб, Неъмат Қўзибоев машҳур рассом бўлиб етишди.

Рассомлар Н.Қўзибоев ва А.Маматоваларнинг “Абу Али ибн Сино” деб бир хилда номланган асарларини чоғиштирма тадқиқ этилганда шу нарса маълум бўлдики (А.Маматова асари ўн йил кейин чизилган эди), улар ўртасидаги фарқ буюк олим ҳаётининг турли даври ва шароитларини акс эттирилганлигида кўринди.

Бу мато хажмини танланишида ҳам кўринади, агар рассом Н.Қўзибоев Абу Али ибн Сино образини бўйига тўртбурчак матода акс эттирган бўлса, А.Маматова олим образини акс эттириш учун квадрат шаклидаги матони маъкул топди. Ҳар иккала асарда ҳам Абу Али ибн Сино ёнидан тасвирланган. А.Маматова олимни қуриган ўтлар устида, Н.Қўзибоев баланд ёғоч курсида ўтирган ҳолатда тасвирлаганлар. Аммо улар чуқур ички психологик ўхшашликка эга.

Портретларда ўзини ҳам, қалбини ҳам фанга бағишлаган одам тасвирланган. Шунинг учун ҳам томошабин унинг образини бошқа шахслар образидан осон ажрата олади. Унинг образи турли даврларда тасвирий санъат усталари яратган Данте Алигъери, Алишер Навоий, Вильям Шекспир образлари каби гавдалантирилган. Томошабинлар учун буюк тарихий шахсларнинг образи таниқли бўлгани маъкул. Уларга қараб бу одамлар инсониятга қолдириб кетган маънавий, маданий меросни ёдга оладилар. Бу кишилар тасвирий санъат усталари яратган ўз портретлари орқали минг йиллар ва кўп асрлар ўтганда ҳам яқин, қадрли ва тушунарли бўлиб қолаверади.

“Ибн Сино ҳаётининг охиригача ўз юртига қайта олмади, хорижда гоҳ у, гоҳ бу шаҳарларда яшади. У Хоразм, Абивер, Нишопур, Тус, Гурган, Рей, Хамадон, Исфaxon ҳукмдорлариникида бўлди, йўқотишларга учради, гоҳ вазир бўлган бўлса, гоҳ зиндонга ташланди, тўкин-сочинликда ҳам, қашшоқликда ҳам яшади, лекин ижодий ва илмий фаолиятини бирор кунга бўлсада тўхтатмади.

Ибн Сино бир қатор иқтидорли файласуфларни тарбиялаган буюк олим ҳисобланади. У ўзида донишманд устоз ва давлат арбоби сингари икки ҳислатни жамлаган инсон ҳисобланади. Шу муносабат билан у ўзида Платоннинг ижодий тафаккурида биринчи бўлиб вужудга келган идеални жамлади. Ибн Сино ўрта асрлар мусулмон оламидаги кўплаб билимли одамларни ўзига тортди ва “Намунали шаҳар” бошида турган олим идеали бўлиб қолди”⁹¹.

⁹¹ Абу Али ибн Сина. Звезда Востока. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://tokadoka.com/stati/prim/ibnsina.html>

Шунинг учун ҳам буюк аждодларимиз образларини яратаётган рассомларга ниҳоятда катта маъсулият юклатилади. Рассомлар нафақат касб маҳорати юксак бўлиши, балки инсоният тарихи ва маданиятини яхши билиши, ўткир психолог бўлиши, энг муҳими эса дардкаш, ҳақиқатгўй ва меҳнатсевар инсон бўлиши лозим.

1983 йили Рассом Неъмат Қўзибоев буюк олим Муҳаммад Ибн Мусо Хоразмий таваллудига 1200 йил тўлиши муносабати билан унинг образини акс эттирувчи асар яратди. Муҳаммад Ибн Мусо ал Хоразмий 783 йили қадимий Хоразмнинг Хива шаҳрида туғилди, бу шаҳар Ўзбекистоннинг шимолий-ғарбида жойлашган бўлиб, у ерда маданият ва илм ниҳоятда ривожланган эди. Моваруннахр ва Хоразмнинг буюк олимларидан у дастлабки таълимни олди.



Н.Қўзибоев. “Муҳаммад Ибн Мусо ал Хоразмий”. 1983 йил.

Шу ернинг ўзида олим Ҳинд ва юнон фани билан танишди. Ал Хоразмий IX асрнинг йирик олимларидан бири ҳисобланиб, буюк математик, географ ва тарихчи бўлган эди. Унинг ҳозирги компьютер техникаси асосини ташкил қилган математикадаги алгоритмларни яратувчиси ҳисоблайдилар. Баъзи манбаларда Ал Хоразмийни “ал мажусий” деб атайдилар, яъни уни коҳин дейишади, бундан келиб чиқадики, у исломни қабул қилган зардуштий коҳинлар уруғидан келиб чиққан.

Суратда Ал Хоразмий қомати бўйламасига жойлаштирилган. У асарнинг пастки, чап бурчагига ўткир бурчаги билан келиб тақалади ва уч бурчакка мос келади. Учбурчакнинг чўққисиди, олтин кесишувнинг чапроғиди олимнинг боши тасвирланган. У тўртдан уч қисмни ташкил қилади. Олимнинг нигоҳи тиззасига қўйилган чизмани ўлчанадиган асбобга қаратилган. Бу бошлаган ишини охирига етказадиган кучли ва мақсад сари интиладиган одамнинг нигоҳидир. Мушт қилинган ўнг қўли қўлғамалар қўйилган кичик хонтахтада турибди. Олим қизил рангли ўриндиқ устида ярим ётган ҳолда ўйма безакли пештоқ дераза фониди

тасвирланган, дераза ўртада ой нури билан ёритилган боғ кўринадиди, ой нури дераза кўзларидан олимни ёритиб турибди.

Девор қалинлигидаги устунлар мраммрдан ишланган ва асарнинг умумий ранги билан уйғунлашиб кетган. Бутун фон туси яхлит ишланган ва унда Ал Хоразмийнинг қомати ажралиб кўриниб турибди, олим остидан енгил узун енгли оқ кўйлак кийиб олган мовий рангли нақшлари бўлган кумушсимон рангдаги халат кийиб олган. Ўнг қўли билагига олтин билакузук тақиб олган. Бошида кўк-зумрад рангли салла. Либосининг бойлиги олим Ал Маъмун халифалигидаги “Байт ал ҳикма”да сарой олими бўлганлигидан дарак беради.

“Ҳалиф бўлгунига қадар Маъмун халифаликнинг шарқий худудларида маҳаллий ҳоким бўлган. 809 йилдан бошлаб Хоразмий Маъмун сарой олимларидан бири бўлган. Хоразмий ўз асарларидан бирида у ҳақида яхши фикрлар билдиради. “Ундаги фанга бўлган қизиқиш атрофига олимларни тўплашига сабаб бўлди, уларни ўз ҳомийлигига олди ва уларга тушунарли бўлмаган нарсаларни изоҳлашга ёрдам берди, қийинчилик пайдо бўлса енгиллатди”.

“Байт ал ҳикма” ўзига хос фанлар академияси бўлди, у ерда Сурия, Миср, Эрон, Хуросон ва Моварауннахрдан олимлар ишлади. Унда кўп миқдорда қадимий қўлёзма китоблари бўлган кутубхона ва астрономик обсерватория фаолият кўрсатган. Бу ерда кўплаб юнонча фалсафий ва илмий асарлар араб тилига таржима қилинди. Айни пайтда бу илмий марказда Хабаш Хасиб, Фарғоний, Ибн Турк, Киндий каби машҳур олимлар ишлаганлар. Тарихчилар Ал Хоразмийнинг илмий ва оммавий фаолиятига юқори баҳо берганлар.

Таниқли фан тарихчиси Ж.Сартон олимни: “*Ўз даврининг буюк математиғи, агар унинг вазияти ҳисобга олинса, бутун даврларнинг буюк математиғи*”, деб атади. Унинг илмий асарлари кўп бора юнон, лотин, немис, инглиз, голланд ва рус тилларига таржима қилинди. Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний ва шоир, математик Умар Хайём Хоразмийнинг илмий фаолиятига юксак баҳо берди. “Хоразмийнинг асарлари араб тилидан лотин тилига, сўнгра Европанинг бошқа янги тилларига таржима қилинди. Уларнинг асосида математикадан турли дарсликлар яратилди. Хоразмийнинг асарлари Уйғониш даврида фанни вужудга келишига йўл очди ва Шарқ-Ғарб мамлакатларида ўрта асрлар илмий тафаккурини ривожланишига самарали таъсир кўрсатди”⁹².

Шуни қўшимча сифатида таъкидлаш жоизки, тасвирий санъат устаси Неъмат Мирзобоевич Қўзибоев ўзбек халқи тарихи ва адабиётини яхши билган эди. Хусусан, ўзининг қадрдон Қўқон шоирларининг асарларини алоҳида қизиқиш билан ўрганган эди. 1970 йилларда яратилган портретлардан бирида демократ, маърифатпарвар шоир Фурқат акс эттирилди.

“Фурқат (Зокиржон Холмуҳаммедов 1858-1909) Ўзбекистондаги XIX аср охири илғор жамоатчилик тафаккурининг йирик вакилларидан бири. Демократ – маърифатпарвар Фурқат ўзбек адабиётидаги реализмнинг асосчиларидан бири ҳисобланади. У бадий асарларда ҳаётни ҳаққоний акс эттириш шоирнинг виждон амри ҳисоблади. У таракқиёт манбаси, қадрдон юртнинг гуллаб-яшнаши ва халқ фаровонлигини яхшиланишини динда, эски урф одатда эмас, балки илмда кўрди”⁹³. Шоир шахсининг ўзига хослиги, оддий халқ ҳаёти ва илмга бағишланган ажойиб шеърлари рассом эътиборини торди.

⁹² Ал-Хорезми. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://ru.wikipedia.org/wiki/Ал-Хорезми>

⁹³ Фуркат. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://texts.news/knigi-antologiya/furkat-22135.html>




Н.Кўзибоев. “Фурқат”. 1978 йил.

*Илм ол, мақсадинга эришурсан,
Илм ол, орзуинга етурсан.
Дўстим, ҳар бир илмдан хабар топ
Улардан ҳар бири сенга керак бот.
Афсуски, хонларимиз, бекларимиз,
Яшарлар зиёфатда, орзусиз.
Уларнинг ёнида олим бўлмаган,
Улар саройларда саводсиз бўлган
Олимларга кўрсатилмаган иззат,
Берилмади уларга ҳеч мукофот.
Агар уларга кўрсатилса эди ҳурмат,
Улардан фойда бўлар эди бот-бот!
Куйидаги сўзлар бўлар бунга мисол:
Илм-боғбон, Ватан эса – боғ⁹⁴.*

⁹⁴ Мамедов Н.Ф. Материалы по истории прогрессивной общественно-политической мысли в Узбекистане. Ташкент, 1957. с. 319-320.

Фуркат Ўрта Осиё бўйлаб кўп сафар қилди. Маълумки қадимда халқ асосан пиёда ва отда юрар эди. Рассом уни тошда ўтирган ҳолатда тасвирлади, бу тош мовий қўлнинг ёнида эди, унинг тиниқ суви юзасида туман билан қопланган баланд сафсар-қизғиш тоғлар акс этган. Шоирнинг оёғи остида тоғ ўтлари ва гуллари ўсиб ётибди. Кўл устида камалак тасвирланган, асарнинг ранги ниҳоятда ёқимли. Устига алак чопон ташлаб қўйилган қора сюртук туфайли шоир образи бутун қомати билан кўринади, унда Фурқатнинг юзи ва қўллари аниқ намоён бўлади. Шоир юзида ўйчанлик зуҳр, узоқ-узоқларга ғамгин боқади.

Ватандан айрилиқ шоир қалби ҳолати орқали ифода этилган. Тасвирий санъат устаси Неъмат Қўзибоев нафақат ажойиб рангтасвирчи, балки яхшигина психолог ҳам бўлган. Унинг портретларидаги образлар рассом шахслар характери жуда яхши билганлигидан дарак беради.



Р.Чориев. “Сайроблик қария”. 1979 йил.

Рўзи Чориев. Рассом кинорежиссёр Шавкат Абдусаломов, кўшиқчи Ботир Зокиров ва Сайроблик Қария портретлари муаллифи ҳисобланади. Тасвирий санъат устаси Рўзи Чориев 1931 йили Сурхондарёдаги Пашхурт қишлоғида туғилди ва уруш арафасидаги кўпгина болалар каби интернатда тарбияланди. Ўзининг иқтидори ва меҳнатсеварлиги туфайли у Ленинград шаҳридаги И.Е.Репин номидаги рангтасвир, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтида олий маълумот олди ва рассомлик ихтисослигини эгаллади.

1970-90-йиллари Тошкентда рассом Рўзи Чориев учун ижодий самарадор йиллар бўлди. Рассом ўз юрти Сурхондарёга кўп бора хизмат сафарига борди ва у ёқда кўплаб табиат этюдлари, ҳамқишлоқлари портретларини олиб келди.

Булар ажойиб меҳнаткаш аёллар, кексалар ва болалар образлари эди. Айниқса “Сайроблик қария” портрети рангинлик, маънавий ҳаётни ҳаққоний психологик акс эттирилганлиги билан ажралиб туради. Портретдан томошабинга иккинчи жаҳон урушининг оғир йилларини бошидан кечирган ва орден билан мукофотланган инсон боқиб турибди. Унинг миллий оқ кийимига орден тақиб қўйилган, унинг устидан ранги чиройли олача чопон кийиб олган.

Эътиборни тортувчи чўзинчоқ тиришлар тушган юзида доно, айти пайтда таранг ва қатъий кўзлари тўғридан-тўғри томошабинга боқиб турибди, буларнинг барчаси қаҳрамоннинг ташвишли ва қувончли, бардошли ҳаёти ҳақида ҳикоя қилмоқда. Унинг бутун қиёфасидан мустақил, эрксевар характери намоён бўлган, у қоматини стул суянчиғига ташлаб ўтиришида, белбоғини ушлаб турган қўллари ҳаракатида ва елкасига яхши ўрнатилган ва сафсар-кўк рангли салла кийган бошида кўринади. Портрет тилла ранг, илиқ яшил ранглар уйғунлиги билан тасаввур уйғотади ва узок хотирада қолади.




Р.Чориев. “Ботир Зокиров”.

Шогирдлари, издошлари кўп бўлган, ёшлар секциясига раислик қилган Рўзи Чориев ёш рассомлар устахоналарида кўп бўлганлиги, уларнинг шахсий кўрғазмаларини ташкил қилганлигини ва уларга кўлидан келганича ёрдам берганлигини ҳозирда таниқли бўлиб қолган Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков, Собир Рахметов каби рассомлар яхши эслайди. Санъаткорнинг ижодий устахонаси доим гавжум бўлган. Бу ерга рассомлар, режиссёрлар, шоирлар, артистлар, журналистлар, олимлар ва ёзувчилар ҳам тез-тез келиб турган.

Машхур халқ кўшиқчиси Ботир Зокиров ва рассом Рўзи Чориев яқин дўст бўлганлар. Улар бир авлодга мансуб бўлган. Санъатга, ижодга ва умуман оламга ва инсонийлик жамиятига қарашларида кўп ўхшашлик бўлган. Негаки Рўзи Чориев рассом сифатида опера мусиқасига ошuftа бўлган, шу билан бирга кўшиқчи Ботир Зокиров ҳам рангтасвирни яхши кўрган. Мусиқа ва рангтасвир маданият феномени, хиссиётларни тасвирлашда яқин тушунчалар ҳисобланади.

Кўшиқчи портрети рассомнинг унчалик маълум бўлмаган асаридир. У тез чўзинчоқроқ матога чизилган ва тугалланмай қолган эскизга ўхшайди. Лекин у кўшиқчининг ички оламига чуқур кириб борилганлиги, психологизми, драматизми ва бутун қиёфанинг гўзаллиги билан ҳайратга солади. Юзидаги қора кўзларига алоҳида урғу берилган, улар гўё ундан алоҳида яшаётгандек. Уларда оғрик ва умидсизлик зуҳр бўлади ва айни пайтда интилувчанлик сезилади.

У қўли билан кичирок мато ушлаб турибди, гўё рангтасвир билан шуғуллаётганда ва ўзи қўлида этюд билан бир лаҳзага ўтиргандей тасаввур уйғотади. Фақат рассомнинг касбий маҳорати билан яхши таниш бўлган кишигина бу лаҳзани илғаши ва дўстини ғамнок фикрлардан чалғитиши мумкин. Асар илиқ рангда ишланган. Унда Ботир Зокиров томошабинга яхши таниш бўлган оқ шарф ва жигарранг пальтода тасвирланган. Унинг бутун озғин қомати таранг ҳисларни ифодаловчи оч ва тўқ қизил фонда тасвирланган.



Р.Чориев. “Шавкат Абдусаломов”. 1985 йил.

Шавкат Абдусаломов портрети навбатдаги асар ҳисобланади. Кинорежиссёр ва актёр Шавкат Абдусаломов Москва шаҳрида яшайди, Тошкентга кинорежиссёр Шухрат Аббасовнинг таклифига биноан келган эди, шунда у рассом Рўзи Чориев билан танишиб қолди. Шавкат Абдусаломов портрети рассом Рўзи Чориев бу даврда яратган эътиборли асарларидан бири бўлиб қолди. Кинорежиссёр ва актёр асарда рассомнинг коттеджи олдидаги боғчада тасвирланди. Портретда у бутун бўйи билан баҳорги яшилликда, елкасига қора-кумушсимонкўк костюм устидан ташлаб олган ҳолда тасвирланди.

У бироз бошини эгиб, томошабинга қовоғи остидан қараш қилиб турибди. У билан мулоқотда бўлган одамлар унинг мафтункорлигини, ақллилигини, иқтидорини, хушмуомалалигини ва шу билан бирга камтарин эканлигини таъкидлаганлар. Дўстлар даврасида у билан суҳбатлашиш ҳузур бахш этарди, негаки доимий Москвада яшаганлиги учун маданий воқеалар марказида бўлар ва шу сабаб ундан кўп ахборот олиш мумкин бўлар эди. Асарнинг бутун ранги ёқимли, у маълум маънода XX аср бошларида яшаган Валентин Серов ва Константин Коровин сингари рус рассомларининг пленерда ишлаган асарларини ёдга солади. Бундай чоғиштириш табиий ҳисобланади. Негаки бу рассомлар ҳам баҳорги ёш барглар ва майсалар фонида портрет ишлашни ёқтирарди. Умуман портрет ранги ёқимли ва ишончли чиққан.


Азиза Маматова⁹⁵. А.Маматова 1973 йили Ленинград шаҳридаги И.Е.Репин номидаги рангасвир, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтида академиклар А.И.Серебряний, П.В.Корнеев ва М.М.Девятков устахонасида ўқишни битирди. Эрмитаждаги санъат асарларини томоша қилиш, рус музейи кутубхоналарда ўтказилган вақтлар, китоб ўқишга бўлган қизиқиш рассом ижодининг асосий йўналишини белгилаб берди.

У жаҳонга машҳур бўлган рассомлардан таҳсил олди, уларнинг тажрибасини ўрганди ва тасвирий санъат асарларни ўз кўз билан кўрди. У ўз устозлари номи ни ғурур билан эслаб туради. Мамалакат тасвирий санъатининг энг яхши мактабида олинган билимлар ўз мевасини берди. Рассом портрет жанрида ўз йўлини топди. У билан бирга С.Абдуллаев, Б.Жалолов, А.Икромжонов, М.Нуриддинов, С.Рахметов, опа-сингил Э. ва Н.Аҳмедовалар, Москва шаҳрида эса А.Мирзаев, Ж.Умарбеков, Ш.Абдурашидов сингари ҳамюртлари ўқиди, улар кейинчалик Ўзбекистонда машҳур рассом ва санъатшунос бўлиб танилдилар. Ватанидан йироқда талабалик йилларида улар бир-бирини қўллаб-қувватлади ва жипслашдилар.

Рассом А.Маматова: “1973 йили июл ойида мен Тошкентга қайтиб келдим. Бу ерга келганимдан кейинги вақт мен учун мураккаб давр бўлди. Бу ерда мени хушёрлик ва ҳайратланиш билан кутиб олдилар. У пайтларда, яъни деярли ярим аср илгари нафақат Ўзбекистонда, балки бошқа жойларда ҳам ёш қизларни ўз йўллари мустақил танлашини кўп ҳам ёқтиришмас эди.

Бу ҳолат ижодий ўз-ўзини англашга имкон бермади, шунинг учун ҳам бизда аёл рассомлар кўп эмас эди. Ўз ижодим билан нимага қодир эканлигимни исботлашга тўғри келди. Ҳамкасблар ва омма томонидан қўлланмаган рассом учун ижод қилишга рағбат бўлмади, ўзига ишонч йўқолгандан кейин рассом бўлиш қийин бўлади”. Шунга қарамай ўша пайтларда тасвирий асарлар ёрдамида абдийлаштирилиши лозим бўлган шахслар кўп бўлган.

⁹⁵ Маматов У. The history of one life. // Gisap: Culturology, Sports and Art History. №5, 2015. с. 8. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://journals.gisap.eu/index.php/Culture/article/view/909/869>



А.Маматова. “Чўпон Раҳимахон”. 1975 йил.

Шунинг учун А.Маматова портрет жанрида ишлади. Унинг ҳар бир образи ўзининг ички оламига эга ва рассом уларнинг сирларини очиб беришга интилди. Рассом ўзи ёқтирган ва ҳурмат қилган кишилар тасвирига ўзига хос ёндашганлиги кўринади. Унга, эҳтимол, энг аввало ота-онаси томонидан берилган ўғитлар, хусусан миллий маданий анъаналарни чуқур тушуниш, ўз теран томирларини ҳис қилиш, оламини уйғун равишда англаш ва ўз “мен”ини таъкидлаш сингари ҳислатлар хос бўлгандир. Рассом ҳаётни тийрак кўз билан кузатди, Ўзбекистон бўйлаб сафар қилди, бўлажак асарлари учун тасвирий материал йиғди.

1970 йили “Чўпон Раҳимахон” портрети чизилди. Унда шаҳардан узоқда, баланд тоғдаги қишлоқлардан бирида яшаган чўпон Раҳимахон тасвирланган. Унинг кўзларида мунгли жонлилик сезилади. Бу эҳтимол унинг бахтли учрашувлари ва мунгли айрилишлари ҳақидаги хотиралари, ёшлиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. У ўз ҳаётини тошлоқ ер тагидан униб чиққан гулга ўхшатаётгандир. Бу аёл тақдир ҳақидаги портретдир. У ҳаётини қийинчиликларга қарамай унга бўлган ишончини сақлаб қолди.



А.Маматова. “Бернара Қориева Анна Каренина образида”. 1986 йил.

Чуқур лиризмга йўғрилган “Балерина Бернара Қориева Анна Каренина образида” портретини рассомнинг ижодий ютуқларидан бири дейиш мумкин. Уни машҳур ўзбек раққосаси (балеринаси) юксак санъатининг сеҳрли кучи ўзига тортди ва унинг образини бутун қалби билан ўз асарида тасвирлади. Бу асарда Бернара Қориева орқали Анна Каренина образини акс эттириш рассомнинг бош мақсади ҳисобланди. Ҳар иккала қаҳрамоннинг ташқи кўриниши ўхшамаслиги мумкин, аммо рассом эътиборини балеринанинг поэтик олами ўзига жалб қилди. Ҳар иккала образни бирга уйғунлаштириб, у ўзининг Анна Каренинасини яратди. Шунинг учун бу портрет жозибador кўриниш касб этди ва ёдда қоларли тасаввур беради.

Маълумки, таниқли рус ёзувчиси Л.Н.Толстой унинг образи устида узоқ ишлади ва жаҳон бадиий тафаккурида биринчиларидан бўлиб аёлни ички дунёсини бутун гўзаллиги, карама-қаршилиги ва фожиавийлиги билан очиб берди. Шунинг учун ҳам Толстой: “*Анна менинг ҳам ярмим ҳисобланади*”, деган эди. “Ўз асарларини яратаётиб, - деган эди А.Маматова, - рассом ўзининг ҳаёлат ва тафаккур оламида яшайди. Айнан шу бу асарда ўз аксини топди”⁹⁶. Машҳур ёзувчи ва шоир Ойбекнинг портрети ҳам унинг шундай асарлари қаторига қиради.

⁹⁶ Акилова К. Преданность искусству. // Совет Ўзбекистон санъати. №3, 1988. с.19.

Ойбек – Мусо Тошмухамедов⁹⁷. Рассом Азиза Маматованинг машҳур асарлари сафига Ойбек уй-музейида сақланадиган, 1983 йилда яратилган “Ойбек” портрети киради. 1982 йили рассом “Чимён дафтари” тўпламини ўқиб чикди. Тўпландаги нафис, гўзал тасвирларга бой “Наъматок” шеър, рассомни таъсирлантирди ва ёзувчи, шоир портретини яратишга у ижодий туртки берди.

Шоир, ёзувчи, адабиётшунос олим ва давлат арбоби Ойбек (тахаллус) Мусо Тошмухамедов 1905 йилда туғилиб, 1968 йилда 63 ёшида вафот этган. 1943 йилдан Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси. Урушдан сўнгги қийин даврда мураккаб атворли, ички дунёси бой Ойбек адабий фаолияти муносиб баҳоланиб, Лондон Қироллик фанлар академиясининг фахрий аъзолигига сайланган. Адиб ўз ижодини 1922 йилда бошлаган.

Ўзбек адабиёти дурдонасига айланган “Чимён дафтари” ҳассос шеърлар тўплами Ойбек ижодининг бадиий чўққиларидан саналади. Насрда эса у Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ҳамда Садриддин Айнийлар бошлаб берган тарихий романчилик анъаналарини давом эттирди. Ойбекнинг серқирра истеъдоди А.С.Пушкиннинг “Онегин”, М.Ю.Лермонтовнинг “Маскарад”, Ж.Б.Мольернинг “Тартюф” асарлари, шунингдек, И.А.Крылов масаллари, В.Г.Белинский мақоалари, Х.Хейне шеърлари каби рус ва жаҳон адабиёти намуналаридан ўзбек тилига қилган таржималарида ҳам намоён бўлган.

1942 йилда сўз мулкининг султони, шоир ва давлат арбоби Алишер Навоий ҳақида тарихий-биографик роман ёзди. Шундан сўнг Тошкент адабий муҳитидаги “ғамхўр”лар Ойбекни XV асрда Хиротни бошқарган Ҳусайн Бойқаронинг дўсти ва вазири бўлган шоир Алишер Навоий ҳақида буржуйларча роман ёзганликда айблаб, СССР Ёзувчилар Уюшмаси раиси А.Фадеев номига хат йўллашди.


Ёзувчи Н.Тихонов билан маслаҳатлашган А.Фадеев хатни пайсалга солиб юриб, йиллик ҳисоботида Ойбекнинг буюк шарқ шоири Алишер Навоий ҳақида роман ёзганини айтди ва тез орада Ойбек СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди. Аммо Ойбек аноним хат ҳаракатсиз ётганида инсультни бошидан кечирган, нутқи ва ҳаракатлари умрининг охирига қадар нуқсонли бўлиб қолган эди. Бу ҳақда рассом А.Маматовага ёзувчи Саид Аҳмад, шоир Туроб Тўла ва бошқалар шохидлик беришган.

Балки Ойбекнинг соғлиғини йўқотгани ижодкорлар ўз асарлари учун тўлашадиган бож бўлгандир. Жумладан, Италян хайкалтароши Микеланжело Буонарроти Сикстин Капелласи деворига тасвирланган “Оламнинг яралиши” асарини яратиш жараёнида баданини жароҳатлаган, Голланд рассоми Винсент Ван Гог қулоғини кесган, Рус рассоми Михаил Врубель умрининг охирида ақлдан озган, Нидерланд рассоми Рембрандт Ван Рейн авжи кучга тўлган даврида яқинларидан айрилиб, умрини қашшоқлик ва ёлғизликда ўтказган. Эрон ҳукмдорлари қўл остида умрининг ярмини ўтказган мусаввир Камолиддин Бехзодни Ватан соғинчи ўртаган, буюк Ибн Сино кувғинда яшаб ўтган, “Тиб қонунлари” ва мистик рисоаларини сургунда ёзган. Бундай ижодкорлар кўп. Жуда кўп.

Бу бебаҳо санъат ва адабиёт асарларини яратиш, инсоният учун зарур илмий ва бошқа кашфиётлар тўловидир. Шу боис бани башар мавжуд экан, уларнинг хотираси, яратган илмий ва ижодий асарлари тирик бўлади.

⁹⁷ Маматов У. О портретах академиков Э.В.Ртвеладзе, Айбеке и авторе этих произведений художнице Хушруе (Азизе) Маматовой. / Сборник научных статей: Сохранение приоритетов образования и культуры основа человечности. Институт искусств СГУ им. Н.Г.Чернышевского. 2016. [Эл.рес.].Реж.дос: <http://docplayer.ru/49520015-Sohranenie-prioritetov-obrazovaniya-i-kultury-osnova-chelovechnosti.html>

Тоғли қорлар фонида чизилган Ойбек портретида енгил шамол сезилади, гўзал табиат манзараси билан столда ўтирган шоир образи уйғунлашиб кетган. Тоғ чўққисида эса шоирнинг “Наъматак” шеърини ёдга солувчи қийғос очилган наъматак чайқалиб турибди.



А.Маматова. “Ойбек”. 1983 йил.

*Нафис чайқалади бир туп наъматак,
Юксакда, шамолнинг беланчагида.
Қуёшга оқ сават тутганча беҳол,
Виқор-ла ўшшайган қоя лабида,
Нафис чайқалади бир туп наъматак⁹⁸.*

Дарҳақиқат, чинакам истеъдод эгалари ўз асарларини ёлғизликда ижод қилдилар, ижод маҳсулларини атрофдагилари билан бўлишадилар, гўзаллик туйғуси ривожланишига ҳисса қўшадилар. Ижодкорлар аслида ўшшайган қоя лабидаги нафис гулли наъматак кабирлар. Балки шоир айнан шу ўхшатишга асослангандир.

⁹⁸ Айбек – Муса Ташмухамедов. Из сборника «Тетрадь из Чимгана».

Мазкур гўзал шеър Ойбек образини рассом кўз олдида гавдалантирган. Ойбек асарлари табиат каби, қорли чўққилар каби тоза ва самимий. Улар мангуликка дахлдор. Рассом образни тасвирлашда ўзини чегараламайди, шу билан бирга борлиқ ҳам бор гўзаллиги, латофати билан яратилган. Портретда сезилиб турган буюк сиймоларга хос ичкилик Ойбекнинг томошабинларга таъсирини мутлақо камайтирмайди. Асарда ҳаёт ҳақидаги чуқур мушоҳадалардан оқилона хулоса чиқарган шахс тасвирланган.

1997 йилда санъатшунос Норсаид Ойдинов қуйидаги фикрни билдирганди: “Рассом Азиза Маматова ижодида портрет жанри етакчи ҳисобланади. Ижодкор ўз асарларида нафақат замондошлари, балки мамлакатимизнинг тарихий шахслари образларини ҳам маҳорат билан яратади”.

Рассом Азиза Маматова яратган образлар характериға кўра чуқурдир. Уларда тасвирланаётган шахсларнинг руҳий ҳолати катъий очиб берилган. Портретларда ақлий ва маънавий ҳаёт таранглиги умумлаштирилган моделлаштириш, ҳаракатларнинг контраст ранглар ёрдамида муҳраб қўйилиши воситасида ифодаланади. Шу тарзда рассом вақтни гўё бир лахзага тўхтатиб, асарини мангуликка дахлдор қилади.

Машҳур тасаввуфшунос олим Нажмиддин Комилов шундай деганди: “Азиза Маматова Ўзбекистон тасвирий санъатида, портрет жанрида ўзига хос ўринга эга. Рассом маҳорати нафақат у яратган замондошлари портретида, балки тарихий жанрлардаги асарларида ҳам яққол кўзга ташланиб туради. Буюк аждодларимиз образларининг ҳаққоний ифодаланишида унинг ҳам ҳиссаси мавжуд. У Ибн Сино, Бобуршоҳ, Ойбек, Усмон Носир, Абдулҳамид Чўлпон, Абдулла Қодирий ва бошқа ўзбек халқининг намояндалари портретларини тасвирлаш билан улар хотирасини абадийлаштирибгина қолмай, ички дунёлари, руҳиятларини ҳам очиб берган.

Рассом ўз ишларида уларнинг ўзига хос феъл-атворлари ҳамда азим иродаларини кўрсатиб бера олган. У бетакрор ранглар ёрдамида олим ва шоирларнинг ички дунёси, меҳнат ва драматик ҳодисаларга бой мураккаб ҳаётини тасвирлашга эришди. Унинг асарларидан Ватанга, халққа ҳамда миллий анъаналарга бўлган чексиз муҳаббат уфуриб туради. Худди шу жиҳат туфайли унинг асарлари Ўзбекистон тасвирий санъати ва халқнинг маданий-маънавий ҳаётида ўз ўрнини эгаллаган”⁹⁹.


Собир Рахметов. “Рангтасвирчи, Ўзбекистон халқ рассоми. Ўзбекистон Бадий академияси академиги. 1952 йили Чимкентда (Қозоғистон) туғилди. 1973 йили Тошкентда РРБЮни тамомлади, сўнгра 1979 йили Ленинградда И.Е.Репин номли рассомлик, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтида ўқиди. У Ю.Непринцевда дастгоҳли рангтасвир бўлимида шуғулланди. 1982 йилдан бошлаб Тошкентда Р.Аҳмедовнинг ижодий устахонасида малака оширди.

Ҳозирги пайтда Тошкентда яшаб ижод қиляпти. МРДИ ўқитувчиси, профессори бўлиб ишляпти. Тасвирий санъат устаси ўз ижодида реалистик мактаб анъаналарини давом эттиряпти. Рассомнинг ижодий иқтидори портрет, манзара, тарихий суратларда тўлароқ намоён бўлди. Рассомнинг асарлари рангтасвирчи маҳоратидан, атроф оламни ва унда етакчи бўлган инсонни ўзгача кўра олишдан дарак беради”¹⁰⁰.

⁹⁹ Комилов Н. А. Маматованинг “Вақт ва инсон” альбомига сўз боши. Т.: Ўз.БА., 2007, 6 б.

¹⁰⁰ Мастера портретного жанра Уз. ч.10. Собир Рахметов. [Электронный ресурс]. Реж.дос.: <http://art-blog.uz/archives/15792>

Ўзбекистон халқ рассоми Дилёр Имомов ёш педагогларга ўзи ёшлигида мулоқот қилган ёзувчилар ҳақида сўзлаб берарди. Шоир ва ёзувчи Ғофур Ғулом ҳақидаги ҳикояси кўпчиликнинг ёдида қолди. Ғофур Ғулом ниҳоятда ажиб ва ижодкор инсон бўлган. У Тошкентнинг Эски шаҳар қисмида сайр қилишни, тор кўчалар ва кичик майдончалардаги одамларга ҳазил гаплар ташлашни ёқтирар эди. Унга бозордаги оддий одамлар билан гаплашиш, қовун ва тарвуз сотувчилар билан тортишиш ва ҳазил қилиш маъкул бўлар эди.



С.Раҳметов. “Ғофур Ғулом”. 1985 йил.

Эҳтимол “Шум бола” ва “Ёдгор” сингари ажойиб асарларни ёзган адиб шундай бўлиши керакдир. Фақат халқ билан мулоқот қилибгина ёзувчи унга бўлган меҳрни шундай китобларда акс эттириши ва унинг орзу ниятлари, қувончларини билиш мумкин бўлади. Рассом Собир Раҳметов асар устида бир йилдан ортиқ ишлади ва портрет-картинани бошлашдан аввал адибнинг адабий мероси билан яқиндан танишди:

“Унинг кўпгина асарларини ўқидим, уй-музейида тез-тез бўлиб турдим, унинг директори Олмос Ғофуровна билан дўст бўлиб қолдик, шоирнинг қизи ва олим Хондамир ака билан кадрдон бўлиб қолдик”¹⁰¹. Рассом адибни ана шундай, яъни эски шаҳар бўйлаб чап кўли чўнтакда, ўнг кўли костюми билан тасвирлади. Ёзувчининг қарашлари ғамгинроқ, атрофида бўлётган воқеаларнинг бирортасини назардан қочирмасликка ҳаракат қилади.

¹⁰¹ Шагаев Р. Портрет Гафура Гуляма. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://mytashkent.uz/2013/05/12/portret-gafura-gulyama/>

Асар фонида ўтган аср бошларидаги Тошкент шаҳри тасвирланган. “Ажойиб фон асарга алоҳида фалсафий маъно беради... Гофур Ғуломнинг қиссалари ва шеърларининг ғалати қаҳрамонлари, бошида тугун кўтарган аёллар ва масхарабозлар, шашликдан кўтарилаётган тутун ва куёшда ялтираб турган карнайлар ва жарангдор доиралар, эски макбаралар ва мадрасалар, айвонлар ва туршак қури-тилаётган томлар, узоқ чексиз далалар – буларнинг барчасини узоқ томоша қилиш мумкин”¹⁰².

Асар илиқ рангларда ишланган, ёзувчи қомати бекамукўст тасвирланган, унинг чўзинчоқ юзлари ким эканлигини дарҳол илғаб олишга имкон беради. 1979 йили Собир Раҳметов тамомлаган И.Е.Репин номидаги Ленинград рассомлик институтида рассомлик илми яхши ўқитиларди. “Шимолий пойтахт”да у ажойиб европача таълим олди, лекин ўзбек рассомилигича қолди, куёшга ўхшаш ёрқин ранглар ва кадрдон саҳий замин унга яқинлигича ва қимматлигича қолди”¹⁰³. Гофур Ғуломнинг портрет-картинаси ноодатий асар бўлиб, ўзбек тасвирий маданиятининг - маънавий моддий бойлигига айланиб қолди.

Темур Саъдуллаев. Рассом 1948 йили 20 апрелда Жиззах вилояти Ғалларол туманида туғилди. “Мактабни тамомлагач, Т.Саъдуллаев Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг рассомлик факультетида ўқиди. Тасвирий санъат усталари Малик Набиев ва Чингиз Ахмаров унинг устозлари бўлган эди. Т.Саъдуллаев диплом ишини муваффақиятли ҳимоя қилди. Унинг бу асари “Гулистон” журнали саҳифаларида чоп этилган эди, иллюстрациялари репродукциялари институт фондида сақланади. Алишер Навоий номидаги адабиёт музейининг собиқ директори Ҳамид Сулаймонов ёш рангтасвирчи рассомни музейнинг бош рассоми лавозимига таклиф этди. У турли журналларда асар яратаётган Ўзбекистон рассомлар уюшмаси аъзосидир.

Т.Саъдуллаев тарих, адабиёт, фольклор мавзуларида асарлар яратди, у графикачи рассом сифатида китобларни безатди, наср ва назм асарларига иллюстрациялар ишлади, республика журналлари ишида фаол иштирок этди. Доим янгиликка интилади, ижодий изланишини ҳеч қачон тўхтатмайди”¹⁰⁴.


1975 йили рассом Темур Саъдуллаев ишлаган “Ҳамид Сулаймонов” портретида олимнинг шахс сифатидаги характери, букилмас иродаси, ақл-заковати, фикрлаш ва аҳамиятли бирор нарса яратишга, унга ўхшаган одамларга ҳаётга тўсиқларга қарамай эзгуликка интилиши каби хислатлари ёрқин ифодалаб берилган. Кўплаб сургунлар ва Сибир қамоқхоналари унинг иродасини синдира олмади. Ана шу азобларга қарамай у Алишер Навоий номидаги музей яратиб, бу буюк ўзбек шоири номини абадийлаштириш орзусини сақлаб қолди ва амалга оширди. Бу музейда шоир хотирасини абадийлаштириш учун ёзилган адабий ва санъат асарлари, унинг асарларининг кўп жилдли нашрлари йиғилган.

Рассом Темур Саъдуллаевнинг Ҳамид Сулаймонов шахсига бўлган ҳурмати жуда баланд бўлса керак, шу сабабли ҳеч қандай безакларсиз бу аллома портретини яратди. Портретдан илиқлик пайтида сургундан қайтиб келиб ўз ҳаётини ягона мақсадга эришишга бағишлаган инсон боқиб турибди.

¹⁰² Шагаев Р. Портрет Гафура Гуляма. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://mytashkent.uz/2013/05/12/portret-gafura-gulyama/>

¹⁰³ Шагаев Р. Портрет Гафура Гуляма. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://mytashkent.uz/2013/05/12/portret-gafura-gulyama/>

¹⁰⁴ Чингиз Ахмаров. На пути к прекрасному. Воспоминания. 11. Педагоги и ученики. Тимур Саъдуллаев. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://greylib.align.ru/952/chingiz-axmarov-na-puti-k-prekrasnomu-vospominaniya-11-pedagogi-i-ucheniki.html>



Т.Саъдуллаев. “Ҳамид Сулаймонов”. 1975 йил.

Портрет иссиқ рангларнинг қарама-қарши тусларида чизилган, бош қисмининг катта ва кичик жиҳатларини чегараловчи соялар ва график чизиклар қахрамоннинг ички кечинмалари ва характерини таъкидлаб турибди. Бадий асар ишлашнинг бу усуллари буюк ўзбек шоирининг ижодий меросини чексиз қадрловчи олимнинг хифзи-қуввасини тиниқ кўрсата олган. Рассом Темур Саъдуллаев машҳур олим Ҳамид Сулайманов ва таниқли рассом Чингиз Ахмаровлардан тарбия олди, улар ўз халқига содиқ бўлган ижодкор инсон қандай бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунчасини сингдирдилар. Мана қарийиб ярим асрки, рассом устозлари ўғитини бажариб келаяпти ва Ўзбекистон тарихи саҳифалари ва унинг буюк фарзандларига бағишланган асарлар яратмоқда.



III боб
XX АСР ОХИРИ – XXI АСР БОШЛАРИДА
ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИДА
АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ОБРАЗИ

3.1. Амир Темура ва темурийларнинг портретлари
тарихий-бадий тадқиқи

Ўзбекистон мустақилликка эришгач халқимиз янги яшай бошлади. Қисқа вақт ичида мамлакат ижтимоий ҳаётида кескин бурилиш ясалди. Кўпгина одамларда мамлакатда бўй бераётган воқеаларга нисбатан муносабат ўзгарди, уларнинг дунёқараши кенгайиб чуқурлашди. Халқимизда ҳаётга бўлган янги қарашига кўра дунёда ўз ўрнини чуқурак англашга бўлган зарурат пайдо бўлди. Бу тасвирий санъат усталари олдига ҳам улкан вазифалар қўйди. Улар ижтимоий-иқтисодий тараққиётга эришиш учун тинмай меҳнат қилаётган ўз халқи билан бирга мамлакатда ва дунёда бўй бераётган воқеаларга ўз муносабатини билдирмоқдалар.

2000 йили 6 апрелда Тошкент шаҳрида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маънавий тараққиётининг ягона йўлини ишлаб чиқиш учун файласуфлар, тарихчилар, иқтисодчилар, сиёсатчилардан иборат мутахассис олимлар гуруҳи йиғилди. Йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов сўзга чиқиб шундай деган эди: “Тарихий хотирасиз халқнинг келажаги бўлмади”¹⁰⁵. XX аср охирида халқимиз ўз миллий илдизи, анъаналари, маданияти, санъати, жаҳон маданияти кабилардан ажратиб қўйилган эди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин: “Санъатнинг янги мақомини шакллантиришга зарурат пайдо бўлди. Ўзгараётган иқтисодий шароитларда миллий уйғониш ғоялари ва умуминсоний кадриятлар асосида янги маънавий ва эстетик воқелик шакллана бошлади”¹⁰⁶.

Милоддан аввалги икки мингйилликдаёқ Ўрта Осиё худудида тасвирий санъат юқори даражада ривожланган давлатлар бўлган. Афросиёб, Варахша, Болаликтепа ва Панжикент каби сарой харобаларидаги ажойиб деворий сурат намуналари Ўрта Осиёдаги маънавий бадий маданият меросининг бойлигидан дарак беради. Бу ноёб дурдоналарини очилиши Ўрта Осиё рангтасвир ва ҳайкалтарошлик санъати анъаналарининг бой заминини кўрсатиб қўйди. Ўрта Осиёда портрет жанри чуқур илдизга эга. Бунга деворий сурат, сопол ва терракота ҳайкалларда тасвирланган маъбудлар, шоҳлар, элчилар, аскарлар образларини кириштириш мумкин.

Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти И.А.Каримов шундай ёзган эди: “Ўзбекистон мустақиллигининг биринчи кунларидан бошлаб халқимиз томонидан асрлар давомида яратилган катта хажмдаги, бебаҳо маънавий ва маданий меросни қайта тиклаш давлат сиёсатининг муҳим вазифаси бўлиб қолди. Миллий онг, халқнинг маънавий сарчашмалари ва унинг илдизларига қайтишни ўсиши табиий бўлиб қолди”¹⁰⁷. Бу мурожаат тасвирий санъат усталарини тарихий жанрдаги асарлар яратишга чорлади.

¹⁰⁵ Каримов И.А. Наша цель: Свободная и процветающая Родина. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. с. 475.

¹⁰⁶ Ахмедова Н. Живопись Центральной Азии XX столетия: Тенденции, самобытность, диалог. – Т., 2004.

¹⁰⁷ Каримов И.А. Возрождение духовных ценностей и национального самосознания [Эл.ресурс]. Реж.дос: https://zn.ua/ARCHIVE/vozhrozhdenie_duhovnyh_tsennostey_i_natsionalnogo_samosoznaniya.html

Қадимги даврлар воқеаларини акс эттирувчи ва нафақат юртимиз, балки бутун жаҳон фанига катта ҳисса қўшган буюк тарихий шахсларнинг портретлари яратилди. Ўзбекистон халқи, айниқса ёшларимиз мустақиллик туфайли давлат тарихи, буюк тарихий шахслар билан қизиқа бошлади, негаки ўз тарихий илдизлари, маданияти ва тилини билиш мамлакат ривожига гарови эканлиги англаб етилди.

Тасвирий санъат тарихий жанри ривожига ўзбек миллатининг маънавий ўз-ўзини англаши, ўзбек халқининг ўз тарихий хотирасини қайта тиклашга интилиши билан чамбарчас боғлиқ. Ўрта Осиё портрет санъати ривожига шуни кўрсатадики, миллий ўзига хослик аниқ тарихий жараёнларга боғлиқ бўлган ва ўтмиш асрлар тарихий тажрибасига таяниш зарурати туфайли вужудга келган жиҳат ҳисобланади. Фернан Бродель шундай ёзган эди: “Ҳозирги замон ўтмишга боғлиқ бўлмайдими? Ўтмиш ҳозирги кунлар қонуниятларини, фарқ ва ўхшашликларини очиб берувчи қалит эмасми?”¹⁰⁸. Ана шу фикрлардан келиб чиқиб, биринчи навбатда темурийлар даври портрет санъатини кўриб чиқамиз. Камолиддин Бехзод Шарқ миниатюрасида реалистик портрет асосчиларидан бири ҳисобланади, уни суратнинг аниқлиги ва гўзаллигига қараб, Шарқ Рафаэли деб атайдилар. У ишлаган Шайбонихон, Ҳусайн Бойқаро, Лутфий каби тарихий шахслар портретлари ўрта асрлар миниатюра рангтасвири дурдона асарлари қаторига киритилди. XV аср миниатюраси услубида яратилган портретларга безакдорлик ва юзалилик хос хусусиятдир. Очiqча рангдорлик, бўёқ доғлари ва чизиқларнинг ритмиклиги, стиллаштирилганлик Ўрта Осиё ва унга яқин давлатларнинг ўрта асрлар санъатига хос хусусият бўлиб қолди.


Манзарадорликнинг алоҳида шакли бу портретларнинг ўзига хослиги ҳисобланади, уларнинг маъноси шундаки уларнинг ритми ва ранглари асарларга чуқур маъно берадиган шартли мазмунликка эга бўлади. Ҳар бир ранг ўз маъносига эга. Лекин бу миниатюра услубида ишланган машҳур тарихий шахслар портретлари юзаки ва уларга ўхшамаган деган фикрни англамайди. “Ғарбда ўрнашиб қолган миниатюралар чуқур психологик мазмунга эга эмаслиги, Шарқ рассомларининг кучли қалб тўлқинлари ва ички кечинмаларни бера олмаслиги ҳақидаги фикрларни қайта кўриб чиқиш керак бўлади”¹⁰⁹.

Камолиддин Бехзод 1510 йилгача Ҳиротда яшади. Табриз шахрига келгач, у Сафавийлар подшолик кутубхонаси бошлиғи этиб тайинланди. Айни пайтда бу рассом Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси бўлиб қолди, у кейинчалик Ўрта Осиё, Озарбайжон, Эрон, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатлар миниатюра санъати ривожига ўз таъсирини ўтказди. Кейинчалик маҳоратли рассом бўлиб қолган Маҳмуд Музаҳҳиб, Султон Муҳаммад ва Қосим Али кабилар Камолиддин Бехзоднинг шогирдлари бўлган эди. Гарчи рассом Ҳусайн Бойқаро, Шайбонийхон ва Исмоил Сафавийлар ҳукмдорлиги вақтларидаги мураккаб шароитда яшаб ижод қилган бўлса-да, у ўз ижодида такомилга эришди ва ўзигача ижод қилган рассомлар ютуқларини умумлаштира олди.

Шарқ санъатида биринчи бўлиб Бехзоднинг миниатюраларида жанг, эпик ва маиший сахналар кўрсатилган. У нафақат сарой ҳаёти, балки халқ ҳаётидан ҳам сахналар тасвираб сюжетлар қамровини сезиларли кенгайтди. Бунга “Хаварнак қалъаси қурилиши” номли миниатюра мисол бўла олади.

¹⁰⁸ Бродель Ф. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://vikent.ru/author/2270/>

¹⁰⁹ Кильчевская Э. О специфике канона пластического искусства Востока. / Сборник: Проблема канона в древнем и средневековом искусстве Азии и Африки. – М.: «Наука», 1948. с. 184.



“Алломалар мажлиси” XV аср.
Камолиддин Бехзод.



“Ҳусайн Бойқаро портрети” XV аср.
Камолиддин Бехзод.

“У ўз миниатюраларида тасвир хажмини кичайтириш ҳисобига қахрамонларни атроф табиат ва архитектура иншоотлари билан уйғунлаштириш, хусусийликни умумийликка бўйсундириш имконини берди. Рассом миниатюрага композиция тузишнинг доира, учбурчак, эллипс ва диагонал бўйлаб жойлаштириш билан боғлиқ геометрик усулларни қўллади”¹¹⁰.

Камолиддин Бехзоднинг миниатюралари шу кунларгача унинг ҳаёти ва даври ҳақидаги маълумотларни етказиб келди. Либослар, ички кўринишлар, миниатюралардаги образларнинг психологик ҳолати кабилар жонли тасвирланган. Уни Ўрта Осиёда портрет жанрининг асосчиларидан бири дейиш мумкин. Унинг ва шогирдларининг портрет миниатюралари туфайли шоирлар Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Абдулла Хатафий, шунингдек Ҳирот ҳукмдори Ҳусайн Бойқаронинг ҳаққоний образлари бизгача етиб келди.

Бу асарлар нафақат Ўрта Осиё, балки жаҳон маданияти дурдонаси ҳам бўлиб қолди. Камолиддин Бехзоднинг асарлари миниатюра санъатининг бебаҳо намуналари бўлибгина қолмасдан, уларга ҳаққоний ҳиссиётлар, тасвир ёрқинлиги ва соддалиги хос хусусият бўлиб қолди. Уларда умуминсоний моҳиятга эга бўлган фикр ва ҳиссиётлар жамланган Ўрта Осиё Уйғониш даврида Саккокий, Лутфий, Абдурахмон Жомий сингари машҳур шоирлар, шунингдек миниатюрочи рассом Камолиддин Бехзоднинг ижодида бадиий-эстетик мавзулар маркази ўрин тутди. “Камолиддин Бехзод 1537 йили Ҳиротда вафот этди, унинг қabri Хотира номли гўзал бир гўшададир”¹¹¹.

¹¹⁰ Пугаченкова Г.А. Искусства Афганистана. Три этюда. – М., 1963. с. 210.

¹¹¹ Ашрафи М.М. Бехзод и развитие бухарской миниатюры XVI в. – Д., 1983.

Камолиддин Бехзод ижодига инглиз тадқиқотчиси Хильда Хукхем юксак баҳо берди, у ўзининг “Етти коинот ҳукмдори” (1995) номли тадқиқотида шундай ёзади: “XV асрни Темурийлар Уйғониш даври дейиш мумкин, Ҳирот эса ажойиб миниатюра мактаби вужудга келган жой бўлиб қолди, Камолиддин Бехзод мактаби улардан энг машҳури ҳисобланади”¹¹². Бу мактаб учун афсонадан ҳаққоний ҳаёт тасвирига ўтиш хос хусусият бўлиб қолди. Миниатюра санъатида ўз даврининг йирик воқелиги кичрайтирилган ҳажмида яратилди, бу эса катта иқтидорни талаб қилади. Маълумки, Амир Темур ва темурийлар даври маданияти инсоният тарихида ўзига хос ўрин эгаллайди ва жаҳон маданияти ривожининг муҳим босқичларидан бири бўлиб қолди.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё портрет санъатининг шартлилик, мазмундорлик, безакдорлик, ёрқин ранглилик, ранглар ва чизиқлар уйғунлиги сингари санъат илдизлари уйғунлиги белгиланди. Ўзбек халқининг маданий ва бадиий мероси замонавий тасвирий санъат тараққиётида улкан роль ўйнади. Ўзбек халқи маданиятининг ўзига хослиги XX аср охири – XXI аср бошларида яратилган маънавий-бадиий кадрларда айниқса ёрқин намоён бўлди.

Таъкидлаш жоизки, XX аср охири – XXI аср бошларидаги Ўзбекистон маданиятидаги тарихий жанрлардаги кўпгина тасвирий санъат асарлари маҳорат билан ва бадиий ифодали яратилган. Улар янги тарихий-мавзуий, маънавий мазмун билан йўғрилган. Бу асарлар ўзбек халқининг тарихидан билим беради, ёшларда гўзаллик ҳиссини уйғотади ва ўз халқи тарихига ҳурмат ҳиссини ҳосил қилади, тасвирий санъатда буюк тарихий шахслар образларини ва ўтган асрларда Ўзбекистондаги давлат қурилиши соҳасидаги муҳим воқеаларни муҳрлаб қўяди.

Тарихий асарларда янгича ғоялар, мавзуий ва ижодий вазифаларга, мамлакатнинг тарихий ўтмишига янгича қарашлар шакллантирилди, улар замонавий тасвирий санъат усталари учун бебаҳо тарихий билим ҳисобланади. Тасвирий санъат усталарининг кўпгина тарихий асарларининг ғоявий-тематик мазмундан олинган халқ тарихига, оғзаки ва ёзма ижодига асраб-авайлаб муносабатда бўлиш тасвирий санъат тарихий жанрининг истиқболдаги тараққиёти учун муҳим омил бўлиб қолади.

Ўзбекистон бадиий меросининг аҳамияти фақат маданий қатламнинг ҳажмигагина эмас, балки уни маданиятшунос, файласуф, тарихчи ва санъатшунос олимлар, энг муҳими тасвирий санъат усталари томонидан ўрганилиши, ўзлаштирилиши ва ижодий англанишига боғлиқ. Ўзбекистоннинг йирик тасвирий санъати устаси Чингиз Ахмаров Тилаб Маҳмудов билан бўлган суҳбатда шундай деган эди: “Санъат халқ бадиий маданияти тарихи билан чамбарчас боғлиқ. Ўтган асрлар рассомлари ритм ва безакдорликни ниҳоятда нозик ҳис қилганлар. Халқ оғзаки ижоди, эпос, санъатнинг тасвирий шакллари биз учун чексиз илҳом манбаи бўлади”¹¹³. Ўтган асрларда фан ва техника ҳозиргидек ривожланган бўлганида эди, қадимги ва ўрта асрларда ишланган санъат асарлари, фото ва видео нусхалари сақланиб қолган бўлар эди.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистонда Амир Темур шахсияти, ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш учун шароит яратилди. У ҳукмронлик қилган пайтда деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотик, фан, маданият ва мамлакатнинг бошқа ижтимоий-иқтисодий соҳалари кенг ривожланди. “Амир Темур нафақат ҳукмдор, давлат арбоби, балки буюк меъмор сифатида ҳам машҳур бўлиб кетди.

¹¹² Хукхем Х. Властитель семи созвездий. – Т., 1995. с.14.

¹¹³ Маҳмудов Т. Нозик дидли санъаткор. // Совет Ўзбекистон санъати. №3, – Т., 1979. с. 15-17.

Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли мўғил босқини ва феодал урушлари туфайли вайронага айланган Самарқанд, Бухоро, Бинкент, Кеш, Қарши, Боғдод, Дербент, Бойлакон сингари шаҳарлар қайта тикланди ва обод қилинди. Булардан ташқари у янги катта ва кичик шаҳарлар, кўрғонлар, канллар ва боғ-роғлар қурдирди. Унинг ҳомийлигида фан ва маданият гуллаб яшнади”¹¹⁴. “Амир Темур Европа ва Осиё халқларига катта хизмат қилди. Амир Темур Эрон, Озарбайжон ва Ироқда феодал тарқоқликка барҳам бериб Ўрта ва Марказий Осиё халқларини Ўрта Ер денгизи ва Европа халқлари билан боғлаб турган қадимий Буюк Ипак йўлини қайта тиклади. Шу туфайли кўплаб мамлакатлар ўртасидаги савдо ва маданий алоқалар ривожланиб кетди”¹¹⁵.



ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи.

XX аср охири – XXI аср бошларида тасвирий санъат усталари томонидан Амир Темур ва темурийлар портретлари яратилди. Улар ўз асарларида бу тарихий шахслар образларини тўлақонли яратиш учун миллий тарихимиз ва маданиятимизни чуқур ўргана бошладилар. Шу йиллари Ч.Ахмаров, М.Набиев, И.Жабборов, Ж.Умарбеков, А.Икромжонов, С.Абдуллаев, А.Аликулов сингари тасвирий санъат усталари Амир Темур ва унинг ҳукумронлигидаги давр тарихий воқеалари образларини яратдилар. “Ўзбекистонинг Биринчи Президентининг фармони асосида 1996 йил Амир Темур йили деб эълон қилинди, унинг 660 йиллиги республикаимиз ва хорижда кенг нишонланди. 1996 йил 14 мартда ЎзР Вазирлар Маҳкамаси Темурийлар даври тарихи музейини куриш ҳақида қарор қилди”¹¹⁶.

Ўзбекистон шаҳарларидаги бир қатор кўчаларга унинг номи берилди. 1997 йили ЎзФА Темурийлар тарихи давлат музейи ва Ўзбекистон Бадиий академиyasi томонидан Темурийлар портрети тасвирланган энг яхши асар яратиш бўйича танлов эълон қилинди.

¹¹⁴ Амир Темур. Университет. Ташкент, 1999. с. 3.

¹¹⁵ Амир Темур. Университет. Ташкент, 1999. с. 3.

¹¹⁶ Все Законодательство Узбекистана. Постановление Кабинета Министров Рес. Уз. 14.03.1996 Г. N 99. Об организации мероприятий по созданию Гос. Музея истории Темуридов. [Эл.ресурс]. Режим доступа: http://nrm.uz/contentf?doc=322548_postanovlenie_kabineta_ministrov_respubliki_uzbekistan_ot_14_03_1996_g_n_99_ob_organizacii_meropriyatij_po_sozdaniyu_gosudarstvennogo_muzeya_istorii_temuridov&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

Бўлажак портретлар учун асос бўлиб қоладиган эскизларни танлаш учун олимлар ва рассомлардан иборат танлов ҳайъати ташкил этилди. Қуйидаги баъзи рассомлар Амир Темур ва темурийларга бағишланган тарихий портретлар муаллифлари бўлиб қолдилар:

- “Амир Темур”. Муаллиф М.Набиев;
- “Улуғбек Мирзо”. Муаллиф А.Икромжонов;
- “Бобур Мирзо”. Муаллиф А.Маматова;
- “Умаршайх Мирзо Баҳодир”. Муаллиф Э.Машарипов;
- “Абдулло Мирзо”. Муаллиф Ш.Бахреддинов;
- “Султон Аҳмад Мирзо”. Муаллиф С.Раҳметов;
- “Ҳалил Султон Мирзо”. Муаллиф А.Аликулов ва бошқалар.

Рассомлар иш жараёнида Темурийлар ва уларнинг адабий мероси билан танишдилар. Ўша даврларда рўй берган воқеалар, темурийларнинг кийимлари ва қуруллари, архитектура ёдгорликлари, саройлар интерьерлари кабиларни ўргандилар. Тарихий шахслар тасвири, шахзодалар образлари, йилнома манбалари, шунингдек сарой ҳаётини акс эттирувчи ўрта асрлар миниатюралари кабилардан олинди. Камолиддин Бехзод ва унинг Ҳирот мактабидаги шогирдларининг асарлари рассомлар учун яхши манба бўлиб хизмат қилди. Миниатюрачи рассомлар саройларнинг ички безаклари, миниатюрадаги образлар либосларини батафсил тасвирлаб беришган. Уларнинг ижодий мероси маданий, бадиий-эстетик ва этнографик қимматга эга. Шу билан замонавий рассомлар портретларида биринчи марта Темурий ҳукмдорлар ва саркардалар образларини акс эттирдилар.

Амир Темур портрети¹¹⁷. Миллий санъат анъаналари тарихий жанрдаги асарларни европача реалистик мактаби ютуқлари билан уйғунлаштириб юборган рассом ижоди тасвирий санъат устаси Малик Набиевнинг ҳукмдор Амир Темур портретида ўз ифодасини топди, бунда улуғ ҳукмдор ва саркарда реалистик, ёрқин ифодаланган психологизм билан, миллий безатилган интерьерда тасвирланган. Малик Набиев яратган Амир Темур образида унинг характери очиқ берилган. Рассом бу портретни катта қудрат, ҳаётини куч билан йўғрилган давр руҳи акс эттирилган тарихий ҳужатга айлантириб юборган.

Француз ёзувчиси Марсель Брион ўзининг “Амир Темур” номли китобида Франция миллий кутубхонасидан топиб олган қўлёзмадан Султония шаҳри епископининг сўзларини келтиради: “Темурбекнинг ёши анча катта бўлишига қарамай, у жисмонан соғлом, ҳарбий юришлар ва жангларда чидамли ва фаол ҳаркат қиларди. Кечасию кундузи очиқ ҳавода бўлар эди”.

1941 йили Самарқандда ҳукмдор Амир Темур, сўнгра Бибихоним ва Мирзо Улуғбекнинг қабрлари очилган эди. Бир неча вақтдан кейин қабрни очиш пайтида топилган ашёлар Тошкент шаҳрига, Давлат тарих музейига олиб келинди. Иккинчи жаҳон уруши бошида Самарқанддаги қабр очилгандан кейин антрополог М.Герасимов Амир Темурнинг бош суяги асосида яратилган образда у мўғилларга ўхшаган юзли, ғазабнок одам сифатида намоён бўлади.

Санъатшунос олим Н.Ойдинов ўзининг “Санъат ҳақида очерклар” китобида Малик Набиев билан бўлган суҳбати ҳақида шундай ёзади: “Музей биносидаги хоналардан бирида антрополог олим М.Герасимов Амир Темурнинг бош суяги устида ишларди ва унинг асосида бош қисми ҳайкалинини ярата бошлади. Унинг бутун иш жараёнини ўз кўзим билан кўрдим.

¹¹⁷ Маматов У. / Роль искусства и художественного образования в духовной модернизации современного общества. [Текст]: Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. МРДИ. – Т.: “Санъат”, 2018.

Ана шу 1941 йилдан буён бу соҳибкиронинг портретини яратиш билан боғлиқ фикр мени аср қилиб олди... Ўзбек рангтасвири устаси Малик Набиев Амир Темур портретини яратишга анча муддат тайёргарлик кўрди, бу пайтда ўрта асрлар миниатюраси билан чуқур танишди. Шу билан бирга у тарихий адабиётларга ҳам таянди”¹¹⁸.



М.Набиев. “Хукмдор Амир Темур портрети”. 1994 йил.

XX аср охири – XXI аср бошларида Амир Темур ҳаётини, айниқса унинг “Амир Темур Тузуклари”ни батафсилроқ ўрганиш, унинг шахсига бўлган муносабатни анчайин ўзгартириб юборди ва унда мамлакатни ривожлантиришга катта эътибор берган, Моварауннахр худудида маданиятни гуллаб яшнашини таъминлаган ҳукмдорни кўриш мумкин бўлди. “Ҳозирги пайтда Амир Темур йирик давлат арбоби, буюк саркарда ва фан ҳамда маданият ҳомийси сифатида эътибор қозонди. Унинг хизмати туфайли Чиғатой улуси пайдо бўлгандан бошлаб ва Қозонхон ўлимидан кейинроқ (1346) кучайиб 150 йил давом этган Моварауннахрдаги феодал тарқоқликка барҳам берилди. У мамлакатни мўғил босқинидан қутқарди, кучли ва марказлашган давлат барпо қилди”¹¹⁹. Кейин рассом М. Набиев қуйидагиларни ҳикоя қилди: “Мен Амир Темур ва темурийларга бағишланган кўплаб тарихий асарлар билан танишдим.

¹¹⁸ Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996. б. 65-66.

¹¹⁹ Амир Темур. Университет. Ташкент, 1999. с. 3.

Уларни имкон борича қаерда бўлишидан қатъий назар излаб топдим, ҳатто Амир Темур тасвирланган миниатюралар билан ҳам танишдим. Бунинг учун Ҳиндистондаги Калкутта ва Бомбей музейларига, сўнгра Эронга ҳам бориб келдим. Техрон ва Исфохон музейлари, Туркиядаги Истамбул, Кўнё ва Измир шаҳарларида бўлдим. Кейинчалик Англиядаги Британия музейида Камолиддин Бехзод миниатюралари билан танишдим, Амир Темур ва темурийларга бағишланган асл нусха миниатюралар сақланаётган Франция ва Испания музейларига ҳам бордим. Турли мамлакатлардаги асарларда улар турлича тасвирланган. Турли мамлакатлар миниатюраларини ўргандим, аммо энг аввало аждодлари руҳи покларидан мени ҳамиша қўллашларини сўрадим”¹²⁰.

Рассомга меҳнатсеварлик ва интилувчанлик ҳислатлари хос эканлигини таъкидлаш лозим. У Амир Темурнинг ишонарли ва ҳаққоний образини яратди, ўз навбатида бу асар унга шуҳрат ва ҳурмат келтирди. Портретда буюк саркарда олтин тож кийган ҳолатда тасвирланган.

Амир Темурнинг нигоҳи бир нуктага қадалган. Қошлари бир оз кўтарилган, бу юз ифодасини жиддийлаштирган, ҳукмдор қандайдир муҳим бир муаммони ҳал қилаётганлиги маълум бўлади. Ҳукмдор сарой хоналаридан бирида ўтирибди, дераза ортида Самарқанд шаҳри кўриниб турибди.

Хона деворлари майоликали нақшлар билан қопланган, тахт нақшлар билан безатилган. Ҳукмдор Амир Темурнинг кийими ҳам қимматбаҳо тошлар ва нақшлар билан безатилган ва ўзининг ниҳоятда дабдабадорлиги билан эътиборни тортади. Юзи бўғдойранг, пешонаси чаккаларида, бурни ва оғзи ёнида тиришлар бор, булар унинг кексалигидан дарак беради, шунга қарамай, унинг тик қомаги одамнинг қудратли ва ғайратли эканлигини кўрсатиб турибди.

Унинг юз ифодаси ниятларининг жиддийлигини кўрсатиб турибди ва портретни маҳобатли қилиб кўрсатади. Елкалари кенг, йирик қўллари қилич дастасига қўйилган. Рассом ўз асарида ўзига ишонган, ақлли ва қарори қатъий ҳукмдор образини яратди ва ўзининг тарихий портретида катта муваффақиятга эришди. Рассом Малик Набиев 1994 йили яратган бу портрет ҳукмдор Амир Темур образининг эталони сифатида қабул қилинди.

Мирзо Улуғбек портрети¹²¹. Акмал Икромжоновнинг ижоди собиқ совет худудида маъмурий буйруқбозлик анча сусайган, янги бадиий ифодавийлик воситаларини излашни чеклашлар камайган, айти пайтда ўз-ўзини намоён қилишга, янги эстетик идеалларни излашга эътибор кучайган 70-80-йилларга тўғри келди. “Ленинграддаги И.Е.Репин номидаги Рангасвир, ҳайкалтарошлик ва архитектура институтини тамомлаган Акмалнинг устозлари А.Милников, А.Королёв каби таниқли рангасвирчи рассомлар бўлган эди, улар берган академик билим ва кўникма туфайли ёш рассомнинг ижоди тез орада назарга тушди”¹²². Тасвирий санъат устасининг асарларида реалистик мактаб анъаналари чуқур ўрин эгаллади. У яратган портретлар маҳорат билан ишланганлиги ва ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Унинг картиналари ўта синчиковлик ва юксак маданият билан ишланган, ҳатто майда жиҳатлар ҳам рассомнинг эътиборидан четда қолмади.

¹²⁰ Ойдинов Н. Ўзбекистон тасвирий санъати тарихидан лавҳалар. – Т.: “Ўқитувчи”, 1996. б. 66.

¹²¹ Маматов У. Размышления о некоторых портретах из коллекции Государственного музея истории Темуридов. // San’at. №04, - Т., 2016. с. 34-35.

¹²² Махмудов Т. Художественный мир Акмала Икромджанова [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://sanat2013.orexca.com/rus/archive/3-02/contemporary1.shtml>



А.Икромжонов. “Мирзо Улуғбек портрети”. 1999 йил.

“Акмал Икромжоновнинг асарлари томошабинлар қалбида илиқ ва нозик ҳислар уйғотади. Уларда рассом гўзаллик миллий ва умуминсоний тушунча эканлигини кўрсатади... Рассом қалбида, - дейди Акмал Икромжонов, - вақтлар ўтиши ва давр талаби билан ўзгаришлар рўй беради. 1992 йили менда тарихий портретлар ишлашга руҳий эҳтиёж пайдо бўлди. Бу юртимиз тарихига катта қизиқиш уйғонган давр эди ва мен устозларим анъанасини давом эттириб буюк одамларнинг ҳаққоний образини яратишни ихтиёр қилдим”¹²³.

Портретларда композиция мураккаб ва маҳобатли бўлади. 1992 йилдан бошлаб унинг ижодида икки йўналиш кузатилди. Биринчиси, маҳобатлиликка интилиш, иккинчиси образларга фалсафий маъно бағишлаш.

Рассом А.Икромжонов яратган портретлар ички ва ташқи гўзаллиги, баркамоллиги, рангларнинг уйғунлиги билан ажралиб туради, шу сабабли улар шакл-шамойили жиҳатдан тўқислик тасаввурини уйғотади. Улар тугал ишланганлиги туфайли катта эстетик аҳамият касб этади. 1999 йили яратилган Мирзо Улуғбек (1394-1449) портрети моҳиятига кўра айнан шундай тугал асар ҳисобланади. Бу портрет катта муваффақият қозонди ва Ўрта Шарқ буюк олими образи эталони сифатида қабул қилинди.

¹²³ Махмудов Т. Предисловию к альбому А.Икрамджанова. – Т., 2002. с. 2.

1993 йили яратилган Мирзо Улуғбек портрети бу эталон портрет учун асос бўлиб хизмат қилди, у бор заковат ва маҳорат билан ишланган эди. Асар фони тўқ тусда, унга тўлқинсимон чизик, қизғишранг шаклда тахт ишланган.



А.Икромжонов. “Мирзо Улуғбек портрети”. 1993 йил.

Тахтда ҳукмдор ўтирибди. У матонинг ўртасида шоҳона либосда тасвирланган. Бошида ёрқин олтин ранг нақшли салла, унда кумушранг пат билан ёкут қадалган. Мирзо Улуғбекнинг тилласимон нақшли кўк рангли кийимининг елкасидан энгигача зар ип билан нақшлар тикилган, ичкаридан қизил рангли камзол кийган. Юзи тўртдан уч қисм ишланган, нигоҳи диққат билан ва ифодали қарайди. Асар ҳам ранги, ҳам ишланишига кўра чиройли кўринади.

Мирзо Бобур портрети. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзонинг (1483-1530) портрети ҳам темурийлар портрети туркумига киради, у рассом Азиза Маматова томонидан яратилди. Ҳукмдор Амир Темур эвараси Бобур Мирзо 1483 йили Амир Темурнинг учинчи ўғли Мирон Шоҳнинг невараси Умаршайх Мирзо ҳукмдорлик қилган Фарғона водийсидаги Аҳси кишлоғида туғилди.

Бу портрет шоҳ саркарда ва шоирнинг қийин ва мураккаб ҳаёти ҳақида ҳиссиётли ва бадиий ҳикоя қилади. Мирзо Бобур болалигида отасидан айрилди ва онаси Нигорахоним ва опаси Хонзодабегим томонидан тарбияланди. Улар ўз даврининг маърифатли аёллари бўлган эди. Бобур Мирзо ўз даврининг алломаларидан бири бўлган эди. Портретда у ярим тунда боғда ўтирган ҳолда тасвирланган. Ўнг қўлининг панжалари ўриндиқ суянчиғига қўйилган, ингичка ва кучли бармоқлари билан қалам ушлаган, чап қўлида оқ қоғоз.

Бобур Мирзо узокларга тикилган. Портретдаги ранглар дид билан танланган. Қорамтир кумушранг осмон ранги фонида Мирзо Бобурнинг тўртдан уч қисми тасвирланган юзи ўйчан кўринади. Юз ифодасидан унинг инсонийлиги ва илҳомидан дарак беради.



А.Маматова. “Мирзо Бобур портрети”. 1999 йил.

*Ёзиқ тақдирдан ҳеч ким қочиб қутулолмас,
Кураш ҳам, чидам ҳам, оҳ-воҳ ҳам ёрдам бермас.
Азобларни хурсандчилик билан енг, олам мотам эрмас:
Лаҳзалик азоб уқубат чекишга арзимас!*¹²⁴

Майда оқ гулли алвон кўйлаги устидан у калта энгли тилларанг камзул кийиб олган. У тоғ барси мўйнаси билан хошияланган. Камзулнинг тилларанг фонида турли рангдаги шойи иплар билан турли шаклда кийиклар тикилган. Камзул безакдор ва ҳукмдор шоирни безаб турибди.

¹²⁴ Берке М. Поэты Востока – Захириддин Мухаммад Бабур. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.stihi.ru/2013/12/06/10091>

Бобур Мирзонинг бошида оч яшил, ингичка тилларанг чизикли нақшдор енгил шойи матодан салла. Товус пати саллага қиррали қилиб ишланган ёкут билан қадаб кўйилган. Ҳукмдор, шоир ва мутафаккир ўзи ташлаб кетишга мажбур бўлган Ватанидаги ўз ҳаётини хотиралаётгандек кўринади. Кумушранг кўк тунги осмонда ой сузиб юрибди, унинг нурлари ёш шафтоли дарахтининг пушти гулларини ёритиб турибди, дарахт ёнидаги ўриндиқда Бобур Мирзо ўтирибди ва атрофдан енгил мулойим куй таралаётгандек гўё.



Э.Машарипов. “Умаршайх Мирзо Баҳодир портрети”. 1999 йил.

Умаршайх Мирзо Баҳодир портрети. Умаршайх Мирзо Баҳодир (1356-1394), Амир Темурнинг иккинчи ўғлининг портретини rassom Эркабой Машарипов яратди. Тарихчи Шарафиддин Али Яздийнинг ёзишича Умаршайх Мирзо Баҳодир болалигидан харб санъатида кучли, яхши чавандоз ва ғайратли аскар бўлган. У 1394 йили Фарғона водийсида мўғулларга қарши жангларда фаол иштирок этди. Умаршайх Мирзо Баҳодир портретда тиззасигача тасвирланган. Суратдаги осмонда оқ булутлар сузиб юрибди. Умаршайх Мирзо Баҳодир қомати ва нигоҳларидан ёшларга хос ғайрати, жўшқинлиги ва кўркмаслиги сезилиб турибди.

У харбийча кийинган, унга нозик геометрик нақшлар туширилган дубул-ғасининг учида эса папултурук хилпираб турибди. Шаҳзоданинг ўнг қўли белбоғида, чап қўли билан қилич дастасидан тутган. Унинг харбий шухрати Моварауннахрдан ҳам узоқларда маълум бўлган. Умаршайх Мирзо Баҳодир 28 ёшида жангларда ҳалок бўлган.



Ш.Бахриддинов. “Абдулло Мирзо портрети”. 1999 йил.

Абдулло Мирзо портрети. Ушбу портретлар туркумидан расом Ш.Бахриддинов Абдулло Мирзонинг (1433-1451) тарихий портретини яратди. У Хирот хукмдори Ҳусайн Бойқаронинг набираси ва Иброҳим Султон Мирзонинг кенжа ўғли бўлган эди. Абдулло Мирзо фанларга бўлган қизиқиши билан ажралиб турар эди, унинг тарбияси билан шоир ва Ҳусайн Бойқаронинг маслаҳатдоши Алишер Навоий шуғулланди, уни Абдулло Мирзо Устоз дер эди.

Портретда Абдулло Мирзо чап қўлида китоб, бўғдой ранг ўсмир кўринишида тасвирланган. Ўнг қўли билан оқ кўйлак устидан кийилган, зар нақшлар билан безатилган тўқ зумрад рангли кийимини четидан ушлаб турибди. Кийим ва унинг энг четларига тилларанг ислимий безак тикилган, бу уни чиройли қилиб юборган. Ўсмирнинг бутун қиёфасидан унинг ахлоқан софлиги, билимдонлиги кўриниб туради ва у ўз хаёллари билан банддек кўринади.

Абдулло Мирзо илмли йигит бўлган ва ўз даврининг уламо одамлари билан кўп бора мулоқотда бўлган. Алишер Навоий ўзининг доно ва маърифатли ҳукмдор ҳақидаги орзуларини у билан боғлаган эди, ундан умиди ниҳоятда катта эди.



С.Рахметов. “Султон Аҳмад Мирзо портрети”. 1999 йил.

Султон Аҳмад Мирзо портрети. (1451-1494) rassom Собир Раҳметов томонидан ишланди, у Султон Абусаид Мирзо ва Малика Султонбегимнинг катта ўғли эди. Унинг отаси Моварауннахр ҳукмдори бўлган эди. Тахтни мерос қилиб олган Султон Аҳмад Мирзо мамлакатни 1469 йилдан 1494 йилгача бошқарди. У тахтда ўнг чарм кўлқопли қўлида лочин билан тасвирланган.

Султон Аҳмад Мирзо ислимий безакли, нақшли қизил камзул кийган ва қора энли, қимматбаҳо тошлар билан безатилган камар тақиб олган. Камзул устидан калта энгли кумушранг кийим кийган. Кийимни хошиясидаги ислимий нақшлар зар ип билан тикилган. Бошида оқ пат қадалган салла. Бу портрет теурий шаҳзодаларга бағишланган ажойиб асарлардан бири ҳисобланади. Унда 25 йил давомида Моварауннахрда ҳукмронлик қилган Султон Аҳмад Мирзонинг мураккаб характери психологик тўлақонли очиб берилди.

Султон Ҳалил Мирзо портрети. Ўзбекистонда XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб теурийлар образи тўлақонли акс эттирилган тарихий портрет жанридаги асарлар кўплаб ишланди. Рассом Алишер Аликулов ишлаган ҳукумдор Амир Теуурнинг набираси Султон Ҳалил Мирзонинг (1384-1410) портрети ажралиб туради. Портретда Султон Ҳалил Мирзо ёш, кучли, жасур йигит қиёфасида гавдасининг тўртдан уч қисми ишланган.



А.Аликулов. “Султон Ҳалил Мирзо портрети”. 1999 йил.

У саройдаги безакдор хоналардан бирининг деразаси ёнида турибди. У узоқларга қараяпти, ўз мақсади йўлида оғишмай олдинга интилиши нигоҳида сезилиб турибди, лекин кўзларида мунг. Бақувват қоматидаги харбий аслаҳалар худди қуйиб қўйгандек. Қимматбаҳо металллардан қуйилган дубулға унга ярашган, у нақшлар билан безатилган, уни энг учига пат қадалган. Султон Ҳалил Мирзонинг камари қимматбаҳо тошлар билан безатилган. Унинг чап қўли қилич тутқичида, ўнг қўли мушт қилиб тугилган. Тана ҳаракати, юз ифодаси, диққат жамланган қиёфа барчаси уйғун. Юзи ёруғлик манбаси ёнида, шунинг учун ундаги маъюслик ва айни пайтда қатъийлик аниқ кўриниб турибди.

Тасвирий санъат устаси **Акмал Нуриддинов** ижодидан мисол – Мирзо Бобур портрети. Рассом Азиза Маматова мулоҳазаларидан: “Санъаткор Акмал Нуриддиновнинг портрет асарлари рангдор, назокатли ва чуқур маъноли ҳисобланади. Портретда Бобур Мирзо оғир жангларда эришган Ҳиндистон ҳукмдорлари тахти ёнида томошабинларга орқа ўгириб турибди.



А.Нуриддинов. “Бобур Мирзо”. 1996 йил.

Ёндан тасвирланган юзида чуқур кечинмалар зоҳир бўлган. Унда чуқур тафаккур жараёни кузатилади, айти пайтда маълум хаёлот оламига чўмгандек. Бобур Мирзо бу тахтга ўтиргач Ватанига қайтиш имконияти йўқолиши ва бутун қолган умр ҳукмдорликнинг оғир юкини кўтариш билан боғлиқ ўйлар гирдобиди турибди. Бобур Мирзо ўйлаб иш қиларди ва имкон борича қисқа ҳаёт талабларига риоя қиларди.

Яна бир Мирзо Бобур портретида, у бир қўлида анор ушлаган ҳолда тасвирланган, у томошабинга бутунлигича боққан. Кўзлари пастга туширилган қўл кафтларига қараб турибди. Бу портретда ҳам у тахт ёнида тасвирланган ва ўйчан кўринади. Асар ранги енгил ва шу билан бирга мураккаб, у рассомга хос бўлган усулдагина ишланган. Бу асарларга нигоҳ ташлаб, худди шуларни ўйладим”. Темурийларга бағишланган баъзи портретлардаги образлар худди шундай.

Бир нигоҳ ташлаб санъат асарининг бутун моҳиятини англаш қийин. Тасвирий санъат асарларини қайта ва қайта томоша қилиш, таҳлил қилиш ва уларга рассомлар сингдирган ғояни очиш лозим бўлади. Халқ тасвирий меросига тахлийий ёндашув ўтмиш меросига тўғридан-тўғри таҳлит эмас, балки миллий ўзига хосликни излаш билан боғлиқ бўлган Ўрта Осиё тасвирий санъатининг ижодий анъаналарини қайта англашдир.



А.Нуриддинов. “Бобур Мирзо”. 1996 йил.

1996 йили Тошкент шаҳридаги “Хамар” Марказий кўرғазма залида ҳукмдор Амир Темур ва темурийларга бағишланган кўрғазма намойиш этилди. Маҳоратли рассом **Жавлон Умарбеков** бу кўрғазмада овал шаклидаги рамада, яхши стилистик усулда, бир оз шартли, лекин чиройли ишланган Амир Темур ва Мирзо Бобур портретларини намойиш қилди. Амир Темур портрети белидан тасвирланган. Ҳукмдор нақшинкор букламлари осилиб турган матоли дабдабали чодирда ўтирибди. Бу кучли ва қудратли инсоннинг фикри таранг ишлаётганлиги сезилади. Унинг кўзларида қатъийлик ва жасорат зоҳир бўлган. Композиция ихчам тузилган, уни сирли оҳанги, яхши шакли сезилиб туради. Рассомнинг кўпгина асарлари каби бунда ҳам барча жихатлар асосли ҳал қилинган. Саркарда образида нафақат жисмоний қудрат, балки тиниқ фикрни ҳам ўқиш мумкин.

У қимматбаҳо тошлар билан безатилган шоҳона либосда тасвирланган. Унинг елкасига қора кундуз териси билан хошияланган, қимматбаҳо металллардан илгак билан илинган иссиқ ридо ташлаб олган. Ридога ўсимлик нақшларидан иборат безаклар тикилган. Чап қўлида у чексиз ҳокимият рамзи бўлган олтин қўйма чўқмор ушлаб турибди. Унинг кўкраги ва белини олтиндан ясалган пластинкалар ёпиб турибди, белига нақшинкор мато боғланган. Бошида пат қадалган ажойиб тож.



Ж.Умарбеков. “Амир Темури портрети”. 1996 йил.

Амир Темурнинг юзида қувват ва айна пайтда осойишталик ва ғазабноклик зоҳир. Кенг жойлашган, ифодали кўзлари синчиковлик билан тикилган. Ҳукмдор юзида ним табассум, бурни бир оз туртиб чиққан, лаблари қимтинган, буларнинг барчаси ҳукмдорнинг чуқур тафаккуридан ва ақллилигидан дарак беради. Жавлон Умарбековнинг асарида давлат арбоби ва саркарда Амир Темур айнан шундай киёфада намоён бўлади.

Шу муносабат билан санъатшунос олим Н.Н.Волковнинг қўйидаги сўзларини эслатиб ўтиш жоиз: “Композиция назариясини билиш кенг ва асосли тарихийлик учун зарурдир. Рангтасвир асари маълум тарихий асосланган мазмунни билдиради. Тарих айрим тасвирий санъат ёдгорликлари композицияси таҳлилида яширин фон бўлиб хизмат қилади”¹²⁵.

¹²⁵ Волков Н.Н. Композиция в живописи. – М.: «Искусство», 1977. с. 24.




Ж.Умарбеков. “Мирзо Бобур портрети”. 1996 йил.

Хукмдор Амир Темур, темурийлар ва уларнинг тарихий даврини тасвирлаган rassomлар асари Ўзбекистон маданиятидан ўзига хос жой эгаллаган. XX охири ва XXI аср бошларида тасвирий санъат усталари томонидан яратилган бу портретлар Тошкент шаҳри ва мамлакатимиздаги бошқа шаҳарлар музейлари, галереялари ва давлат муассасаларини беэаб турибди. Улар ўзининг эстетик гўзаллиги билан томошабинлар нигоҳини қувонтиряпти ва тарихий-маданий билимлар манбаи бўлиб хизмат қиляпти.



3.2. Тасвирий санъатнинг тарихий жанридаги асарларда акс эттирилган Амир Темури ва темурийлар даври

“Маданият тарихи вазифаси авлодлар хотирасини уйғотиб, инсон тафаккурининг энг яхши меваларини териш, шу билан замондошларга ўтмишдаги буюк ижодиётнинг энг янги томонларини диққат билан ўрганишга имкон берувчи миллий маданиятни бойитишдан иборат”¹²⁶. 1990-йиллар охиридан бошлаб Ўзбекистон тасвирий санъат усталари ўзбек халқи тарихининг солномасини яратишга киришдилар: М.Набиев, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков, С.Абдуллаев, Т.Курязов, А.Икромжонов, А.Маматова, А.Аликулов сингари рассомлар Амир Темури, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Бобур каби ўзбек халқининг буюк вакиллари образларини яратиш устида иш бошладилар.



Ян Гевелиянинг “Юлдузлар каталоги” гравюраси XVII аср.

“Мирзо Улуғбек ва унинг мактаби” асари¹²⁷: XV асрда Самарқанд тахтига Амир Темурининг набираси, бутун дунёга машхур олим Мирзо Улуғбек ўтирди. У Самарқанд шахрини жаҳон фани, маданияти ва маънавияти марказларидан бирига айлантириб юборди.

¹²⁶ Ахмедова Э.Р., Габидулин Р. Культурология мировая культура. – Т., 2001. с. 245.

¹²⁷ Маматов У. Исторические произведения изобразительного искусства конца XX и начала XXI века созданные узбекскими художниками, отражающими науку в эпоху Темуридов. / Сборник научных статей: Наука и Культура в эпоху Темуридов. Государственный музей Темуридов АН РУз. 2013. с. 75-78.

Мирзо Улуғбек Ўрта Осиёда биринчи расадхона қурдирди ва ўзининг “Зижид Жаддий Кўрагоний” асарида 1018 юлдуз ва уларнинг жадвали ҳақида авлодларга аниқ маълумотлар қолдирди. Олим Ян Гевелиянинг XVII асрда нашр этилган “Юлдузлар каталоги” китобида турли асрларда яшаган бутун дунё астрономларидан иборат буюк олимлар йиғилиши тасвирланган гравюра бор. Олимлар маъбуда Урания бошчилигида ўтиришибди. Ураниянинг ўнг томонидаги фахрли жойида Мирзо Улуғбек ўтирибди. Шу билан гравюрада уни астраномия, математика ва бошқа фанлар ривожига бебаҳо ҳисса қўшган буюк олим сифатида тан олинганлиги таъкидланган.

1996 йили рассомлар М.Азлархўжаев, Б.Олимжонов ва Ш.Бахриддиновлар “Мирзо Улуғбек ва унинг мактаби” деб номланган катта хажмдаги асар яратдилар, асар ЎзР ФА Темурийлар давлат музейига кўргазмага қўйилган. Асар мойбўёқ билан синтетик грунт ишлов берилган матога чизилган. Картина марказида Мирзо Улуғбек ва Али Қушчи тасвирланган. Улар композициянинг олтин кесишувидан бир оз ўнгда жойлаштирилган. Хажм жиҳатдан катта бўлган бу асарда композиция шакли ва сюжети уйғун ҳолда идрок этилади. Унда Мирзо Улуғбек мактабига мансуб бўлган астроном, математик ва файласуф олимлар ишлаган муҳит аниқ тасвирлаб берилган.

Мирзо Улуғбекнинг қомати томошабинга нисбатан тўртдан уч қисм бурилиб турибди. У қўлларини орқага қилиб ўзининг биродари ва шогирди Али Қушчининг гапларини ўйчан ва диққат билан тинглапти. Ҳукмдорнинг қомати ўзининг улуғворлиги, ботини қуввати ва афзаллиги билан тасаввур уйғотади. У шогирдининг барча саволларига ўйлаб жавоб бераётганлигини ҳис қилиш мумкин.

Мирзо Улуғбек бошида четлари нақшланган пат қадалган оқ салла. У йирик олтинсимон ислимий нақшлари туширилган оч зумрад рангдаги шоҳона чопонда тасвирланган. Либоснинг этаклари қизил оқ рангли мармар ётқизилган полга йирик букламлари билан тегиб турибди.

Али Қушчи пушти шойи халат кийган. У ўнг қўлида юлдузлар жадвали туширилган катта, оч яшил рангдаги китобни ушлаб турибди. Бошқа қўли юқорига кўтарилган. Кўрсаткич бармоғи ишорасидан у ҳукмдорга математик ҳисоб-китоблар ёки янги астрономик кашфиётга тегишли бўлган муҳим ахборот берапти.

Картинанинг олд бурчагидаги нақшинкор ёғоч курсида Мирак Чалабий ўтирибди. У белбоғ боғланган узун шойи либос кийиб олган. У тунги осмон ҳақида маълумот бўлган планшетдан ахборотларни қоғозга кўчириб ёзпти. Планшетни мовий либос кийган Жамшид Коший ушлаб турибди. Кичикроқ, пастак столда қўлёзмалар ва Мирзо Улуғбекнинг энг яхши илмий асарларидан бири “Астраномия бўйича рисола” асари ётибди. Асарнинг ичкарасидаги китоб жовони ёнида уч олим секингина суҳбат қуряпти. Улардан иккитаси оқ матодан арабча кийимда. Гуруҳ ўртасида турган олим чуқур ўйга чўмган.

Обсерваториянинг ички томони сирли сопол кошинлар билан безатилган. Безаклари асосан ўсимлик ва геометрик шаклларда. Деворлар меҳробига астрономик асбоблар, қўлёзмалар ва китоблар учун токчалар қилинган. Расадхонанинг ички томонидаги чап бурчакда зарланган тагликка глобус ўрнатилган. Глобус иккита тилласимон металл билан икссимон шаклда ўралган. Ёғоч локланган панжара ортидаги майдонда расадхонанинг биринчи қаватига тушадиган зинапоя ўрнатилган, у олимлар тунги осмондаги юлдузлар ва сайёралар кузатадиган юқори майдонга олиб чиқади.

Расадхона биноси Самарқанд шахрининг шимолий-шарқидаги Кўҳак тепалигида Оби Раҳмат ариғи ёнида жойлашган ва XV асрнинг ноёб архитектура асарларидан бири ҳисобланади. Расадхона ўттиз метрдан ортиқроқ баландликдаги уч қаватли бино бўлган эди ва бу ерда юлдуз ва сайёралар тадқиқ этилар эди.

У ерда ўз ўлчамларига кўра иншоот ва квадрант бўлган, манбалар дарак беришича қирк метр диаметрли жуда катта секстант қурилган эди. Расадхонанинг пастки қисмида баландлиги 11 метрдан иборат квадрант бўлган. Мирзо Улуғбекнинг вафотидан кейин расадхонадаги унинг ишини яна бир неча ўн йилликлар давомида унинг содиқ шогирдлари Муҳаммад Али қушчи ва Мирак Чалабий давом эттирдилар.



М.Азлархўжаев, Б.Олимжонов, Ш.Бахриддинов.
“Мирзо Улуғбек ва унинг мактаби”. 1996 йил.

М.Азлархўжаев, Б.Олимжонов, Ш.Бахриддиновларнинг “Мирзо Улуғбек ва унинг мактаби” асаригача мазмунан асосли, рангларга бой ва ижро техникасига кўра яхши асар бўлган эмас. Бу асарда Леонардо да Винчининг ранг ҳақидаги рисоласида аниқ кўрсатиб берилган нур ва ранг уйғунлиги табиий талқин этилган. Бу картина Ўзбекистон маданиятидаги тарихий жанрдаги тасвирий санъат тарихидаги энг муҳим асарлардан бири бўлиб қолди.

Маҳорат билан ишлаганлигига кўра асар жаҳон классик намуналари ўлчамларига кўра яратилган. Картинада Мирзо Улуғбек ва унинг шогирдларидан иборат ўз қаҳрамонларига назар ташлаб ва ўзига хос хусусиятларини очиб рўй бераётган воқеаларга қайси давр нуқтаи назардан қараётганлиги ҳақидаги эътирозли ҳолат бор. Лекин рассомлар воқеалар ва олимлар шахсиятини рамзий маънода талқин этганлигини тушуниш мумкин.

Жаҳон тасвирий санъати тарихида “Мирзо Улуғбек ва унинг мактаби” асари-га тарихий ҳаққонийлик ва фалсафий мазмунига кўра муқобил асар мавжуд. Рафаэль Сантининг яхши асарларидан бири “Афина мактаби” XVI асрнинг 1508-йиллари яратилди, ундаги Сукрот ва Платон фалсафани, Евклид математика ва геометрияни, Гераклит медицинани ифодаляётганлигини кўриш мумкин. “Мирзо Улуғбек ва унинг мактаби” асарида рассомларнинг тасвирий маҳорати ва уларнинг ижодий тасавури аниқ кўринади. Ундаги қаҳрамонлар ва уларнинг ўртасидаги муносабатлар ҳаётийлиги билан ажралиб туради.

Асарнинг рангтасвири Веласкеснинг кўп кишилиқ ажойиб асарлари рангтасвирига ўхшашиб кетади. Бу асарларнинг ўхшашлиги ва фарқи композиция тузилиши ва ранглар уйғунлигида сезилади. Шундай қилиб, рассомлар нафақат уларнинг мамлақати хусусияти билан, балки уларнинг ижоди қайси даврга мансублиги билан ҳам фарқланади.

Шу билан бирга асарларнинг ғояси рассомларнинг дунёқараши, умуминсоний қадриятларга ва абадий мавзуларга муносабатидан ҳам дарак беради. “Мирзо Улуғбек ва унинг мактаби” тарихий асарида муаллифлар Ўзбекистон миниатюра санъати анъаналари ва тасвирий санъат асарларини Ғарбий Европа бадий мактаблари услубида яратиш принципларини қайта англадилар.

“Амир Темур кўшинининг Тўхтамиш устидан ғалабаси” картинаси¹²⁸. “Алишер Алиқулов тасвирий санъат оламига ўтган асрнинг 90-йиллари кириб келди. Шу пайтда ўз ижоди тарихий ва жанг жанри билан боғлиқ эканлигини белгилаб олди. Ўзбекистонни мустақилликка эришиши ёш рассом ижодида янги уфқлар очди. Айнан миллий тарих, бой маънавий ва моддий маданият анъаналари унинг ижодида муҳим рол ўйнади... Алишер кўп қиёфали композиция, воқеликни акс эттиришнинг реалистик усулига асосий эътибор беради. Тасвир қисмларнинг аниқлиги, мавзуларга эътибор, тарихий воқеаларни ҳаққоний акс эттириши унинг ижодини фарқлаб турувчи жиҳат ҳисобланади”¹²⁹.

Тасвирий санъат картинасида мавзу маънавий алоқани мустаҳкалашда асосий вазифа ҳисобланади. А.Алиқуловнинг “Амир Темур кўшинининг Тўхтамиш устидан ғалабаси” тарихий картинаси юқоридаги фикрнинг тасдиғи ҳисобланади. Оптик қонунларни аниқ тушуниш, рангнинг эмоционал ва рамзий жаранглаши бу тарихий картинани яратиш принципининг асосини ташкил қилди.

Бу картинани ўрганаётиб кўп қиёфали картинадаги одамларнинг ҳаракати олтин кесишувнинг асосини ташкил қилган композиция марказига йўналтирилганлигини кўриш мумкин.

“Идрок этаётганнинг вазифаси тасвирий санъат устаси асарга сингдирган ахборотни англашдан иборат, рассом ғоясини англашга халақит берадиган фовқулодда ҳосил бўладиган тасаввурлар бундан мустасно.

Тасвирий санъатда биринчи навбатда композиция тузилиши муҳимдир, иккинчидан, мавзунинг бутунлиги эътиборда бўлади. Композиция тузилишининг маркази кўпинча маънавий марказ ҳисобланади”¹³⁰. А.Алиқулов ўзининг жанг картинаси тасвирига онгли равишда ёндашди, унда ёруғлик ранг тузулиши ва композиция рассом ғоясини тўла очиб беради.

¹²⁸ Маматов У. Развитие исторического жанра в изобразительном искусстве Узбекистана.

// Общественные Науки в Узбекистане. №3, - Т., 2011. с. 77–80.

¹²⁹ Илхомова С. Штрихи к портрету художника Алишера Аликулова. // art San'at. Выпуск №4, 01/10/2002.

[Электронный ресурс]. Режим доступа: http://sanat.orexca.com/2002-rus/2002-4-2/alisher_alikulov/

¹³⁰ Волков Н.Н. Композиция в живописи. – М.: «Искусство», 1977. с. 24–25.

Картинада Амир Темур жангчилари ўнг томонда тўпланган. Чап томонда Тўхтамишнинг ярадор жангчилари, улар ҳам композиция марказига қараган. Картина марказида Амир Темур қўшини ҳарбий бошлиқлари томошабин томонга от қўйиб келаётгандек. Қўлларида саркарда тамғаси туширилган мовий хил-пираётган байроқлар. От устида келаётиб улар зар нақшли қизил чодирни ағдарадилар ва унинг қуббасини тутиб турган суворийларни отдан йиқитяпти. Бу тарихий асарда композиция тузиш қоидалари кўзга ташланади.



А.Алиқулов. “Амир Темур қўшинининг Тўхтамиш устидан ғалабаси”. 1996 йил.

Биринчидан, бу давр жангчилар ўрта асрлар либосида, бош кийимида ва қуролларда тасвирланган. Хон учун тикилган чодир ҳам XIV асрга мос келади. Иккинчидан, жангчиларни этник келиб чиқиши очиқ кўринади. Жанг кенг сайхонликда рўй берапти. Узоқдан Амир Темур заҳира аскарлари билан кўзга ташланади. Бундан мазкур тарихий воқеа рўй бераётган майдоннинг чеки кўринмайди. Минглаб жангчилар кўтарган чанг-тўзон осмонни қоплаган. Кўпгина аскарларнинг юзида азоб, оғриқ ва қўрқув зоҳир. Рассом тарихий тасвирий санъат асарига хос бўлган давр, макон, майдон, психология каби барча жихатларни тасвирлаш имконига эга бўлган.

“Амир Темур қўшинининг Тўхтамиш устидан ғалабаси” картинаси XX аср охири ва XXI аср бошлари Ўзбекистон маданиятидаги ҳарб мавзусидаги тасвирий санъат асаридир, бунда тарихий жанр ўз ривожини топди. Рассом А.Алиқулов бу асар ҳақида шундай деган эди: “Ўнгдаги юқори бурчакда Амир Темур ўз отида заҳира аскарлари билан тасвирланган. Суворий саркардалар тепаликда туриб жангни кузатапти. Амир Темур стратегияси аскарларни шахмат тартибида жойлаштиришни талаб қилган, бу унинг ажойиб стратег ва тактик эканлигидан дарак беради, бу стратегияда ҳар бир саркарда ўз аскарлари билан ўз жойини билган. Агарда диққат билан қаралса, аскарлар кўтараётган чанг-тўзон булути ортида ўрмон дарахтлари учини кўриш мумкин. Ўрта Осиёда катта ўрмонлар йўқ, шу сабабли жанг Рус ерида бўлаётганлигини тахмин қилиш мумкин.

Тўхтамиш қўшини мағлуб бўлиши, мўғуллар ва Олтин ҳамда Оқ Ўрда хукумронлигига барҳам берилди. “Ёшлигимдаёқ осиеликлар қиёфасини, кийимларини, қуроллари турларини ва ўрта аср даврини ўрганишни бошладим. Вақтлар ўтиши билан тажриба тўпладим ва булар тарихий мавзудаги асарлар чизишимга имкон берди. Жанг қилаётган мўғиллар ва туронликларнинг қиёфаси ва характердаги фарқни образларида беришга ҳаракат қилдим”.



А.Алиқулов, А.Агаханян, З.Гулметов.
“Амир Темур жаҳон тарихида”. 2001 йил.

Картинада ранг ва ёруғлик перспективаси ишончли ва ифодали чиққан. Тўхтамиш чодирини қулаши ва унинг байроғини Амир Темур аскарлари томонидан оёқ ости қилиниши, саркарданинг тамғали мовий байроғини хилпираши мўғуллар устидан қозонилган ғалабадан дарак беради. А.Алиқулов асарида тасвирий санъатдаги тарихий жанр асарларининг бутун бадий-тасвирий воситаларидан фойдаланилди. У яратган “Амир Темур қўшинининг Тўхтамиш устидан ғалабаси” асарини маҳорат билан ишланганлигига кўра XIX аср иккинчи ярми таниқли рус рассоми Василий Суриковнинг “Ермакнинг Сибирни олиши” жангвор асари билан тенглаштириш мумкин.

“Амир Темур жаҳон тарихида” асари¹³¹. ЎзР ФА Давлат тарих музейида сақланаётган “Амир Темур жаҳон тарихида” асари А.Алиқулов, А.Агаханян, З.Гулметов томонидан 2001 йили яратилган деворий сурат тарихий асарларидан бири ҳисобланади. Асар Амир Темурга, унинг жаҳон тарихи ва маданиятидаги ўрнига бағишланган. Деворий суратда Уйғониш даври ва ягона қудратли давлатни барпо этилиши, ҳукмдорнинг фан ва маданиятга ҳурмат билан муносабатда бўлиши, бу билан архитектура ёдгорликларини бизнинг кунларимизгача етиб келганлиги кўрсатилган. Ўша даврлар турли усталарининг ижоди Ўзбекистон санъати ва маданиятининг дурдоналари бўлиб қолди. А.Алиқулов, А.Агаханян, З.Гулметовлари Али Яздий ва Ибн Арабшоҳ сингари олимлар ёзиб қолдирган

¹³¹ Маматов У. Властелин семи планет и Амир Темур в мировой истории. / Сборник научных статей: Ўзбекистон бетақроп маданий ёдгорликлари: муамоллар, ечимлар ва истикболлар. Государственный Музей Истории Узбекистана АН РУз. Ташкент, 2012. с. 150–154.

даврни ўз асарида тасвирладилар, бу олимлар Амир Темур қонунчилигидаги ислохатлар йилномасини қолдирган эди, булар Амир Темур “Тузуклари”да ўз аксини топган эди, хусусан бу асарда у қуйидагиларни ёзган эди: “Агар бизнинг ҳокимиятимиз уйи яхшилик билан қурилган бўлса, бизга ҳеч ким зарар етказа олмайди. Адолат ва эзгулик сувидан суғорилаётган дарахт бахт меваларини беради”.



**А.Алиқулов, А.Агаханян, З.Гулметов.
“Амир Темур жаҳон тарихида”. 2001 йил. Лавҳа.**

Амир Темурнинг орқасидаги фонда Бибиҳоним ва Гўр Амир архитектура ансамбллари кўзга ташланади. Уларнинг орқасидаги ўнг томонда ёрқин ва гуллаётган мамлакат кўринади. Фоннинг чапида мўғиллар босқинини тугаши ва турли мамлакатлар элчилари киёфасида дипломатик муносабат тиклангани тасвирланган. Бу билан рассомлар мамлакатда тинчлик ва мустақилликни қўриқлаётган Ватан ҳимоячилари образини яратдилар. Ҳукмдор Амир Темурнинг чап томонида дипломатлар тасвирланган. Гонсалес де Клавихо келганлиги – бу ҳужжатли факт. Шу билан бирга Дамашқ, Хитой ва Туркия сингари давлатларнинг ҳам вакиллари келган. Деворий суратнинг ўнг томонида Франция қироли Карл V ва Амир Темур ўртасида ёзишма ёрлик кўринишида тасвирланган.

Деворий суратда шунингдек унинг ишларини ўғиллари, неваралари ва эваралари Мирзо Улуғбек, Ҳусайн Бойқаро ва Ҳиндистонда Бобурийлар шажарасига асос солган Мирзо Бобур томонларидан давом эттирилганлиги кўрсатилган. Мирзо Бобурнинг авлодлари Ҳиндистонда 350 йил давомида ҳукмронлик қилдилар. Дунёнинг етти мўжизасидан бири Тож Маҳални ҳам Амир Темур авлодлари яратди. Юқоридаги фикрларни барчаси “Амир Темур жаҳон тарихида” асарида акс эттирилди. А.Алиқулов, А.Агаханян, З.Гулметовларнинг касб маҳорати тарихий асар яратиш жараёнида тўла намоён бўлди. Воқеаларни жипслаштира олиш рассомларнинг касб маҳоратларида кўринди. Йирик санъатшунос олим Н.Н.Волковнинг таъбири билан айтганда, “Қуйидаги шартларга жавоб берадиган

яхлитлик қисмларининг таркиби ва жойлашувини умумий маънода композиция деб аташ мумкин:

- бутунликка зарар етказмасдан бирор қисмини ажратиб олиб бўлмайди;
- бутунликка зарар етказмасдан қисмлар ўрнини алмаштириб бўлмайди;
- бирорта янги элементни композицияни бузмасдан қўшиб бўлмайди”¹³².

Бу таъриф ўзбек тасвирий санъат усталарининг ҳар қандай бадиий асарларига ва ҳатто Саъдулло Абдуллаевнинг “Бобурийлар Ҳиндистонда” триптих-картинасига ўхшаш нисбатан мустақиллигини сақлаб қолган қисмларгача тегишли.

“Ўзбек Уйғониш даври” картинаси¹³³. Рассом С.Абдуллаев ижодини тадқиқ қилиб таъкидлаш жоизки, унинг ижоди ХХ асрнинг 90-йилларида тўла маънода шаклланди ва ривожланди. С.Абдуллаев ёшлигида Самарқанд шаҳридаги ярим харобага айланган Бибиҳоним архитектура ансамблини тасвирловчи этюд ишлаган эди. Испан элчиси Руи Гонсалес де Клавихо ўз кундалигида Самарқанд шаҳрини қуйидагича тасвирлайди: “Самарқанд шаҳри текисликда жойлашган ва тупроқ уюмлари ҳамда жуда чуқур хандоқлар билан ўралган.

У шаҳар девори ичида жойлашган Севилья шаҳридан бироз каттароқ, шаҳар атрофида жуда кўплаб уйлар қурилган, улар шаҳарни турли томондан ўраб туради. Бутун шаҳар боғ ва узумзорлар билан ўралган, баъзи жойларда улар бир ярим, бошқа жойларда икки лигага чўзилиб кетган. Бу шаҳардан ташқари боғлар орасига катта ва кўримли бинолар қурилган, у ерда жанобнинг ўзининг ҳам саройи бор. Шаҳар атрофидаги боғлар ва узумзорлар шунчалик кўпки, унга яқинлашаётганда гўё баланд дарахтлар ўсган ўрмонга яқинлашаётгандек туюлади, шаҳарнинг ўзи эса уларнинг ўртасида жойлашган”¹³⁴.

С.Абдуллаев ўзинининг “Ўзбек уйғониш даври” асарида бу ўрта асрлар ноёб ёдгорлиги образини ва унинг фониди Амир Темурни аъёнлари билан бирга тасвирлади. “Ўзбек Уйғониш даври” картинасида Амир Темур олимлар, файласуфлар, тарихчилар, меъморлар, рассомлар, хунармандлар усталар қуршовида тасвирланган, уларни у эркин ижод қилишлари, ўз ғоялари кучи ва ҳокимиятини ифодалаши учун йиғган эди. Унинг раҳбарлигида турли касб ва мутахассислик эгалари меъморчилик иншоотлари қурган эди ва улар ўзининг мутаносиблиги, рангдорлиги ва безаклари билан ноёб ёдгорлик бўлиб қолди.

“Самарқанд ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларидаги архитектура, маданият, санъат, хунармандчилик, назм ва миниатюра кабилар Амир Темур меросининг бир қисми, у инсониятга қолдирган меросини одамлар асраб-авайлаши учун қолдирди. Амир Темурнинг улуғ хизмати шундаки, у Марказий Осиё халқларини биринчи бўлиб қудратли ва тараққий этаётган давлатга бирлаштирди. Уни гуллаб – яшнаши, тараққиётнинг юксак даражасига эришганлиги сабабли XIV аср охири ва XV аср бошларида товар-пул муносабатлари қарор топди. Моварауннахр ва Хоразм бой маданий анъаналари ва маънавий кадриятлари билан шухрат қозонди, бу Амир Темур империясининг маданий тараққиёти учун пойдевор бўлиб хизмат қилди”¹³⁵.

¹³² Волков Н.Н. Композиция в живописи. – М.: «Искусство», 1977. с. 20.

¹³³ Маматов У. Эпоха Амира Темура и темуридов, в произведениях С.Абдуллаева и Дж.Умарбекова. / Сборник научных статей: Амир Темур ва темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни. Государственный Музей Истории Узбекистана АН РУз. 2017. с. 238.

¹³⁴ Руи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия испанского посла ко двору Тимура в Самарканд. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.e-samarkand.narod.ru/Clavijo.htm>

¹³⁵ Хайруллаев М. Основные предпосылки расцвета культуры в Эпоху Темура и темуридов. / Тезисы между-ной. научной конференции Амир Темур и его место в мировой истории. - Т.: «Узбекистан», 1996.

“Бу замин нонга ҳам, шароб ва гўшт, мева-чева ва қушларга ҳам жуда бой. Бошқа маҳсулотлар ҳам жуда арзон, ярим реалга (пул бирлиги) тенг бўлган бир пақирга бир ярим пуд арпа беради. Нон шунчалик арзонки, ундан арзон бўлиши мумкин эмас, гуруч эса ниҳоятда кўп. Бу шаҳар ва унинг ери шунчалик ҳосилдор ва бойки, ундан хайратга тушиш мумкин холос.

Унинг бойлиги учун Самарқанд деб номланган, унинг ҳақиқий номи Симискент, бу Бойқишлоқ дегани. Бу замининг бойлиги нафақат егуликнинг кўплигида, балки кўплаб ишлаб чиқариладиган шойи матолар, атлас, камка, сандал, тафти, терсеналнинг мўллиги, шунингдек жун матолар, ширинликлар, дориворлар, тилла ва лазур бўёқлар ва бошқа ашёларнинг чексизлигида кўринади. Шунинг учун жаноб бу шаҳарни улуғлаган”¹³⁶.



С.Абдуллаев. “Ўзбек Уйғониш даври”. 1997 йил.

Бу тарихий маълумотлар С.Абдуллаевга асар яратиш учун туртки берди. Унда ҳуқумдор янги архитектура иншооти қуриладиган жойини кўрсатаётган ўнг қўлини кўтарган холда тасвирланган. Чап қўли эса елкасига ташлаб олган кўк, йирик нақшли шоҳона чопони остида. Унинг остида кўкрак, ёқа ва елкаларига зар безаклар берилган қизил рангдаги кийим кўриниб турибди. Амир Темур юзи жиддий ва ҳеч қандай эътирозни қабул қилмайди.

Рассом ҳуқумдор ёнида меъмори тасвирлаган, у билан Амир Темур ўзининг суюкли хотинига бағишлаб қуриладиган янги мадраса лойиҳасини муҳокама қиляпти. Унинг атрофини ўғиллари ва набиралари ўраб турибди. Ҳуқумдор ёнида набираси ёш Мирзо Улуғбек турибди. У қора рангдаги, қавима чопон кийиб олган, бошида думалоқ дўппи. Амир Темур ёнида унинг катта ўғли Шохрух Мирзо ҳам бор, унинг ёнида шоир ва олимлар турибди. Бибихоним саройи майдони қуёш нурига чўмган, картинада қуёшли тонг.

¹³⁶ Руи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия испанского посла ко двору Тимура в Самарканд. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.e-samarkand.narod.ru/Clavijo.htm>

Тўқ яшил дарахтлар ва бино ёнидаги одамлардан ердаги жилвирланган гранит плиталарга тўқ кўк рангда соя тушиб турибди. Баланд тиниқ осмонда оқ булутлар кезиб юрибди. Тўпланган кишилар орқасида Бибихоним саройи кўриниб турибди. У чиройли ва безакдор. Йилтираб кўринаётган оқ кошинларнинг кўк кирралар ёрқин нур сочади.

Санъатшунос олим Н.Н.Волков ўзининг “Рангтасвирда композиция” асарида шундай ёзади: “Образ муаллифнинг асари моддий воқелигида вужудга келади. Бу мусиқада вақт қаторида, рангтасвирда эса макон қаторида намоён бўлади. Бўёқ ва чизиклар нафақат ашёлар ҳаракатларини тасвирлашда, балки ўз-ўзидан ҳам ҳиссиётларни ифодалайди. Рангтасвир ва қаламтасвирда шакл-шамойил ва маконий қурилма бир-бирисиз мавжуд бўла олмайди. Ранг қурилмасига кўра биз асарни қувноқ ёки мунгли эканлигини аниқлай оламиз”¹³⁷.

Картинадаги бино пештоқида, кириш аркаси тепасида Қуръондан суралар, уйларда яшаётган одамлар туморлари кабиларни араб ёзувида ўқиш мумкин. Картинанинг ўнг томон четида пушти, зар нақшли чопонда тасвирланган нозиккина йигит образи эътиборни тортади. У шахзодалардан бири ёки сарой шоири бўлиши ҳам мумкин. Ўсмир юзи озғин ва жонли.

Шахзодалардан кўпчилиги яхшигина билимга эга бўлган ва ўзидан кўплаб илмий ва адабий асарлар қолдирган. Улардан бири Мирзо Бобурдан бутун дунёга машхур бўлган “Бобурнома” асари қолган, у бизгача етиб келди ва кўпчилик учун билим ва ҳамда ижод манбаи бўлиб хизмат қилмоқда. Кўплаб шоир, олим ва тарихчилар учун “Бобурнома” энциклопедия бўлиб қолди, ундан ўрта асрлар Моварауннахри ва Ҳиндистон ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

Санкт-Петербург Бадиий академияси профессори Георгий Лазаревич Чепец С.Абдуллаев асарлари ҳақида шундай деган эди: “Бу рассомнинг асарларини ниҳоятда диққат билан томоша қилиш керак ва томошабин кўз олдида уйғун киёфали одамларнинг ажойиб дунёси намоён бўлади”¹³⁸.

“Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро Ҳиротда” асари¹³⁹. “Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро Ҳиротда” асари С.Абдуллаев томонидан 1991 йили яратилган эътиборли картиналардан бири ҳисобланади, у XX аср охири – XXI аср бошида Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъатнинг тарихий жанрида яратилди. Рассомни бу тарихий шахсларнинг маънавий ҳаёти қизиқтириб қолди ва буни у ўз асарида акс эттирди. Ҳирот ҳуқумдори Ҳусайн Бойқаро шеърлар ёзиш билан шуғулланганлиги шахарнинг бутун маданий ҳаётида ўз изини қолдирди. Ҳирот шахрида ҳовузлар, гулзорлар ва узоқ мамлакатлардан олиб келинган ноёб дарахтлардан иборат боғдорчилик маданиятини ривожланганлиги боғ маданиятини ривожлантириш имконини берди.

Рассом “Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро Ҳиротда” асарида бу муҳитдаги икки шоир, икки яқин дўстларни тасвирлайди. Картинада томошабин салқин ҳовузли майдон ёнидаги кенг майсазорда оҳиста қадамлаб суҳбатлашиб кетаётган икки кишини кўради. Улардан бири буюк шоир, “Хамса” муаллифи Алишер Навоий, бошқаси ҳуқумдор, шоир ва саркарда Ҳусайн Бойқаро. Алишер Навоий узун чопонда, бошида кичироқ салла билан тасвирланган.

¹³⁷ Волков Н.Н. Композиция в живописи. – М.: «Искусство», 1977. с. 24.

¹³⁸ Ахмедова Э.Р. Предисловие к альбому С.Абдуллаева. – Т., 2006.

¹³⁹ Маматов У. Произведения исторического жанра изобразительного искусства Узбекистана, художников Сагдуллы Абдуллаева и Азизы Маматовой. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://gisap.eu/ru/node/941>

Қора кўзларида ақл ва эзгулик зоҳир бўлган. Унинг нигоҳи баланд кўтарилган қўлларида ушлаб турган шеърӣ тўплам бўлса керак кичикроқ китобга йўналтирилган. Унинг ёнида худди шундай оҳиста ва бир текисда ҳаракатланаётган Ҳусайн Бойқаро. Ҳирот ҳуқумдори очроқ рангли шоҳона либосда. Оқ кўйлақ устидан чиройли букламли енгсиз тилла рангли чопон кийган. Чопон устидан қимматбаҳо тошлар билан безатилган қимматбаҳо металдан ингичка камар тақиб олган. Ўнг қўлининг бош бармоғи камарга қўйилган. Бошқа қўли эркин ҳаракатда. Ҳусайн Бойқаронинг юзи нозик муғулча тузилган. Юзлари сезгир ифодаланган. У ўзининг маслаҳатчиси ва дўстининг шеърини диққат билан тинглапти.



С.Абдуллаев. “Алишер Навоӣ ва Ҳусайн Бойқаро Ҳиротда”. 1991 йил.

Картинанинг ўнгидаги бино олдида баланд тераклар тасвирланган. Мадраса ташқи деворлари кўк рангли сопол плиткалар билан безатилган тилласимон рангда ишланган. Алишер Навоӣ ва Ҳусайн Бойқаро қоматлари дарахтларнинг тўқ яшил фонидан оч тусда кўринади. Мадраса эшигидан пастга, ҳовузга зинапойлардан тушилади. Уларнинг барчасидан илиқлик ва нур таралаётгандек, осмон баланд, ғуборсиз, мовий рангда ва мусиқа эшитилади.

Алишер Навоӣ ва Ҳусайн Бойқаро портретларида рассом шаклларни моделлаштиради ва қоматларни қарама-қарши бурилишда беради, шу билан ҳиссиётларнинг тўлақонлигини ифодалайди. Бундай бадиийлик даражасида рассом миллий ва эстетик идеални, инсон маънавий қадриятлари абадийлигини кўрсатади. Рассом С.Абдуллаевнинг маънавияти шакли умумлашган ҳолда талқин этувчи миллий бадиий анъана билан боғлиқ. Ҳирот ҳуқумдори Ҳусайн Бойқаро яхшигина шоир бўлган ва шеърларини тўплаб девон тузган.

Таниқли сайёҳ Герберт Вамбери Ўрта Осиёда бўлганидан кейин ўз таассуротларини китоб қилиб ёзган, Ўрта Осиё халқларининг урф одатлари ва эътиқоди ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди: “Туркийларда подишоҳдан тортиб деҳқонгача шеърятни яхши кўради ва шеърлар ёзади”.

Рассом С.Абдуллаев яратган Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъатнинг тарихий жанридаги асарлар мазмунли ва яхши ишланган. Улар ёшларни маънавий тарбиясида яхши манба бўла олади. XX аср охирида унинг ижодида янги давр бошланди. Алишер Навоийнинг таваллудига 550 йил тўлиши муносабати билан рассом шоир ҳақида туркум асарлар яратди. Кейинчалик Амир Темур ва унинг даврига бағишланган мавзулар пайдо бўлди. У ўрта асрлар шарқининг адабий ва меъморчилик ёдгорликларини ўрганишни бошлади. Шундай қилиб унинг тарихий жанрдаги асарлари пайдо бўлди. Рассомни тарихий шахсларнинг маънавий ҳаёти қизиқтирди ва у ўз асарларида буни акс эттиришга ҳаракат қилди. Саъдулло Абдуллаев санъатга нисбатан дунёқараши ва шахсий қарашлари шаклланган инсон ҳисобланади.



Ж.Умарбеков. “Етти сайёра ҳукмдори”. 1995 йил.

“Етти сайёра ҳукмдори” асари¹⁴⁰. Жавлон Умарбековнинг катта ҳажмдаги “Етти сайёра ҳукмдори” картинаси XX аср охири - XXI аср бошларидаги Ўзбекистон маданиятидаги тарихий жанр тасвирий санъат асарлари қаторига киради. Бу асар ЎЗР ФА тарихи давлат музейида сақланади. Рассом буюк одамлар ҳақида асарлар туркумини яратаётиб энг аввало, Амир Темур шахсияти, унинг буюклиги, унинг атрофидагилар ва даврига тўхталди. Рассом у ҳақида асар яратишга тайёр эди, негаки у аввалги картиналари туфайли тажриба тўплаган эди. Унга мавзу тушунарли эди ва у оддийгина тарихий жанрдаги портретни эмас, балки ўша давр, одамлар, воқеаларни тасвирлашни хоҳлади.

Амир Темурнинг ташқи кўриниши Ҳиндистонда ҳиндларга, Эронда эронликларга, Мўғилистонда мўғилларга ўхшатиб ишланганлиги учун Ж.Умарбеков унинг қиёфасини қандай ишлашни узоқ уйлади, рассом Соҳибқирон тахтда ўтирган ҳолатидаги хитой миниатюра тасвирини топиб олади.

Бу миниатюрада Соҳибқирон тўғрироқ ишланган деб ҳисоблади. Бу портрет Амир Темурга ўхшаш бўлиши мумкин, негаки хитойликлар одамларни ўзига ўхшатиб тасвирлай олишарди. Хитой мусаввирлари ишлаган Чингизхон ва Боту портретлари шундай эди. Айнан шу миниатюрадан Ж.Умарбеков Амир Темур портретини ишлади. Ж.Умарбеков асарда ҳукмдор билан бирга унинг атрофидаги яқинларини ва бўлиб ўтаётган воқеаларни кўрсатиб берди. Рассом унинг ёнида тўрт ўғлини тасвирлади. Улар йиғма образ бўлиб қолди.

¹⁴⁰ Маматов У. Властелин семи планет и Амир Темур в мировой истории. / Сборник научных статей: Ўзбекистон бетакрор маданий ёдгорликлари: муаммолар, ечимлар ва истикболлар. Государственный Музей Истории Узбекистана АН РУз. Ташкент, 2012. с. 150–154.

Улар йилнома, тарихий ва адабий манбалардан олиб чизилди. Композициянинг олтин кесишувида узунасига чапдан ўнгга қараб куфи услубидаги араб ёзувида “Куч адолатда”, деб ёзиб қўйилди.



Ж.Умарбеков. “Етти сайёра ҳукмдори”. 1995 йил. Лавҳа.

Асарнинг ўнг қанотида испан элчиси бошчилигида турли мамлакатлар элчилари жойлаштирилди. Бу ерда миллий кийимларда Юнонистон, Эрон, Россия, Ироқ, Мўғилистон каби мамлакатларнинг элчилари кўрсатилди. Картинанинг ўнг қанотида ҳуқумдор қабулида ҳозир бўлган олимлар, шоирлар, рассомлар ва мусикачилар тасвирланди. Энг аввало кейинчалик “Самарқандга саёҳат” китобини ёзган ва Амир Темур томонидан қабул қилинган испан элчиси Гонсалес де Клавихо тасвирланди. Бу китобдан кўпгина мамлакат аҳолиси Амир Темур ва унинг даври ҳақида хабар топди.

Асарнинг юқоридан чап бурчагида саркарда тамғаси босилган байроқларини кўтариб ҳуқумдорнинг отлиқ ва туя минган шахсий қўриқчилари турибди. Амир Темурнинг боши устида иккита фаришта учиб юрибди, улардан бири тарози, бошқаси ханжар ушлаб олган, бу адолат ва куч рамзидир. Асарнинг пастки марказ қисмида Амир Темурнинг маънавий устози Саид Барака тасвирланган. У бирор ишни бошлашдан аввал доим ўз устози билан маслаҳатлашиб оларди. Этнографик материални (кийим, қурол, бош кийимлар) рассом миниатюралардан ўрганди, баъзан ўзи ҳам қўшиб қўйди. Манбалар турлича бўлган.

Амир Темур ўзининг “Тузуклари”да жамият тарихида асосий ўрин тутган ва тарих яратувчиси бўлган инсон омилини етакчи ўринга қўйган. Хусусан, ҳукмдор шундай деган эди: “Ҳар бир шахсга унинг феъл-атвори ва у ҳақидаги тасаввурларга қараб муомала қилдим”.



Ж.Умарбеков. “Етти сайёра ҳукмдори”. 1995 йил. Лавҳа.

Тасвирий санъат ва унинг бошқа турларидаги асарларда шакл ва мазмун бирлиги катта аҳамиятга эга ва унинг таркибий қисмлари бу birlikни ташкил этади. Мазмун ва шакл элементлари бир-бири билан боғлиқ, бир-бирига тобе ва рассом ғояси билан белгиланади. “Композиция шакллари бутун композиция алоқаларини бир боғламда турувчи маънони ифодалаш учун айрим асарда мавжуд бўлади. Бир бутун маъно ранг, чизиқлар, макон, ҳаракат, ҳаракатдаги қоматлар жойлашувидан иборат айрим нигоҳий маълумотларга айлантиради”¹⁴¹.

Ж.Умарбековнинг “Етти сайёра ҳукмдори” асари бу барча талабларга жавоб беради. У рассом ижодига мансуб бўлган ёрқин асарлардан бири ҳисобланади. “Таниқли ўзбек маҳобатчи рассом Чингиз Ахмаровнинг тасвирий санъати Ж.Умарбековнинг услубий йўналишини белгилаб берувчи манба бўлиб қолди. Қадимий шарқ маданияти билимдони Чингиз Ахмаров шахсияти, унинг миниатюрага монанд темпера рангтасвирининг ўзига хослиги ёш рассомга таъсир қилмаслиги мумкин эмас эди”¹⁴².

¹⁴¹ Волков Н.Н. Композиция в живописи. – М.: «Искусство», 1977. с. 11.

¹⁴² Умаров А. Проблема искусствознание Узбекистана. – Т.: «Фан», 1997. с. 174.

Ж.Умарбековнинг “Етти сайёра ҳукмдори” асарида, нафақат қабул маросими кўрсатилади, балки Ўрта Осиёнинг ўрта асрлар руҳи ва маданияти ҳам номоён бўлади. У рассомнинг ҳам миллий мактабнинг лисонини, ҳам Ғарбий Европа реалистик мактаби усулларини эгаллаганлигидан дарак беради. Бу тарихий асарда нафақат ҳукумдор Амир Темур ва унинг даври кўрсатилади, балки ундаги кўплаб персонажларнинг руҳияти ифодалаб берилади. Ўрта Осиё тасвирий санъати хусусиятларини очиб ўзбек рассоми Ж.Умарбековнинг тарихий жанрдаги асарларидаги безакдорлик моҳиятини тушуниш имконини беради.



Ж.Умарбеков. “Етти сайёра ҳукмдори”. 1995 йил. Лавҳа.

“Етти сайёра ҳукмдори” асарида рассомнинг европача реалистик рангтасвир таъсир қилган ижодининг узлуксиз ижодий жараёни қонуниятини тушуниш имконини беради. Умумлашма рамзлар ва образлар яратиш билан боғлиқ мураккаб вазифа турар эди, аммо бу иқтидорли рассом доим ўз композицион ечимини топа олди. Унинг композициядаги ранглар билан боғлиқ изланиши маконий тўхтама келиб тақалди. “Ж.Умарбеков ўзгачалиги билан ҳайратга солади, Ўрта Осиё табиатига хос бўлган ёрқин ва илиқ ранглардан фойдаланади, бу тўғридан тўғри аниқ композицияда реалистик муҳитни яратади”¹⁴³. Асарни ишланишидаги тасвирий лисон ҳақида гап кетганда, бунда композиция учун безакдор юза танланган, негаки у Давлат тарих музейининг биринчи қаватидаги холл деворини безаб турибди.

¹⁴³ Умаров А. Проблема искусствознание Узбекистана. – Т.: «Фан», 1997. с. 174.

Иккинчи каватда ҳукмдор Амир Темур ва унинг даврига бағишланган экспозиция бор. Рассом Ж.Умарбеков асарининг тасвирий лисони ишланиши тарзига кўра аввалги асарлардан фарқланади. Унинг шакл ва ранг, композициялар беазаги соҳасидаги ижодий изланишлари рассомнинг ғайрат билан интилишлари, унинг ижодий индивидуаллигига яқин. “Етти сайёра ҳукмдори” асари бунга мисол бўлади. Ўзбекистон маданиятидаги тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарларини яратишда ғоявий-мавзуий мазмун, композицион, ранг ва тус тўхтами муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам рассомнинг ўз асарини яратиш тарихи ҳақидаги ҳикояси шу тарзда батафсил ёритилди.

“Санойи-нафиса” ижодий уюшмаси. XX аср 80-йиллар охирида “Санойи-нафиса” уюшмаси тузилди, унинг таркибига Т.Болтабоев, Х.Назиров, Ф.Камолов, С.Қорабоев сингари миниатюрachi рассомлар кирдилар. “Улар Олмониянинг Ганновер шаҳридаги “Ўзбекистон павильон – деворий сурат (1991), Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг хорижий меҳмонлар қабули уйидаги деворий сурат (1994), Темурийлар даври тарихи музейидаги Амир Темур ҳукмдорлигига бағишланган деворий сурат (1996), АҚШнинг Вашингтон шаҳридаги Ўзбекистон элчихонасидаги “Буюк ипак йўли” рангли витражи (1999) каби маҳобатли асарлар яратдилар.

Деворий сурат тилларанг билан безатилган гумбаз ва зални ёритувчи маҳобатли биллур қандил, мрамор лавҳга қўйилган Қуръон билан уйғунлашиб кетган. Деворий сурат марказида ҳукмдор Амир Темур ўғиллари даврасида тахтда ўтирибди. Деворий суратда қўшин бошлиқлари, элчилар, дин арбоблари, маданият ва санъат арбобларини тавсирланганлиги унинг буюк яратувчанлик сиёсатидан дарак беради. Санъатшунос олим Шоҳалил Шоёқубов шундай ёзади: “Замонавий миниатюрани мамлакатимиздаги бадиий жараён тараққиётидан айрича ўрганиб бўлмайди. Ўзбекистон миниатюрachилари Россиядаги Палех, Холуй ва Федоскино тасвирий санъати миниатюра рангтасвири марказлари билан алоқани сақлаб қолдилар. “Санойи-нафис” ижодий уюшмаси халқ анъанавий миниатюра мактаблари манбаларидан илҳомланди.

Бу композициялар безак услубларида ва рангларнинг мафтункорлигида намоён бўлди. Ҳамид Сулаймоновнинг Алишер Навоий адабий ижодига бағишланган асарлари “Санойи-нафиса” уюшмаси аъзоларини илҳомлантирди. Уларнинг асарларидаги безак услуби рассомлар Камолиддин Беҳзод яратган Ҳирот миниатюра мактабида яратилган асарларни ўрганганлигидан дарак беради.

Буларнинг барчаси ёш рассомларга ўз ижодий вазифаларини амалга оширишларига имкон беради. Бу иқтидорли рассомлар ўз ижодида йирик, маҳобатли, деворий суратларида миниатюра услубини қўллаш бошладилар. Маҳобатли рангтасвирда бу усуллар ва методларни қўллашни улар ўз устозлари ҳисобланган тасвирий санъат устаси Чингиз Ахмаров тавсия қилган эди. Академик тадқиқотчилар Г.Пугаченкова, А.Ҳакимов таъкидлаганидек, Амир Темурнинг Самарқанд шаҳрида қурдирган саройлар шу услубда деворий суратлар билан безатилган”¹⁴⁴. 90-йиллар ўрталарида Тошкент шаҳрида ЎЗР ФА Темурийлар даври тарихига бағишланган музей қурилди. Бу бино ичида “Санойи-нафиса” уюшмаси рассомлари 200 квадрат метр хажмдаги маҳобатли деворий сурат яратди. Деворий сурат тилларанг қўшилган темперада левкасни юзасида ишланди. У асосий кириш эшиги рўпарасидаги марказий деворга ишланди ва у “Туғилиш”, “Кексайиш” ва “Мерос” деб номланган уч қисмдан иборат бўлди.

¹⁴⁴ Қурбонов И.А. Санойи нафис гуруҳи ижодий фаолияти. Малакавий битирув иши. 2017. б. 18.

“Санойи-нафиса” рассомлар ижодий уюшмаси ташкил этилганидан буён самарали йўлни босиб ўтди. Агар уларнинг ижодига эътибор билан қаралса, уларнинг санъатини умумий услуб, мавзу бирлаштириб турганлигини сезиш мумкин, шу билан бирга улар айнан бир устозлардан касб маҳоратини ўрганганлиги кўриниб туради.



**“Санойи-нафиса” бирлашмаси. Т.Болтабоев, Х.Назиров, А.Камолов, С.Қорабоев.
Темурийлар даври тарихи музейидаги Амир Темур ҳукмдорлигига
бағишланган деворий сурат. 1996 йил.**

Рассомлар ўз ижодида жаҳон тасвирий санъатининг илғор тамойилларига мурожаат қилиб, уларни эгаллаб, замондошларининг Ўзбекистон маданиятидаги ўзбек тасвирий санъати ҳақидаги тасавурларини кенгайтиряпти. Уларнинг тарихий шахслар образларидан иборат асарлари маданият тараққиётига ҳисса бўлиб қўшилди. Уларнинг кўпчилиги юксак касб маҳорати даражасида ишланган ва музейлар ҳамда галереяларда намоиш этиляпти.



3.3. Тасвирий санъатда Амир Темур ва темурийлар давридаги буюк шахслар образлари

XX аср иккинчи ярми ва XXI аср бошларида Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъатда тасвирий санъат усталарининг мўйқалами ва дастларига тегишли бўлган тарихий жанрдаги бир қатор асарлар пайдо бўлди. Ж.Умарбеков ишлаган “Онгли инсон” асари ана шуларга мисол бўла олади (1980). Таниқли ҳайкалтарош Илҳом ва Камол Жабборовлар “Суворий Амир Темур” бронза ҳайкалини ишладилар (1993). Таниқли ҳайкалтарош Жалолиддин (Равшан) Миртожиев “Алишер Навоий” бронза ҳайкалини яратди, у Москва шаҳрида ўрнатилди (2000).

Ҳозирги кунларимизда И. ва К.Жабборовлар, Ж.Миртожиев, К.Раҳматуллаев, Т.Тожиҳўжаев каби ҳайкалтарошлар тасвирий санъатдаги тарихий жанрда ҳайкалтарошлик асарларини яратдилар. Бу ҳайкалтарошлик асарлари мамлакатимизда кўпгина шаҳарларни безаб турибди, улар ўзида тарихий ҳақиқатни жамлаган эди, ўзбек халқининг бадиий ва маънавий маданиятининг ажралмас қисми бўлиб қолди.

Тасвирий санъат усталари И. ва К.Жабборовларнинг ҳайкалтарошлик асарлари Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз, Бухоро, Урганч сингари шаҳарларда ўрнатилди. Уларни кенг омма томоша қилиши мумкин бўлди. Ҳар томонлама камолга етадиган инсонларни бадиий-эстетик восита орқали тарбиялаш И. ва К. Жабборовларнинг тарихий асарларининг бош вазифаси ҳисобланади. Улар янги тарихий-тематик ва ғоявий мазмун билан йўғрилган. Бу асарлар томошабинга нафақат ўз халқи, Ватани ўтмиши ҳақида билим беради, балки гўзаллик ҳиссини ҳам уйғотади.

Суворий Амир Темур ҳайкали¹⁴⁵. Ҳайкалтарош **Илҳом Жабборов** 1970-йиллардан буён фаол ижод қилиб келяпти. Санъаткор 1945 йил 30 июнда Фарғона водийсидаги Чуст шаҳрида туғилди. У 1960 йили 7 йиллик мактабни тугатгач, П.П.Беньков номидаги рассомлик билим юртига ўқишга кирди. Бу ерда ҳайкалтарош Ф.И.Грешенко устахонасида шуғулланди. Рассомлик билим юртини тамомлагандан кейин И.Жабборов Наманган драматик театрида бир неча йил ишлади ва 1966 йили А.А.Островский номидаги театр ва рассомлик институтининг ҳайкалтарошлик бўлимига ўқишга кирди.

Илҳом Жабборов, Ленинграддаги И.Е.Репин номидаги рассомлик институтида яхши таҳсил олган ва И.Жабборов ўқиётган пайтда, Ўзбекистонда таниқли ҳайкалтарош бўлиб қолган рассом-педагог Анвар Аҳмедов устахонасида таҳсил олди. Институтда И.Жабборов яхшигина қаламтасвир мактабини ўтади. Тасвирий санъатда қалам тасвир бўлажак асарнинг асосини, пойдеворини ташкил қилади.

1971 йили ҳайкалтарош институтни муваффақиятли тамомлади. Бунда табиийки, унинг устозларининг катта ҳиссаси бор, аммо унинг ўзи ҳам табиатан иқтидорли бўлганлиги учун тинимсиз меҳнат қилди. Ўзбекистон тасвирий санъатининг бу йирик устасининг ҳайкалтарошлик композицияларидаги мавзуларнинг хилма-хиллиги шу билан боғлиқ бўлиши мумкин.

¹⁴⁵ Маматов У. Эпоха Темуридов: проблемы и исследования. / Сборник научных статей: Таниқли ҳайкалтарош – Илҳом Жабборовнинг Амир Темур ҳайкали ҳамда бошқа бадиий ёдгорлик ҳайкаллари хусусида. Государственный музей Темуридов при АН РУз. 2014. с. 222–225.

Муаллифнинг ҳайкалтарош билан 2010 йил 25 октябрда бўлиб ўтган учрашувида, санъаткор шундай деган эди: “Амир Темури инсон омилини биринчи ўринга қўйди. У ўзининг “Тузуқлари”да шундай ёзган эди: “Мен ўз ўғилларим ва невараларимдаги ўз қонимни ҳурмат қилдим, уларнинг ҳаёти ва эркинлигини бўғмадим. Тақдир ўйинларидан олган тажрибам менга дўстларим ва душманларим билан қандай муносабатда бўлишимни ўргатиб қўйди”¹⁴⁶.



И. ва К.Жабборовлар. “Амир Темури ҳайкали”. 1993 йил.

Санъаткор қуйидагиларни қўшимча қилди: “Амир Темури ҳайкали 1993 йили бронзадан қуйилди. У Шарафиддин Али Яздий, Ибн Араб Шоҳ ва Хондамир сингари йилномачиларнинг ҳужжатли материаллари асосида яратилди. Бронза ниҳоятда мустаҳкам, чиройли ва шакл-шамоил ашё ҳисобланади, ундан маҳобатли ҳайкаллар ясашда фойдаланилади.

Кўтарилган қўлининг ҳаракатлари рамзий ва қуйидаги маънони англатади: “Мен қайтиб келдим ва бу мамлакатга равақ, тинчлик ва гуллаб-яшнашни тилайман”. Муаллиф бу имо-ишорани таниқли италян ҳайкалтароши Микеланжело Буонарроти Римдаги Ватиканнинг “Сикстин капелласи”га ишлаган “Оламини яратилиши” деворий суратидаги Яратувчи қўлининг имо-ишорасига ўхшатиб ишлади.

¹⁴⁶ Маматов У. Эпоха Темуридов: проблемы и исследования. / Сборник научных статей: Таниқли ҳайкалтарош – Илхом Жабборовнинг Амир Темури ҳайкали ҳамда бошқа бадиий ёдгорлик ҳайкаллари хусусида. Государственный музей Темуридов при АН РУз. 2014. с. 222–225.

XX аср охирида Тошкент шаҳрида ҳайкалтарошлар И. ва К.Жабборовлар яратган ҳукмдор Амир Темурнинг ҳайкалини XVIII асрда Санкт-Петербург шаҳрида француз ҳайкалтароши Фальконе яратган “Мис чавондоз – Пётр биринчи” ҳайкали билан солиштириб, ҳар иккала ёдгорлик улкан бадиийлик хусусиятига эгаллигини таъкидлаш лозим.

Ҳайкалтарош Фальконе сўзлари билан шундай дейиш мумкин: “Бу қахрамон (Пётр биринчи) ҳайкали ҳам саркарда, ҳам ғолиб сифатида талкин этилган, албатта у ҳар иккала хусусиятга эга бўлган. Ҳайкалда яратувчи, қонунчи, ўз юртини ҳимоячиси шахсияти юксак даражада ифодаланган”¹⁴⁷. Бу ёдгорлик жаҳон маданияти даражасидаги ҳайкал ҳисобланади.

И.Жабборовнинг таъкидлашича, ҳайкал яратиш фикри темурийлар даврига оид йилномалардаги маълумотларни ўрганиш чоғида пайдо бўлди. Шунингдек италян ҳайкалтароши Андреа Дел Вероккио XV асрда Флоренцияда яратилган “Дож Коллеони” ва “Дож Гатта-Мелатта” отлиқ ҳайкаллари ҳам ўрганилди. Таниқли рус олими Михаил Алпатов бу ажойиб ҳайкаллар ҳақида шундай ёзади: “Вероккионинг (1436-1488) Дожлар Гатта-Мелатта ва Коллеони ҳайкаллари таниқли ҳайкалтарошлик ёдгорликлари ҳисобланади, улар антик давр ҳайкаллари эслатади, Коллеони ўтирган от эса ўзининг назокати ва тузилишига кўра инсон кўли билан ясалган энг яхши отлардан дейиш мумкин”¹⁴⁸.

И.Жабборов давом этди: “Жаҳон амалиётида ҳайкаллар бир неча босқичда яратилади. Дастлаб лойиҳа қораламаси чизилади, сўнгра ишчи нусҳаси лой иншоот ҳажмида ҳайкал яратилади. Асарга шакл берилади ва бронзадан қуйилади. Шунинг учун Амир Темур ҳайкалини бир-икки йилда яратиш ва умумий сарфланадиган муддатдан истисно ҳисобланади”¹⁴⁹.

Ҳайкалтарошлар И. ва К. Жабборовлар учун шундай қисқа муддат берилган эди. Улар бу вазифани ўз вақтида бажардилар. Ёдгорлик мамлакатда ягона ҳисобланади. Отнинг жадал ҳаракати суворийнинг кўл ҳаракати билан тўхтатилган, ўнг кўлининг ғайратли ва таъкидловчи ишораси ишончли чиққан.

Амир Темурнинг 660 йиллик юбилеи муносабати билан ҳайкалтарошлар И. ва К.Жабборовлар Самарқанд ва Шаҳрисабз шаҳарларида унга бағишланган ҳайкаллар ўрнатдилар. Самарқанд шаҳридаги ҳайкалда Амир Темур тахтда ўтирган ҳолатда саркарда ва яратувчи ҳислатларини ўзида жамлаган. Бу ҳайкал тасвирий санъат устаси Малик Набиев 1994 йили ишлаган Амир Темур портрети асосида яратилди. Амир Темурнинг юрти Шаҳрисабзда соҳибқирон бақувват ва серғайрат кўринишида тасвирланди. Ҳукмдор тарихий воқеалар гирдобидида тургандек тасаввур уйғотади.

Тасвирий санъат усталари томонидан яратилган тарихий жанрдаги кўпгина асарларнинг ғоявий-мавзуий мазмунидан олинган, ўтган асрларда яшаб ижод қилган буюк шахслар ҳақидаги халқ тарихи, унинг ёзма ва оғзаки ижодига асраб авайлаб муносабатда бўлиш Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъат тарихий жанрининг истиқболдаги ривож учун муҳим ҳисобланади. Илҳом ва Камол Жабборовлар ўз асарларига шарқона маънавий ва моддий-маданий қадриятларни ўзида жамлаган Марказий Осиё ҳайкалтарошлик санъатининг бадиий мероси элементларини олиб кирдилар. Аммо маданий-маърифий мақсад бу рассомлар ижодидаги тасвирий санъатнинг бош мазмуни бўлиб қолди.

¹⁴⁷ Ахмедова Э.Р., Габидулин Р. Культурология мировая культура. – Т., 2001. с. 191.

¹⁴⁸ Алпатов М. История искусств. VEB. Verlag der kunst. Dresden. с. 48.

¹⁴⁹ Умаров А. Ўзбекистон санъати. – Т.: “Шарк», 2001. с. 26–27.

Тасвирий санъат устаси **Ж.Миртожиев** яратган ҳайкалтарошлик ёдгорликлари¹⁵⁰. Франциялик таниқли ҳайкалтарош Ж.А.Гудон шундай деган эди: “Ўз Ватани шухрати ва шаъни учун хизмат қилган кишилар образининг ҳаққоний хусусиятларини сақлаб қолиш ҳайкалтарошликдек мураккаб санъатнинг ажойиб хусусиятларидан бири ҳисобланади”¹⁵¹. Замонавий шакл-шамойилда илғор ғоялар ва тарихий-тематик жанрни эгаллаш жараёни ХХ охири ва ХХІ аср бошларида айниқса яққол кўринди.




Жалолиддин (Равшан) Миртожиев. “Мирзо Бобур ҳайкали”. 1993 йил.

Ўзбекистон Мустақилликка эришганидан кейин тасвирий санъат устаси Жалолиддин (Равшан) Миртожиев ижоди гуллаб-яшнади. Санъаткор қисқа вақт – чорак аср давомида 1990-2015 йиллари буюк аجدодларимизнинг тарихий портретлари галереясини яратди ва уларни нафақат мамлакатимизда, балки узоқ хорижий давлатларда ҳам ўрнатди. 2014 йили нашр этилган ижодий асарлардан репродукциялар каталогидаги муқаддимада ҳайкалтарош – психологик портрет устаси шундай ёзади: “Болалик пайтимда мен қадимги римликлар ясаган ҳайкалтарошлик репродукциясини кўриб қолганман. Кейинчалик ўз ҳаётимни ҳайкалтарошлик санъатига бағишлашга қарор қилдим. Бу қарор мақсадга айланди ва ҳаётимнинг мазмуни бўлиб қолди.

¹⁵⁰ Маматов У. Посвящается Памяти Мастера Ваяния, Скульптору Джалолиддину (Равшан) Миртожиеву. / Сборник Тезисов: Наука и культура в эпоху темуридов. Государственный музей Темуридов при АН РУз. 2017. с. 82.

¹⁵¹ Орлова Е.Г. Мастер скульптурного портрета Жан-Антуан Гудон. // Ис-тво. Всё для учителя! №4, 2012.

Ёшлигимда одамлар менга ўзбеклардан ҳайкалтарош чиқмаслиги, менинг интилишим оддий ҳаваскорликдан бошқа нарса эмаслигини таъкидлаган эди. Ўша даврда бу санъат билан шуғулланиш эришиб бўлмайдиган орзу эди. Ўзбекистонинг бирор жойида буюк аждодларимиз сиймосини акс эттирувчи ва уларга бағишланган ҳайкалтарошлик асарлари бўлган эмас. Менга Ватаним Мустақиллигини кўриш, халқимизнинг буюк тарихи ва бой маданий мероси борлигини ҳис қилиш бахти насиб қилди. Буюк аждодларимиз ҳайкаллари баъзи жаҳон маданият ва маърифат марказларида ўрнатилди, энг муҳими бунда менинг камтарона меҳнатим ҳам бор”¹⁵².



Жалолиддин (Равшан) Миртожиев. “Мирзо Улуғбек ҳайкали”. 2004 йил.

1993 йили яратилган Мирзо Бобур ҳайкали ҳайкалтарош ижодий фаолиятига тегишли бўлди. Санъаткор уни Андижон шаҳридаги Бобур боғига ўрнатди. Ҳайкал маҳорат билан отда ўтирган суворий тасвирланган мамлакатимиздаги ёдгорлик ҳисобланади. Ҳайкал шакlining классик софлигини, услубнинг қатъийлигини, бетакрорлигини акс эттирди. Айни пайтда ҳайкалга қайси томондан назар ташланмасин, ўзининг образли тузилишининг ўзгачалиги билан ҳайратга солади. Мирзо Бобурнинг хилпираётган ридоси қоя устидаги мамлакат рамзи бўлган гумбазли ва аркали бинолар билан тутшиб кетган.

¹⁵² Альбом. Равшан. – Т.: «Шарк», 2014.

“Мирзо Улуғбек” асарида Ж.Миртожиев аجدодлар хотирасини шарафлаш ва абадийлаштириш принципларига амал қилган. 2004 йили “Мирзо Улуғбек” ҳайкал ёдгорлиги Рига шаҳрида ўрнатилиб уни Ўзбекистонинг Биринчи Президенти И.А. Каримов очиб берган эди ва бу асарда ўз ҳаётини фанга бағишлаган олимнинг унга бўлган садоқати ғояси ифодаланган.



Жалолиддин (Равшан) Миртожиев. “Алишер Навоий ҳайкали”. 2004 йил.

Ҳайкал кўримли ишланган. Ҳайкалда Мирзо Улуғбекнинг боши эътиборни тортади. Осмон узра виқорли қарайдиган, ўз мақсади йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган ва келажак ҳақида ўйлайдиган инсон шундай қараш қилиши мумкин, унинг эзгу мақсади асрлар давомида ўз тасдиғини топиб келяпти. Олим танасининг катта ва кичик шакллари, либоси букламлари ҳайкалтарош иқтидорининг юксалиб бораётганлигини кўрсатиб берди. Санъаткорнинг Мирзо Улуғбек шахсиятига бўлган чуқур эҳтироми ижодий тафаккур парвозида ифодаланди. Ҳайкал Рига шаҳри фуқаролари ва Латвия халқига эҳтиром белгиси бўлиб қолди.

Ўзбекистон тасвирий санъат устаси Жалолиддин (Равшан) Миртожиевнинг лойиҳаси ва қораламалари бўйича “2017 йил 14 мартда Шанхай университетиде буюк ўзбек маърифатпарвар шоири, давлат арбоби ва халқпарвар Алишер Навоийга ҳайкал ёдгорлиги очилди.

Лойихани Хитой ҳайкалтароши Е.Цин яқунлади. Ҳар йили 9 февраль куни бутун жаҳон афкор оммаси, бутун прогрессив инсоният ўзбек халқининг шонли фарзанди Алишер Навоийнинг туғилган кунини тантанали нишонлайди. Негаки унинг асарлари тинчлик, дўстлик, биродарликни қадр қиладиган барча инсонларнинг мулки бўлиб қолди. Халқпарварлик, бағрикенглик, эзгулик, Ватанпарварлик, инсонпарварлик, адолатпарварлик ғоялари буюк шоир ижодининг моҳиятини ташкил этади. У ўз асарларида бу ҳислатларни юксак қадрият даражасига кўтарди”¹⁵³.

Мустақиллик йиллари тасвирий санъат устаси Ж.Миртожиев бронзадан Алишер Навоий ҳайкаллари ишлади ва жаҳондаги бир неча давлатларнинг пойтахтларида ўрнатди. 2002 йили улардан бири Ўзбекистон ҳукумати томонидан Москва шаҳрига тортиқ қилинди. Алишер Навоийга бағишланган иккинчи ҳайкал 2004 йили кун чиқар мамлакат пойтахти Токиода, 2008 йили эса Озарбайжон пойтахти Боку шаҳрининг майдонларидан бирида ўрнатилди. Иқтидорли ижодкор бўлган Жалололдин (Равшан) Миртожиев бу ёдгорликларни катта меҳр билан яратди, уларда бутун гўзалликни мадҳ этди, булар қадимги ва замонавий аждодларимиздан мерос сифатида асраб авайланмоқда.

Булар ўз ижодий меҳнати туфайли буюк тарихий шахслар бўлиб қолган ва ўз Ватани маданияти ва фанига катта ҳисса қўшган халқимиз фарзандларига хотира кўшиғи бўлиб қолди.

“Шоҳ Бобур Мирзо (Армон)” портрет-картинаси¹⁵⁴. Рассом Азиза Маматованинг от миниб турган ҳолатидаги Бобур Мирзога бағишланган асарларидан бири “Армон” деб номланди. Рассом ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, ҳукмдор, шоир ва саркарда Шоҳ Заҳриддин Муҳаммад Мирзо Бобурнинг образини яратди. Картина ҳам деворий ҳам маконий жиҳатдан яхши яратилган. Асар тантанавор портретларидан бири ҳисобланади, шоҳ араб отида ўтирибди. Асар мой бўёқда ишланган.

Картинада Мирзо Бобур ўзи ёқтирган либосда тасвирланган. Унинг эгнида энги калта тилларанг камзул, унинг тагидан тўпифигача тушиб турадиган узун қизил шойи кийим кийилган. Камзул сахнига жигаранг қизил рангда оху – кийиклар тасвирланган. Бошида яшил чизиқли матодан енгил шойи салла бор, унга қизил ёқут қадалган, салла боғлами учлари чиройли буклам ҳосил қилиб шамолда хилпираб турибди.

Оқ отнинг ёли ва думи чопаётганлиги учун шамолда учаётгандек. Отнинг катта қора кўзлари томошабинга боқади. Бундай от билан ҳар қандай жангга кириш мумкин. У ўз хожасини жанг майдонидан гард юқтирмай олиб чиқади. Бу ҳақиқий жангговор от. Отнинг олд туёқлари олдида кичикроқ тилларанг кушча учиб кетаяпти. Мирзо Бобур унинг учишини ҳавас билан кузатаяпти. Мумкин, у қачонлардир Ватанида ўтган бахтли онларини эслаятгандир. Бобурийлар авлоди империяси асосчиси кенг тиконлар ўсиб ётган далада тасвирланди, у ер бу ерда тикон гуллари кўриниб турибди. Бу тиконлар Мирзо Бобурга унинг нотекис йўллари эслатаётгандир. Аммо у отда ўтирар экан ўзининг кучли қўллари билан унинг тизгинидан маҳкам ушлаб турибди. Узоқ уфқда Мирзо Бобур ўз одамлари ва аскарлари билан ошиб ўтган қорли тоғ чўққилари кўриниб турибди.

¹⁵³ Мирная И. Народное слово. Памятник Алишеру Навои в Шанхае. [Эл.ресурс]. Режим доступа: <http://www.narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/madaniyat/item/9142-pamyatnik-alisheru-navoi-v-shankhae>.

¹⁵⁴ Маматов У. Произведения исторического жанра изобразительного искусство Узбекистана, художников Сагдуллы Абдуллаева и Азизы Маматовой. [Эл.ресурс].Реж.дос.: <http://gisap.eu/ru/node/941>



А.Маматова. “Шох Бобур Мирзо (Армон)”. 2017 йил.

Тоғ чўққиларининг ўнг томонида мовий гумбазли қизғиш пишиқ ғиштдан қурилган бино кўзга ташланади. Тўқ кўк рангли осмонда аскарлар ва шоирнинг доимий йўлдоши бўлган ярим ой тасвирланган. Мирзо Бобурнинг олтин рангли ридоси шамолда ҳилпирайди. У худди ўз оти билан сайрга чиққандек қуролсиз. Унинг юзидан нур ва маъюслик таралиб турибди.

Ўзбекистон халқ шоири Раим Фарходий билан интервьюда рассом шундай деган эди: “1995 ва 1996 йиллари мен учун Шох Бобур Мирзо йиллари бўлди. Унинг ажойиб ҳаётига бағишланган бир қатор асарлар ишладим. “Бобуршоҳнинг ойли тундаги портрети” асарининг варианты ўрнатилган молберт ёнида, кичик хонтахта устида “Бобурнома” китобига ишланган қадимий шарқона миниатюра альбоми ва буюк шоирнинг кўп бора ўқилган китоби турибди. “Ҳатто тажрибали тарихчи Хондамир ҳам Бобур билан учрашганда ўзини йўқотиб қўярди. Унинг фикрлари қанча тўғри бўлса, шунчалик иккиланиш ҳам: “*Алишер Навоий ва Хусайн Бойқаро билан рўй берган ҳодиса Бобурнинг юрагида акс-садо берган эди*”¹⁵⁵.

¹⁵⁵ Кадыров П. Бобур (Звёздные ночи). Два крыла творчества. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.litmir.me/br/?b=234059&p=1>

“Бу китоблар менга шоир ва ҳукмдор Мирзо Бобур ҳақидаги ижодий ниятларимни амалга оширишга ёрдам беради. Улардаги шеърлар ва насрни ўқиб шарқона миниатюраларнинг икир-чикирларигача кўриб чиқиб, ўзим ният қилган образ фикримни чўлғаб, юрагимда яшаб, матога тушгунича ўз услубимни қидираман. Назаримда, шунинг учун ҳам шоир ҳақида туркум асарлар пайдо бўлди. Ҳар бир туркум асарда у ёки бу даражада Шоҳ Бобурнинг Ватан соғинчи ҳақидаги ўйлари акс эттирилган”.

Юртимиздаги адабиётда Ватанга бўлган муҳаббатни, эркин фикрлиликни Шоҳ Бобурчалик тасвирланган ижодкорни кўриш душвор. Фарғона водийсидаги Андижонда туғилган бўлсада, у Ватанидан йироқда яшашга мажбур бўлди.

Аммо у ерда ҳам ўзининг бунёдгорлик ишлари билан ўз юртини улуғлади. Ҳозирги Ҳиндистон, Афғонистон ва Покистон ерларидан иборат бўлган катта империяга асос солган иқтидорли саркарда Шоҳ Бобур Қобул ва Дехлида яшар экан у ўз юртини доим эслаб юрди: “*Ўзга юрт авахтадек, у ердаги ҳамма нарса менга бегонадек. Менинг қалбим ўз юртимга интилгани интилган*”.

“Жаҳон тарихига назар” китобида Жавоҳарлал Неру шундай ёзган эди: “Дехли бу империянинг пойтахти бўлиб яна шон-шуҳратга эга бўлди. У (Шоҳ Бобур) дилбар шахс бўлган. У ёзган асарларини эслар эканмиз кўз олдимизда ажойиб инсон намоён бўлади”.

“Мақсадим, - дейди А.Маматова, - портретдаги ўхшашликни эмас (аслида бу ҳам муҳим), балки ички оламларини очиб беришдан иборат бўлди. Негаки улар ҳозирги авлоднинг устозлари ҳисобланади. Фарзандларимиз халқ анъаналари манбалари, уларнинг ўзаги – оила ўчоғидан ажралиб қолмаслиги керак”¹⁵⁶.

“Армон” номли суворий портретини ишланиш рангтасвир техникасини тадқиқ этиш шуни кўрсатадики, Мирзо Бобур асари рангтасвирнинг кўп қатламли эски мумтоз усулида яратилди. Дастлаб канопадан тўқилган кўпол мато саҳни уч қатлам оқ кукун (бўр) қўшилган синтетик елим билан қопланган ва унинг устидан мой-синтетик бўёқ суриб чиқилган. Мато устидан рангли импрематура берилган (бу сафар у илиқ ранг тусида).

Сўнгра асарга шаффоф қоғоз орқали чизилган композиция туширилган ва биринчи суюқ рангли қатлам берилган. Навбатдаги бўёқ қатлами қораламага қараганда очроқ ранг билан ишланган. Мирзо Бобурнинг камзул ва оти шундай чизилган. Асар парчаларини ўрганиш асносида юқори қатлам тагидан сирланган қатлам берилганлиги маълум бўлди. Нима учун пастки қуюқ бўёқ қатлами берилади?

Негаки сирли қатлам берилгандан кейин асар туси тўқроқ бўлиб қолади ва картинага локдан ҳимоя қатлами берилади. Бу билан тус, ранг бирлигига ва мутаносиблигига эришилади. У уйғунлик тасаввурини уйғотади.

Рассом А.Маматованинг кўпгина портрет асарлари шу аснода ишланган. У асарларини яратишда эски мумтоз техника ва рангтасвир технологиясини қўллайди, шу билан асарни узоқ муддат сақланиши таъминланади. “Армон” асари ишланишида ҳам шундай рангтасвир техникасидан фойдаланилди. Илгари отлиқ ҳукмдорлар портретлари миниатюраларда ясси усулда ишланган. Монографияда келтирилган “Армон” асари варианты 2017 йили ишланган. Рассом асари чуқур мазмунли ғоявий-образли тузилишда яратилган ва унда тасвирий-ифодавий воситалар ва ишлаш усули тўғри танланганлиги кўринади.

¹⁵⁶ Фарҳади Р. Портрет Художницы на фоне ее картин. // Народное слово, 1996.

Ўзбекистон тасвирий санъати усталари яратаётган асарлар фундаментал, бир бутун асар кўринишида ишланди. Улар реалистик усулда яратилди ва бошдан охиригача композицион, ранг ва тус тўхтами ўйлаб чиқилди.

Бу асар яратилгунича кўплаб қораламалар ишланди. Уларда касб маҳорати вазифаси ҳал қилинди, лекин асарнинг сўнгги вариантыни ишлаш жараёни ўта ижодий ишга айланиб қолади, бунгача эса бир неча босқичда тайёргарлик жараёни кечади. Иқтидорли композиция ва ранг устаси Михаил Врубель кўплаб қоралама ишлаганига қарамай асосий асарларини яратиш жараёнида кўпгина бўлақларини қайта ва қайта ўзгартирар эди.



Э.Алиев, Н.Бондзеладзе ва В.Дегтярев. “Алишер Навоий ёдгорлиги”. 1991 йил.


“1991 йили Биринчи Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан Ўзбекистон мустақилликка эришган йили буюк аждодимизнинг 550 йиллиги нишонланди, мамлакатда бу йил Алишер Навоий йили деб эълон қилинди. Буюк шоир таваллудининг 550 йиллигига тайёргарлик маъносида унинг ҳайкалини ишлашга танлов эълон қилинди.

Ҳайкалтарошлар **Э.Алиев, В.Дегтярев ва Н. Бондзеладзе** қисқа вақтда лойиҳа тайёрладилар. Ҳукумат комиссияси кўплаб лойиҳалар ичидан уларнинг лойиҳасини танлаб олди. Ҳайкалтарошлар уч ойдан ортиқ модель тайёрладилар, бу оғир иш муддатида тамомланди. 22 метрли ротонда, феруза гумбазни тутиб турувчи саккизта устун Тошкент Миллий боғининг баланд жойига ўрнатилди. Гумбаз остига шоирнинг бронза ҳайкали ўрнатилди. Муаллифлар жамоаси таркибида Э.Алиев ўрта асрларда буюк шоирнинг ҳақиқий образини яратди. Чиройли зинапоялар, гулзорлар, фавворалар ҳайкал атрофини бениҳоя гўзал қилиб юборган. Ҳайкал Ўзбекистон пойтахтининг фахри бўлиб қолди”¹⁵⁷.

¹⁵⁷ Ахмедов С. Самаркандский скульптор из Азербайджана. art San’at. Выпуск №2, 01/07/2012. [Эл. ресурс]. Режим доступа: <http://sanat.orexca.com/2012-rus/2012-2-2/sanat-samarkandskij-skulptor-iz-azerbaj/>

Ҳайкал Тошкент шаҳридаги Миллий боғининг баланд жойига ўрнатилди ва шарқона хусусияти билан ажралиб туради. Саккизта чиройли устун устига икки қаватли карниз, унинг устига мовий гумбаз ўрнатилди, атрофи чиройли боғ билан ўралди. Шоир ҳайкали бронзадан ишланди, унда буюк аллома акс этирилди. Ҳайкал қисмларга ажратилмасдан яхлит ишланди, бу билан у ифодали чиқди. Шоир олдинги қараб интилаяпти, ўнг кўлида ҳасса. Ҳайкал узоқроқдан яхши кўринади. Кўлидаги ҳасса шоирнинг кексалиги ва ижодий меҳнат ва халқ ҳақидаги мурувватга тўла бўлган ҳаёт йўли рамзи бўлиб қолди. Йил бўйи шоирдан миннатдор авлодлар ёдгорлик пойига гулчамбарлар келтириб қўяди.

Бу воқеа мамлакатдаги ўзгаришлар ва яратувчилик ишининг дебочаси бўлиб қолди. 20 йилдан кейин 2011 йили Алишер Навоий номидаги кутубхонанинг янги биноси қурилди, 2016 йили 13 майда эса Ўзбекистонинг Биринчи Президенти Ислам Каримов Алишер Навоий номли Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш ҳақидаги фармонга имзо чекди. У 2016 йил кузда очилди. 2017 йил 23 декабрда давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида капитал таъмирдан кейин университет биноси фойдаланишга топширилди.



А.Раҳматуллаев ва Л.Рябцев. “Мирзо Улуғбек ҳайкали”. 1994 йил.

Энди ҳайкалтарошлар **А.Раҳматуллаев ва Л.Рябцев** яратган Мирзо Улуғбекнинг бронза ҳайкал ёдгорлигини кўриб чиқамиз. У 1994 йили Тошкент шаҳридаги кўпгина илмий-тадқиқот институтлари жойлашган Академиклар шаҳарчасида ўрнатилди. Ҳайкал учун жой ниҳоятда тўғри танланди.

У кичикроқ салқин боғ билан ўралган. Ҳайкал композицияси нозик танланган. Ўтирган ҳолатдаги Мирзо Улуғбекнинг ёнида шар шаклидаги осмон жисмлари рамзий равишда жойлаштирилди. Муваффақиятли топилган бу детал ҳайкал композициясини бойитган ва Мирзо Улуғбекнинг шар устидаги ўнг қўли ишораси ишонарли чиққан. Яхшилаб ишлаб чиқилган либос қатламлари олимнинг оёқ ва қўллари ҳаракатини таъкидлаб турибди. Умуман, ҳайкал маҳобатли кўринади.

Ҳайкалтарошлик санъати натуралистик ва консерватив-академик анъаналарни енгиб ўтиб, янги услубий ва техник йўналишларни эгаллаши керак бўлди. Бу ҳақиқий классика руҳига қайтишни тақозо қилди ва шу билан бирга хорижлик санъаткорларнинг анчайин самарали изланишларидаги тажрибасига таяниш зарур бўлди. Бош ғояни қайта тиклаш йўли билан очиб бериш, кундалик икир-чикирларни рад этиш – бу ёлғон эмас, балки олий реализмдир, жонланган материя ҳис қилинмайдиган бирорга ҳайкал йўқ.


Ҳақалтарошлик санъатида янги давр санъаткорлари ҳайкални атроф муҳит билан уйғунлаштиришга ҳаракат қилаёпти, унинг акси, тебраниши, ёритилганлигини ҳисобга оляпти. Уларнинг ҳайкалтарошлик асарлари давр жиҳатдан ўтмиш ва бугунни қамраб оляпти. Шакл-шамойилнинг ўзини “Жўшқин материя” ёрдамида асар моҳиятини очиш Ўзбекистонлик кўпгина замонавий ҳайкалтарошларнинг ижодий шиори бўлиб қолди.

1995 йили Ўзбекистоннинг тасвирий санъати устаси **Баходир Жалолов** мамлакатимиз тарихи ва маданиятини акс эттирувчи асар яратди. У “Абадийлик гумбази остида” деб номланди. Бу асар ўзига хос маънога эга бўлди, мустақил Ўзбекистон тарихи ва маданиятининг тарихи узвийлиги ва оммалашуви бу асарда ўз аксини топди. Томошабин кўз олдида буюк юртдошларимиз образлари акс этган Ўзбекистон маданиятидаги шоҳона кадрига эга бўлган асар намоён бўлди. Улар бой тарихимизнинг ўзига хос даврларини ифодаловчи саҳифалардир.

Миллий ўзлигини англашни ўз тушунчаси, идроки орқали бериш санъаткорнинг бош вазифаси бўлиб қолди ва буни у муваффақиятли уддалади ҳамда ушбу асарда акс эттирди. Санъаткор шундай деган эди: “Бухоро ва Самарқанд бизнинг маданий меросимиз, мен уларни ўз асаримда миноралар архитектураси ва ўрта асрлар бинолар орқали эмас, балки шахслар образларининг миллий ўзига хослиги орқали талқин қилдим”.

“Авесто”да шундай дейилади: “Эзгу фикр, эзгу иш ва эзгу мақсад инсон ҳаётининг моҳияти бўлиб қолиши керак”, икки ярим минг йилдан кейин XIV асрда суфий Баҳовуддин Нақшбандий бу фикрни қуйидагича изҳор қилади: “Қўлларинг ишда бўлсин, Яратган қалбингда бўлсин”, бу ҳам эзгу фикр ҳисобланади. Турли даврлар ва халқлар мутафаккирлари шундай бир хулосага келадики, бунда инсон ҳаёти инсониятга хизмат қилиш ва уни севишдан иборат бўлиши керак.

Асарда Ўрта Осиёнинг буюк олимлари ва мутафаккирлари образлари тасвирланган. Марказда очиқ ҳолда муқаддас Қуръон тасвирланган. Пастроқда жангвор от минган Амир Темур. Яна пастроқда, асарнинг ўртасида буюк шоир Алишер Навоий Камолитдин Беҳзод ва Мирзо Бобур ўртасида тасвирланган. Гарчи асарда тасвирланган барча олимлар ва мутафаккирлар турли даврларда яшаган бўлсада, лекин асарда улар бир гуруҳ қилиб бирлаштирилган. Уларнинг барчасини фанга ва инсониятга хизмат қилишдек ягона мақсад бирлаштиради. Очиб қўйилган Қуръон барчани ўзининг муқаддас нури билан ёритади. Уларни бутун дунёдаги маърифатли инсоният ҳурмат қилади.



Б.Жалолов. “Абадийлик гумбази остида”. 1995 йил.

“Асар марказида рассом вақт ва муҳитни тасвирлайди. Композиция асосини турли даврлар ва турли маконлар бирлиги ташкил этган. Томошабин уларни бир бутун воқелик сифатида идрок этади. Ўтган асрда рус рассоми В.А.Фаворский шундай ёзган эди: “Санъатда композиция ва композициявийлик таърифларидан бири шундаки, турли давр ва макондаги воқеликни бир бутун ҳолатда идрок этиш, кўриш ва тасвирлашга интилиш сезилади”¹⁵⁸. “Б.Жалолов Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъатда маҳобатли асарлар яратишда илғор ҳисобланади. Унинг моҳирона яратган асарларида академик мактаблар анъаналари, Ғарб ва Шарқнинг бой тафаккури ва эстетикаси уйғунлашиб кетган”¹⁵⁹, - деб ёзган эди академик Акбар Хақимов.

Ўзбекистон мустақиллигига бағишланган бу асар ўзининг ишланишига кўра улуғворлиги ва жиддий, мазмуний, тарихий ҳаққонийлиги билан ҳар қандай томошабинни мафтун қилиб қўяди. Зукко томошабин тарихий синоатларга эга бўлган ўзбек халқи буюк ва қудратли эканлигига яна бир бора ишонч ҳосил қилади. Ўзбекистон халқи маданиятидаги бу тасвирий санъат асарини бир қарашда тўла тушуниб бўлмайди. Албатта, уни қайта-қайта кўздан кечириш зарур.

¹⁵⁸ Волков Н.Н. Композиция в живописи. – М.: «Искусство», 1977. с. 16.

¹⁵⁹ Хақимов А.А. Баҳоҳдыр Джалолов. Альбом-каталог. – Т., 1999. с. 8.

Уни ҳар сафар кўздан кечирганда композицияга сингдирилган ғоянинг янги қирраларини англаш мумкин. Санъаткор Баҳодир Жалоловнинг ижоди шуниси билан қимматли. У ҳамон Ўзбекистон тасвирий санъати ва маданиятига ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Рассомларнинг ўз ижодий устахонасида самарали ишлаши долзарб ҳисобланади. Улар асарларида ўз халқи учун меҳнат қилган буюк тарихий шахслар образларини яратдилар. Психологизм, образларнинг аниқлиги, маҳорат билан ишлаш эстетикаси уларнинг асарларини бошқа тасвирий жанрлардан фарқлаб туради. Улар Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъат феномени ҳисобланади. Феномен ҳисобланган тасвирий санъат тарихий жанридаги машҳур асарлар – бу тарихий мазмунга эга бўлган ва санъаткорларнинг ижодий меҳнати билан яратилган аниқ ашёлардир.



Б.Жалолов. “Абадийлик гумбази остида”. 1995 йил. Лавҳа.

Уларни тасвирий санъат асари сифатида тан олинishi ва ижобий идрок этилиши уларнинг афзаллиги ва кўплаб ўнйилликлар давомида мутахассислар томонидан таъкидланишига боғлиқ. XXI аср маданиятидаги тасвирий санъатнинг ривожланиш истикболи, шубҳасиз, бўлажак рассомларнинг касб маҳоратига боғлиқ. Ҳаётини ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда замонавий тасвирий амалиётнинг назарий ва амалий базасини такомиллаштириш зарурий шарт ҳисобланади.

Бадий идрок, санъатдаги иш моҳияти ҳақидаги тасаввур ва унинг давр ҳаёти билан алоқалари асоси тасвирий санъат усталари ижодида мамлакатнинг янги ижтимоий воқелиги хусусиятлари ва миллий санъат ҳамда адабиёт намуналари белгиланади. XXI аср бошларида шакл-шамойил санъатнинг янги тенденциялари Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъатнинг ифодавий воситалари ва образли имкониятлари билан бойиди.



IV боб

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХНИНГ УНУТИЛГАН САҲИФАЛАРИДАН БУЮК ШАХСЛАР ОБРАЗЛАРИ

4.1. Мустақиллик даврида яратилган олимлар ва ҳарбий қўмондонлар образлари

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъат тарихий жанри янгича ривожланиш йўлига ўтди. Таниқли рассомлар Амир Темур, Жалолоддин Мангуберди, Алишер Навоий, Аҳмад Яссавий, Абу Али ибн Сино, Мирзо Бобур ва бошқа ўзбек халқининг буюк вакиллари образларини яратиш устида иш бошлаб юбордилар.



И.Жабборов. “Боқий ва кўҳна Бухоро ёдгорлиги”. 2010 йил.

2010 йили тасвирий санъат устаси Илҳом Жабборов Бухорода ёдгорлик яратди. У шаҳар маданий маркази комплексида очилди. Хотира ёдгорлиги “Боқий ва кўҳна Бухоро” деб номланади. Ёдгорлик Бухоро шаҳрининг миллий архитектура анъаналарига хос бўлган энг яхши жиҳатларни ўзида жамлади. Ёдгорлик конус шаклидаги уч ярусдан иборат ва шар билан тугалланган. Пойдеворнинг гранит асоси халқасига олтин ҳарфлар билан Бухорода яшаб ижод қилган Абу Али ибн Сино, Наршахий, Имом Ал Бухорий, Абдуҳолиқ Ғиждувоний ва Баҳовуддин Нақшбандий сингари алломаларнинг номи ёзилган, шунингдек қадимий машҳур бинолар тасвири туширилган. Ёдгорликнинг ўрта қисмида невараси билан дарахт экаётган кекса деҳқон, тош йўнар ишчи ва бола кўтарган аёл тасвирланган.

Горельефларда ҳаётга бўлган муносабат акс эттирилган: “Инсон ўз ҳаёти давомида дарахт ўтқазishi, уй қуриши ва болалар ўстириши лозим”. Ёдгорликнинг юқори майдонига Ўзбекистон ҳудуди тасвири билан ер рамзи бўлган шар қўйилган. Ёдгорлик катта ҳажмда бўлишига қарамай томошабин назарига оғир кўринмайди. Умуман, унинг шакли қўнғирокни эслатади. Ёдгорлик комплекси бир суткада бир марта ўз ўқи атрофида айланади.



С.Абдуллаев. “Хожа Аҳмад Яссавий”. 1993 йил.

Хожа Аҳмад Яссавий портрети. Тасвирий санъат устаси Саъдулло Абдуллаев 1993 йили халқ эътиборида бўлган суфий шоир Хожа Аҳмад Яссавий портретини яратилиши тарихини сўзлаб берди: “Болалигимда оиламизда унинг шеърлари кўп ўқиларди. Портретда Хожа Аҳмад Яссавий Бухородаги Магоки Аттор мадрасаси фонида тасвирланган, у шу мадрасада таҳсил олган ва шоир Ҳамадоний унинг устози бўлган эди. Бу асарнинг давоми бор эди, негаки мен кейинчалик Самонийлар қабристони фонида Ҳамадоний портретини чизган эдим.

С.Абдуллаев Хожа Аҳмад Яссавий портретини содда рангларда тасвирлади. Шакл-шамойил тасвирий воситалар билан рассом унинг характери ва ички ҳолатини ифодалаб берди. Хожа Аҳмад Яссавий образида кўлида Куръон ушлаб турган иймон-эътиқодли инсон чизилган.

Ҳукмдор Амир Темур Шайх Аҳмад Яссавий, Шайх Ҳазрат Маҳмуд ва Иброҳим Шайх каби иймони юксак одамларни жуда ҳурмат қилган. “Қозоғистон жанубидаги Туркистон худудини мусулмонлар иккинчи Макка деб атайдилар, бу ерда ўрта асрлар меъморчилигининг ноёб дурдонаси бўлган Хожа Аҳмад Яссавий мақбараси қад кўтариб турибди. Бу мақбара Амир Темур кўрсатмасига биноан қурилди. Унинг мовий гумбазларида қуёш нурлари жилваланади. Буюк суфий шоирга эҳтиром сифатидаги бу ажойиб меъморчилик иншоотини қуриш учун соҳибқирон бутун дунёдаги машҳур усталар, меъморлар ва қурувчиларни таклиф қилди. Ўрта асрлар меъморчилиги ва маданияти қудрати Хожа Аҳмад Яссавий қиёфасидаги заковат қуввати ва юксаклигига мос келди.

Амир Темур Бухоро ва Самарқандда меъморчилик санъатини ривожланишига бошчилик қилганлиги учун шухрати оламга ёйилди. Унинг фармонида биноан кўплаб юксакларга бўй чўзган масжидлар, мадраса ва мақбаралар, миноралар қурилди. Вақтлар ўтиши билан Амир Темур йирик империя ташкил қилди, у фан ва илм маркази бўлиб қолди. Унинг даврида қурилган боғлар ва ховузларнинг гўзаллиги ҳақида хорижий элчилар ёзиб қолдирган¹⁶⁰.



А.Маматова. “Мулоқот”. 2018 йил.

Рассом Азиза Маматова 2017 йил охири – 2018 йилнинг биринчи ярмида “Мулоқот” асарини ишлади. Бу асарни яратилиши ҳақида ижодкор шундай дейди: “Ёшлигимдан Бобур Мирзонинг “Бобурнома” асарини қизиқиб ўқийман, мени доим хазрат Алишер Навоий ва Бобур Мирзо сингари икки ажойиб инсон замондош бўла туриб ҳаётлик чоғларида суҳбат кура олмаганликлари ўйлантириб келади. Алишер Навоийнинг шогирди тарихчи Хондамирнинг гувоҳлик беришича, бу икки буюк шахс мактуб ёзишиб турган, бу ҳақида “Бобурнома”да ҳам гапирилади. Бу ҳолатлар ҳеч ҳаёлимдан кетмади, мен рассом бўлишга қарор қилгач суфий олимлар ижодига ушбу муаммони ечиш учун кўп бора мурожаат қилдим.

¹⁶⁰ Беседа казахского писателя М.Шаханова с Ч.Айтматовым. Исповедь на исходе века. / Тезисы международной научной конференции Амир Темур и его место в мировой истории. 1996. с. 8–10.

Шунда ўзим ҳурмат қилган инсонлардан бири, Ўзбекистон Республикаси Президенти қошидаги Давлат ва Жамият қурилиши академияси диншунослик кафедрасининг собиқ мудирини Нажмиддин Комилов менга шундай деган эди: “Азизахон, ҳаммаси ўзингизнинг қўлингизда. Сиз тасвирий тил билан ўз фикрингизни баён қила оласиз. Табиатшунос олим, XIX аср охири ва XX аср ярми мутафаккири В.И.Вернадскининг таълимотига кўра атмосферанинг юқорисида “Ноосфера” деган қатлам мавжуд.

Инсоният учун кўплаб эзгу ишлар қилган буюк шахсларнинг руҳлари ўша ерда суҳбат қилар экан ва ердаги ҳаётни сақлаб қолиш юзасидан бир-бири билан маслаҳатлашар экан ва бу ҳаётга тегишли бўлган одамларга туши орқали хабар берилар экан. Бу руҳлар парвардигор ва одамлар орасидаги алоқачи (транслятор) бўларкан, шунинг учун ўзингизнинг қалбингиздаги асарни яратаверинг”. Шу аснода асар вужудга келди. Бу асар устида ишлаш руҳан таскин берди. Ана шу “Ноосфера”да икки буюк шахс руҳлари бемалол мулоқот қилаётганлиги ҳақидаги фикр менга таскин ва қувонч бағишлади.



Т.Курызов. “Султон Жалололиддин Магуберди”. 2001 йил.

Султон Жалололиддин Магуберди. 2001 йили Ўзбекистон халқ рассоми Тўра Курязов Ануштегинилардан келиб чиққан моҳир жангчи, Хоразмнинг сўнгги ҳукмдори Султон Жалололиддин мангубердининг (1198-1231) портретини яратди. Портрет 100x80 ҳажмда мой бўёқда ишланди. “Жалололиддин Магубердининг тўла исми Жалололиддин ад Дунийа вад Дин Абул Музаффар Мангуберди ибн Муҳаммад сўнгги хоразмшоҳлардан, у Аловуддин Муҳаммад II ва унинг рафиқаси Ойчечакнинг катта ўғли ҳисобланади”¹⁶¹.

¹⁶¹ Джелал ад-Дин Менгуберди. [Эл.рес].Ре.дос:https://ru.wikipedia.org/wiki/Джелал_ад-Дин_Менгуберди.

“Тарихчи Муҳаммад Насавий Жалололиддинга шундай тариф беради: “Бу шерларнинг шери ва ўз отликлари ичида энг довюрак жангчи эди. У ўта камтар бўлиб, жаҳли чиқмас ва сўкинмас эди. У жуда жиддий бўлиб кулмас эди, фақат мийғида кулиб ва кўп гапирмасди. У адолатли бўлиб, ўз одамларининг оғирини енгил қиларди”. Бизнинг довюрак аждодимиз миллат ғурури ва эркинлиги учун кураш рамзи бўлиб қолди. Тарихий манбаларда айтилишича, у ўлгандан кейин ёнидаги чарм халтачадан Ватанининг бир сиким тупроғи топилган”¹⁶².



И.Жабборов. “Жалололиддин Мангуберди ҳайкали”. 1999 йил.

Портретда Жалололиддин Мангуберди куч ва кудратга тўлган инсон сифатида гавдаланади. У ҳарбий кийимда, бошида тўқ кулранг чугурма, қинидан қилич суғураётган ҳолатда тасвирланган. Бир қўлида қилич дастаси, бошқасида қинни ушлаган ҳолатда Ватанни ҳимоясига тайёр турибди. У Хоразм пойтахти Гурганж яқинидаги ҳарбий қароргоҳ фонида тасвирланган.

У хоразмликлар қўшинидан сон жиҳатдан анча кўп бўлган Амударёнинг у ёғидаги душман армиясига қараб турибди. Жалололиддиннинг юз ифодаси ўта жиддий, эътибори жамланган, унинг кўзларидан ўз-ўзини қурбон қилишга тайёр эканлигини ўқиш мумкин. Бу портрет унинг образи учун эталон бўлиб қолди. 1999 йили Жалололиддин Мангубердининг 800 йиллик юбилейига атаб чиқарилган тангага бу тасвир туширилди. 1999 йил охирида Ўзбекистонда саркарда ва давлат арбоби Жалололиддин Мангуберди таваллудига 800 йил тўлиши санаси кенг байрам қилинди. Қадимги Хоразм фарзанди бўлган Жалололиддин ўз ҳаётини мўғул истилочиларга қарши курашга бағишлади.

¹⁶² Форум о Хорезме. «Новости Узбекистана» 30 августа – день учреждения ордена Джалалиддина Мангуберди. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://xorazm.ixbb.ru/viewtopic.php?id=277>

Бу санага бағишлаб Хоразм вилояти Урганч шаҳрида ўзбек халқининг ботир ўғлони хотирасига бағишлаб ёдгорлик мажмуаси қурилди. Тантанада Биринчи Президент Ислоҳ Каримов нутқ сўзлади, уни ўз Ватани ҳимоячиси, ботир саркарда, тарихда ўчмас из қолдирган миллий қаҳрамон деб “шарафлади”¹⁶³.

Ёдгорлик мажмуасининг энг устига Жалолиддин Мангубердининг бутун қомаги тасвирланган ҳайкал ўрнатилди. Ҳайкални тасвирий санъат устаси Илҳом Жабборов яратди. Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан 2000 йили 30 августда Жалолиддин Мангуберди ордени таъсис қилинди, у озодлик ва Ватанпарварлик, ўз тарихига, юртимизнинг қаҳрамон ўғлонларига бўлган эҳтиром рамзи бўлиб қолди, негаки айнан шу нарса ҳар қандай давлатнинг моддий ва маънавий гуллаб-яшнашига хизмат қилади. Тарих ва маданиятга эҳтиром миллий ўз-ўзини англаш билан боғлиқ, унга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Улар орқали халқ ўзини миллат сифатида англайди, ўзининг ва бошқа халқларнинг маданияти, ахлоқий ва маънавий қадриятларига эҳтиром кўрсата бошлайди.

Маликалар Тўмарис ва Бибихоним портретлари¹⁶⁴. XX аср охири XXI аср бошларида Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъат портрет усталаридан бири рассом Ориф Муинов яратган тарихий аёллар образлари ўзининг долзарблиги ва маҳоратли ишланганлиги билан эътиборни тортади. Қадрдон ўлка тарихи ва этнографияси ёшлигидан рассомни қизиқтириб қолди, у ҳар бир тош ҳам афсона сўзлайдиган Самарқандда туғилиб ўсди. Бўлажак рассом бу афсоналарни Самарқанднинг фахри бўлган Бибихоним масжиди ёнидаги ота уйида эшитди.

Рассомнинг тарихий жанрдаги портретларида бу афсоналар ва фалсафий матн доим асос вазифасини ўтади. Уларнинг барчасига халққа, Ватанга, ҳаётга, бутун мавжудликка бўлган муҳаббат сингдирилди. О.Муиновнинг аёллар портретлари тарихий мукамаллиги, чизикларнинг мусиқийлиги ва гўзаллиги билан ўзига мафтун этади. Аммо энг муҳими улар муаллиф ким эканлигини кўрсатиб туради. Айниқса унинг тарихий аёллар портретлари эътиборли, чунки рассом уларга ўзининг ижодий кучи ва муҳаббатини бахшида этган бўлади.

Шулар қаторига Тўмарис, Бибихоним ва Нодирабегим портретларини кириштиш мумкин. Улар гўзал аёл портретлари ҳисобланади. Уларнинг ичида аниқса Тўмарис портрети ажралиб туради, у қимматбаҳо тошлар билан безатилган шохона тиара, кулоқлари, бўйни ва сочларида қимматбаҳо тақинчоқлар билан тасвирланган. Унинг қора, қалин сочлари майда қилиб ўрилган, учига олтин уқалар тақилган. Ўнг қўлида қилич дастасини ушлаб турибди. Унда афсонавий ҳайвонларнинг бошлари тасвирланган. Малика Тўмариснинг қилич ушлаган қўли нозик, панжалари ингичка.

Маҳоратли рассом Тўмарисни жиддий қиёфасида тасвирлаган, у Эрон шоҳи Кир билан жанг қилишга мажбур бўлганлиги ва маликанинг ягона ўғлини ўлдирганлиги туфайли унинг бошини танасидан жудо қилганлигини ифодалаб туради. Унинг қиёфасида мағрурлик, айна пайтда ўғлидан айрилганлиги туфайли қайғу-хасрат акс этган. Рассом ўз асарида малика Тўмарис образи орқали Ватанпарварликнинг ҳақиқий рамзини ифодалаб қўйди. Ўрта Осиёда қадимда малика Тўмарис қиёфасида халқ ва ҳокимиятнинг уюшган ҳолда ҳаракатлари туфайли Эрон шоҳи Кирга зарба берилган эди.

¹⁶³ Новости Узбекистана. Запечатленная память. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://nuz.uz/kolumnisty/16609-zapechatlennaya-pamyat.html>

¹⁶⁴ Маматов У. Рассом ижодида афсонавий аёллар. // Мозийдан Садо. №4 (52), - Т., 2011. б. 44.

Инсониятнинг олтин асрида Эллада (ҳозирги Юнонистон) мамлакати полисларида ўзларини мамлакатнинг тенг ҳуқуқли ўғил қизлари ҳисоблаган фуқоролар яшаган. Тенг ҳуқуқлик ҳисси уларга фан ва санъатда кўп нарса ижод қилиш ва яратиш имконини берган. Бу халқ ривожланганлиги туфайли ўз худудини кучли қўшни мамлакатлар ҳужумидан омон сақлаган, энг муҳими эркинлигини ҳеч кимга бермаган.



О.Муинов. “Тўмарис”. 1995 йил.

Таъкидлаш жоизки, тасвирий санъатдаги тарихий жанрда портрет яратиш анчайин қийинчилик туғдиради, негаки бунда нафақат тарихий материални, балки этнография, архитектура ва асар қаҳрамонлари яшаган даврни ҳам билиш талаб қилинади. Ёзувчи Илья Эренбург таъкидлаганидек, шоирлардан фарқли *“Рассомлар дарахтлардек секинроқ ўсади”*.

Саъятшунос Г.Темурова ўз мақоласида шундай ёзади: “Рассом О.Муинов изланишлар жараёнида шаклланди, бунинг маъноси шундаки у тасвирий тизимнинг сюжетли-баёний асосини рамзий-мажозийга ўзгартирди”¹⁶⁵. 1996 йили рассом малика Бибиҳоним образини яратди. Шарафиддин Али Яздий ва Арабшоҳнинг йилномаларидан маълумки, у ҳукмдор Амир Темурнинг суюкли завжаси, унинг ўғиллари ва невараларининг тарбиячиси бўлган. Портретда юз ифодаси, қўллар ҳаракати барчаси уйғун.

¹⁶⁵ Темурова Г. Певец женского образа. // San’at. №2, - Т., 2001. с. 36.

Айниқса малика Бибихонимнинг баланд, нозик эгилган, товус патлари тақилган, қимматбаҳо тошлар билан безатилган, ёш аёлнинг бошига чиройли қўндирилган бош кийими кўркам.



О.Муинов. “Бибихоним”. 1996 йил.

Маликанинг образи ва либосини яратиш учун рассом бой тафаккурга эга бўлиши зарур эди. Шу маънода сирли ва мўътадил юз ифодаси энг эътиборли жой бўлиб қолди. Унинг кўз қарашлари катта маънога эга. Нозик ташқи кўриниши ортида Бибихонимнинг енгиб бўлмас қудрати яширинган эди, негаки ҳукмдор Амир Темури узоқ ҳарбий сафарларга кетганда Моварауннахрни у бошқарган эди.

“Бобораҳим Машраб 1657 йили Наманганда туғилди, 1711 йили Балх шаҳрида вафот этди. У ўзбек адабиёти классиги, шоир ва мутафаккир суфийлик тариқати оқими вакили ва Нақшбандия суфийлик тариқати дарвешиди (бошқа манбаларга кўра Машраб қаландарлар тариқатига мансуб бўлган). Унинг номи Навоий, Огахий, Муқимий, Фурқат ва Завқий сингари ўзбек адабиётининг таниқли вакиллари қаторидан жой олган. У ўзининг ижоди билан XVII аср охири XVIII аср бошлари ўзбек адабиётининг ривожиди ва такомиллашувига сезиларли таъсир ўтказди”¹⁶⁶. “1992 йили Наманган шаҳри марказида Машрабга ҳайкал ўрнатилди (ҳайкалтарош И.Жабборов). Ҳайкал бош дарвозадан 30 метр ичкарида парк йўлагига ўрнатилди.

¹⁶⁶ Машраб, Бобораҳим. [Эл.ресурс]. Режим доступа: https://ru.wikipedia.org/wiki/Машраб,_Бобораҳим

Ҳайкалтарош танлаган шахсий изланишда, шакл-шамойилда ўзининг рамзийлиги бор, композицияда маърифатга олиб борадиган узоқ йўлга отланган, шаҳар дарвозасига қараб кетаётган мутафаккир қиёфаси, ҳолатини бериш мақсад қилинган. Ҳайкалтарош қаҳрамоннинг ҳолатига ҳам, кийимининг ҳар бир бўлагига ҳам диққат билан ишлов берди, шу билан унинг ҳаракатини ифодалади.



И.Жабборов. “Бобораҳим Машраб ҳайкали”. 1992 йил.


Қаҳрамоннинг олдинги қараб кетаётган гавдасининг интилиши кўплаб изланишлардан дарак беради. Халқ тасаввурида яшаган афсонавий шоҳ Машраб энди томошабин кўз олдида намоён бўлди. Ўзига хос композицион тўхтамаи, ғояни шакл-шамойил талқин этилишига кўра ҳайкал бадиий маҳорат билан ишланган асарлар қаторига кирган”¹⁶⁷. Ҳайкалда тақдир унинг учун нимаики лозим кўрган бўлса ҳаммасига чидаб, танлаган йўлидан қайтмаган, мақсад сари интилаётган шоир характери тасвирланган.

1991 йили рассом Азиза Маматова шоир ва мутафаккир Бобораҳим Машраб портретини ишлашни режалаштирди. Портрет мамлакат ҳаётидаги кучли ўзгаришлар пайтида ишланди ва рассомнинг ички ҳолатини акс эттирди. Эл Греконинг “Саҳобалар Павел ва Пётр” картинаси бу асарни яратишга туртки бўлди.

“Бобораҳим Машраб ўзига хос шеърый услуб яратган ажойиб ўзбек классик шоирларидан бири ҳисобланади. У нафақат ўзбеклар, балки қozoқ, уйғур ва татар халқлари ўртасида ҳам машҳур. Унинг кўпгина шеърлари кўшиқ қилиб айтилади. Халқ орасида шоирнинг дарбадарликдаги ҳаёти ҳақида турли афсоналар юради...

¹⁶⁷ Скульптура ферганской долины. // art San’at. Выпуск №3, 11.10.2015. [Электронный ресурс]. Ре.дос.: <http://sanat.orexca.com/2013-rus/2013-3-2/skul-ptura-ferganskoj-doliny/>

У Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мамлакатларини пиёда кезиб чиққан. Ўша даврларда уй-жойи бўлмаган, тиланчилик қилиб кун кўрадиган дарвешлар кийимидаги одамларни йўлда кўп учратиши мумкин бўларди. Уларнинг орасида фан ва санъат одамлари ҳам бўлган. “Машраб девони” орқали бизгача етиб келган Машрабнинг кўпгина шеърлари ҳам ана шу дарбадарлик йиллари ёзилганлигини тахмин қилиш мумкин”¹⁶⁸.



А.Маматова. “Бобораҳим Машраб”. 1992 йил.

*Мен азоб, уқубатда эзилган қалб ва таналарни кўрдим,
Мен хафақон парча-парча юракларни кўрдим,
Мен куну тун гам жомини ичаётганларни кўрдим*¹⁶⁹.

Машраб портрети булутлар сузиб юрган тунги осмон фонида тасвирланган, пастда кўринмас ой ёритиб турган ўрта асрлар шаҳри кўринадиди. Шоир қомати томошабинга тўртдан уч қисм бурилган ҳолда тасвирланган.

¹⁶⁸ Хайитметов А. Бобораҳим Машраб. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://litena.ru/books/item/f00/s00/z0000052/st001.shtml>

¹⁶⁹ Хайитметов А. Бобораҳим Машраб. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://litena.ru/books/item/f00/s00/z0000052/st001.shtml>

Унинг бир кўлида асо, иккинчи кўлида елкасига ташлаб олган хуржунни ушлаб турибди. Белига қизил белбоғ бойлаб олган, у совуқ рангдаги осмонга қарама-қарши тасвирланган, бу асарда безовталиқ ҳолатини ҳосил қилган. Шоирнинг томошабинга қараб турган кўзларида чуқур мунг бор. Унинг “Менинг телбалигим ҳақида гапирарлар...” муҳаммаси ёдга тушади.

У ўз тақдирини олдиндан сезгандек ва ўз келажагини каромат қилаётгандек. Қаландар қалпоғи жунли тери билан ҳошияланган. Ундан чиқиб турган оқ сочлари жунлар билан аралашиб ой нурларида жиловланади. Улар унинг идрок ва ҳарактер қувватини ифодалайди. Машрабнинг бутун қиёфасидан ҳаёт ҳақиқатидан чекинмасдан тақдирнинг ҳар қандай ўйинларини қабул қилишга тайёрлигини ўқиш мумкин. Шоирнинг портрети Эл Греко номи билан машҳур бўлган Испания Уйғониш давридаги таниқли рассом Доменикос Теотокопулос ишлаган “Саҳобалар Павел ва Пётр” асари таъсири остида ишланди.

Рассомнинг Эл Греко таҳаллуси унинг юнонлардан келиб чиққанлиги ва испан фуқороси эканлигини англатади. Ленинград шаҳридаги И.Е.Репин номидаги рассомлик институтидаги аспирантурада ўқиб юрган пайтида рассом Азиза Маматова 1979 йили Эрмитаж давлат музейидаги бу асардан нусха ишлаган эди. Рассомни Эл Греконинг “Саҳобалар Павел ва Пётр” асарини, унда тасвирланган шахслар образининг теранлиги билан ўзига тортган эди. Кекса Эл Греко Толедо шаҳридаги монастирда яшади ва кекса роҳиблар суратини чизди. Бу кўпни кўрган одамлар образларининг ўзига хослиги ва ифодавийлиги билан рассом эътиборини тортди¹⁷⁰.

Юқоридагилардан рассом А.Маматова рангтасвирда ва И.Жабборов ҳайкалтарошлиқда яратган Бобораҳим Машрабнинг образларининг умумийлиги келиб чиқади. Ҳар иккала асар афсонавий шоир – мутафаккирнинг Ватани Намангандир. Санъаткорлар яратган образ қандай бўлса, шоир халқ қалбида шу қиёфада яшайпти. Бу ҳар иккала асар ўзининг чуқур маъноси ва ғояларни шакл-шамойил ифодаси туфайли ўзига хосдир.



¹⁷⁰ В настоящее время, копия с картины Эль Греко «Апостолы Павел и Пётр», находится в католическом Соборе города Ташкента.

4.2. Жадидлар образлари таҳлили

*“Миллий ўзликни, агар хоҳласангиз, миллий гурурни тикланиш ва ўсиш жараёнида тарихий хотира, халқнинг, юртнинг, давлат худудининг объектив ва ҳаққоний тарихини тиклаш ниҳоятда муҳим ўрин тутди”*¹⁷¹.

Ўзбекистон Биринчи Президенти Ислом Каримов.

Санъат ёрдамида ижтимоий-ахлоқий ва маънавий онгни тарбиялаш жамиятнинг ҳозирги тараққиёти босқичида муҳим роль ўйнайди. Тасвирий санъатда, юртимиз, илғор маданиятда тарихий жанрнинг ўрни катта. Мустақиллик йилларида тасвирий санъат усталари томонидан яратилган тарихий асарларда жадидчилик ҳаракати ва жадидлар образи акс эттирилди. XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларидаги антифеодал ва антиколониал характер маърифатпарварларнинг асосий ғояси ҳисобланган. Бу тушунча суфийлар фалсафий онгида содда шаклда маърифатпарварлик ва маърифат сифатида тушуниланган. Уйғун ҳаётнинг асосини ташкил қилувчи эзгулик тушунчаси маърифатпарварликнинг етакчи ғояси ҳисобланади.

“Ақлли одамларни фарқлаб турувчи хусусият шундан иборатки, уларда эзгулик тушунчаси ёвузликдан устун туради” – деб ёзган эди мутафаккир Аҳмад Дониш¹⁷². А.Донишнинг ижоди ҳақида Ўзбекистонда таниқли файласуф академик И.Мўминов шундай ёзган эди: “Аҳмад Дониш ўзига хос мутафаккир умум фалсафий ғоя соҳасида илғор йўналишнинг асосчиси ҳисобланади... У маърифатпарвар сифатида кенг халқ оммаси манфаати учун курашди”¹⁷³. “XIX аср иккинчи ярми - XX аср бошлари Туркистон мутафаккирларининг фалсафий ва ижтимоий-сиёсий қарашлари асосини маърифатпарварлик ғояси ташкил этди. Шу маънода А.Дониш қуйидагиларни ёзган эди: “Одам яралганидан кейин билим ва маърифат унинг бахти бўлиб қолади. Инсон ҳар қандай нарсанинг моҳиятини очишга қодир”. Бизнингча, маърифатпарварлик ва маърифатнинг моҳияти шунда.

Марказий Осиё халқлари маърифатпарварлик маданияти ўзининг бой маънавий маданиятига таянади, умуминсоний маънавий мерос жиҳатларини ўзига сингдиради, ўзининг истиқболдаги тараққиётида улардан ижодий фойдаланади. Санъат маърифатпарварлик маданияти тизимида алоҳида ўрин тутди. Бу муаммони ҳал қилишда маърифатпарварлар ижтимоий онгнинг шаклларида бири ҳисоблаган ва одамларнинг маънавий тарбиясига хизмат қиладиган санъатнинг муҳим аҳамиятини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдилар”¹⁷⁴.

Бу ҳақиқатни халқ маданияти тараққиётига санъатнинг таъсирини тушунган тасвирий санъат усталари яхши англаган. Тасвирий санъат усталари ўз ижодида Ўзбекистон миллий мактаби ютуқлари билан бирга жаҳон реалистик мактабининг энг яхши ютуқларига таянади. У Ўзбекистонда маданият ва адабиёт ривожига кучли туртки берган Жадидлар ҳаракати деган ном билан тарихга кирган XIX аср охири - XX аср бошларидаги маърифатпарвар Жадидларнинг ҳаёт йўллари бағишланган ҳужжатларни ўргандилар.


¹⁷¹ Ахмедова Э.Р., Габидулин Р. Культурология мировая культура. – Т., 2001. с. 251.

¹⁷² Аҳмад Дониш. Наводир ал-вақое (Редчайшие происшествия). – Т., 1964. с. 338.

¹⁷³ Муминов И. Избранные произведения. – Т., 1976. с. 103.

¹⁷⁴ Умаров Э., Абдуллаев М., Хақимов Э. Культурология. Учебное пособие для ВУЗов. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004. с. 151.

“Бадий асарларни ва уларнинг муаллифларини “Қайта тиклаш” маданий вазиятнинг муҳим хусусияти ҳисобланади. Шу маънода “Амир Темур Тузуклари”, “Бобурнома”, Баҳовуддин Накшбанд асарлари, Аҳмад Яссавий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир, Абдулла Қодирӣ, Абдулла Авлоний, жадидчилик ҳаракати арбоблари ва бошқа кўпгина зиёлилар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш имкони бўлди»¹⁷⁵.



“Унутилмас Сиймолар” туркумидан лавҳалар. 1999 йил.

1999 йили Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Давлат қурилиши академиясида “Унутилмас Сиймолар” лойиҳасини яратган илмий-ижодий гуруҳ ташкил этилди. Илмий иждодий гуруҳ таркибида Алишер Азизхўжаев, Наим Каримов, Дилорам Алимова сингари таниқли олимлар, фан докторлари фаолият кўрсатдилар. Юқоридаги лойиҳада тарихчи олимлар ва рассомлар иштирокида Жадид маърифатпарварларнинг портретлар туркумини яратиш режалаштирилган эди.

Лойиҳага Акмал Икромжонов, Муҳаммад Нуриддинов, Эмяр Мансуров, Собир Раҳметов сингари Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъат усталари жалб қилинган эди. Бу лойиҳа муваффақиятли бажарилди, жадидлар образи 55x45 хажмдаги матода овал шакли ичида акс этирилди. Бу портретлардан репродукциялар катта тираж билан чоп этилди ва Ўзбекистондаги барча маърифат ҳамда барча даражадаги таълим муассасаларига тарқатилди.

Бу портретлардан баъзиларини кўриб чиқамиз.

Рассом **Имяр Мансуров** томонидан Абдуқодир Шақурий (1875-1943) образи яратилди. “Абдуқодир Шақури таниқли маърифатпарвар бўлган эди, у Самарқандда ўзбек оилалари болалари учун рус гимназиясига ўхшаш янги услубдаги мактаб яратиш орзуси билан яшаган педагог эди. Бу пайтда рус гимназияси кўринишидаги мактаблари мавжуд эди, Кўқон шаҳрида шундай мактаблар очилган эди. Кўқон мактаблар тажрибасини Шақурий ўрганиб, 1901 йилнинг кузида ўзининг Ражабин қишлоғида биринчи янги усулдаги мактабни очди. Унда нафақат болалар, балки қизлар ҳам ўқиши мумкин бўлди”¹⁷⁶.

¹⁷⁵ Ахмедова Э.Р., Габидулин Р. Культурология мировая культура. – Т., 2001. с. 251.

¹⁷⁶ Алимова Д.А. История как история, История как наука. В 2-х т., т.2. -Т.: Узбекистан, 2009. с. 163–164.

1906 йили Махмудхожа Бехбудий “Туркистон вилоятининг газетаси”нинг номер 27-сонида чоп этилган “Маърифатпарварлик мактабларида Самарқанд усул бўйича имтиҳонлар ҳақида” мақоласида шундай ёзган эди: “Шакурийнинг янги услуб мактаби битирувчилари Европа, Осиё, Африка, Америка ва Австралия қитъалари, мамлакатларининг жойлашуви ҳақида тўла ва аниқ жавоб бердилар. Имтиҳонларда маҳаллий ҳукумат номидан Ликошин ва Вяткин, шунингдек приставлар ва савдогарлар иштирок этдилар”¹⁷⁷.

Абдуқодир Шакурий портрети унчалик катта эмас. Унинг образи матода мойбўёқ билан реалистик услубда ишланган. Портретнинг умумий ранги тилларанг-жигаранг бўёқда тасвирланган. Шакурий характери тўғри берилган, у ўтган асрдан сақланиб қолган ўзининг фото суратига ўхшайди. Ингичка олтиндан ясалган кўзойнақдан унинг тийрак кўзлари томошабинга боқиб турибди. Унинг бутун қиёфасидан зиёли ва маърифатпарвар эканлиги сезилади.

Навбатдаги портретни ҳам rassom Э.Мансуров ишлаган. Бу 863 йили Хивада туғилган Полвонниёз Хожа Юсуповнинг портрети. “У 13 ёшида эски мактабни тамомлади. 1904 йили Туркия, Миср, Сурия ва Маккага бориб келди. У араб, рус ва форс тилларини мукаммал эгаллаган эди. Саёҳатдан қайтгач Полвонниёз Юсупов ёш хиваликлар ҳаракати раҳбари бўлиб қолди. Ижтимоий ислохотлар ҳақидаги манифестнинг муаллифларидан бири бўлади”¹⁷⁸.

Полвонниёз Хожи Юсупов портрети ҳам овал шаклида ишланди. У бошида чугурма ва барча тугмалари қадалган қора кўйлақда тасвирланди. Юз тузилиши тўғри ифодаланган. Ёйғиноқ ва қатъий қарорлилик характерини акс эттиради. Портрет ранги яхши, туси бутун чугурманинг пасти соқол четлари билан тус жиҳатдан бирлашиб кулранг фонда қорамтир силуэт ҳосил қилади.

Исҳоқхон Тўра Ибрат (1862-1937) портретини rassom **Муҳаммад Нуриддинов** яратди. “Исҳоқхон Ибрат Наманган яқинидаги Тўрақўрғон қишлоғида туғилди. Умуман олганда у Наманган вилоятидаги биринчи ношир ва маърифатпарвар бўлган эди. 1886 йили у Тўрақўрғонда биринчи янги усулдаги мактаб очди, 1887 йили Исҳоқхон Ибрат Маккага зиёрат қилди, сўнгра Европадаги София, Истанбул, Афина ва Рим сингари шаҳарларда бўлди.

Узоқ йиллар Жидда, Бомбей ва Калькутта шаҳарларида яшади, бу ерларда у инглиз, араб, форс, ҳинд, иврит ва санскрит тилларини ўрганди. У ўзининг “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият”, “Мезон ул замон” каби асарлари билан танилган”¹⁷⁹. “1909 йили Наманган уездининг Тўрақўрғон қишлоғида Исҳоқхон Ибрат ташкил қилган “Матбааи Исҳоқия” литографик устахонаси босма нашрлари пайдо бўла бошлади”¹⁸⁰.

Бу туркумдаги барча портретлар каби Исҳоқхон Тўра Ибрат портрети овал шаклини ичида ишланган. Портретда у оқ саллада тасвирланган ва оч кулранг кўйлақ кийган, унинг устидан четлари тилласимон лента билан ҳошияланган тўқ рангли чопон ташлаб олган. Исҳоқхон Ибратнинг ташқи кўринишидан маърифатли, дунёқараши кенг инсон эканлигини англаш мумкин. Унинг юзи худди ҳамсуҳбатни диққат билан тинглаётгандек тасаввур уйғотади. Портрет илиқ рангларда классик услубда ишланган. Қиёфа жиддий ва чиройли чизилган.

¹⁷⁷ Каримов Н. Махмудхўжа Бехбудий. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. б. 24.

¹⁷⁸ Алимова Д.А. История как история, История как наука. В 2-х т., т.2. -Т.: Узбекистан, 2009. с. 173–174.

¹⁷⁹ Алимова Д.А. История как история, История как наука. В 2-х т., т.2. -Т.: Узбекистан, 2009. с. 166.

¹⁸⁰ Абдуазизова Н. История национальной журналистики. с. 13. [Электронный ресурс]. Режим доступа: [http://n.ziyouz.com/books/jurnalistika/Nazira%20Abduazizova.%20Istorija%20natsionalnoy%20jurnalistiki%20\(1-chast\).pdf](http://n.ziyouz.com/books/jurnalistika/Nazira%20Abduazizova.%20Istorija%20natsionalnoy%20jurnalistiki%20(1-chast).pdf)

2001 йили ЎзР ФА тарихи давлат музейида rassom Алишер Алиқулов ва уни-
нг ҳамкасблари томонидан Жадидлар ҳаракати ва 1892-1900 йиллардаги Жиззах
қўзғалониға бағишланган деворий сурат яратилди. “Ўзбекистон Республикаси
Фанлар Академияси Ўзбекистон тарихи давлат музейи Марказий Осиёда 120
йилдан ортиқ тарихға эға бўлган йирик ва қадимий илмий-таълимий муассаса
ҳисобланади.

Ўзбекистон халқларининг мустақиллик учун кураши музей экспозициялари
хусусиятларида акс этган. Бу Мустақиллик давриға бағишланган материалларда
янада ёрқинроқ акс этган”¹⁸¹. Бу асар жадид ҳаракати ҳақида ҳикоя қилувчи экс-
позиция намойиш этилаётган узунлиги 12 метр ва баландлиги 4 метр бўлган де-
вор юзасиға ишланган.



ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи.

Композиция марказида ўнг қўлида бола кўтарган она образи тасвирланган, у
чап қўлини отасининг эски чопони ва дўпписини кийиб турган ўсмирнинг елка-
сига қўйган. Аёл образи бева образини, бола образи етим образини ифодалаган.
Деворий суратнинг ўнг ва чап қисмида “Жадидчилик ҳаракати ва 1910 йилдаги
Жиззах қўзғалони” ўз аксини топган. Бу санъат асарида 1900-1910 йиллар сана-
лари кўрсатилган, бу йиллари биринчи театр, биринчи нашриёт ва биринчи янги
усул мактаблари очилган эди.

Деворий суратда Ўзбекистонда ХХ аср бошларида рўй берган воқеалар ўз
аксини топган ва эркинлик ҳамда мустақиллик учун ўз ҳаётидан кечган ўзбек
халқи фарзандлари ҳисобланган тарихий шахсларнинг образлари ҳаққоний акс
этирилган. Булар Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат
сингари ўзбек зиёлилари вакиллари образларидир.

Уларнинг юзлари кўзлари ифодаси, қўллари ҳаракатиға қараб томошабин
уларнинг теран ҳиссиётлари ва халқ дардига эш бўлганликларини тушуниш
мумкин. Деворий суратда жадид-маърифатпарварлар ўз ҳаёти ва ижодини Ватан
равнақиға бағишлаганлиги ишонарли тарзда кўрсатилган.

¹⁸¹ Государственный музей истории Узбекистана. Информация об интереснейших музеях Ташкента. [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://orexca.com/rus/tashkent_museum_history.shtml

Маърифатпарварлар образи деворий суратнинг ўнг қисмининг композицион маркази ҳисобланади. Томошабиндан чап томонда Бухоро миллий озодлик ҳаракатининг фаол иштирокчиси Мусо Саиджонов образи акс эттирилган. “1913 йили Мусо Саиджонов жадинчилик ҳаракати иштирокчиси бўлиб қолди. 1917 йили у марказий кўмига аъзоси қилиб сайланди.

Кейинчалик сиёсатдан кетиб у ўз фаолиятини маориф ва фан билан боғлади ва йирик тарихчи олим бўлиб етишди ҳамда Ўзбекистон тарих мактабининг биринчи профессорларидан бири бўлди”¹⁸². “Жадинчилик ҳаракати ва 1892 йил Жиззах кўзгалони” деворий суратида М.Саиджонов миллий чопонда, қўлларини кўкрагида чалиштириб чуқур ўйга толган ҳолатда турибди. Юз ифодасидан теран билимга эга эканлиги кўриниб турибди. Унинг қиёфаси осойишта ва ёруғ.



А.Алиқулов ва унинг ҳамкасблари. “Жадинчилик ҳаракати ва 1892 йилдаги Жиззах кўзгалони”. 2001 йил.

М.Саиджоновдан пастрокда Мунаввар Қори Абдурашидов (1878-1931) турибди. Унинг қомати тўртдан уч қисм томошабинга бурилган ва у томошабинга тўғри қараб турибди ва каштали оқ дўппи, оқ кўйлак устидан пиджак кийиб олган. Мунаввар Қори иккала қўли билан китоб ушлаб турибди. Маърифатпарварларнинг юзи очиқ. Унинг қиёфаси қаътиятлилиги ва жасурлигидан дарак беради. Қора кўзлари чуқур ақлга эгаллиги, кўркмаслиги ифодасидир, лаблари бироз табассумга мойил. “Ҳозирги пайтда Мунаввар Қори Абдурашидхонов ҳақида халқ оммасининг иродали етакчиси бўлганлиги юзасидан афсона юради.

У Туркистонда миллий демократик давлат қуриш назарийчиси ва амалиётчиси бўлган. 1918 йили унинг ташаббуси билан Туркистон халқ университети ташкил этилди, у Мирзо Улуғбек номидаги Миллий университетнинг пойдевори бўлиб қолди. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли 1918 йили 2 июнда педагогик кадрлар тайёрлаш бўйича институт очилди”¹⁸³.

¹⁸² Алимова Д.А. История как история, История как наука. В 2-х т., т.2. -Т.: Узбекистан, 2009. с. 170-171.

¹⁸³ Алимова Д.А. История как история, История как наука. В 2-х т., т.2. -Т.: Узбекистан, 2009. с. 179-181.

Мунаввар Қоридан баландроқда Файзулла Хўжаев (1896-1938) тасвирланган, у жадиличлик ҳаракатининг етакчиларидан бири ва ёш бухороликлар партияси раҳбари бўлган эди. “Файзулла Хўжаевнинг шахсияти XX аср бошлари Бухоро сиёсий аренасида энг ёрқин шахслардан бири бўлган эди. Жадиличлик – ёш бухороликлар етакчиларидан бири, сиёсий арбоб, меценат, тенг ҳуқуқлилиқ ва демократия учун курашчи Ф.Хўжаев 1938 йилда қатағон қилинди.

У Бухоролик савдогар Убайдулло Хўжаев оиласида туғилди. Унинг отаси дунёвий тарбия ва таълим беришга интилди, шунинг учун Файзулла Хўжаев узоқ вақт Россияда ўқиди. Бухорога келиб қолди 1913 йили Файзулла Хўжаев жадиличлар қаторига қўшилди. 1916-1920-йиллари у Бухоро амирининг халққа қарши қаратилган сиёсатига қарши курашган жадиличларнинг ёш бухороликлар партиясининг етакчиларидан бири бўлиб қолди... Бухорода ҳозиргача Файзулла Хўжаев хотирасини эслаб юришади. Унинг оиласига тегишли бўлган уй Файзулла Хўжаев номидаги музей эканлиги бундан дарак беради. У Бухородаги машҳур Ғозиён маҳалласида жойлашган”¹⁸⁴.

Ф.Хўжаевнинг орқасида Бухоро жадиличлигининг йирик вакили Абдурауф Фитрат (1886-1938) кўринади. Сиёсий арбоб, драматург ва маърифатпарвар Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат (тахаллуси) Бухорода туғилди. Болалигида у Мир Араб мадрасасида ўқиди. “1902-1903 йиллари А.Фитрат Маккага хаж қилди. Туркия, Ҳиндистон, Араб мамлакатларига борди. Кейинчалик у Москва ва Санкт-Петербургга борди.

1909-1913-йиллари у Истамбулда таҳсил олди. Ф.Хўжаев билан бирга 1920 йили ёш бухороликлар илгари сурган ислохотлар Дастури муаллифи бўлди. Унинг ташаббуси билан Бухоролик иқтидорли ёшлардан бир гуруҳини Истамбул, Берлин ва Москвага ўқишга юборилди. Унинг маърифатпарварлик асарларида “Нима қилмоқ керак?” саволи қўйилди ва жамиятни ўзгартириш учун “Билим олиш керак”, деган жавоб берилди”¹⁸⁵.

“А.Фитрат адабиёт, тарих, тил ва фалсафа билимдони эканлиги кўпчиликка маълум, лекин унинг мусиқани яхши тушуниши кўпчиликни хайратга солди. Миллий мусиқа санъати олдида унинг хизматлари ниҳоятда катта... 1926 йили А.Фитрат “Ўзбек классик мусиқаси ва унинг тарихи” номли китоб ёзди. Кейинчалик Файзулла Хўжаев А.Фитратни бир ойга Ленинградга юборди, бу ерда у шарқшунос олимларни хайратга солди ва унга профессор унвони берилди...

Профессор А.Фитрат таниқли Ҳинд ёзувчиси Робиндранат Тагор билан хат ёзишиб турди. Унинг Ҳинд халқининг инглиз босқинчиларига қарши кураши мавзусида ёзилган пьесаси Ҳиндистонда сахналаштирилди”¹⁸⁶. Деворий суратда А.Фитрат портретида унинг характери аниқ ифодаланган. У европача қора костюм кийган ва оқ кўйлақка кенг галстук тақиб олган.

“А.Фитратнинг Абрамов бульваридаги (ҳозир М.Горкий кўчаси) уйи маърифатпарварлик ўчоқларидан бири бўлган. У ерда Абдулхамид Чўлпон, Ғофур Гулом, Ҳамид Олимжон, Н.Раҳимий, Элбек, Усмон Носир сингари ёш ва тажрибали шоир ҳамда ёзувчилар тўпланар эди. Улар қизиқарли суҳбатлар қурардилди”¹⁸⁷.

¹⁸⁴ Дом-музей Файзуллы Ходжаева. Файзулла Ходжаев - яркая личность на политической арене Бухары начала XX века. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.advantour.com/rus/uzbekistan/bukhara/fayzulla-khodjaev.htm>.

¹⁸⁵ Алимova Д.А. История как история, История как наука. В 2-х т., т.2. -Т.: Узбекистан, 2009. с. 158-159.

¹⁸⁶ Бурханов М. Сокровищница души (Воспоминания). Бухара, 1998. с. 32-33.

¹⁸⁷ Бурханов М. Сокровищница души (Воспоминания). Бухара, 1998. с. 32-33.

Деворий суратда жадидлар гуруҳи марказида қўлғезмалар солинган папка ушлаган Абдулла Қодирий тасвирланган. У бутун бўйи билан ифодаланган. Унинг эғнида яшил чопон, қора, барча тугмалари қадалган кўйлак, бошида дўппи. Юзи ёруғ, кўзлари мунгли. А.Қодрийнинг ўнг томонида, баландроқда Абдулвоҳид Бурхонов – Мунзим (1875-1934) тасвирланган.

“Бухорода янги усулдаги мактабларни очилиши Мунзим номи билан боғлиқ. 1909 йили у ўз уйида катталар учун кечки мактаб очган. 1917 йили Мунзим ёш бухороликлар партияси раиси этиб сайланди. БХСР халқ таълими нозири бўлиб ишлаётган пайтда Мунзим 1922 йили июнда бир гуруҳ ёшларни Олмонияга ўқишга юбориш ҳақида БХСР ҳукумати қарорини қабул қилишга улкан ҳисса қўшди. 1922 йили ёзда Мунзим шахсан ўзи Бухородан 44 кишини Берлин олий ўқув юртларига жойлаштириш учун Олмонияга кетди”¹⁸⁸. Деворий суратда у тўртдан уч қисм томошабинга қараган ҳолда ифодавий, бадиий воситалар билан тасвирланган. Мунзим қора костюм кийган, тагидаги оқ кўйлақка галстук боғланган. Унинг сочлари қисқа қилиб тартибланган, юзига яхши ёруғлик тус берилган. Кўзлари ифодавий ишланган. Умуман олганда, Мунзим портрети деворий суратдаги маърифатпарвар жадидлар гуруҳи билан уйғунлашиб кетган.

А.Бурхонов – Мунзимдан ўнг томонда юқорироқда Абдулло Авлоний тасвирланган (1878-1934). У таниқли маърифатпарвар – педагог, адабиёт арбоби ва публицист ҳисобланади. А.Авлоний Тошкент шаҳрида туғилди ва мадрасада ўқиди. Ўз билим даражасини доимий такомиллаштириб бориб, тез орада ўз даврининг маърифатли ва илмли кишисига айланди. У “Адабиёт ёхуд миллий шеърлар”, “Биринчи муаллим”, “Мактаб Бўстони” сингари дарслик ва ўқув қўлланмалари ёзди. Кейинчалик А.Авлоний Ўрта Осиё университети профессори унвонини олди”¹⁸⁹.


Деворий сурат марказида ёзувчи А.Қодирий ёнида Маҳмудхўжа Бехбудий (1875-1919) тасвирланган. У буюк мутафаккир, жадидчилик ҳаракати етакчиси, таниқли маърифатпарвар ва сиёсий арбоб бўлган эди. Буюк мутафаккир қомусий билим соҳиби Маҳмудхўжа Бехбудий Самарқанд шаҳрида муфтий оиласида туғилди. Дастлаб у ўз амакиси Муҳаммад Сиддиқ қўлида ўқиди. Сўнгра эски усул мактаби ва мадрасада таҳсил олди. Араб, форс, рус ва бошқа тилларни билган. Мирза ва қози вазифаларида ишлади, Самарқанд яқинидаги Жомбойда муфтий мансабида хизмат қилди.

Муфтий нима билан шуғулланарди? Араб тилидан муфтий фатво берувчи, диний баҳсларни ҳал қилувчи маъноларини беради. “Муфтий, - деб ёзилади 2004 йили Тошкентда нашр қилинган Исломиқ энциклопедиясининг 171-бетиди, - ҳуқуқий муаммоларни талқин қилувчи – тушунтирувчи маъноларини англатади ва у диний масалалар бўйича якуний қарор чиқариш ҳуқуқига эга... Маҳмудхўжа Бехбудий 1900 йили Маккага ҳаж қилади. 1903-1904-йиллар у Москвада яшади, сўнгра Санкт-Петербургга борди. 1914 йили Туркия, Миср ва бошқа давлатларга саёҳат қилди. Маҳмудхўжа Бехбудий Қуръонни саводли талқин қиларди, аммо, энг муҳими маърифат масаласи унинг диққат марказида бўлди. У янги усул мактаби асосчиларидан бири, ўқитувчилар учун дарслик ва ўқув қўлланмалар муаллифи ҳисобланади. Туркистон мухторияти мақоми ғоясини биринчилардан бўлиб илгари сурди”¹⁹⁰.

¹⁸⁸ Алимова Д.А. История как история, История как наука. В 2-х т., т.2. -Т.: Узбекистан, 2009. с. 160-161.

¹⁸⁹ Алимова Д.А. История как история, История как наука. В 2-х т., т.2. -Т.: Узбекистан, 2009. с. 155-156.

¹⁹⁰ Алимова Д.А. История как история, История как наука. В 2-х т., т.2. -Т.: Узбекистан, 2009. с. 166-168.



А.Аликулов ва унинг ҳамкасблари. “Жадидчилик ҳаракати ва 1892 йилдаги Жиззах кўзгалони”. 2001 йил. Лавҳа.

“У ўзининг мурожаат мақоласида “Сарт мажхулдир”, деди ва бошқаларида таълим, маданият, турмуш ва диний онгдаги консерватив динийлик, реакцион анъанавийликни танқид қилди. М.Бехбудийнинг маърифатпарварлик ғояларини ҳамфикрлари қўллаб-қувватладилар ва газета, журнал, янги усулдаги мактабларда тарғибот қилдилар”¹⁹¹. Деворий суратда у бор бўй-басти билан тасвирланган. Қўл қафтлари бир-бирига қўйилган.

У узун чопонда, бошида оқ салла. Кўриниши қатъий. Портрет мураккаб ёруғлик-соя ўйинида ифодали ишланган. Кўзойнак такқан кўзлари тўғрига қараган. Маҳмудхўжа Бехбудий образи Мунаввар Қори ва Абдулла Қодирий образлари билан бир қаторда деворий суратдаги марказийлардан ҳисобланади, лекин бу гуруҳда иккиламчи образнинг ўзи йўқ. Уларнинг барчаси ўз халқи, юрти, Ўзбекистони учун ўзининг ҳаёти, бутун иқтидори ва меҳнатини қурбон қилди. Ўнг томон четда шоир Абдулҳамид Чўлпон (1897-1938) тасвирланган. У янги ўзбек адабиётининг асосчиларидан бири ҳисобланади. Деворий суратда Абдулҳамид Чўлпон фигураси жадидлар гуруҳининг ўнгида четда жойлаштирилди. Чап қўли кўкрагида тасвирланди.

¹⁹¹ Каримов Н. Маҳмудхўжа Бехбудий. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011. б. 16.

Юзида мураккаб кечинмалар ифодаланган, негаки бундай ифодаси билан у эркинлик, ўз халқига муҳаббат ҳақидаги шеърларини ўқиши мумкин. У оқ кўй-лакка бабочка тақилган европача костюм кийиб олган. Шамолда костюм этаклари бари четга чиқиб кескин силуэт ҳосил қилган. Шоир бошдан-оёқ қора либосда, деворий суратда унинг ўрни яхши топилган. Жадидлар фони юқорисида кўтарилаётган куёш тасвирланган, бу давлатчилик рамзидир. Қўзғалончи халқ бошида янги ҳаёт ва эркинлик рамзи бўлган Семурғ қуши учиб юрибди.

ЎзР Фа тарихи давлат музейидаги А.Алиқулов ва ҳамкасблари ишлаган маҳобатли деворий сурат янги образлар ва тимсолларга бой бўлди. Бу тимсоллар кенг томошабин доирасига хизмат қилади, уларни маънавий ва маданий жиҳатдан бойитади. Рассомлар асарларининг тарихий мазмуни давр талаби билан белгиланди. Ўз тарихий илдизини яхши биладиган баркамол авлодни тарбиялаш бу асарнинг вазифаси ҳисобланади.

Мустақил Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъатнинг тарихий жанри ривожининг алоҳида аҳамияти сабабини бу жанрда шаклланган бутунлай янги ғоявий, тематик-мазмун шароитидан ва муҳим XX аср бошида рўй берган тарихий воқеаларни акс эттиришига янги ижодий ёндашувлардан, маърифатпарвар жадидлардан иборат тарихий шахсларнинг ишларидан қидириш керак.

А.Алиқулов ижодидан тарихий шахслар образини яратиш ва мамлакатимизда ўтган юзйилликларда юз берган воқеаларни акс эттириш асосий ўрин эгаллаган. Ҳар бир даврга хос бўлган либослар, кишиларнинг ташқи қиёфаси ва муомала маданияти ўзига тегишли бўлган хусусиятлар билан акс эттирилган. Асосан рассомлар бу одамлар яшаган муҳитни тасвирлашга интиланганлар. Ўша даврлар либослари фотографияларини деворий сурат ишланган ЎзР Фа тарихи давлат музейи архивариуси тақдим этди.

Булардан ташқари рассомлар ўша даврлардаги ёзма манбалардан фойдаландилар. Масалан, 1892-1900-йиллари халқ қўзғалон кўтаришига сабаб бўлган маҳаллий аҳолини Россия империясидаги мардикорлик ишларига жалб қилиш ҳақидаги подшо фармонлари бунга мисол бўла олади. Бу йиллар қўзғалон қаҳрамонлари ёнидаги рақамлар билан белгиланган. ЎзР Фа тарих давлат музейида А.Алиқулов ва унинг ҳамкасблари томонидан жадидлар ҳаракатига бағишлаб яратилган композиция марказида тасвирланган жадидлар юз ифодасининг журъатлилиги ва мағрурлиги маълум бўлади.

Ўз Ватанининг маърифатпарвари ва Ватанпарвари бўлган жадидлар ўз келажагини олдиндан сизди ва ўз халқи эркинлиги учун жонини фидо қилишга тайёр бўлдилар. Уларнинг барчаси 40-45 атрофидаги балоғат ёшида бўлишган, ўлим хавфига қарамасдан улар ўзларининг маърифатпарварлик ва сиёсий мақсадларидан қайтмаганлар.

Жадидлар маърифатни мавжуд босқинчилик ҳукмронлиги усуллари рад этишга асосланган маданий ва маънавий ҳаёт соҳасидаги ҳаракат сифатида талқин этганлар. Жадидизм қудрати феодал тарбия анъанасини рад этишда ва демократик педагогикани шакллантириши, ривожлантиришида кўринади. Жадид маърифатпарварлар бир нечта хорижий тилларни билар эди ва янги усулдаги мактабларни ташкилотчилари бўлиб қолдилар. Бу мактабларда диний билимлардан ташқари математика, рус тили, география сингари фанлардан дунёвий илмлар ҳам ўргатилган. Жадидлар ёшларни халқ ижтимоий ҳаётини яхшилаш учун инсон онгидан фойдаланишини ўргатдилар.

Таълим маърифат ва соғлом фикр ғояси жадиализмнинг олий мақсади бўлиб қолди. Уларнинг ғоялари маърифатпарварлар ўз ҳисобидан нашр қилган турли йўналишдаги адабиётлар, газета ва журналлардаги оммавий чиқишларида ўз аксини топди. Жадиждар адабиётини ёрқин ифодаланган юксак фуқоралик олий мақсадлар ажратиб турди. Уларнинг эстетик ва ижтимоий ғоялари Ўзбекистон янги адабиётининг маънавий асоси бўлиб хизмат қилди, М.Бехбудий, А.Чўлпон, А.Қодрий, А.Фитрат, А.Авлоний сингари маърифатпарвар адиблар бу адабиётнинг асосчилари ва йирик вакиллари бўлиб қолдилар. Муқимий шундай ёзган эди: *“Агар санъат халқнинг манфаатини ҳимоя қилмаса, бу унинг ижтимоий нуқсони ҳисобланади”*¹⁹².

Жадиализм нафақат Ўзбекистон тарихий тараққиётидаги янги босқич бўлиб қолди, балки Ўзбекистоннинг ХХ асрдаги маърифатли, янги фуқороси авлодини шаклланиши учун асос бўлди. Айнан мақсадларнинг олижаноблиги маърифатпарварлар ўз ҳаётини қурбон қилган ишнинг ҳаққоний эканлигини кўрсатиб қўйди. Мутафаккирлар фикрига кўра, санъатнинг асосий вазифаси одамларда инсонийлик, эзгулик, дўстлик ва охир-оқибатда ҳар томонлама камол топган инсонни тарбиялашдан иборат.

Жадиждар ўз мамлакатини қолоқликдан қутқариш учун ислохот зарур эканлигини яхши тушунганлар. Босқинчи ҳокимият бошқараётган пайтда сиёсий ўзгаришларсиз, ҳуқуқ ва сўз эркинлигисиз бундай ислохотларни амалга ошириш мумкин эмас эди. 1915 йилдан икки йил давомида фикрлар қарама-қаршилигини енгиб ўтиб Туркистоннинг давлат бошқаруви шакллари устида ишладилар. Демократик жамият қуриш йўлидан борадиган мустақил Туркистон Республикасини яратиш уларнинг мақсади бўлиб қолди.

Ўша йиллари жадиждар Қўқон шаҳрида мустақил Қўқон мухториятини туздилар, у икки ярим ойдан кейин бартараф этилди. *“Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунаввар Қори, Абдулла Авлоний, Исҳоқхон Ибрат, Абдурауф Фитрат, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Усмон Носир каби юзлаб маърифатпарвар, фидойи инсонларнинг ўз шахсий манфаати ҳузур-ҳаловатидан кечиб элулус манфаати – юртимизни тараққий топтириш мақсадида амалга оширган эзгу ишлари авлодлар хотирасидан асло ўчмайди”*¹⁹³.

Жадиждар – маърифатпарварларга бағишланган асарлар узоқ йиллардаги воқеалардан энг муҳимларини ва ўзига хослигини танлаб оладиган ва замондошларимиз ҳамда келажак авлод учун дарс бўладиган етук тарихий тажриба чўққиларида туриб ишланди.

Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ва Усмон Носир портретлари¹⁹⁴

Ўрта Осиё халқлари маърифатчилиги бой халқаро маънавий маданиятга таянди. У бутун инсоният маънавий тараққиётидаги ижобий мавжудликни ўзига сингирди. Мутафаккирлар ҳамиша ижтимоий онг шаклларида бири бўлган ва кишиларни маънавий тарбиясига хизмат қилувчи санъатнинг аҳамиятини таъкидлашга интилдилар. Ўзининг эътиқодига таянган ҳолда рассом Азиза Маматова 1990-1992-йиллари Усмон Носир, Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон портретларини яратди.

¹⁹² Умаров Э., Абдуллаев М., Хақимов Э. Культурология. Учебное пособие для ВУЗов. 2004. с. 152.

¹⁹³ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. б. 49.

¹⁹⁴ Маматов У. История создания художницей Азизой Маматовой портретов поэтов и писателей Усмана Насыра, Абдуллы Кадыри и Абдулхамид Чулпана. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://gisap.eu/ru/node/20555>

Бу портрет туркумларидан биринчиси 1990 йили ишланди. Бу шоир Усмон Носирнинг портрети эди. Шоир 1912 йили Фарғона водийсидаги Наманган шаҳрида туғилди. Ўша давр болалари каби интернатда ўқиди. Самарқанд шаҳридаги медицина институтини битирди. Шоир ва ёзувчи Абдулҳамид Чўлпон унинг ўқитувчиларидан бири бўлган эди, у У.Носирнинг шеъриятга бўлган табиий қобилиятини ўстиришга ёрдам берди. 18 ёшдан шоир “Қуёш билан суҳбат”, “Юрак”, “Латиф”, “Ёшлик” сингари шеърлар тўпламини нашр қилди, улар китобхонлар ўртасида шуҳрат қозонди.


Ўзбекистон бадиий адабиётида шоирнинг таржималари энг яхши таржималардан бири ҳисобланади. У А.С.Пушкининг “Бахчисарой фонтани”, М.Ю.Лермонтовнинг “Демон” асарларини, Гейне, Гёте ва Байрон ижодидан шеърларни ўзбек тилига таржима қилди. Ўша йиллари шоир “Атлас”, “Ғалаба” ва “Сўнги кун” сингари драмаларни ёзди. У 1944 йили Россияда вафот этди.

Рассом А.Маматова шундай эслайди: “Бу ўтган асрнинг 60-йиллари бўлган эди. Болалигимда ота-онам шоир Усмон Носир ҳақида кўп гапириб берган эди. Уйимиздаги кутубхонада урушгача ўзбек тилига таржима қилинган М.Ю.Лермонтовнинг “Демон” асари сақланар эди. Бу асар латин алифбосида чоп этилган эди. Ўша даврларда мен 40 йилдан кейин Ўзбекистон мустақилликка эришгач фожиавий тақдир эгаси, ҳаётдан эрта кўз юмган шоирнинг портретини яратман деб ўйламаган эдим. 1983 йили мен шоира Ноди Рашидова билан учрашиб қолдим. У машҳур шоир Ўткир Рашиднинг қизи ва Усмон Носирнинг жияни эди. У.Носир шеърияти ҳақида эшитган эмас, балки шеъриятга ошно оилада ўсган эди. Шеъриятга бўлган муҳаббат бизни яқинлаштирди. Н.Рашидова менга шоир билан боғлиқ воқеалар ва унинг ижоди ҳақида кўп нарсалар гапириб берди. 1984 йилдан унинг шеърий тўпламлари нашр этила бошланди. Уларни Н.Рашидова нашрга тайёрлади ва баъзиларини менга совға қилди.

Мен М.Ю.Лермонтовнинг “Демон” асарини ўзбек тилида ўқигач ҳайратга тушдим. Мен ҳар иккала тилдаги матнларни, шеъриятнинг ажойиб намуналаридagi қайфият ва қайғуни, ҳар иккала шоир тақдирининг ўхшашлиги (улар ёш ва фот этишди) ҳайратга солди. “Қувғинди руҳ, қайғули демон, гуноҳкор замин устидан учар”. Ўзбек тилидаги таржимада бу сўзлар аслидадига ниҳоятда ўхшаш. М.Ю.Лермонтовнинг ажойиб поэмасининг ҳар бир сатри катта маҳорат билан таржима қилинган. Бу пайтда Усмон Носир бор-йўғи 20-22 ёшда эди. Айнан шу асар ўзим ёқтирган шоир Усмон Носир образини яратишга туртки бўлди.

“Демон” асарида шундай сатрлар бор: “Кун ҳам тун ҳам эмас, у ёруғ оқшомга ўхшар”. Бу сўзлар портрет-картинанинг рангини белгилаб берди. Асар очик, мовий-кумушсимон рангда ишланди. Шоирнинг ўзи шоирона илҳом манбаи бўлган оқ, чиройли от фонида ишланди. Н.Рашидованинг айтишича 6-7 ёшли У.Носирни оқ от олиб кетган ва ота-онаси уни ўтлоқдаги мажнунтол соясида ухлаётган ҳолатда топишган.

У.Носир ҳақидаги бу ҳикоядан мен қандайдир рамз топдим. Эрта ўқиш ва ёзишни ўрганиб олган шоирда шеъриятга муҳаббат уйғонди. 20 йиллик ижодий ҳаёти давомида У.Носир ажойиб асарлар ёзди, М.Ю.Лермонтов ва А.С.Пушкин поэмаларини таржима қилди ва ўзининг дostonларини қолдирди. Унинг ижоди ўзбек халқининг шеърий мулкига бебаҳо ҳисса бўлиб қўшилди. Асарни яратиш пайтида М.Ю.Лермонтов ва У.Носирнинг осойишта суҳбатлашиб турган пайтидаги образи намoён бўлди ва мен уларнинг суҳбатига гувоҳ бўлгандек эдим.



А.Маматова. “Усмон Носир”. 1990 йил.

*Юрагим, сен менинг созимсан,
Сўзларимга сен оҳанг бағишлайсан,
Нигоҳимга ойдан нур берасан,
Қудратингла ўзингга чорлайсан...
Агар Сенга Ватан ишонмай қўйса,
Агар лаҳзага ўчиб қолсанг,
Майли учқун сочиб ёрлиб кетсанг
Оғриқдан бутунлай ёрлиб кетгин!*¹⁹⁵

Портретда У.Носир оқ от фонида тасвирланди, бу ёш шоирнинг ўз фожиали ҳаётини олдиндан билгандек тасаввур уйғотади. Шоирнинг ўнг қўли кўкрагида, чап қўли эса оҳанг бераётгандек. Булутлар чўлғаб олаётган қорамтир осмонда чақмоқ излари, шамолда отнинг ёли, думлари учяпти, бел баробар ўсган дала гуллари шоирнинг қора сочлари учяпти, кўзлари илҳомдан порлаб турибди.

Мен уни худди шундай тасаввур қилдим. Портрет бир нафасда тасвирланди. Шоирнинг ҳаётининг ўзи ҳам совуқ Сибир қорларида ёрқин из колдириб чақмоқдек ёниб ўчди. Оқ канотли от – шеърят рамзи, У.Носирнинг қисқа ҳаётини назарда тутгандек унга чексиз ижодий илҳом берди”.

¹⁹⁵ Иванов С. Усман Насыр. [Электронный ресурс]. Режим доступа:
<http://www.ziyouz.uz/ru/poeziya/uzbekskaya-sovremennaya-poeziya/650--1913-1944>

Портрет хиссиётларнинг жўшқинлиги билан ўзига мафтун этади. Зоҳиран у осойишта кўринади, лекин ботинан ижодга интилувчанлик, таъсирчанлик қалб туғёнлари аниқ кўриниб туради. Усмон Носир портретида бу шоирга хос бўлган уйғунлик очиб берилади. Шоир портрети унинг 80 йиллик юбилеи муносабати билан 1990 йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида ташкил этилган комиссия илтимосига кўра ишлаб берилди.

Тасвирий санъат устаси, rassom А.Маматова 1991 йили ёзувчи Абдулла Қодирийнинг портретини яратди. Ёзувчининг таҳаллуси Жулкунбой бўлган. У 1894 йили Тошкент шаҳрининг эски туманида боғбон оиласида таваллуд топди. А.Қодирий янги ўзбек адабиётининг буюк вакили ва ўзбек романчилигининг асосчиси ҳисобланади.

Ёзувчининг отаси Қодирбобо Тошкент беклариникида хизмат қилган ва генерал Кауфман армиясидан шаҳарни химоя қилишда иштирок этган. Отасининг ҳикоялари ёзувчининг адабий асарлари учун сюжет бўлиб хизмат қилди ва тарихий романларини яратилишида муҳим роль ўйнади.

У болаликдан шарқона маданият ва адабиёт руҳида тарбияланди. Ўсмирлик пайтида эски усул мактабида (1904-1906), сўнг рус-тузем мактабида (1908-1912), ва Шайх Абдулқосим мадрасасида (1916-1917) ўқиди. Кейинчалик Москвадаги адабиёт курсларида таҳсил олди (1925-1926).

У араб, форс, рус тилларини мукамал эгаллади, бу унга жаҳон адабиёти билан танишиш имконини берди. 1919 йил ўрталарида А.Қодрийнинг адабий ижодий фаолияти бошланди. “Садои Туркистон” газетасида унинг “Янги орзулар ва мактаблар” мақоласи чоп этилди. Бир муддатдан кейин ёзувчи “Тўй”, “Миллатимга”, “Тафаккур қил” шеърларини чоп этди.

Бу асарлар маърифатпарварлик гоёси асосида ёзилди ва уларда ватанпарварлик руҳи ўз аксини топди. Муаллиф халқнинг оғир ҳаёти ҳақида алам билан ёзди ва уйқудан уйғонишга даъват қилди. Кейинчалик у дастлабки китобларини ёзди “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари ўзбек адабиётида янгилик бўлди. 1937 йил охирида Абдулла Қодирий хибсга олинди. Унинг асарлари зарарли деб топилди ва кутубхоналардан олиб ташланди.

Фақат Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин унинг табаррук номи қайта тикланди. Унинг “Ўтган кунлар” ва “Меҳробдан чаён” романлари асосида бадиий фильмлар суратга олинди ва энг муҳими унинг асарларини цензурасиз чоп этиш имконияти пайдо бўлди.

Rassom А.Маматова сўзида шундай давом этди: “Мен 1988 йилдан Абдулла Қодрий портретига материал йиға бошладим. 1990-йиллари 1937-1938-йиллари отиб ташланган ёзувчиларнинг архив ҳужжатлари ва фотографияларини ўрнаётиб А.Қодирийнинг тўғридан ва ёндан ўлими олдидаги фото суратларда кўриб қолдим ва бу менинг қалбимнинг тубигача даҳшатга солди. А.Қодирий юзининг фожиавий ифодаси мени титратиб юборди.

Устахонамга қайтибоқ бу ажойиб инсон, катта иқтидор эгаси бўлган ёзувчи, ижод қуввати энди гуллаган 44 ёшида отиб ташланган одам ҳақидаги кучли таассурот остида ромкага мато тортиб ярим тун бўлишига қарамасдан портрет ёза бошладим.

Бу пайтда мен ёзувчининг ҳаёти ва ижоди ҳақида анчайин материал тўплаган, унинг романларини ўқиб чиққан эдим, унинг ўлим олдидаги фото сурати эса унинг катта адабий иқтидорга эга, виждонли ва кўркмас инсон ҳақидаги тушунчаларимни тўла шакллантирди.

Портрет композицияси дарҳол ҳал қилинди, ёзувчи томошабинга қараган, қўлларини кўкрагига чалиштирган ҳолда эски пальтода, асрий дарахтлар шохи фонид ва думалоқ ой сузиб юрган тўқ кўк рангли ўлимтиклар учиб юрган осмон остида тасвирланди.



А.Маматова. “Абдулла Қодирий”. 1989 йил.

“Ўтган кунлар” романини ўқиш асносида унинг иқтидорига тан бермай бўлмайди, унинг ҳар бир саҳифасидан ҳақиқат, одамларга бўлган кучли муҳаббат уфуриб туради. 44 ёшида ҳаёт билан видолашиш жуда қийин бўлса керак, баъзи мақбул таклифлар ҳам бўлган бўлса керак, лекин ёзувчи ўз иймони-ни сотмаган ҳолда, тик туриб жон берди. Менга бир нарса маълум, у ҳам бўлса бу фожиага тўла портретда мен Абдулла Қодирий ҳақида нимаики билган бўлсам ва унинг асарлари таассуроти остида ўзимнинг хиссиётларимни акс эттирдим”.

1992 йили шу туркумга кирувчи Абдулҳамид Чўлпон портрети ишланди. Рассом А.Маматова томонидан бу портрет 1991 йил ўрталарида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси назм секцияси аъзолари илтимосига биноан ишланди.

XX аср Ўзбекистон янги назми асосчиларидан бири Абдулхамид Сулаймон ўғли Чўлпон (1897-1938) Андижон шаҳрида туғилди. Дастлаб эски услуб мактабида ўқиди. Кейинчалик у рус-тузем мактабида ўқиб рус тили ва адабиётини чуқур ўрганди. XX аср 10-йиллар ўртасида А.Чўлпонинг ижодий фаолияти бошланди. У ўз асарларини “Қаландар”, “Андижонлик” ва “Чўлпон” таҳаллуслари остида нашр қилди. “Доктор Муҳаммадёр”, “Ватаним темир йўллари” сингари биринчи ҳикоялари, “Адабиёт надур” сингари мақолаларида маърифатпарварлик, озодлик ва мустақиллик ғояларини тарғиб қилди. Қисқа муддатда “Тонг сирлари”, “Уйғониш”, “Булоқлар” сингари шеърини тўпламларини чоп қилди.

А.Чўлпон юртимиздаги таржимонлар мактаби ривожига катта ҳисса қўшди. У М.Горкийнинг “Она”, Шекспирнинг “Гамлет” ва А.С.Пушкиннинг “Дубровский” каби асарларни ўзбек тилига ўғирди. А.Чўлпон бутун онгли ҳаёти давомида ўз халқининг озодлиги ва тараққиёти ғояларини тарғиб қилди. Унинг “Кеча ва кундуз” романи ўзбек адабиёти тарихига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Роман маърифатпарварлик руҳида ёзилди, миллат тараққиётига тўсқинлик қилаётган иллатлар кўрсатиб берилди. 1937 йил охирида Абдулхамид Чўлпон “Халқ душмани” деб эълон қилинди ва отиб ташланди”¹⁹⁶.

Рассом А.Маматова шундай ҳикоя қилади: “Энг аввало мен ёзувчилар уюшмаси назм секцияси шоирларидан маърифатпарвар шоирнинг фотографияси ва шеърларидан иборат ҳужжатли материалларни беришларини илтимос қилдим. Бир қанча муддатдан кейин Ўзбекистон халқ шоири Рауф Парфи катта, эски машинада ёзилган шеърлар солинган папка ва шахсий ҳужжатдан олинган кичкина сарғайиб кетган фотографияни қўлимга тутқазди. Бир неча кун ўз устахонамдан чиқмасдан шоирнинг ажойиб шеърларини қайта-қайта ўқидим, уларда инсоннинг кўтаринки ва тушкун кайфиятлари ёрқин ифодаланган эди.

Бу папкада севги лирикаси, инсоний муносабатларнинг гўзаллигини ва халқ эркинлигини куйловчи шеърлар бор эди. Шеърлар жуда кўп эди ва уларнинг барчаси юксак маълумотли, нозик хиссиётли, исёнкор қалбли одам томонидан ёзилганлиги сезилиб турарди.

XX аср бошларида Олмонияда таҳсил олаётган Туркистонлик талабалардан бири ўзлари нашр қилаётган “Кўмак” журналида шундай ёзган эди: “Мен Шекспир лирикаси ва Чўлпон шеърини ўртасидаги фарқни қанчалик қидирмай, уни топа олмадим. Мен Чўлпонинг “Уйғониш” сонетини, Шекспир сонетларини қайта-қайта ўқидим. Ва ниҳоят Шекспир – бу Чўлпон, Чўлпон – бу Шекспир эканлиги ҳақидаги хулосага келдим”.

Фотографияда А.Чўлпон дуппида, кўзойнакда тасвирланган, у оқ кўйлак, қора чопон кийиб олган. Фотографиянинг сифати ниҳоятда ёмон эди, лекин бошқаси ҳам бўлмаган эди. Мен Абдулхамид Чўлпон портрети устида иш бошлаганимдан бир неча ҳафтадан кейин устахонамга Рауф Парфи, Мирзо Кенжа ва Азим Суюн сингари шоирлар кириб келди. Портрет устидаги ишим қўшимча ахборотга мухтож эди.

Шоирлар А.Чўлпоннинг Москвадаги ҳаёти, у мулоқот қилган рус театри режиссёри Вахтангов ҳақида сўзлаб бердилар. Сўнгра улар шоирнинг шеърларини ўқишди. Мен устахонада бир ўзим қолгач А.Чўлпонни қора пиджак, эркин боғланган кенг тўқ яшил галстук тақилган оқ кўйлакда тасаввур қилдим. Ўша даврларда шоирлар Есенин ва Маяковский галстукни шундай боғлар эди. Портретда шоир елкасига чопон ташлаб қўйилди.

¹⁹⁶ Алимова Д.А. История как история, История как наука. В 2-х т., т.2. -Т.: Узбекистан, 2009. с. 161-162.



А.Маматова. “Абдулҳамид Чўлпон”. 1992 йил.

*Мен кўпол қоялардан кечиб,
Дўстлик водийсига келдим,
Бу гўзаллик нигоҳларимни аллалаб,
Юрагимда қувончни топдим...
Ўйларимдан шеърлар тугилиб
Созлар чалди пок юрагим.
Энди эзгулик кўпайиб,
Жаннат гўзаллигини туйдим!¹⁹⁷*

Мен А.Чўлпонни худди шундай тасвирладим. Шоир фониди Хумо кушни чиздим. Нима учун айнан Хумо? Негаки А.Чўлпоннинг шеърляти Ўзбекистон маданиятидаги “Унутилмас саҳифа”га айланиб қолган эди. Мустақиллик туфайли унинг шеърляти қайта жонланди, силкиниб парвоз қилди, А.Чўлпон шеърлятини оғир пайтларда ҳам унутмаган ўзбек халқи уни худди шундай Хумо куши каби парвоз қилишини хоҳлар эди. Бадиий асар яратишга ҳаётнинг ўзи, унинг қилма-хиллиги, теран ҳиссиётлар ва кечинмалар туртки беради, уларни ижодкор инсон жамият ҳаётида рўй бераётган воқеалар ва турли одамлар билан учрашувда ҳис қилади.

¹⁹⁷ Ахмедов Б. Абдулхамид Чулпан. // Звезда Востока. №2, - Т., 2010. [Электронный ресурс]. Реж.дос.: <http://www.ziyouz.uz/ru/poeziya/uzbekskaya-sovremennaya-poeziya/650--1913-1944>

Буларнинг барчаси рассомни бойитади ва уни бадий асар яратишга ундайди. Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъат тарихий жанрда яратилган асарлар ҳаётда рўй берадиган воқеалар ва одамлар ҳақидаги тасаввурлар ва ўйлар меваси ҳисобланади. Ҳаёт шунчалик тез ўтяптики, рассом томонидан ёшлигида ишланган машҳур замондошлар портретлари у кексайганда (агар у рассом Тициан каби узоқ умр кўрса) тарихий шахслар портретлари бўлиб қолади.

Вақтнинг ўзи бу тарихий асарларни баҳолашнинг олий ҳаками бўлиб, инсон қўл меҳнатининг номукамал меваларини элақдан ўтказади. Санъат тарихини чуқур билмасдан туриб рассом ўтган асрда халқдан сир тутилган тарихий ҳақиқатни ўз тарихий асарларида очиб бера олмаган бўлар эди.

Шу билан бирга тасвирий санъатдаги янги омиллар ва ходисаларни давримиз бадий тараққиётининг асосий йўналишлари билан чоғиштириш ва боғлаш зарур бўлди. Рассом ижтимоий ва маънавий тажриба тўплаши билан унинг образлар қурилмаси, ифодавий воситалари ва реалистик санъат усуллари бойиб бораверади. Унинг ижодий асарларида мустақиллик ғояси ва бадий ифода пайдо бўлди.

Шу муносабат билан XX аср Франция тасвирий санъати устаси Фернан Леженинг қуйидаги гапларни эслаш ўринли бўлади: *“Биз бир ниҳоясига етаётган бир янги тугилиб келаётган икки дунё ажойиб тўқнашув даврида яшамоқдамиз”*.

Ҳақиқий рассом замон воқеаларининг бу мураккаблигини яхши ҳис қилади ва фақат ўзининг ички эътиқоди билан давримизнинг эзгу мақсадини англаб уни ажойиб давр дейиши мумкин. Агар тасвирий санъат усталарининг ижодий асарлари гўзаллик ва инсонийликни таъкидласа, ҳаётда ўз ўрнини топади.


Ҳақиқий санъат инсон табиатига ёд бўлган барча нарсаларга қарши туриб инсон ва инсонийлик шахсиятини ҳимоя қилади. Рассом ўз ижодида ўз имкониятлари доирасида давр унинг олдига қўйган вазифаларни тушиниб ҳал қилди.

Уни ижодий жараёни маълум даражада субъектив ҳисобланади, аммо у ўз касбий вазифаларини ҳал қила олади. Оламнинг гўзаллиги инсонийликнинг софлигини, инсоннинг озодлигини, баркамолликка эришувини куйлаш мавзу ва ғояси рассом Азиза Маматова эстетикаси ва этикаси ташкил қилди.

Хулоса қилиб айтганда, даврлар ўтиши билан воқеалар шундай жадаллашдики, техник ва алоқа воситалари шунчалик чўқига эришдики бир лаҳзада интернетдан ҳар қандай қизиқтирган маълумотни топиш мумкин.

Шунга қарамай классик тасвирий санъат умумий санъат сингари шошмай, ўз қонунлари асосида ривожланыпти, негаки у халқ бадий ва маънавий маданиятининг каттагина қисмини ташкил этади. Унинг ривожи шошқалоқликни ёқтирмайди ва улуғ шоир А.С.Пушкин таъкидлаганидек: *“Илҳом париларига хизмат қилганда шошилмаслик керак”*.






А.Маматова. Ҳайкалтарош “Джалолиддин (Равшан) Мирзожиев”. 2017 йил.

Жадидларга бағишланган ҳайкал ёдгорликлари¹⁹⁸

Тасвирий санъат устаси ҳайкалтарош Жалолиддин (Равшан) Миртожиев ҳақида гап кетганда, у иқтидорга, ижодий лаёқатга ва меҳнатсеварлик хусусиятига эга эканлигини таъкидлаш жоиз. Санъаткор XX асрда яшаб ижод этган, ўзининг ижодий меҳнатлари билан тарихий шахс мақомига эга бўлиб қолган Ватанимиз адабиёти ва маданияти тараққиётига улкан хисса қўшган Зулфия, Саид Аҳмад, Саида Зунуннова, Ойбек сингари халқимизнинг ардоқли фарзандларининг ҳайкал ёдгорликларини яратди.

Портрет жанрида тасвирланаётган шахснинг яратилётган образининг руҳий моҳияти ва ташқи қобиғи орасидаги муносабат кескинроқ бўлади. Инсоннинг аниқ тасвирдан чекиниш ҳайкалтарошга нисбатан эътироз уйғотишга сабаб бўлиши мумкин, портрети олинаётгандан фотографик нусха олиш яхши натижага олиб келмайди. Ҳайкалтарош Ж.Миртожиев бундай камчиликлардан йироқ бўлди. Унинг иқтидори ва меъёр ҳисси ўз ижодида жонсиз образлар яратишга йўл қўймади. У ҳар бир ҳайкал портретида ўз қахрамонининг ички, руҳий моҳиятини очиб бера олди. Уларда инсон руҳий ҳаёти акс этган.



Жалолиддин (Равшан) Миртожиев. “Элбек”. 1998 йил.

1998 йили ишланган маърифатпарвар Элбек портрети айнан шундай яратилган. Ҳайкал Тошкент вилояти Ғазалкент шаҳрида ўрнатилган. “Элбек ёзувчининг таҳаллуси. Унинг исми фамилияси Машрик Юнусов (1893-1939). У ўзбек шоири, олими, адабиётшунос, шеърий тўпламлар, дostonлар, масаллар, очерклар ва ҳикоялар муаллифи ҳисобланади. Фольклор материалларини ўрганиш, ўзбек тили ва адабиёти бўйича дарсликлар, ўқув қўлланмалар тайёрлаш билан шуғулланди”¹⁹⁹.

¹⁹⁸ Маматов У. Посвящается Памяти Мастера Ваяния, Скульптору Джалолиддину (Равшану) Миртожиеву. / Сборник научных статей: Замонавий бадиий таълимнинг долзарб муаммолари. 2017.с.193.
¹⁹⁹ Эльбек. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://people.ziyonet.uz/ru/person/view/elbek>

Элбек Чимён тоғи этагидаги Хумсон қишлоғида туғилди. 12 ёшида боғбон-деҳқон отасидан дуо олиб, пиёда Тошкентга йўл олди, бу билан у ўзининг билимга чанқоклигини қондирмоқчи бўлади. Бу ерда у тўғри келган жойда яшади, очин-тўқин қолишига қарамай ўз орзусига эришди. У эски усул мактабини тамомлади. Бу жаҳид мактабларида усули савтияда дарс бериларди.



Жалололдин (Равшан) Миртожиев. “Абдулҳамид Чўлпон”. 1997 йил.

Унинг дастлабки шеърлари 1919 йили “Иштирокион” газетасида чоп этилди. Икки йилдан кейин Элбек таҳаллусини олади ва ҳақиқий адабий фаолиятини бошлайди. Ўзбек адабиёти тарихида Элбек болалар шеърляти асосчиси, халқ оғзаки ижоди ютуқларини тўплаш ташаббускори сифатида қолди. 1937 йили Элбекни Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон ва Абдулла Қодрийларнинг дўсти ва ҳамкори сифатида қатағон қилишди, уни халқ душмани сифатида Магадандаги Нагаево бухтасига сургун қилишди. 1939 йили у вафот этди.

Тасвирий санъат устаси Жалололдин (Равшан) Миртожиев ўз ижодида шоир Элбек портретига бежизга мурожаат қилмади. Бу кейин анъанадек бўлиб қолди ва XX аср биринчи ярми маърифатпарварларининг портретлар туркумини яратди. Боши мағрур кўтарилган, лаблари, кўзлари бироз қимтилган, қатъий ва диққат билан тиклаётган нигоҳи, танаси ва елкага ташланган плаш четини ушлаб турган қўллари – буларнинг барчаси мақсад сари интилувчан, кучли характерли ва иродаси букилмайдиган киши тасвирланган ҳайкал бўлиб қолди.

Шоир Абдулҳамид Чўлпонга бағишланган ҳайкал ҳақида гапириш зарур. Ҳайкал 1997 йили Андижонда ўрнатилди. Ҳайкал композицияси рамзий. Шоир кесиб олинган чинор тўнкасида ўйчан ўтирибди. Тўнка – халқнинг бошидан кечирилган кўп йиллик қатағон, миллий маданият, маънавий меросга муносабат рамзи бўлиб қолди.

Шоирнинг ўйчан нигоҳи – 1937-1938-қатағон йиллари бевақт ҳаёт билан видолашган кўпгина зиёли одамларнинг фожиали тарихига нигоҳдир. Абдулла Қодрийнинг ҳайкал ёдгорлиги санъаткор томонидан 1994 йили яратилди ва Тошкент шаҳрида ўрнатилди, шунингдек 1996 йили Бухоро шаҳрида Абдурауф Фитрат ҳайкал ёдгорлиги ўрнатилди.

Бу ҳайкаллар ягона руҳ билан, ташқи, ички ва маънан ўхшашликда яратилди. Улар даҳшатли Сталин давр қатағонларни ёдга солиб туради. Ҳайкалтарош ўз асарларида фожиаларга тўла йилларни ниҳоятда сезгирлик билан акс эттирди. Асар қахрамонлари – ёзувчиларнинг бош, юз мушаклари ҳаракатлари, қошлари ҳолатлари сингари юқорида санаб ўтилган зиёлларнинг ички олами табиийдан-да табиийроқ тасвирланди.



ЎЗР ФА “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи.

“Мирмуҳсин Шермуҳамедов” (1967), “Абдулла Авлоний” (1979), “Исмоил Гаспринский” (1992), “Маҳмудхўжа Бехбудий” (1997) китоблари муаллифи филология фанлари доктори, профессор Бегали Қосимов шундай ёзган эди: “Биз жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган ва ҳозирда ҳам қўшиб келаётган маърифатли миллат эканлигимизни унутиб қўйдик. Тўғрироғи, бизнинг онгимиздан юлиб олишди, бунинг ўрнига ҳарб иши билан қизикмайдиган, техникага қобилияти бўлмаган, тилларни ўзлаштириб олмайдиган миллат сифатида ўзларига таништиришга уринишди. Натижада миллатимизнинг яхши ҳислатлари, анъаналари аста-секин йўқолиб борди. Шу аснода миллатнинг ўзига хослигини йўқотиш жараёни бошланди (“Фидокор газетаси” 2000 йил 8 июнь)²⁰⁰.

Юқоридагиларга қўшимча равишда таниқли адабиётшунос Озод Шарафиддиновнинг фикрларини келтириш мумкин:

²⁰⁰ Основы духовности. с. 26. [Эл.рес.]. Режим доступа: [http://library.tma.uz/uum2/uum-omh-gumanitar-fanlar/Маънавият%20асослари/На%20рус/nazorat-va-taminot/Литраа/Osnovi_dux\(maruzar\(rus%20tilida\)\).pdf](http://library.tma.uz/uum2/uum-omh-gumanitar-fanlar/Маънавият%20асослари/На%20рус/nazorat-va-taminot/Литраа/Osnovi_dux(maruzar(rus%20tilida)).pdf)

“Маърифатли инсон ўзини халқнинг зарраси ҳисоблаши, халқ кадрини тушунадиган бўхтонларни рад этиши ва унинг маънавий бойлиги ҳимоячиси бўлиши керак”.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуини очилишидаги нутқда шундай деган эди: “Одамлар қалбида оғир из қолдирган қатағон йилларидаги овлоқ, ташландик бу жой “Алвасти кўприк” деб аталарди ва ёмон арвоҳлар тимсоли бўлган эди. Бу ерда халқимизнинг минглаб ҳақиқий ўғлонлари отиб ўлдирилган ва кафансиз ҳамда дафн маросимларисиз кўмиб ташланган эди.

Яқин даврларгача миллатимизнинг фаҳри бўлган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари Ўзбекистонинг ўнлаб буюк ўғлонлари ҳам шу ерда ўлдирилганлигини билмаган эдик. Ёвузлик ва шафқатсизлик асосига қурилган босқинчилик даврида камситилган халқимизнинг энг яхши одамлари ўзларининг кадр-қимматлари ва миллатнинг буюклигини чуқур англадилар. Улар юксак ижтимоий-сиёсий онга эга эдилар ва халқни маънавият ва маърифат йўлида уйғотиш ва бошқаришга интилдилар”²⁰¹.



²⁰¹ Каримов И.А. Наша высшая цель – независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. т.8. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. с. 462-463.

4.3. Тасвирий санъатнинг тарихий жанридаги асарларнинг ёшлар маънавий тарбиясига таъсири²⁰²

Ўзининг буюк тарихидан келиб чиқиб мавжуд табиий иқтисодий имкониятларга таяниб, Ўзбекистон ўзигагина хос бўлган тараққиёт йўлидан бормоқда ва унга бутун афкор омма қизиқиш билдирмоқда. Уларнинг барчаси халқнинг маънавий, яратувчанлик меҳнати билан боғлиқ. Мустақилликка эришилгач, бизнинг дунёқарашимиз ва тарихий воқеаларга бўлган муносабат ўзгарди. Бу фан тарихини ва хусусан тасвирий санъатни, унинг тараққиётининг асосий тамойиларини қайта ўрганишни тақозо қилди.

Совет, комунистик ғоя даври санъат асарларининг мавзуси ва усуларини белгилаб берди. XX аср охири ва XXI аср бошларида Ўзбекистон мустақилликка эришгач тарихий асарлар сюжетларида жиддий ўзгаришлар рўй берди. Қисқа вақтда уларда мазмунинг янги моҳияти асослари кўринди. Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин вужудга келган янги жараёнлар тасвирий санъат ва маданият ҳақидаги тушунчалар жиддий тарзда кенгайди.

Тасвирий санъатининг тарихий жанридаги янгиланишлар ва ўзгаришлар тушунчаси одамларнинг дунёга бўлган қарашини кенгайтиради. Хусусан, тасвирий санъатнинг бошқа турларининг ўзига хослигидан фарқли тарихий жанрлар ҳақидаги тушунча инсон онги ва тафаккурини кенгайтиради. Ўзбек тасвирий санъатида, айниқса унинг тарихий жанрида дунёни ўзгариши ҳақидаги ғоялар очиб берилди ва ёрқин тасвирланди. Бу асарлар ўзининг яратилиши классик шакли ва асос моҳияти, уларда акс ифодаланган кишиларнинг ички оламини акс эттирилишига кўра бошқа жанрларидан фаркланади.

Ҳозирги сиёсий шароитларда маданиятнинг, хусусан тасвирий санъатнинг тарихий жанрлардаги асарларнинг роли ниҳоятда ошиб боряпти. Машҳур тарихий асарлар маданият феномени бўлиб қолди ва халқимиз характерининг маънавий-маърифий ҳамда руҳий-ахлоқий хусусиятини ифодалайди. Тарихий тасвирий санъат асарлари маънавий-моддий қадрият ҳисобланиб миллий онгнинг ўсишига ҳаққоний таъсир қилади. Шу муносабат билан ёшлар тарбияси бўйича вазифаларни ҳал қилишига ёндашув долзарблашади. Тарихий бадиий асарларни янги нуқтаи назардан ўрганиш маданиятшунослик таҳлили мавзусини бойитади ва асарнинг бадиий шаклини тарихийлик нуқтаи назаридан кўриб чиқиш имкониятини таъминлайди.

Бутун дунёда ҳозирги пайтда давлатларнинг мафкуравий ҳаётига америкалик мафкурачи З.К.Бжезинскийнинг “Юмшоқ мафкура”си фаол татбиқ этилаётган экан²⁰³, “Ижтимоий ҳаётнинг муҳим томонларидан бири бўлган маданиятга мафкуравий ва ахборий қарама-қаршилик кучаяди. У алоҳида эътиборни талаб қилади. Айнан маданият жамиятнинг анъанавий, инновацион ва маънавий-маърифий хусусиятининг уйғунлигини акс эттиради”²⁰⁴. Юмшоқ мафкура маънавий олам ва ёшларни онгли яшаш, ижод қилишини еб битиради, уларни “Бахт – бу бойлик, истеъмолчилик – бу бахт” шиори билан яшайдиган қилиб кўяди. Жамиятни ривожлантириш ва уни тараққиёт йўлидан олға бостириш учун ижобий фикрлаш қобилиятига эга бўлган ташаббускор ёшларни тарбиялаш лозим.

²⁰² Иноятов К., Маматов У. Республика ёш олимлар кенгаши. / Сборник научных статей: Диалог с молодёжью: Проблемы и решения. Международная научно-практическая конференция. 2018. с. 74.

²⁰³ Бжезинский, Збигнев. [Эл.ресурс] Режим доступа: https://ru.wikipedia.org/wiki/Бжезинский,_Збигнев

²⁰⁴ Мустафаева Н.А. Мустамлака ва Совет даври тарихшунослигида Ўзбекистоннинг XX аср маданияти. Докторлик диссертацияси автореферати. 2016. б. 3.

Ёшларда илмий ижод феномени ривожланишга тегишли туртки бериши мумкин, буни фақат оила, мактаб ва таълим муасасаларидан иборат жамиятнинг биргаликдаги кучи билан амалга оширилади. Бу ижтимоий онгни ўсишида муҳим аҳамиятга эга ва айнан шундай жамият мураккаб даврда яшаб қолади.

Ҳукмдор Амир Темур ўзининг “Тузуклари”да: “Бир ташаббускор одам ўнлаб бефарқ одамдан яхшироқ”, деб ёзган эди. Ёшларни қадриятлар асосида тарбиялаш лозим, бу бойлик ва истеъмолчиликни асос қилиб олиш дегани эмас ёки юмшоқ мафкурада айтилганидек мутеликни, бўйсунувчанликни сингдириш эмас. Бу ҳолатда халқнинг келажаги бўлган ёшларда ижодга, юрт келажагига бефарқлик илдиз отиб кетади. Шу сабабли “юмшоқ мафкура”ни илдизи билан қўпориб ташлаш лозим. У махсус тадбирлар ва тарғиботни талаб қилмайди, балки реклама, телешоу ва тармоқ истеъмолининг янги тизимидан фойдаланилади ва ёшлар онгига тез сингиб кетади.

Бу мафкура “Ҳамма нарса сотилади ва олинади шиори остида максимал истеъмол томонига йўналтиради. Табиийки, бу ёшлар маънавиятига салбий таъсир қилади, жамият ривожини тўхтатиб қўяди. Натижада жамият инсонни шаклантиришдек бош вазифани хал қила олмай қолади.

“Бахт – бу моддий бойлик”, “Истеъмолчилик – бу бахт” каби сўзлар Э.Фром, Г.Маркузи сингари олимлари асарларидан ўрганилди ва Ғарбий Европа ва АҚШ мамлакатлари масс-медиясидан олинди. Бу таълимотлар асосида ёшларнинг моддий бойлик ортириш, шу билан “Бахтга эришиш” тенденцияси кучайди. Лекин юнон файласуфи Эпикур айтган: “Бахт бу – фарвонлик, хафаликдан озодлик, ҳиссиётларнинг меъёри, инсон, табиат томонидан тайинланган чегараларда қолиши”.

Бу фикрларга А.Шопенгауэр нуқтаи назардан қаралса, файласуф шундай дейди: “Бойлик инсоннинг истеъмол муамоларини қондиради, аммо ички қониқ-қиш ҳиссини пайдо қилмайди, негаки бундай ҳис фақат билим олиш, ақлий меҳнат қилган пайтдагина пайдо бўлиши мумкин”. Д.Маернинг тадқиқотига кўра, XX аср иккинчи ярмида АҚШ аҳолиси икки баровар бойиб кетган бўлса ҳам, ўзларини бахтли ҳис қилмаган.

Бахт манбаи сифатида истеъмолчилик интилиш, ижодга интилиш жараёнини тартибга солади. “Шу нарса аниқки, ушбу жараён ёш авлоднинг интеллектуал қобилиятининг доимий сусайиб бориши шароитида кечяпти, ёш авлод, шунингдек жамият онгида рўй бераётган бундай ўзгаришлар психологик ва маънавий кашоқлик феноменини вужудга келтиради”²⁰⁵.

Айнан шунинг учун ҳам Ўзбекистон маданиятидаги тарихий жанр тасвирий санъат асарлари ёш авлоднинг маънавий ўсишида муҳим ўрин эгаллаши, ундан миллий онг ва маданий-маънавий қадриятларни қайта тиклаши зарур. XX охири XXI аср бошларида ёшларда халқимизнинг маданий ва маънавий қадриятларга муносабат ўзгарди ва феномен даражасига етган Ўзбекистон маданиятидаги тарихий жанр тасвирий санъат асарлари ҳам эътибор марказида бўлиб қолди.

Тарих шуни кўрсатадики тарихий асарлар билан чуқур танишиш асносида ёшларнинг дунёқараши шакланган ва шакланмоқда ва уларни ҳаётга маънавий-ахлоқий муносабати мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунда ёшларимиз тоталитар тузум қолибидан қутулган ҳолда тарбияланмоқда ва энди ўз халқининг тарихини эркин ўрганиши мумкин.

²⁰⁵ Глазунов В.В. Олигархические трансформации. [Текст]. В.В.Глазунов // Монография - Запорожья.

Бугунги кунда Ўзбекистон ёшлари иқтидор, ижод, меҳнат ва Ватанпарварлик туйғулари куйланган тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарлари билан кенгрок танишишлари лозим. Бадиий маданиятни идрок этиш эркин бўлиш керак, тарихий тасвирий асарлари билан танишиш эса ўқиш пайтида ёшлиқдан бошланиши зарур. Тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарларида жиддий янгиланишлар ва янги ғоялар кузатилмоқда. Уларда инсоний олам ва ўтган даврлар воқеалари акс эттирилаяпти, шу аснода тасвирий санъат ёрдамида ўзгаришлар имкони пайдо бўляпти. Табиийки, ёш авлод ўтмишидаги буюк мутафаккирлар мероси ва уларнинг фан, адабиёт, санъат соҳаларига оид бўлган мероси билан танишиб ҳар томонлама ва жўшқин ривожланмоқда. Маънавият, энг аввало илмий, фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний соҳалардаги инсон тафаккури ютуқларини санъат ва адабиёт билимларини мукамал ўзлаштириб олишдан иборат бўлади.

Халқнинг ўз-ўзини англаши ўз тарихий илдизларини билиш миллий маданиятни ўзлаштиришда намоён бўлади, бу эркин ҳар томонлама камол топган инсон ривожига муҳим шарт ҳисобланади. Ўзбекистон маданиятидаги тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарларида миллийлик ва умуминсонийликнинг алоқаси ўз халқининг маънавий ва маданий қадриятларига бўлган эҳтиёждан келиб чиқади.

Рауф Парфи, Озод Шарафиддинов, Муҳаммад Юсуф ва Чингиз Айтматовнинг портретлари²⁰⁶

Таниқли ўзбек шоири Рауф Парфи (1943-2005) портрети рассом Азиза Маматова томонидан ўтган асрнинг 1990-йиллари бошларида ишланди. Шоир рассомда ўзбек маърифатпарварлари Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон ва Усмон Носирларнинг адабий мероси ва энг аввало Алишер Навоийнинг бебаҳо асарларига муҳаббат уйғотди. 1977 йили феврал ойида “Илҳом” клубига Тошкент шахрининг ижодкор зиёлилар тўпланди. У ерда рассом Азиза Маматованинг биринчи кўргазмаси бўлиб ўтди. В.Суриков номидаги Москва рассомлик институти битирувчиси рассом Шухрат Абдурашидов тақдимотда уни Рауф Парфи билан таништирди.


Шоирнинг қарашида ақл мужассам эди. У унинг юмшоқ характеридан дарак берар эди, баъзан унда кесатикли таббасум ҳам зоҳир бўлар эди. У камтарона оқ кўйлак ва жинси шим кийиб олган эди. Башанг кийинган олимлар ҳам уни ҳурмат билан кутиб олишди. Шу билан бирга у кам гап эди. Сўзларини шамолга со-вурмасдан маънодор гапирар эди. Ижодкорлар орасида у нафақат адабий ижоди билан, балки саҳийлиги билан ҳам машҳур эди. Ижодкор ёшлар доим унинг атрофида тўпланиб “Устоз” деб аташар эди.

Рауф Парфи билан биз эртаси куни ёшлигида қатағон қилиниб, ёши ўтиброк озод этилган ёзувчи Шухратнинг кўришга бориб, учрашишга қарор қилдик. XX асрнинг иккинчи ярмида унинг “Олтин зангламас” романи машҳур бўлиб кетган эди. Оддийгина хонада биз беш соатдан ортиқ суҳбатлашдик. Биз санъат, Сибирнинг концентрацион лагерлари, Ўзбекистоннинг ижодкор ёшлари ҳақида гаплашдик. Кейинчалик ўша даврлар ёшларидан иқтидорли шоирлар шаклландилар, уларнинг ижоди XX аср 90-йилларига келиб Ўзбекистон шеърятининг гултожиси бўлиб қолди.

²⁰⁶ Маматов У. О портретах Азизы Маматовой. [Электронный ресурс].

Режим доступа: <http://greylib.align.ru/1089/ulugbek-mamatov-o-portretax-azizy-mamatovoj.html>

Рассом портретини ишлаган Мухаммад Юсуф, иқтидорли шоир ва публицист Хуршид Даврон, ёш вафот этган Шавкат Раҳмон ана шу иқтидорли шоирлар қаторидан жой олган эди. Сухбат охирида ёзувчи Шухрат рассомга ўзининг “Олтин зангламас” китобини совға қилди, унда “халқнинг ардоғида бўлинг” деб ёзилган эди, бу эса ҳаёти давомида тинимсиз меҳнат қилишга чорлов бўлган эди.




А.Маматова. “Рауф Парфи”. 1994 йил.

*Бир куни йўлга чиқарман,
Силтанишга ҳам ҳолинг бўлмай,
Тангла ўтирарсан ойна олдида,
Фикрларинг узоққа кетар учиб.
Сенинг оғриқдан тинган кўзларинг,
Жонсиз кўчани узоқ кузатар,
Худди дегандек олганингни қайтар.
Аммо юқотишни тан олган маъқул²⁰⁷.*

Рауф Парфи портрети канопадан тўқилган 90x90 хажмдаги матода бўёқ билан чизилган эди. Шоир белигача, қўлларини кўкрагига чалиштирган ҳолатда тасвирланди. Психологларнинг таъкидлашича бу инсон ўзини ташқи муҳит таъсиридан асраш хоҳшини англашилган. У чексиз мовий осмон фонида тасвирланди. Пастда ботаётган куёш нурларидан ёришиб турган тоғ тизмалари ифодаланган ва ёрқин қушча юқорига осмон узра учиб кетаяпти. Рауф Парфи: “*Танамдан қушим учиб, олисларга кетаётир, охир-оқибат уни тутиб олишимасин*” – деб маънос хазиллашар эди.

²⁰⁷ Муратханов В. Перевод стихов Рауфа Парфи (1943–2005). Современная узбекская поэзия. [Эл.ресурс]. Режим доступа: <http://ziyouz.uz/ru/poeziya/uzbekskaya-sovremennaya-poeziya/703--1943-2005>

Рассом Азиза Маматова шундай хотирлайди: “Шоир Рауф Парфи ўзига хос антиқа шахс бўлган. У нафақат адабиёт билан балки умуман Ўзбекистон маданиятида рўй берган воқеалар ҳам қизиқар эди. Шоирни нафақат ижодкорлар, балки бошқа соҳалар вакиллари ҳам ўзига тортар эди. У иқтидорли ёшларга ёрдам беришни хоҳларди ва бу ушбу портретни яратилишига туртки бўлди”.



А.Маматова. “Озод Шарафиддинов”. 2005 йил.

Озод Шарафиддинов портрети. “Озод Шарафиддинов (1929-2005) – ўзбек зиёлиларини иқтидорли вакиларидан бири. Таниқли олим, педагог, профессор, публицист, таржимон, “Жаҳон адабиёти” журналининг бош муҳаррири. Юрт олдида катта хизматлари учун “Ўзбекистон қаҳрамони” унвони билан тақдирланган”²⁰⁸. Рассом Азиза Маматова шундай хотирлайди: “Йирик олим, адабиётшунос Озод Шарафиддинов билан биз адабиёт ва санъат воқеаларига бағишланган турли маданият тадбирларда, аммо кўпроқ “Жаҳон адабиёт” журнали таҳририятида кўп бора учрашган эдик. Бу журнал, 2000 йилда Озод ака ташаббуси билан ташкил қилинган эди.

Журнал муҳаририяти Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий кўчаси 30-уй, биносидаги бир неча хоналарда жойлашган эди. Бу хоналардан бирида журналнинг бош муҳарири О.Шарафиддинов ишлар эди. Бир неча марта унинг портретини яратиш ҳақида келишдик. Афсус, ўша даврларда бу портретни ишлашга шароит бўлмади. 2005 йил бошига келиб, мен унинг портретини бошлашга қарор қилдим. Шу йил март ойида олимнинг уйларига келдим. Унинг уйи шаҳар четида эди.

²⁰⁸ Озод Шарафиддинов (1929 - 2005). zyouz.uz. [Электронный ресурс] Режим доступа: <http://www.zyouz.uz/ru/deyateli-uz/44-deyateli-nauki/70-2012-09-02-13-45-12>

Улар мени аравачада ўтирган ҳолатда кутиб олдилар. Бир-икки пиёла чойдан кейин олим, менинг келишдан мақсадимни сўрадилар. Унинг портретини бошламоқчи эканлигимни О.Шарафиддинов англаб, портрет ишлаш ғояси нималардан иборат бўлишини сўради.

Ўйлаб туриб, бош ғоя замондошимнинг руҳий бардошлиги бўлишини айтдим. “Сочларим умуман қолмади”, деб бошини кўрсатдилар. “Шамолда хил-пираётган бир-икки кокилларни ёзишим мумкин”, деб айтдим.

Улар кулимсираб: “Ёшлигимда кокилларим кўп эди, қариганда ёзувчи Гётени ҳам сочлари қолмаган, у парик кийиб юрганди, асрлар ўтиб, уни образини фақат парикда тасаввур қиламиз”.

Мен жавобан: - “Бир-икки асрдан кейин Сизни образингизни ҳам, мен яратган портретга қараб тасаввур қилишади”. Кўкракдан портрет ишлашга Озод ака рози бўлдилар ва шу аснода у кишини портрети яратилди.

Машҳур шоир Муҳаммад Юсуфнинг (1954-2001) портретини ишлаш у шухрат чўқисидан бўлган 2000 йили режаланди, лекин 2001 йили бошланди. Шоирнинг турмуш ўртоғи, Ўзбекистонда “Таржима назария”сига асос солган Наим Саидов, Нинель Владимирова каби олимлар қаторида бўлган Ғайбулла ас-Саломнинг қизи эди.

Биз оилавий дўст бўлган эдик, оналаримиз дастурхон тузатгунча қадар оталаримиз Ғайбулла ас-Салом ва Саид Насимхон шахмат ўйнашар эди. Муҳаммад билан биз ижодий кечаларда учрашиб турардик. Уларни Муҳаммад шеърларининг ишқибози бўлган талаба-ёшлар ташкил қиларди.

Баъзан Муҳаммад хазилашиб: “Портретимни қачон чизасиз?” – дер эди. Унинг ҳислари ғалат, тез орада у Қорақалпоғистон шимолидаги Элликқалъа шаҳарчасида айнан ижодининг чўққи палласида юрак хуружидан вафот этди. У ерга бир гуруҳ шоирлар ва ёзувчилар маҳаллий аҳоли билан учрашувга борган эди. У ерда ҳали 45га кирмаган шоир бу дунёни тарк этди. Бу ўзбек халқи, унинг адабиёти ва маданияти учун жуда катта йўқотиш бўлди.


Рассом Азиза Маматова шундай деган эди: “Энди бу қутилмаган фожиадан ўзимизга келиб Назира иккимиз Муҳаммаднинг портретини ишламоқчи бўлдик. Бу январь ойи эди.

Устахонам жуда совуқ эди. Назира пальтога ўралиб шоирнинг шеърларини ўқир эди, мен унинг образини матода ярата бошладим. Ҳар иккаламиз Муҳаммаднинг руҳи поки ёнимизда эканлигини сезиб турардик”.

Бу портрет канопли мато тортилган 140x100 хажмдаги ромкага мой бўёк билан ишланди. Шоир совқатган қўлини пальтосининг кўкрак қисмига тиқиб олган, иккинчи қўлини кўтариб шеър ўқимокда. Совуқ шамол Муҳаммаднинг оппоқ сочларини хилпиратяпти, унинг боши устида икки қанотли фаришта шоирни ҳимоялаб учаяпти, унинг юзини Назиранинг қиёфасидан чизилган.

Рассом Азиза Маматова: “Ўн йилдан ортиқ вақт давомида асарга яна ва яна қайтар эдим. Қор қоқлаган дарахт шоҳларини, фаришта қанотларини ва картинанинг бошқа қисмларини ишладим.

Шуниси ажабланарлики, йиллар ўтган сайин шоир ҳаммамизга, қондошларга ва умуман халқимизга янада кадрлироқ бўлиб қоляпти. Ёшлар шоирнинг хотира кечасини ўтказяпти, унинг шеърлари ўқияпти ва унинг шеърлари асосида кўшиқлар айтиляпти. Ўзбекистоннинг барча худудларида халқимиз уни ёдда сақлайди”.



А.Маматова. “Муҳаммад Юсуф”. 2001-2014 йил.

*Ҳаёт шундай ўзи, сўзларимни ёдда тут:
Гуллаш вақти ва олтин-куз вақти бўлар.
Севгим, ҳамшиша юрагимда бўлгансан.
Қабрим устида ягона ўзинг бўларсан.
Хисларимизда ўзинг шафақ бўлгансан.
Қизгалдогим, далалар безаги²⁰⁹.*

Ёзувчи Чингиз Айтматов (1926-2008) образи ХХІ аср бошларида яратилди. Ёзувчининг дастлабки асарлари билан рассом ХХ асрнинг 60-йилларида танишди. 1962 йили П.П.Беньков номидаги рассомлик билим юртида ўқиётганида, орасининг китоб жавонидан 1952 йили нашр қилинган Чингиз Айтматовнинг севги ҳақидаги француз тилига ёзувчи Луи Арагон таржима қилган, “Жамила” қисасини топиб олади. Кейинчалик 1960-1980-йиллари рассом ёзувчининг “Биринчи ўқитувчи”, “Сарвиқомат дилбарим”, “Алвидо Гулсари!”, “Оқ кема”, “Асрларга таътигулик кун”, “Қиёмат” асарларини ўқиб чиқди.

Бу ёзувчининг адабий фаолияти халқ ҳаётини ҳаққоний акс эттирилганлиги, қаҳрамонларнинг соф ва теран ҳислари билан кўпчиликнинг қалбини забт этди. Сўнгра ёзувчи билан танишиб, унинг портретини ишлаш фикри ҳеч қачон унинг ҳаёлини тарк этмади. Аммо узоқ йиллар бунинг имкони бўлмади.

²⁰⁹ Казакбаева Р. Перевод стихов Мухаммада Юсуфа (1954–2001). Узбекская современная поэзия. [Эл.ресурс]. Режим доступа: <http://ziyouz.uz/ru/poeziya/uzbekskaya-sovremennaya-poeziya/652-1954-2001>

1996 йили май ойида Тошкентга бутун Марказий Осиёдан таниқли адабиёт, маданият ва санъат арбоблари Марказий Осиё халқлари Маданият Ассамблеясини ташкил қилиш учун йиғилдилар. Чингиз Айтматов унинг биринчи президенти бўлиб сайланди. Рассом Азиза Мамадова: “Ҳаммаёқда байрам одамлар бир-бири билан учрашганидан хурсанд эди, об-ҳаво ҳам байрамонга бўлди. Осмон кўм-кўк, дарахтларнинг ёш барглари енгил шабодада хилпирайди, форум ўтказилаётган “Туркистон” саройи байрамонга безатилган. Бу кунни мен шундай эслаб қолдим.

1997 йил май ойи эди. Чингиз Айтматов яна Тошкентга келди. Бу пайтда у штаб квартираси Ўзбекистоннинг пойтахтида жойлашган Марказий Осиё халқлари Маданият Ассамблеяси раиси эди. У Қозоғистонлик машҳур шоир Мухтор Шохонов билан бирга келди. Ўзбекистон Республикасидаги Қирғизистон Республикаси элчихонасида иккови муаллифнинг “Тоғ чўққисида қолган овчининг охи-зори” китоби тақдимотини барча миллий маданий марказлар иштирокида Республика байналминал маданий марказда ўтказиш мўлжалланган эди.

1998 йили Тошкентда “Марказий Осиё маданияти” деб номланган янги умумсиёсий халқаро газетанинг биринчи номери нашр этилди. 1996 йилдан Чингиз Айтматов президентлик қилаётган Марказий Осиё Маданияти Ассамблеяси янги нашрнинг муассиси бўлган. Газетага ЮНЕСКО бош котиби Фредерико Майор табрик йўллади. 1998 йили Чингиз Айтматов 70 ёши билан табрикланди ва Ўзбекистоннинг олий мукофоти бўлган “Буюк хизматлари учун” ордени билан мукофотланди. Интермарказда ёзувчи билан учрашмоқчи бўлган одамларга залдаги жойлар етишмади, талаба-ёшлар йўлакда тик турдилар. Чингиз Айтматов маданият маркази ҳақида илиқ фикр билдириб, уни кичик бирлашган миллатлар ташкилоти деб атади.

Рассом Азиза Мамадова: “Йиғилишда танишларим орасида мен яқинда портретини ишлаган ўтмишда қатағон қилинган машҳур шоир Шукуруллони кўриб қолдим. Унинг олдига келиб кўришдим, у шундай деди: “Азизахон Чингиз Айтматов билан танишишни хоҳламайсизми? Кечки пайт “Туркистон” саройининг учрашувлар хонасида кичикроқ дастурхон ёзилади ва адабиётчилар суҳбатти бўлиб ўтади. Мен Сизни у билан таништириб қўяман ва ўзингиз суҳбатлашаверасиз. Мен ниҳоятда хурсанд эдим. “Туркистон” саройи қаршисида боғда 17:00 гача ўтирдим, стол атрофидаги суҳбатни бошланишини кутдим ва унинг асарларини эсладим.

Менда Чингиз Айтматовнинг шахсияти унутилмас таассурот қолдирди. Ёзувчилар, олимлар, жамоат арбоблари билан мулоқотда шу нарса маълум бўлдики, у ўзининг иқтидори, тафаккури, фикрлари билан ажралиб турди, у ноёб мутафаккир – ажойиб шахс эканлигини намоён қилди. Озроқ ўйлаб, портретини чизиш мумкинлигини сўрадим. У розилик аломатини билдирди. Мен унга портретни ўзим қандай ҳис қилсам шундай чизмоқчи эканлигимни айтдим. У асар худди шундай ёзилиши кераклигини айтди.

Тўрт соат давомида давра иштирокчилари суҳбатлашди, мен ёзувчининг қиёфасидан қоралама сурат ишладим, устахонага келиб 70x60 см хажмдаги левкас тайёрладим. Нимагадир рамкадаги мато портрет ишлаш учун ишончсизроқ кўринди. Шу бир пайтда портрет композициясидан эскиз қилдим. XX аср бошларида француз ҳайкалтароши Антуан Бурдел ишлаган Бетховеннинг ёшлигимда кўрган портретини эсладим. У машҳур ҳайкалтарош Роденинг шогирди бўлган эди.

Бу асар менда катта таассурот қолдирган эди. Чингиз Айтматовнинг портрети ишлаётганда кўз олдидан Бетховеннинг портрети кетмади. Кейинчалик ёзувчи образи бутун левкас юзасини эгалади. Унинг кўзлари бироз ғамгин боқиб туради. Бир умр у оддий одамлар, уларнинг катта кичик қувончлари ва қайғулари ҳақида ёзди. Фақат Чарли Чаплин кинематографда кичик одамларни шунчалик муҳаббат билан тасвирлаган бўлиши мумкин”.



А.Маматова. “Чингиз Айтматов”. 2005 йил.

Ёзувчи образи фонида, ўнгдаги юкори бурчакда ўз маҳбубини кутаётган қизил дуррали қиз тасвирланди. Чап томонидаги юкори бурчакда ўз орзуси сари сузиб кетган боланинг оқ кемаси тасвирланган. Композициянинг пастдаги чап бурчагида вертолётда чўлдаги барча жонзотни қирраётган одамлардан ўз болаларни қандай қилиб асраб қолишни ўйлаётган оқ она бўри Акбара тасвирланган. Ниҳоят ўнгдаги паст бурчакда ўз хўжайини билан асрга татиғулик бир кунни бошидан кечирган Қоранор номли оқ туя ифодаланган.

Рассом Азиза Маматова ёзувчининг машҳур қиссаларининг қаҳрамонлари портретдаги образ билан узоқроқ сақланиб қолишини хоҳлади. Бадиий асарга баҳо бераётганда вақт ҳам баҳоланиши лозим бўлган омилга айланиб қолади. Нафақат мутахасислар, балки томошабинларнинг ҳам эътибор марказида бўлган ва вақт синовидан ўтган айнан ўшалар, ёшлар маънавий тарбиясига хизмат қилади.

Тасвирий санъатда тарихий реализм хусусиятлари²¹⁰

Миллий умуминсоний кадриятларни, маданий ранг-баранглик ва ўзига хосликни сақлаб қолиш кабилар билан боғлиқ масалалар ёшлар маънавий тарбияси дикқат марказида бўлиши керак. Ўз мамлакати ва халқининг маданий анъаналарига ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантириш санъатнинг вазифаси ҳисобланади.

Ўз бадиий ижоди ва тинчлик ўрнатишга қаратилган миссияси билан Чингиз Айтматов жаҳон маданиятининг бир қисми бўлган унинг ижоди, сўз санъаткорининг жаҳон маданиятига қўшган ҳиссаси мисолида “*Ижод орқали тирик қолиш*” шиори остида англашилади... Чингиз Айтматов шундай деган эди: “*Ер шарида инсоннинг ё ҳаёти, ё ўлими масаласи кўндаланг туради*”²¹¹, бу бутун инсоният оммасининг умумий фикр билан тўлатиладиган инсон ҳақидаги инсон хикояси маданият ва санъатнинг вазифаси бўлиб қолади.

Совет даврида янги авлоднинг бир қисми “мафкуравий вакуум” вазиятида тарбияланди, шахсий фаровонлик ва тўқликка шўхликдан бошқа нарсани билмади, халқнинг миллий манфаатларга ўзининг тегишли эканлигини билмади. Бундай маънавий муҳитда ижтимоий муқобиллик, муқим тараққиётга эришиш, миллий ўзига хосликни сақлаш сингари муамоларни ҳал қилиш қийин бўлди. Шунинг учун Ўзбекистон маданияти, адабиёти ва санъати дикқат марказида миллий ва умуминсоний кадриятларни, маданий ранг-баранглик ва ўзига хосликни сақлаб қолиш масалалари туриши керак.

“Гўзал Иссиқкўл қирғоғида 1986 йил октябрида Иссиқкўл учрашуви номини олган биринчи форум бўлиб ўтди. Умумбашарий тафаккур эгаси бўлган Чингиз Тўрақулович Айтматов биринчи форумга илғор мутафаккирлар, жамоат арбоблари, ёзувчилар ва рассомларни тўплади. Бу норасмий форумга Шарқ ва Ғарб мутафаккирлари жаҳонда рўй бераётган қалтис воқеалар ҳақида фикрлашиб олиш учун тўпландилар.

Ўзларининг қарашлари билан одамларнинг умуминсоний кадриятларини ҳимоя қилаётган қатъий ижобий нуқтаи назарлари билан машҳур бўлган оламни ирқларга, конфессияларга бўлмайдиган, бошқа хусусиятларга кўра камситмайдиган кишиларнинг онгида нима кечаётганлигини билиш лозим бўлди. Оламни янада яхшилаш учун нималар қилиш зарурлиги ҳақида фикрлашиб олдилар. Биринчи форум иштирокчилари яна кўплаб саволларга жавоб изладилар. Биринчи марта “Янгича ёндашув”, “Янгича тафаккур”, “Оламга янгича қараш” тушунчалар тилга олинди.

Шундай қилиб Ч.Айтматовнинг Иссиқкўл форуми янги тафаккур боши бўлиб қолди. Миллий Республикаларнинг мустақилликка эришиши 1991 йили миллий онгни ўсишига олиб келди, айти пайтда ҳаётнинг барча соҳаларига уйғунлашув сиёсати жадал кириб келади. Бундай вазиятдаги қарама-қарши омиллар даврида замоннинг энг муҳим замонавий масалаларига ечим излаш керак.

Учинчи Иссиқкўл форумида олий ўқув юртлари, жамоатчилик вакиллари, социология, маданиятшунослик, таълим, фалсафа, тарих, санъатшунослик каби соҳалар экспертлари Россия, Украина, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон

²¹⁰ Маматов У. Аспекты исторического реализма в изобразительном искусстве. // Общественное мнение. Права человека. №2, - Т., 2017. с. 142.

²¹¹ Бер А.И. Чингиз Айтматов: «... мир как сложная мозаика национальных культур Востока и Запада». [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://infourok.ru/chingiz_aymatov_mir_kak_slozhnaya_mozaika_nacionalnyh_kultur_vostoka_i_zapada-374251.htm

каби давлатлар оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозирда долзарб бўлиб турган маданий алоқалар ҳақида фикр алмашдилар. Маданият форуми ёзувчи Гёте таъбири билан айтганда, “*Инсоният халқлардан юқорироқ*”²¹² туриши ҳақидаги формула ягона тўғри йўлни кўрсатишини таъкидлади.



Рембрандт Ван Рейн “Адашган ўғилнинг қайтиши” XVI аср.

Тасвирий санъат халқнинг маънавий маданиятини ривожлантиришга ва ёш авлодни маънавий тарбиясига хизмат қилиш керак. Ўтган асрларда ва замонавий санъатда яратилган маънавий тараққиётга инсоният тарбиясига хизмат қилаётган тасвирий санъат тарихий жанрдаги асарларга мисоллар жуда кўп. XVI аср Голландиялик буюк рассом Рембрандт Ван Рейн ёшлар тарбиясида катта ўрин тутувчи “Адашган ўғилнинг қайтиши” номли ажойиб асарини яратди.

Ўғил ўзига тегишли меросни талаб қилиб, ота-онасидан дуо олмай кетиб қолади. У меросни қиморга бой беради ва ўйин кулгу қилади. Бор будидан ажраб у уйига, қайғудан кўр бўлиб қолган отасининг ёнига қайтиб келади. Асарда ўғил отасидан кечирим сўраб тиз чўкиб ўтирибди. Унинг боши оёқ тўпикларини яра босган, устида бир пайтлар башанг бўлган ҳозирда жулдур кийим. Сўқир ота эгилиб ўғилнинг елкасини силайди, уни кечиради. Бу асар ёшликнинг ғўрлиги, ўзбошимчалигига ва оталарнинг кечиримлигига мисол бўла олади ва ёшларни катта авлодга нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялайди.

²¹² Бер А.И. Чингиз Айтматов: «...мир как сложная мозаика национальных культур Востока и Запада». [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://infourok.ru/chingiz_aymatov_mir__kak_slozhnaya_mozaika_nacionalnyh_kultur_vostoka_i_zapada-374251.htm

Умумий эзгу мақсадга эришиш учун одамларни бирлашиши лозимлигига мисол келтириш мумкин. Буюк рассом Камолиддин Бехзоднинг “Хаварнак қалъаси қурилиши” номли миниатюрасида келажак биносини қуриш мақсадида халқнинг бирлашуви ғояси илгари сурилади. Миниатюра асосини фақат бирлашибгина инсоният ер юзида умумий тинчлик уйини қуриши мумкин, чуқур фалсафий маъно ташкил этган Бетховеннинг 9 симфониясининг тўртинчи қисмида ҳам миниатюрадаги каби одамларни бирлашишга ва ҳамкорликка даъват этилади. Симфония Европа иттифоқининг мадҳияси ҳисобланади.



И.Жабборов. “Хотира ва кадрлаш майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали”. 1999 йил.

Оналар ўз ўғилларини урушга кузатиши бу инсоният фожиаси ҳисобланади. Душманлик оналарнинг ҳаётдаги энг азиз мулки ҳисобланган фарзандларини олиб кетиб уларни укубатга кўмади. Шунинг учун ҳам буюк шоир Алишер Навоий одамларни тинчликка даъват этади: *“Олам аҳли билингиз иш эмас душманлиг, ёр ўлунг бир-бирингизга эрур ёрлиг иш”*²¹³. XVI асрдаги Уйғониш даврида ҳайкалтарош Микеланжело Буанорроти ва замондошимиз ўзбек ҳайкалтароши Илҳом Жабборов шу ҳақда ўйлаган бўлиши мумкин. Улар “Мотам” афсонаси асосида “Пьета” ва “Мотамсаро она” ҳайкалларни яратдилар. Турли асрларда яратилган, лекин бир фикр ғоя талқинига бағишланган бу ҳайкал ёдгорликлари диахрон таҳлил қилинса, ҳар иккала она вафот этган ўғилларига мотам тутаётганлигини англаш мумкин.

²¹³ Алишер Навои – Поэмы. / Библиотека всемирной литературы. Серия первая. т.26. – М.: «Художественная литература», 1972. с. 29.

Ҳайкаллардан “Пьета” мармардан ва “Мотамсаро она” бронза сингари турли материаллардан ясалган. Бу материаллар мустаҳкам ҳисобланади. Улар тасвирий санъат усталарига образнинг чуқур моҳиятини очиб беришларига имкон берди. “Пьета” ва “Мотамсаро она” асарлари Италия ва Ўзбекистонда ниҳоятда кадрланадиган ёдгорликлар ҳисобланади.

“Интервьюлардан бирида Илҳом Жабборов шундай деган эди: “Мен тасвирлаган она – бу нафақат ўз ўғлини урушдан қайтишини кутаётган аёл, балки оналарнинг умумлашма образидир. Уруш даврида оналар ўз болалари учун ота ўрнида ҳам бўлган. Шунинг учун ҳам келажак оналар кўлида, деб айтилади. Бугунги кунда барча ютуқларимиз учун биз Оналар олдида тиз чўкамиз, улар ўзларининг нозик гавдаларига қарамай ўз фарзандлари келажаги учун ўзларини қурбон қилганлар. Ҳар йили минглаб Тошкентликлар “Мотамсаро она” ёки “Кутаётган она” ҳайкалига, унинг чексиз муҳаббати, чидами ва қаҳрамонлигига нисбатан ҳурмат бажо келтириш учун гулдасталар келтиради”²¹⁴.



²¹⁴ Рахматова Д. Илҳом Джаббаров расказал о тайне монумента «Скорбящая мать». [Эл.рес]. Реж.дос: <http://m.ru.sputniknews-uz.com/society/20170510/5374368/Djabbarov-Skorbyashaya-mama-pamyatnik.html>

ХУЛОСА

Ушбу монографияда XX аср иккинчи ярми ва XXI аср бошлари тасвирий санъат усталари яратган энг яхши асарлар Ўзбекистон маданиятидаги тарихий жанр ривожининг умумий кўринишини қайта яратиш вазифаси қўйилди. Бу асарлар маданият феномени сифатида Ўзбекистон маънавий-моддий хазинасига келиб қўшилди ва ярим асрдан ортиқроқ давр мобайнида халқнинг маънавияти ва маданиятини тарбиялаб келяпти. Рассомларни халқ ҳаёти ҳақида маълумот тўплаш учун узоқ қишлоқларга, вилоят марказларига турли муассасаларга, завод ва фабрикаларга, турли хизмат сафарларга бориши истисно эмас, балки оддий ҳолат бўлиб қолди, шунинг учун ҳам бу асарларда ишончли акс эттирилган ҳаёт ҳақиқатига ишониш мумкин. Шунинг учун ҳам бадиий кўргазма залларига одамлар оқиб келяпти, улар халқнинг хурматини қозоняпти. Улар бу санъат асарларида кўрсатилган ҳаёт ҳақиқатини кўриш учун келади.

Машҳур санъат назариётчилари Р.Тоқтош, Л.Шостко, Т.Маҳмудов, А.Умаров, Н.Аҳмедова, Д.Саидова, Р.Еремян каби олимлар XX аср иккинчи ярмида бутун тасвирий санъат сингари портрет санъатининг юксакларга парвози кузатилди, деган фикрлари муболага эмас эди. Бу кўтарилиш XX аср охирига келиб сезирарли пасайди. Бу эҳтимол халқ онгида “комунизм қурилиши” афсонасини барбод бўлиши билан боғлиқдир, эҳтимол. Бу пайтда интеллектуал ва ижодий меҳнат одамлари санъатдаги ўз йўллари ҳақида фикр юритишга мажбур бўлдилар. Кўпгина ҳаётий жихатлар тез ўзгарди. Ҳаётга бўлган қарашлар қайта англанди. XX аср охирида Совет империяси қулади ва барча собиқ совет республикалари каби Ўзбекистон ҳам мустақилликка эришди.

Тасвирий санъат усталари ўз даврининг маданиятининг маънавий бутунлигини нозик ва теран англадилар, ҳаётга чуқур заковат билан назар солдилар, “ривожланган социализм” босқичини ўтаган халққа нисбатан ачиниш хислари пайдо бўлди. Ҳаётга бўлган кенг қарашлари ва олган касб таълимлари ва ўзларининг иқтидорлари туфайли мамлакатимиз маданиятининг арзирли мулки бўлиб қолган асарлар яратдилар. Бу ҳар бир асарлар ўзгача қалбга ва ҳаёт тажрибасига эга бўлган ўз муаллифлари каби бетакрор ва индивидуал хусусият касб этди.

Ўзбек манзара рангтасвири отаси Ўрол Тансиқбоев: “асарларнинг муаллифлари ўзи ғоя талқинчилари ҳисобланади”, деган эди. Реалистик тасвирий санъат ривожини, шунингдек XX аср иккинчи ярмидаги санъат, адабиёт ва фан тараққиётини шу билан изоҳлаш мумкин. “Таърифда фақат маданиятнинг барча шакллари ва типлари учун хос бўлганларининг қолдиришга интилиш схематик тарих бўлиб қолар эди, қандайдир қонуниятларни излаш маданият тарихини қиёфасиз қилиб қўяди, негаки у ҳар бир ҳолатда ўзига хос ноёбдир”²¹⁵. XX аср охири ва XXI аср бошларида миллий онгнинг ўсишининг табиий жараёни, халқнинг маънавий асосларига қайтиш, унинг илдизларини англаш ҳам Ўзбекистон маданиятида ўз аксини топди. Бу жараён узоқ даврлар воқеаларини акс эттирувчи тасвирий санъатнинг тарихий жанридаги асарларини яратишга туртки берди.

“1997 йили Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислоҳ Каримовнинг Бадиий Академияни ташкил қилиш ҳақидаги фармони эълон қилинди. Ўзбекистон ҳудудида қадимдан шаклланган ноёб анъаналарни асраб-авайлаш, ўрганиш, бойитиш ва нафосат санъат мактабининг жаҳонаро шуҳратини сақлаб қолиш ва ривожлантириш бу академиянинг мақсади бўлиб қолди. Шу-

²¹⁵ Аҳмедова Э.Р., Габидулин Р. Культурология мировая культура. – Т., 2001. с. 12.

нингдек миллий тасвирий, амалий миниатюра санъатлари асарларини жаҳонга тақдим ва тарғиб қилиш, улардан миллий ғурур, Ватанга ва мустақиллик ғояларига садоқат ҳисларини кучайтиришда кенг фойдаланиш, давр талабига кўра бадиий таълим тизимини яратиш, юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, академик ва илмий тадқиқот ишларини янада такомиллаштириш кабилар ҳам муҳим вазифаларига айланди”²¹⁶.

Бу фармон тасвирий санъатда, академик илмий тадқиқот ишларида ва бадиий таълим соҳасида туб бурилиш ясади. Мамлакатимиз маданиятини бойиштишга хизмат қилаётган тасвирий санъат асарларини яратишга илҳомлантириб, тасвирий санъат усталарининг жамиятдаги мақомини мустаҳкамлади. Таъкидлаш жоизки, барча тасвирий санъат турлари каби тарихий жанр ҳам Ўзбекистон мустақиллиги йиллари янги ривожланиш палласига кирди. Ўзбекистондаги ижтимоий ўзгаришлар тасвирий санъатдаги тарихий жанр асарларининг ғоявий мавзуй асоси, характери ва бадиий даражасига таъсир қилди.

Мамлакатимизда мустақиллик давридаги тасвирий санъат ютуқлари, унинг барча маънавий ва бадиий изланишлари кўпроқ халқимизнинг мустақиллиги ютуқлари билан боғлиқ ва унинг меваси ҳисобланади. Кўпгина тасвирий санъат усталари майда-чуйда мавзудан чекланиб, Ўзбекистон тарихида давлатчилик қурилишининг асосий воқеаларини акс эттирувчи тарихий асарларни ярата бошладилар. Юртимиз тарихи ва ундаги “Унутилган саҳифа”ларини қайта кўриб чиқиш ижтимоий эҳтиёжи пайдо бўлди. У тасвирий санъат усталарига тарихимизни ҳаққоний акс эттирувчи асарлар яратишга туртки берди. Маданий меросни, хусусан мустақиллик йиллари Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъатнинг тарихий жанрларидаги асарларини объектив назарий тадқиқ этиш зарурати пайдо бўлди.

Ҳозирги пайтда бой маънавий оламга эга бўлган ёш авлодни тарбиялаш масаласи долзарб бўлиб қолди, бу жараёнда юртимиз тарихидаги илғор шахсларнинг намунаси зарур бўлади. Шунинг учун бадиий тарихий тасвирий санъат асарларини яратиш, уларни назарий тадқиқ этиш муҳим бўлиб қолди, негаки улар томошабиннинг онги ва қалбини бевосита озиклантиради. Тарихий жанрдаги асарларнинг мазмуни ва эстетик гўзаллиги қанчалик бой бўлса, ёшларга уларни ўрганиш масаласи шунчалик долзарб бўлаверади.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизлик шартлари ва тараққиёт кафолати” асарида шундай дейилади: “Миллий онг ва миллий ғурурни шаклланиши ва ўсишида тарихий хотира, халқнинг, она юртнинг давлат худудининг объектив ва ҳаққоний тарихини қайта тиклаш муҳим ўрин тутди... маънавий уйғониш – бу тафаккурини мустақиллик руҳи белгилайдиган ижодий зиёлиларнинг янги авлодини пайдо бўлишидир. Эскириб қотиб қолган қарашларни рад этиш бизнинг тушунчамизда ўз тарихий ўтмишидан кечиш дегани эмас. Бу тафаккурнинг бир ёқламалиги ва торлигидан кечиш деганидир”²¹⁷.

М.Набиев, А.Аҳмедов, Ч.Аҳмаров, Н.Қўзибоев, А.Абдуллаев, Т.Курязов, И.Жабборов, Ж.Миртожиев, А.Икромжонов, Б.Жалолов, Ж.Умарбеков,

²¹⁶ Указ Первого Президента Республики Узбекистан. Об организации академии Художеств Узбекистана. Вестник, №1 (25), 1997. с. 50–55.

²¹⁷ Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века условия безопасности и гарантии прогресс. Анализ понятия национально-духовного становления народа. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://bad915.narod.ru/osn/1.html>.

С.Раҳметов, А.Маматова, С.Абдуллаев, А.Алиқулов сингари тасвирий санъат усталарининг ижоди ўз илдизи билан мустақиллик ғояси ва Ватан эркинлигининг энг чуқур теран томирларига кириб боради.

Асрларга яратилган тарихий жанрдаги асарлар ўтмиш асрларда рўй берган воқеалар ва ўз фаолияти билан юртимизнинг довуғини оламга ёйган буюк шахслар ҳақидаги ҳақиқатни очиб беради. Бу асарлар маданиятимизни асрлар оша авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолишини таъминлайди. Улар юртимиз маданиятида яратилган барча асарлар ҳақида маълумот беради, теран ва ўзига хос тафаккур юритадиган эстетик дидга эга бўлган баркамол инсонни шакллантиради. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислоҳ Каримов миллий онгнинг ўсишида маънавий қадриятлар ва анъаналарни қайта тиклашда, аҳолини, айниқса ёшларни Ватанпарварлик ва тарихимизга хурмат, Ватанга муҳаббат, мустақиллик ғояларига содиқ бўлиш руҳида тарбиялашга катта эътибор берди ва доимий ғамхўрлик қилди. Унинг асарлари халқимизни маданиятимиз меросхўри эканлигини англашга ёрдам беради, инсонларда маърифат ва маънавиятни тарбиялашга муҳим ҳисса қўшади.

Тасвирий санъатнинг тарихий жанрида яратилган асарлар билан ёшлар мактабдаёқ танишишлари керак. Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъатни ўқитишни худди шундай бошлаш керак. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида ёшлар нафақат ўзининг таниқли адабиётчилари, олимлари, сиёсатдонларини, балки ажойиб асарлар яратган таниқли рассомларни ҳам яхши билади. Ривожланган халқ баркамол шахслар билан мамлакат эса ўзининг фуқоролари билан қудратли. Эзгу ғоялар кишилар қалбига бевосита йўл топади. Улар бадий асарлар, ажойиб шеърлар ва мусикалардан иборат бўлади.

Тасвирий санъат усталари қораламадан қораламага, эскиздан эскизга ўтиб бориб ўз мақсадига эришишга, яъни ўз асарларини яратишга ҳаракат қилади. Ижодий изланишлар жараёнида улар Шарқ ва Ғарбнинг тасвирий лисонини уйғунлаштиришга ҳаракат қилмоқдалар, бадий тасвир воситалари ва усуллари билан синтез ва уйғунлик яратмоқдалар, бу улар яратаётган асарларнинг шакл-шамойили, ранги ва композициясини бойитяпти. Шу аснода аста-секин Ўзбекистон тасвирий санъатида асосий асар бўлиб қоляпти.

Замонавий рассомлар ижодида Ўрта Осиё санъати безак тамойилларини қайта англаш тарихий жанрдаги асарларга ўзига хос хусусиятлар олиб қиряпти ва ҳозирдаги ривожига туртки берапти. Уларнинг ижодини, бу асарларни тасвирий санъат назарияси ва маданиятшунослик тарихи ва тарихий жанрлар хусусияти нуқтаи назаридан тарихий маданиятшунослик ва бадий таҳлили ниҳоятда муҳим ҳисобланади. Бу янги ғоявий моҳиятли ва тарихий-мавзуий мазмунли тасвирий санъатдаги тарихий жанр асарларини яратиш учун туртки беради.

Йирик тарихий воқеалар ва миллий қаҳрамонлар образларини классик бадий мактаб анъаналари асосида акс эттириш тасвирий санъатда бу жанрнинг сифат жихатдан ривожланишини таъминлади. Ўзбекистон маданиятидаги тарихий жанр асарлари томошабинга халқ тарихини англашига ёрдам беради ва шу билан уни тарбиялайди. Ўзбекистон маданиятидаги замонавий ўзбек тасвирий санъатдаги тарихий асарларнинг ҳужжатлилиги, фактларнинг ҳаққонийлиги етакчи хусусиятлар бўлиб қолди, бу замонавий дунёнинг ахборотларга тўлаллиги туфайли вужудга келди. Тарихий воқеалар камровининг кенглиги, тасвирий воситаларнинг ифодавийлиги тасвирий санъатдаги тарихий жанр асарларини бошқа турлар орасида юқори мавқега чиқариб қўйди.

Замонавий билимларни ўтмиш даврлар бадиий тажрибаси билан синтези ўзининг диалектликка эга. Бу ифодавий воситаларнинг органик бирлиги тасвирий санъатнинг замонавий усталари таянадиган бадиий анъаналарда мавжуд бўлган барча имкониятларни англаш жараёнидан иборат бўлади.

“Маданиятшунослик, фалсафа, тарих, санъатшунослик ва улар билан боғлиқ кўплаб фан соҳалари ва назарий концепциялар бор... Булар дунёқарашнинг ҳақиқий кўп қирралигидир! Уларнинг қисмлари орасидаги чегаралар шаффоф ва билинмайди, юзалар бир-бирига оҳиста ўтиб туради, қирралари эса мантиқий ўзаро алоқада бўлади. Инсоннинг ўзи ва атроф муҳит ҳақидаги билимлари доирасини шаклига кўра сирли, мазмунига кўра бой, ҳар бир қисми мутаносиблигини топиш мураккаб.

Инсон билимлари тизимини олмос – эстетик ва геометрик идеал кўп қирра деб бўлмайди. Зеро олмос оний уйғунликни англатади, ҳар қандай объектив борлиқ ҳақидаги бизнинг билимларимиз эса нисбийлик хусусиятга ва органик ҳаққонийликка эга. Бунда билиш мантиқи ҳаққонийликка эришишдагина эмас, балки англаш жараёнининг ўзининг қимматлилигида – ҳақиқий билимлар талқинида кўринади. Ҳаққонийлик билиш мақсадининг сифат белгиси сифатида стратегик муҳим, аммо бунда эфемер маънога эга бўлади.

Аммо нима учун гносеологиянинг глобал ва умумлашма характеристикаси юқорида эслатиб ўтилган билимлар тизимига келтирилган? Шу ўринда маданиятшунослик, фалсафа, тарих ва санъатшунослик нуктаи назаридан инсоний билимларнинг рационал ва иррационал қисмларининг бутун иерархиясини аниқ таърифлаш ва тизимлаштириш мумкин бўлади. Билимнинг бу соҳалари ҳаёт фаолиятининг интеллектуал пойдевори ҳисобланмайди, аммо улар ўтмишни сақлайди ва талқин этади, хозирни тушунтиради ва келажакни таъминлайди”²¹⁸.

Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъат тарихий жанрдаги асарларни моҳирона акс эттириш раъсоннинг индивидуаллиги, дунёқарашини кенглиги ва гуманитар фанлардан билимининг чуқурлиги сингари омилларга боғлиқ. Тарихий мавзудаги асарларни яратиш муаммоси шундаки, уларни юксак маҳорат билан, саводли, ғоявий моҳиятини очиб яратиш лозим. XX аср таниқли архитектори Оскар Нимейр шундай ёзган эди: “Ўткир фикрли, интилувчан, юксак маҳорат билан ишловчи, ўзининг ижодини инсоният учун зарурлигини англовчи ижодкорлар талаб қилинади”²¹⁹.

Тарихий мавзудаги тасвирий санъат асарларини яратувчи раъсонларнинг катта муваффақиятлари миллий тарихни чуқур ўрганиш ва англаш, шунингдек жаҳон тасвирий санъатини ва маданиятини билиш билан боғлиқ. Ўзимизнинг Ўзбекистон тасвирий санъати тарихий жанридаги мактабимиз шу аснода яратилди. Бугунги кунда у ўз ривожига мураккаб даврни бошидан кечиряпти. Бу мактаб вакиллари яратган тасвирий санъат асарлари унинг етуқлик палласидан дарак беради. Улар юксак маҳорат даражасида яратилганлиги учун турли музейлар ва галлереяларда намойиш этилмоқда. Бунга қуйидаги омиллар сабаб бўлди:

- Ўзбекистон тарихи музейи, Санъат музейи, Қатағон қурбонлари хотира музейи, ҳукмдор Амир Темур ва темурийлар портретлари қўйилган Темурийлар даври тарихи музейи ва Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи сингари Давлат музейларига ташрифлар сони кўпайди;

²¹⁸ Морган Т. From Papyrus to Hologram: Modern Art in the Context of Evolution of Culture. 2013. с. 5. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://files.gisap.eu/sites/files/digest/42-43-conference.pdf>

²¹⁹ Нимейр О. Архитектура и общества. – М.: «Прогресс», 1975. с. 123.

- Ўлка музейларида мустақиллик йилларида яратилган тасвирий санъат усталарининг тарихий жанрдаги ўнлаб асрлари намойиш этилмоқда;
- Тасвирий санъат усталарининг мамлакат ва халқ тарихи мавзуларида яратилган асарлари кўргазмага қўйилган Сенат, Мудофаа вазирлиги, Университетлар ва бошқа муассасалар, кўпгина давлат муассасаларида музейлар яратилмоқда.

Бу Ўзбекистон маданиятидаги тасвирий санъат тарихий жанридаги асарларнинг ёшларни маънавий ва эстетик тарбиясида ролини ошиб бораётганлигини кўрсатади. Юқорида айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, мустақиллик йиллари ўзбек тасвирий санъатида тарихий жанр фаол ривожланди. Кўпгина тарихий асарлар юксак бадиий-эстетик кадрга ва теран фалсафий-этик мазмунга эга. XX аср иккинчи ярми ва XXI аср бошларида яратилган тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарларида ёшларни маънавий-ахлоқий ва эстетик тарбияси вазибалари хал этилди.

Тарихий асарлар билан танишаётган ёш авлод интеллектуал ва эмоционал ривожланмоқда, негаки бу асарларда тарихий шахсларнинг буюк ишлари мухрланди, улар одамлар қалбида олов ёқди ва интеллектуал ҳамда эмоционал қувватини яхлит қилиб бирлаштирди. Табиийки, бизнинг ёшларимиз тасвирий санъат тарихий асарларида акс эттирилган муҳим тарихий воқеалар билан танишиб ва буюк аждодларимиз образларини кўриб, албатта уларнинг илмий ва адабий меросини ўрганади ва маърифатли инсон бўлиб тарбияланади, ижодкор ва яратувчан шахс бўлиб шаклланади.

Академик, реалистик мактаб тасвирий санъатда ўзининг етакчи ўрнини сақлади, тарихий жанр эса мустақиллик даврида академик усул билан яратилган асарларда янгича ривожланиш йўлига ўтди. Бу асарларда тарихнинг унутилган саҳифаларидаги ҳақиқат тўла очиб берилди. Ўзбек тасвирий санъат усталари яратган тарихий жанрдаги тасвирий санъат асарларида бу ҳақиқат акс эттирилди. Юқорида айтилганлардан шундай хулоса келиб чиқадики, ривожланган заковатли инсонни тарбиялаш, ўз халқи ва бутун инсоният ҳаётига дахлдорлик ҳисси тасвирий санъатнинг энг муҳим вазифаси бўлиб қолаверади.



Фойдаланилган адабиётлар

КИРИШ

1. Каримов И.А. Юксак маънавият – энгилмас куч. - Тошкет: Маънавият. 2008.
2. Морган Т. Factor of personal harmonious development within the structure of the global society progress. 5 с. 2014 год. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://files.gisap.eu/sites/files/digest/77.indd%20Internet.pdf>
3. Маматов У. История одной жизни. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://gisap.eu/ru/node/41195>
4. Морозов А. Некоторые тенденции развития станковой живописи. – М.: Советский художник, 1973.
5. Ртвеладзе Э.В. О наследниках великих цивилизаций. Узбекистан на Великом Шёлковом Пути. [Эл.рес.]. Реж.дос.: <http://www.silkway.uz/newsmore/5643>
6. Хакимов А.А. Искусство Узбекистана: история и современность // Институт искусствознания, АН РУз. – Т.: «San'at», 2010.
7. Эгамбердыев А. Мир творчества. Как зарождается искусство живописи // Вечерний Ташкент. 2017.

I боб

1.1

8. Ахмедова Э.Р., Габидулин Р. Культурология мировая культура. – Т., 2001.
9. Государственный музей литературы имени Алишера Навои [Электронный ресурс].Реж.дос.:https://ru.wikipedia.org/wiki/Государственный_музей_литературы_и_мени_Алишера_Навои
10. Морган Т. Cultural and historical development of the society as the dynamic expression of the self-learning human existence. 5 с. 2016. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://files.gisap.eu/sites/files/digest/119.indd_site.pdf

1.2

11. Ахмедова Н.Р. Исполнилось 70 лет одному из ведущих художников страны, академику Академии художеств Узбекистана Джавлону Умарбекову. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://kultura.uz/view_8_r_7288.html
12. Борис Б. Академик Сагдулла Абдуллаев подготовил к своему юбилею персональную выставку. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.kultura.uz/view_3_r_5391.html
13. Джалалова Д. Умарбеков Джавлон. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://babanata.ru/?p=18008.html>
14. Каменский А.А. Документальный романтизм. // Творчество. №10, 1982.
15. Памяти мастера. // art San'at. Выпуск №1, 01.01.2012. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://sanat.orexca.com/2012-rus/2012-1-2/master-2/>
16. Лаковская Л.В. Династия Художников. [Эл.рес.].Режим доступа: <http://art-blog.uz/archives/19439>
17. Маматов У. Размышление о картине художника Джавлона Умарбекова «Человек Разумный». с. 161. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://gisap.eu/sites/default/files/xvii_konferenciya_www.pdf
18. Маматов У. История одной жизни. // GISAP: Culturology, Sports and Art History. №5, 2014. [Эл.рес.]. www.culture.gisap.eu/sites/default/files/CS_5_8-15.pdf
19. Роузенталь Ф. Торжество знания. – М.: «Наука», 1978.
20. Эгамбердыев А. Созидательная сила таланта. // Вечерний Ташкент. 2017.
21. На полотнах – Современник. // Комсомольская правда. – Т., 1977.

1.3.

22. Исхакова М. Рыцарь восточной дамы. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://map.top.uz/publish/doc/text79001_chingiz_ahmarov_rycar_vostochnoy_damy.html

23. История семьи Ган. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://sebezh.borda.ru/?1-2-0-00000090-000-0-0-1302331802>

24. Красота Ташкентского метро. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.fresher.ru/2016/02/15/krasota-tashkentskogo-metro/>

25. Кази Ахмад. Трактат о каллиграфиях и художниках. Введение, перевод и комментарии Б.Н.Заходера. – М. – Л. 1947.

26. Маматов У. Образ Камоледдина Бехзода в произведениях узбекских мастеров изобразительного искусства. // ГИТИС. Альманах. «Театр, Живопись, Кино, Музыка». №4, 2017. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://www.gitis.net/images/books/Almanah/2017/Альманах_4_2017.pdf

27. Мой дом. Озад Хабибуллин. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://rinfom.ru/kartiny/104-zhivopis/791-ozad-khabibullin>

28. Маматов У. О произведениях монументально-декоративной живописи, созданных мастером изобразительного искусства Баходыром Джалаловым. / Сборник научных статей: Ўзбекистон замонавий санъати: Бадиий санъат талқини, ривожланиш тамойиллари. МРДИ, 2017.

29. Симуург. [Эл.ресурс]. Режим доступа: <https://ru.wikipedia.org/wiki/Симуург>

30. Умаров А.Р. Чингиз Ахмаров. – Т.: «Литературы и искусства», 1979.

31. Хакимов А.А. Баходыр Джалалов. Альбом-каталог. – Т., 1999.

32. Хикматуллаева К. Художественное оформление Ташкентского метрополитена. // Звезда Востока. №1, 2014.

33. Шахназарова Л. Памятник А.С.Пушкину в Ташкенте. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://slovo.nx.uz/pamyatnik-pushkinu-v-tashkente>

34. Шулепина Н. Серго Сутягин: Люблю летать в облаках. [Эл.рес.].Реж. дос.: http://www.zerkalo21.uz/art_plyus/sergo_sutyagin_lyublyu_letat_v_oblakah.mgr

35. Юсупходжаева Ш. Народный художник Узбекистана Баходир Джалалов. [Эл.рес.].Реж.доступа: http://artgalleryuz.blogspot.com/2016/04/blog-post_26.html

II боб

2.1.

36. Алишер Навои – Поэмы. / Библиотека всемирной литературы. Серия первая. т.26. – М.: «Художественная литература», 1972.

37. Гударзи-Наджафов А. Подарок к сорокалетию. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.proza.ru/2011/08/06/395>

38. Маматов У. Портреты поэтессы Махлар - Айим Нодирабегим (1792-1842гг), созданные узбекскими художниками XX века Чингизом Ахмаровым, Азизой Маматовой и Арифом Муиновым. // GISAP: Culturology, Sports and Art History. №8, 2016. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://journals.gisap.eu/index.php/Culture/article/view/1384/1642>

39. Маматов У. Исследование трех портретов великого поэта средневековья Алишера Навои. / Сборник научных статей: Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирлари тарихий меросида санъат ва маданият масалалари. Государственный Институт искусств и культуры Узбекистана. 2016.

40. Сулаймонов М. Оразин ёпқач. [Электронный ресурс]. Режим доступа:

<http://e-adabiyot.uz/uzbek/mumoz/navoiy/973-maqola.html>

41. Словарь крылатых слов и выражений. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://dic.academic.ru/dic.nsf/dic_wingwords/2610/Старик

42. Тимурова Г. Певец женских образов. // San'at. №2, 2001. с. 37.

2.2.

43. Аббасов Шухрат Салихович. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.kino-teatr.ru/kino/director/post/5422/bio/>

44. Исхакова М. Возвращение всадника. Камиль Ярматов. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://kh-davron.uz/kutubxona/memuarlar/mastura-isxakova-vozvrashhenie-vsadnika-kamil-yarmatov.html>

45. Исхаков Дж. Воспоминания о мастере. Малик Каюмов. [Эл.ресурс]. Реж. дос.: <http://mytashkent.uz/2017/04/24/vospominaniya-o-mastere-malik-kayumov/>

46. Камиль Ярматов. [Эл.рес.]. Реж.дос.: <http://video.ru/persons/person/12115>

47. Каюмов Малик Каюмович [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://people.ziynet.uz/ru/person/view/qayumov_malik_kayumovich

48. Калантаров Эммануэль (Эмонуэль). [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://dic.academic.ru/dic.nsf/enc_cinema/7891/КАЛ-АНТАРОВ

49. Касымова Ш. Орнаментальный мир Алишера Мирзаева. // art San'at. Выпуск №1, 11.10.2015. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://sanat.orexca.com/2014-rus/2014-1-2/ornamental-ny-j-mir-alishera-mirzaeva/>

50. Маматов У. Портреты кинодеятелей, созданные мастерами изобразительного искусства Узбекистана во второй половине XX века. // Театр. №3, -Т., 2017.

51. «Машина Времени» Шухрата Аббасова. Современник о Классике. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.uz24.uz/society/mashina-vremeniq-shuhrata-abbasova.-sovremennik-o-klassike>

2.3.

52. Акилова К. Преданность искусству. // Совет Ўзбекистони санъати. №3, 1988.

53. Ахмаров Чингиз. [Альбом репродукций / Автор текста и составитель альбома А.Р.Умаров]. – Т.: «Литература и искусства», 1979.

54. Александр Пушкин – стихи. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.stihi-rus.ru/Pushkin/stihi/237.htm>

55. Абу Али ибн Сина. Звезда Востока. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://tokadoka.com/stati/prim/ibnsina.html>

56. Ал-Хорезми. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://ru.wikipedia.org/wiki/Ал-Хорезми>.

57. Зульфия. Народная поэтесса Узбекистана (Перевод с узбекского С. Липкина). Ахмаров Чингиз [Альбом репродукций / Автор текста и составитель альбома А.Р.Умаров] – Т.: «Литература и искусства», 1979. с. 124. – (Мастера искусств Узбекистана).

58. Исхакова М. Абрар Хидоятлов и Сара Ишантураева. [Эл. ресурс]. Режим доступа: <http://mytashkent.uz/2017/03/29/abrar-hidoyatov-i-sara-ishanturaeva/>

59. Исламов Р. Литературное золото не ржавеет. // Правда Востока. 2008. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.pv.uz/today/19.04.08>

60. Маматов У. Исследование портретов Авиценны, кисти художников Нигмата Кузыбаева и Азизы Маматовой. / Сборник научных статей: Культурное наследие: сохраним прошлое во имя будущего в рамках Вторых Рериховских чтений памяти Ю.Н.Рериха. Ташкент, 2017.

61. Маматов У. The history of one life. // *Gisap: Culturology, Sports and Art History*. №5, 2015. с. 8. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://journals.gisap.eu/index.php/Culture/article/view/909/869>
62. Мемориал памяти. Абдуллаев Абдулхак Аксакалович (1918.30.XII – 2001). [Эл.рес.]. Режим доступа: <http://www.tashkentpamyat.ru/abdullaev-abdulkhak-aksakalovich-khudozhnik-zhivopisec-.html>
63. Маматов У. О портретах академиков Э.В.Ртвеладзе, Айбеке и авторе этих произведений художнице Хушруе (Азизе) Маматовой. / Сборник научных статей: Сохранение приоритетов образования и культуры основа человечности. Институт искусств СГУ им. Н.Г.Чернышевского. 2016. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://docplayer.ru/49520015-Sohranenie-prioritetov-obrazovaniya-i-kultury-osnova-chelovechnosti.html>
64. Мамедов Н.Ф. Материалы по истории прогрессивной общественно-политической мысли в Узбекистане. – Ташкент, 1957.
65. Мастера портретного жанра Узбекистана. Ч.10. Сабир Рахметов. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://art-blog.uz/archives/15792>
66. Остонова Г.Р. Портреты Амира Тимура и Захириддин Мухамеда Бабура в творчестве народного художника Узбекистана Малика Набиева. // Молодой ученый. №11, 2016.
67. Солдадзе Л. Абу Али ибн-Сина (Авиценна). Страницы великой жизни. – Т.: «Литературы и искусства им. Гафура Гуляма», 1983.
68. Фуркат. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://texts.news/knigi-antologiya/furkat-22135.html>
69. Чингиз Ахмаров. На пути к прекрасному. Воспоминания. 11. Педагоги и ученики. Тимур Сагдуллаев. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://greylib.align.ru/952/chingiz-ahmarov-na-puti-k-prekrasnomu-vozpominaniya-11-pedagogi-i-ucheniki.html>
70. Шагаев Р. Творение Рахима Ахмедова. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://nuz.uz/moi-uzbekistancy/15118-tvorenje-rahima-ahmedova.html>
71. Шагаев Р. Портрет Гафура Гуляма. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://mytashkent.uz/2013/05/12/portret-gafura-gulyama/>
72. Юсупов, Шукурулло. [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://ru.wikipedia.org/wiki/Шукурулло_Юсупов

III боб

3.1.

73. Ашрафи М.М. Бехзод и развитие бухарской миниатюры XVI в. - Д., 1983.
74. Ахмедова Н. Живопись Центральной Азии XX столетия: Тенденции, Самобытность, Диалог. – Т., 2004., с. 16.
75. Амир Темур. Университет. Ташкент, 1999. с. 3.
76. Бродель Ф. [Эл.ресурс]. Режим доступа: <http://vikent.ru/author/2270/>
77. Берке М. Поэты Востока – Захириддин Мухаммад Бабур. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.stihi.ru/2013/12/06/10091>
78. Волков Н.Н. Композиция в живописи. – М.: «Искусство», 1977.
79. Все законодательство Узбекистана. Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан 14.03.1996. N99. Об организации мероприятий по созданию Государственного Музея истории Темуридов. [Эл.рес.] Реж.дос. http://nrm.uz/contentf?doc=322548_postanovlenie_kabinet_a_ministrov_respubliki_uz

bekistan_ot_14_03_1996_g_n_99_ob_organizacii_meropriyatiy_po_sozdaniyu_gosud
arstvennogo_muzeya_istorii_temuridov&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

80. Каримов И.А. Наша цель: Свободная и процветающая Родина. – Т.: «Узбекистан», 2000.

81. Каримов И.А. Возрождение духовных ценностей и национального самосознания. [Эл.рес.] Реж. дос: https://zn.ua/ARCHIVE/vozhrozhdenie_duhovnyh_tsennostey_i_natsionalnogo_samosoznaniya.html

82. Кильчевская Э. О специфике канона пластического искусства Востока. / Сборник: Проблема канона в древнем и средневековье искусство Азии и Африки. – М.: «Наука», 1948.

83. Махмудов Т. Нозик дидли санъаткор. // Совет Ўз. санъати. №3, -Т., 1979.

84. Маматов У. Размышления о некоторых портретах из коллекции Государственного музея истории Темуридов. // San'at. №4, -Т., 2016.

85. Махмудов Т. Художественный мир Акмаля Икрамджанова. [Эл.ресурс]. Режим доступа: <http://sanat2013.orexca.com/rus/archive/3-02/contemporery1.shtml>

86. Маматов У. / Роль искусства и художественного образования в духовной модернизации современного общества. [Текст]: Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари. МРДИ. – Т.: “Санъат”, 2018.

87. Махмудов Т. Предисловия к альбому А. Икрамджанова. – Т., 2002.

88. Ойдинов Н. Ўз. тасвирий санъати тарихидан лав. -Т.: «Ўқитувчи», 1996.

89. Пугаченкова Г.А. Искусства Афганистана. Три этюда. – М., 1963.

90. Хукхем Х. Властитель семи созвездий. – Т., 1995.

3.2.

91. Ахмедова Э.Р., Габидулин Р. Культурология мировая культура. -Т., 2001.

92. Ахмедова Э.Р. Предисловие к альбому С.Абдуллаева. – Т., 2006.

93. Волков Н.Н. Композиция в живописи. – М.: «Искусство», 1977.

94. Илхомова С. Штрихи к портрету художника Алишера Аликулова. // art San'at. Выпуск №4, 01/10/2002. [Электронный ресурс]. Режим доступа: http://sanat.orexca.com/2002-rus/2002-4-2/alisher_alikulov

95. Маматов У. Исторические произведения изобразительного искусства конца XX и начала XXI века, созданные узбекскими художниками, отражающими науку в эпоху Темуридов. / Сборник научных статей: Наука и Культура в эпоху Темуридов. Государственный музей АН. РУз. 2013.

96. Маматов У. Развитие исторического жанра в изобразительном искусстве Узбекистана. // Общественные Науки в Узбекистане. №3, - Т., 2011.

97. Маматов У. Эпоха Амира Темура и темуридов, в произведениях С.Абдуллаева и Дж.Умарбекова. / Сборник научных статей: Амир Темур ва темурийлар давридаги илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни. Государственный Музей Истории Узбекистана АН. РУз., 2017.

98. Маматов У. Произведения исторического жанра изобразительного искусства Узбекистана, художников Сагдуллы Абдуллаева и Азизы Маматовой. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://gisap.eu/ru/node/941>

99. Маматов У. Властелин семи планет и Амир Темур в мировой истории. / Сборник научных статей: Ўзбекистон бетакрор маданият ёдгорликлари: муамоллар, ечимлар ва истикболлар. Государственный Музей Истории Узбекистана АН. РУз. Ташкент, 2012.

100. Руи Гонзалес де Клавихо. Дневник путешествия испанского посла ко двору Тимура в Самарканд. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.e-samarkand.narod.ru/Clavijo.htm>
101. Умаров А. Проблема искусствознание Узбекистана. - Т.: «Фан», 1997.
102. Хайруллаев М. Основные предпосылки расцвета культуры в эпоху Темура и темуридов. / Тезисы международной научной конференции Амир Темур и его место в мировой истории. - Т.: «Узбекистан», 1996. с. 53-55.
103. Курбанов И.А. Санои нафис гурухи ижодий фаолияти. Малакавий битирув иши. 2017.

3.3.

104. Ахмедова Э.Р., Габидулин Р. Культура. мировая культура. - Т., 2001.
105. Алпатов М. 2 том истории искусств. VEB. Verlag der kunst. Drezden.
106. Альбом - Равшан. - Т.: «Шарк», 2014.
107. Ахмедов С. Самаркандский скульптор из Азербайджана. // art San'at. Выпуск №2, 01/07/2012. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://sanat.orexca.com/2012-rus/2012-2-2/sanat-samarkandskij-skulptor-iz-azerbaj/>
108. Волков Н.Н. Композиция в живописи. – М.: «Искусство», 1977.
109. Кадыров П. Бобур (Звёздные ночи). Два крыла творчества. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.litmir.me/br/?b=234059&p=1>
110. Маматов У. Эпоха Темуридов: проблемы и исследования. / Сборник научных статей: Таникли хайкалтарош – Илхом Жабборовнинг Амир Темур хайкали ҳамда бошқа бадиий ёдгорлик хайкаллари хусусида. Государственный музей Темуридов при АН. РУз. 2014.
111. Маматов У. Посвящается Памяти Мастера Ваяния, Скульптору Джалалиддину (Равшан) Миртожиеву. / Сбор. науч. тезисов: «Наука и культура в эпоху темуридов». Государственный музей Темуридов при АН. РУз. 2017.
112. Мирная И. Памятник Алишеру Навои в Шанхае. // Народное слово. [Эл.рес.]. Реж.дос.: <http://www.narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/madaniyat/item/9142-ramyatnik-alisheru-navoi-v-shankhae>.
113. Маматов У. Произведения исторического жанра изобразительного искусство Узбекистана, художников Сагдуллы Абдуллаева и Азизы Маматовой. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://gisap.eu/ru/node/941>
114. Орлова Е.Г. Мастер скульптурного портрета Жан-Антуан Гудон. // Искусство. Всё для учителя! №4, 2012. с. 20.
115. Уложения Амира Темура (Тузуклар).
116. Умаров А. Ўзбекистон санъати. - Т.: «Шарк», 2001.
117. Фархади Р. Портрет Художницы на фоне её картин. Нар. Слово, 1996.
118. Хакимов А.А. Баходыр Джалалов. Альбом каталог. 1999.

VI боб

4.1.

119. Беседа казахского писателя Шиханова с Чингиз Айтматовым. Исповедь на исходе века. / Тезисы международной научной конференции Амир Темур и его место в мировой истории, 1996.
120. Джелал ад-Дин Менгуберди [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://ru.wikipedia.org/wiki/Джелал_ад-Дин_Менгуберди.
121. Маматов У. Рассом ижодида афсонавий аёллар. // Мозийдан Садо. №4 (52), - Т., 2011.

122. Машраб, Боборахим. [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://ru.wikipedia.org/wiki/Машраб,_Боборахим
123. Новости Узбекистана. Запечатленная память. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://nuz.uz/kolumnisty/16609-zapечатlennaya-pamyat.html>
124. Скульптура ферганской долины. // art San'at. Выпуск №3, 11.10.2015. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://sanat.orexca.com/2013-rus/2013-3-2/skul-ptura-ferganskoj-doliny/>
125. Темурова Г. Певец женского образа. // San'at. №2, – Т., 2001.
126. Форум о Хорезме. «Новости Узбекистана» 30 августа – день учреждения ордена Джалалиддина Мангуберди. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://horazm.ixbb.ru/viewtopic.php?id=277>
127. Хайитметов А. Боборахим Машраб. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://litena.ru/books/item/f00/s00/z0000052/st001.shtml>

4.2.

128. Ахмедова Э.Р., Габидулин Р. Культура. мировая культура. - Т., 2001.
129. Ахмад Даниш. Наводир-ал-вакое. Ред. происшествия. - Т., 1964.
130. Алимова Д.А. История как история, История как наука. В 2-х т. Второй том. – Т.: «Узбекистан», 2009.
131. Абдуазизова Н. История национальной журналистики. стр. 13. [Эл.рес.].Реж.дос.:[http://n.ziyouz.com/books/jurnalistika/Nazira%20Abduazizova.%20Istorija%20natsionalnoy%20jurnalistiki%20\(1-chast\).pdf](http://n.ziyouz.com/books/jurnalistika/Nazira%20Abduazizova.%20Istorija%20natsionalnoy%20jurnalistiki%20(1-chast).pdf)
132. Ахмедов Б. Абдулхамид Чулпан. // Звезда Востока. №2, – Т., 2010. [Эл.рес.].Реж. доступа: <http://www.ziyouz.uz/ru/poeziya/uzbekskaya-sovremennaya-poeziya/650--1913-1944>
133. Бурханов М. Сокровищница души (Воспоминания). Бухара, 1998.
134. Государственный музей истории Узбекистана. Информация об интереснейших музеях Ташкента. [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://orexca.com/rus/tashkent_museum_history.shtml
135. Дом-музей Файзуллы Ходжаева. Файзулла Ходжаев - яркая личность на политической арене Бухары начала XX века. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <https://www.advantour.com/rus/uzbekistan/bukhara/fayzulla-khodjaev.htm>.
136. Иванов С. Усман Насыр. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://www.ziyouz.uz/ru/poeziya/uzbekskaya-sovremennaya-poeziya/650--1913-1944>
137. Каримов Н. / Махмудхўжа Бехбудий. – Т.: “Ўзбекистон”, 2011.
138. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
139. Каримов И.А. Наша высшая цель – независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. т.8 – Т.: «Ўзбекистон», 2000.
140. Муминов И. Избранные произведения. - Т., 1976.
141. Маматов У. Посвящается Памяти Мастера Ваяния, Скульптору Джалалиддину (Равшан) Миртожиеву. / Сборник научных статей: Замонавий бадий таълимнинг долзарб муаммолари. МРДИ, 2017.
142. Маматов У. История создания художницей Азизой Маматовой портретов поэтов и писателей Усмана Насыра, Абдуллы Кадыри и Абдулхамиды Чулпана. [Эл.ресурс]. Режим доступа: <http://gisap.eu/ru/node/20555>
143. Основы Духовности. С. 26. [Эл.рес.]. Режим дос: [http://library.tma.uz/uum2/uum-omh-gumanitar-fanlar/Маънавият%20асослари/На%20рус/nazorat-vataminot/Литраа/Osnovi_dux\(maruz\(rus%20tilida\)\).pdf](http://library.tma.uz/uum2/uum-omh-gumanitar-fanlar/Маънавият%20асослари/На%20рус/nazorat-vataminot/Литраа/Osnovi_dux(maruz(rus%20tilida)).pdf)

144. Умаров Э., Абдуллаев М., Хакимов Э. Культурология. Учебное пособие для ВУЗов. – Т.: «Янги аср авлоди», 2004.

145. Эльбек. [Эл.рес.]. Реж.дос.: <http://people.ziyounet.uz/ru/person/view/elbek>

4.3.

146. Алишер Навои-Поэмы. Библиотека всемирной литературы. Серия первая; т.26. – М.: «Художественная Литература», 1972.

147. Бжезинский, Збигнев. [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://ru.wikipedia.org/wiki/Бжезинский,_Збигнев

148. Бер А.И. Чингиз Айтматов: «...мир как сложная мозаика национальных культур Востока и Запада». [Электронный ресурс]. Режим доступа: https://infourok.ru/chingiz_aytmatov_mir_kak_slozhnaya_mozaika_nacionalnyh_kultur_vostoka_i_zapada-374251.htm

149. Глазунов В.В. Олигархические трансформации. [Текст]. В.В.Глазунов // Монография - Запорожъя. 2011. с. 363.

150. Инояттов К., Маматов У. Республика ёш олимлар кенгаши. / Сборник научных статей: Диалог с молодёжью: Проблемы и решения. Международная научно-практическая конференция. 2018.

151. Казакбаева Р. Перевод стихов Мухаммада Юсуфа (1954-2001). Узбекская современная поэзия. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://ziyouz.uz/ru/poeziya/uzbekskaya-sovremennaya-poeziya/652-1954-2001>.

152. Мустафаева Н.А. Мустамлака ва Совет даври тарихшунослигида Ўзбекистонинг XX аср маданияти. Доктор. диссертация автореферати. 2016.

153. Маматов У. О портретах Азизы Маматовой. [Эл.рес.]. Режим доступа: <http://greylib.align.ru/1089/ulugbek-mamatov-o-portretax-azizy-mamatovoj.html>

154. Муратханов В. Перевод стихов Рауфа Парфи (1943-2005). Узбекская современная поэзия. [Эл.рес.].Реж.дос.:<http://ziyouz.uz/ru/poeziya/uzbekskaya-sovremennaya-poeziya/703--1943-2005>

155. Маматов У. Аспекты исторического реализма в изобразительном искусстве. // Общественное мнение. Права человека. №2, – Т., 2017.

156. Озод Шарафиддинов (1929 - 2005). ziyouz.uz. [Эл.рес.] Режим доступа: <http://www.ziyouz.uz/ru/deyateli-uz/44-deyateli-nauki/70-2012-09-02-13-45-12>

157. Рахматова Д. Ильхом Джаббаров рассказал о тайне монумента «Скорбящая мать». [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://m.ru.sputniknews-uz.com/society/20170510/5374368/Djabbarov-Skorbyashaya-mama-pamyatnik.html>

ХУЛОСА

158. Ахмедова Э.Р., Габидулин Р. Культура. мировая культура. – Т., 2001.

159. Каримов И.А. Узбекистан на пороге XXI века условия безопасности и гарантии прогресс. Анализ понятия национально-духовного становления народа. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://bad915.narod.ru/osn/1.html>.

160. Морган Т. From papyrus to hologram: modern art in the context of evolution of culture. 5 с. 2013 год. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://files.gisap.eu/sites/files/digest/42-43-conference.pdf>

161. Нимейр О. Архитектура и общества. - М.: «Прогресс», 1975.

162. Указ Первого Президента Республики Узбекистан. Об организации Академии Художеств Узбекистана. Вестник, №1 (25). 1997.

ИЛОВАЛАР

I боб

1.1.

1. Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллиги байрами. Тошкент, Навоий кўчаси. 1968 йил.
2. Филология фанлари доктори, профессор Ҳамид Сулаймонов турмуш ўртоғи Фозила Сулаймонова билан. Фото Зухра Ашрабова архивидан.
3. Институт ходимларидан иборат илмий экспедиция Ленинградда. Фото Зухра Ашрабова архивидан.
4. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги адабиёт музейи экспонатлари.
5. Ўзбекистон Давлат санъат музейи.

1.2.

6. Раҳим Аҳмедов. “Шоира Саида Зуннунова ва ёзувчи Саид Аҳмад”. м/м. 130x100. 1978 йил. Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи.
7. Саъдулло Абдуллаев. “Ёш архитекторлар”. м/м. 150x150. 1976 йил. Караганда шаҳарини Бадиий галереяси.
8. Саъдулло Абдуллаев. “Тошкент оқшоми”. м/м. 130x100. 1974 йил. БҚД.
9. Жавлон Умарбеков. “Ҳусайн Бойқаро ва Алишер Навоий ёшлиғи”. м/м. 100x100. 1968 йил. Ўзбекистон Давлат санъат музейи.
10. Неъмат Қўзибоев. “Алишер Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро”. м/м. 120x100. 1968 йил. Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи.
11. Жавлон Умарбеков. “Катта сув”. м/м. 180x160. 1977 йил. Москва шаҳрини Марказий кўргазмалар биноси.
12. Жавлон Умарбеков. “Онгли инсон”. л/м. 300x200. 1980 йил. Лавҳа. Ўзбекистон Давлат санъат музейи.
13. Жавлон Умарбеков. “Онгли инсон”. л/м. 300x200. 1980 йил. Лавҳа. Ўзбекистон Давлат санъат музейи.
14. Азиза Маматова. “Механизатор қизлар”. м/м. 160x180. 1974 йил. Наманган шаҳри.
15. Азиза Маматова. “Саховат”. м/м. 160x180. 1986 йил. Ўзбекистон Давлат санъат музейи.
16. Азиза Маматова. “Сухбат”. м/м. 140x180. 1980 йил. Муаллиф мулки.

1.3.

17. Чингиз Ахмаров. “Ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг хорижий меҳмонлар шарафига уюштирилган қабули”. 14м/5м. Юлдуз кафеси. 1970 йил. Самарқанд шаҳри.
18. Чингиз Ахмаров. “Ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг хорижий меҳмонлар шарафига уюштирилган қабули”. 14м/5м. Юлдуз кафеси. 1970 йил. Самарқанд шаҳри. Лавҳа.
19. Чингиз Ахмаров. “Ҳукмдор Мирзо Улуғбекнинг хорижий меҳмонлар шарафига уюштирилган қабули”. 14м/5м. Юлдуз кафеси. 1970 йил. Самарқанд шаҳри. Лавҳа.
21. “Алишер Навоий” номидаги метро бекати. 1984 йил. Сопол паннодан лавҳа.
22. Комил Еникеев фотоси. “Алишер Навоий” номидаги метро бекати. 1984 йил.

23. Комил Еникеев фотоси. “Космонавтлар” метро бекати. 1984 йил.
20. Комил Еникеев фотоси. А. ва Б.Ганларнинг “Юрий Гагарин” медальони. 1984 йил. “Космонавтлар” метро бекати. Лавҳа.
24. Озод Хабибуллин. “Ёзувчи Ойбек”. 1984 йил. “Ойбек” метро бекати.
25. Озод Хабибуллин. “Қутлуғ қон”. 1984 йил. “Ойбек” метро бекати.
26. Баҳодир Жалолов. “Муқаррама Турғунбоева”. Фреска “Рақснинг туғилиши”. 3м/14м. «Баҳор» концерт зали. 1981 йил. Тошкент шаҳри. Марказий лавҳа.
27. Баҳодир Жалолов. “Рақснинг туғилиши”. 1981 йил. 3м/14м. «Баҳор» концерт зали. 1981 йил. Тошкент шаҳри. Лавҳа.
28. Баҳодир Жалолов. “Муסיқали драматик театр фойесига деворий сурат”. 5м/25м. 1987 йил. Қўқон шаҳри.
29. Баҳодир Жалолов. “Наврўз байрами”. 5м/25м. 1987 йил. Лавҳа. Қўқон шаҳри.
30. Баҳодир Жалолов. “Ўзбек театри тараққиёти тарихи”. 5м/25м. 1987 йил. Деворий сурат лавҳаси. Қўқон шаҳри.
31. Анвар Раҳматуллаев, Рувим Немировский ва Григорий Рёва. “Ал Хоразмий”. 1983 йил. Тошкент шаҳри.
32. Дмитрий Рябичев ва Қодир Салоҳиддинов. “Алишер Навоий”. 1968 йил. Тошкент шаҳри.
33. Михаил Аникушин. “А.С.Пушкин”. 1974 йил. Тошкент шаҳри.
34. Жавлон Умарбеков. “Миниатюрочи рассом Камолиддин Бехзод шогирдлари билан”. л/м. 200х120. 1970 йил. Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи.
35. Тимур Саъдуллаев. “Шоир Алишер Навоийнинг миниатюрочи Камолиддин Бехзод билан суҳбати”. л/т. 60х40. 1975 йил. Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи.
36. Жалолиддин (Равшан) Миртожиев. “Камолиддин Бехзод”. 2011 йил. Камолиддин Бехзод боғ-музейи ёдгорлиги.
37. Мирҳамид Собиров. “Камолиддин Бехзод” деворий сурат. 5м/3м. 2008 йил. Камолиддин Бехзод боғ-музейи ёдгорлиги.

II боб

2.1.

38. Маҳмуд Музаҳҳиб. Миниатюра “Алишер Навоий”. XV аср.
39. Владимир Кайдалов. “Алишер Навоий”. м/м. 180х100. 1947 йил. Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи.
40. Абдулҳақ Абдуллаев. “Шоир Алишер Навоий”. м/м. 100х80. 1981 йил. Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи.
41. Азиза Маматова. “Маърифатпарвар шоир Мир Алишер Навоий”. х/м. 120х80. 1995 йил. Муаллиф мулки.
42. Чингиз Ахмаров. “Нодирабегим”. м/т. 100х100. 1976й. Муаллиф мулки.
43. Чингиз Ахмаров. “Нодирабегим”. м/т. 70х60. 1970 йил. Ўзбекистон Давлат санъат музейи.
44. Азиза Маматова. “Нодирабегим”. м/м. 110х95. 2005й. Муаллиф мулки.
45. Ориф Муинов. “Нодирабегим”. м/м. 100х80. 2000 йил. Муаллиф мулки.

2.2.

46. Баҳодир Жалолов. “Кинорежиссёр Комил Ёрматов”. м/м. 200х120. 1975 йил. Ўзбекистон Давлат санъат музейи.

47. Баҳодир Жалолов. “Ҳужжатли кино устаси Малик Қаюмов”. м/м. 120x120. 1985 йил. Ўзбекистон Давлат санъат музейи.
48. Раҳим Аҳмедов. “Кинорежиссёр Шухрат Аббасов”. м/м. 170x130. 1986 йил. БКД.
49. Алишер Мирзаев. “Кинорассом Эмануэл Қалантаров”. м/м. 197x120. 1982 йил. БКД. ЎзБА.

2.3.

50. Абдулҳақ Абдуллаев. “Аброр Ҳидоятлов Отелло ролида”. х/м. 1946 йил. Ўзбекистон Давлат санъат музейи.
51. Абдулҳақ Абдуллаев. “Шухрат”. м/м. 85x70. 1972 йил. БКД. ЎзБА.
52. Абдулҳақ Абдуллаев. “Шукурулло”. м/м. 80x65. 1974 йил. БКД. ЎзБА.
53. Чингиз Ахмаров. “Мая Плисецкая”. м/т. 175x100. 1976й. Муал. мулки.
54. Чингиз Ахмаров. “Зулфия”. м/т. 150x100. 1965 йил. Ўзбекистон Давлат санъат музейи.
55. Раҳим Аҳмедов. “Карима”. м/м. 120x90. 1966 йил. Ўзбекистон Давлат санъат музейи.
56. Раҳим Аҳмедов. “Она ўйлари”. м/м. 120x100. 1956 йил. Ўзбекистон Давлат санъат музейи.
57. Малик Набиев. “Абу Райҳон Ал Беруний”. м/м. 126x100. 1973 йил. БКД. ЎзБА.
58. Малик Набиев. “Мирзо Бобур”. м/м. 120x100. 1970 йил. БКД. ЎзБА.
59. Азиза Маматова. “Абу Али ибн Сино”. м/м. 130x140. 1993 йил. Муаллиф мулки.
60. Неъмат Қўзибоев. “Абу Али ибн Сино”. м/м. 200x120. 1980 йил. Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи.
61. Неъмат Қўзибоев. “Муҳаммад Ибн Мусо ал Хоразмий”. м/м. 110x187. 1983 йил. БКД. ЎзБА.
62. Неъмат Қўзибоев. “Фурқат”. м/м. 180x120. 1978 йил. Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи.
63. Рўзи Чориев. “Сайроблик қария”. м/м. 90x75. 1979 йил. БКД. ЎзБА.
64. Рўзи Чориев. “Ботир Зокиров”. Шахсий коллекция.
65. Рўзи Чориев. “Шавкат Абдусаломов”. м/м. 190x160. 1985й. БКД. ЎзБА.
66. Азиза Маматова. “Чўпон Раҳимахон”. м/м. 120x90. 1975 йил. Урганч бадиий галереяси.
67. Азиза Маматова. “Бернара Қориева Анна Каренина образида”. м/м. 140x130. 1986 йил. БКД. ЎзБА.
68. Азиза Маматова. “Ойбек”. м/м. 100x80. 1983 йил. Ойбек уй-музейи.
69. Собир Раҳметов. “Ғофур Ғулом”. м/м. 140x145. 1985 йил. Ғофур Ғулом уй-музейи.
70. Тимур Саъдуллаев. “Ҳамид Сулаймонов”. м/м. 70x55. 1975 йил. Қатағон қурбонлари музейи.

III боб

3.1.

71. Камолиддин Бехзод. Миниатюра “Алломадар мажлиси” XV аср.
72. Камолиддин Бехзод. Миниатюра “Ҳусайн Бойқаро портрети” XV аср.
73. ЎзР ФА Темурийлар тарихи давлат музейи.

74. М.Набиев. “Ҳукмдор Амир Темур портрети”. м/м. 120x95. КП 118. 1994 йил. Темурийлар тарихи давлат музейи.
75. Акмал Икромжонов. “Мирзо Улуғбек портрети”. м/м. 120x95. КП 111-3. 1999 йил. Темурийлар тарихи давлат музейи.
76. Акмал Икромжонов. “Мирзо Улуғбек портрети”. м/м. 86x81. КП 2-86. 1993 йил. Темурийлар тарихи давлат музейи.
77. Азиза Маматова. “Мирзо Бобур портрети”. м/м. 120x95. КП 111-10. 1999 йил. Темурийлар тарихи давлат музейи.
78. Эркабой Машарипов. “Умаршайх Мирзо Баҳодир портрети”. м/м. 120x95. КП 111-1. 1999 йил. Темурийлар тарихи давлат музейи.
79. Ш.Бахриддинов. “Абдулло Мирзо портрети”. м/м. 120x95. КП 111-5. 1999 йил. Темурийлар тарихи давлат музейи.
80. Собир Раҳметов. “Султон Аҳмад Мирзо портрети”. м/м. 120x95. КП 111-7. 1999 йил. Темурийлар тарихи давлат музейи.
81. Алишер Аликулов. “Султон Ҳалил Мирзо портрети”. м/м. 120x95. КП 111-2. 1999 йил. Темурийлар тарихи давлат музейи.
82. Акмал Нуриддинов. “Бобур Мирзо”. м/м. 120x100. 1996 йил. Шахрисабз Амир Темур номидаги моддий маданият тарих музейи.
83. Акмал Нуриддинов. “Бобур Мирзо”. м/м. 110x90. КП 36-33. 1996 йил. Темурийлар тарихи давлат музейи.
84. Жавлон Умарбеков. “Амир Темур портрети”. м/м. 125x100. 1996 йил. Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлиги.
85. Жавлон Умарбеков. “Мирзо Бобур портрети”. м/м. 125x100. 1996 йил. Ўзбекистон Республикаси Ташқи Ишлар Вазирлиги.

3.2.

86. Ян Гевелиянинг “Юлдузлар каталоги” гравюраси XVII аср.
87. М.Азлархўжаев, Б.Олимжонов, Ш.Бахриддинов. “Мирзо Улуғбек ва унинг мактаби”. м/м. 200x220. КП 36-39. 1996 йил. Темурийлар тарихи давлат музейи.
88. Алишер Аликулов. “Амир Темур кўшинининг Тўхтамиш устидан ғалабаси”. м/м. 150x230. КП 36-5. 1996й. Темурийлар тарихи давлат музейи.
89. А.Аликулов, А.Агаханян, З.Гулметов. “Амир Темур жаҳон тарихида”. Л. 4м/12м. 2001 йил. Ўзбекистон тарихи давлат музейи.
90. А.Аликулов, А.Агаханян, З.Гулметов. “Амир Темур жаҳон тарихида”. Л. 4м/12м. 2001 йил. Ўзбекистон тарихи давлат музейи. Лавҳа.
91. Саъдулло Абдуллаев. “Ўзбек Уйғониш даври”. м/м. 170x150.1997 йил. Марказий офицерлар уйи.
92. Саъдулло Абдуллаев. “Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро Ҳиротда”. м/м. 170x150. 1991 йил. БҚД. ЎзБА.
93. Жавлон Умарбеков. “Етти сайёра ҳукмдори”. л/м. 200x500. 1995 йил. Ўзбекистон тарихи давлат музейи.
94. Жавлон Умарбеков. “Етти сайёра ҳукмдори”. л/м. 200x500. 1995 йил. Ўзбекистон тарихи давлат музейи. Лавҳа.
95. Жавлон Умарбеков. “Етти сайёра ҳукмдори”. л/м. 200x500. 1995 йил. Ўзбекистон тарихи давлат музейи. Лавҳа.
96. “Санойи-нафис” бирлашмаси. Т.Болтабоев, Х.Назирова, А.Камолов, С.Қорабоев. Темурийлар даври тарихи музейидаги Амир Темур ҳукмдорлиги бағишланган деворий сурат. л\т. 200 кв.м. 1996 йил.

3.3.

97. Илҳом ва Камол Жабборовлар. “Амир Темура ҳайкали”. 1993 йил. Тошкент шаҳри.
98. Жалололидин (Равшан) Миртожиев. “Мирзо Бобур ҳайкали”. 1993 йил. Андижон шаҳри.
100. Жалололидин (Равшан) Миртожиев. “Мирзо Улуғбек ҳайкали”. 2004 йил. Рига шаҳри.
101. Жалололидин (Равшан) Миртожиев. “Алишер Навоий ҳайкали”. 2004 йил. Токио шаҳри.
102. Азиза Маматова. “Шоҳ Бобур Мирзо (Армон)”. м/м. 110x140. 2017 йил. Муаллиф мулки.
103. Эйнул Алиев, Нодар Бондзеладзе ва Василий Дегтярев. “Алишер Навоий ёдгорлиги”. 1991 йил. Тошкент шаҳри.
104. Анвар Раҳматуллаев ва Леонид Рябцев. “Мирзо Улуғбек ҳайкали”. 1994 йил. Тошкент шаҳри.
105. Баҳодир Жалолов. “Абадийлик гумбази остида”. 1995 йил.
106. Баҳодир Жалолов. “Абадийлик гумбази остида”. 1995 йил. Лавҳа.

VI боб

4.1.

107. Илҳом Жабборов. “Боқий ва кўҳна Бухоро ёдгорлиги”. 2010 йил. Бухоро шаҳри.
108. Саъдулло Абдуллаев. “Хожа Аҳмад Яссавий”. м/м. 60x80. 1993 йил. Муаллиф мулки.
109. Азиза Маматова. “Мулоқот”. м/м. 70x90. 2018 год. 2018 йил. Муал. мул.
110. Тўра Курязов. “Султон Жалололидин Мағуберди”. м/м. 100x80. 2001 йил. Ўзбекистон тарихи давлат музейи.
111. Илҳом Жабборов. “Жалололидин Манғуберди ҳайкали”. 1999 йил. Урганч шаҳри.
112. Ориф Муинов. “Тўмарис”. м/м. 90x80. 1995 йил. Муаллиф мулки.
113. Ориф Муинов. “Бибихоним”. м/м. 80x60. 1996 йил. Муаллиф мулки.
114. Илҳом Жабборов. “Бобораҳим Машраб ҳайкали”. 1992 йил. Наманган шаҳри.
115. Азиза Маматова. “Бобораҳим Машраб”. м/м. 120x100. 1992 йил. Наманган шаҳри.

4.2.

116. Муҳаммад Нуриддинов, Эмяр Мансуров, Акмал Икромжонов, Собир Раҳметов ва бошқалар. “Унутилмас Сиймолар” туркумидан лавҳалар. м/м. 55x45. 1999 йил.
117. ЎзР ФА Ўзбекистон тарихи давлат музейи.
118. Алишер Алиқулов ва унинг ҳамкасблари. “Жадидчилик ҳаракати ва 1892 йилдаги Жиззах кўзғалони”. 2001 йил. Ўзбекистон тарихи давлат музейи.
119. Алишер Алиқулов ва унинг ҳамкасблари. “Жадидчилик ҳаракати ва 1892 йилдаги Жиззах кўзғалони”. 2001 йил. Ўзбекистон тарихи давлат музейи. Лавҳа.
120. Азиза Маматова. “Усмон Носир”. м/м. 100x80. 1990й. Шахсий коллек.
121. Азиза Маматова. “Абдулла Қодирий”. м/м. 100x80. 1989 йил. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ҳузуридаги Давлат Академияси

122. Азиза Маматова. “Абдулхамид Чўлпон”. м/м. 100x80. 1992 йил. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Тарих Институту.
123. Азиза Маматова. Ҳайкалтарош “Джалолиддин (Равшан) Миртожиев”. л\м. 100x70. 2017 йил. Муаллиф мулки.
124. Жалолиддин (Равшан) Миртожиев. “Элбек”. 1998 йил. Ғазалкент шаҳри.
125. Жалолиддин (Равшан) Миртожиев. “Абдулхамид Чўлпон”. 1997 йил. Андижон шаҳри.
126. ЎзР ФА “Шаҳидлар хотираси” ёдгорлик мажмуи. Тошкент шаҳри.

4.3.

127. Азиза Маматова. “Рауф Парфи”. 1994 йил. м/м. 80x80. Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи.
128. Азиза Маматова. “Озод Шарафиддинов”. л/м. 60x50. 2005 йил. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъдод” жамғармаси раҳбариятида сақланади. 2005 год.
129. Азиза Маматова. “Муҳаммад Юсуф”. м/м. 140x100. 2001-2014 йил. Муаллиф мулки.
130. Азиза Маматова. “Чингиз Айтматов”. л/м. 84x66. 2005 йил. Муаллиф мулки.
131. Рембрандт Ван Рейн “Адашган ўғилнинг қайтиши” XVI аср.
132. Илхом Жабборов. “Хотира ва кадрлаш майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали”. 1999 йил. Тошкент шаҳри.

Шартли қисқартмалар

м/м – мато, мойбўйок;

м/т – мато, темпера;

л/м – левкас, мойбўйок; л/т - левкас, темпера;

БКД – Бадий кўргазмалар дирекцияси;

ЎзБА – Ўзбекистон Бадий Академияси.

Монография устида ишлаш ва уни нашр қилиш жараёнида қўллаб турган ва ёрдамни аямаган азизлар ва кадрли тақризчиларга чуқур миннатдорчилигимни билдираман



Илмий-оммабон нашр

Улуғбек Маматов

**ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИДА
ТАРИХИЙ ЖАНРДАГИ ТАСВИРИЙ
САНЪАТ АСАРЛАРИ
(XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошлари)**

Нашриёт муҳаррири: Маҳкам Маҳмудов
Мусахҳиҳа: Камола Болтабоева
Техник муҳаррир: Бехзод Болтабоев

«MUMTOZ SO‘Z»
маъсулияти чекланган жамияти
нашриёти

Нашриёт лицензияси АИ № 103. 15.07.2008
Босишга рухсат этилди 17.05.2018
Қоғоз бичими 60x84 1/16. Офсет қоғози.
Times New Roman гарнитураси. Ҳисоб-нашриёт тобоғи 26,0.
Шартли босма тобоғи 30,0. Адади: 100 нусха.

Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел: 241-60-33
E-mail: mutoz_soz@mail.ru

«MUMTOZ SO‘Z»
маъсулияти чекланган жамиятининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси, 69.
Тел: 241-81-20

